

Ю. Ф. МАҲМУДОВ

# ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

(қизиқарли савол-жавоблар  
ва маълумотлар)

ЭЛ-ЕМЕНТЛАР ГУРУХЛАРИ						
II	III	IV	VI	VII	VIII	
Be	B	C	N	O	F	(H)
Бериллик БЕРИЛЛИЙ	БОР БОР	СИЛИЦИЙ СИЛИЦИЙ	НИТРИЙ НИТРИЙ	ОКСИДИ ОКСИДИ	ФЛУОРИДИ ФЛУОРИДИ	
Mg	Al					Fe
Магний МАГНИЙ	АЛЮМИНИЙ АЛЮМИНИЙ					СО
Ca	S					Rh
Алуминий КАЛЬЦИЙ	СИЛИЦИЙ СИЛИЦИЙ					КОВАЛИЙ КОВАЛИЙ
Zn	Ga					
ЗИНК ЗИНКИЙ	ГАДДИЙ ГАДДИЙ					
Sr	Y					
СТРОНЦИЙ СТРОНЦИЙ	НИТРИЙ НИТРИЙ					
Cd	In	Sn				
Цадмий ЦАДМИЙ	Индий Индий	СИЛИЦИЙ СИЛИЦИЙ				
Ba	La*	H	Tl			
БАРИЙ БАРИЙ	Лантан ЛАНТАНИЙ	ГИДРОГЕН ГИДРОГЕН	Таллий ТАЛЛИЙ			
Hg	Tl	Pb	At			
Ртуть РТУТЬ	Таллий ТАЛЛИЙ	Пб Пб Сандакан	Атакам Атакам			
Ra	Ac*	Rf	Dy	Bh	Hs	Mt
Радий РАДИЙ	Актиний АКТИНИЙ	Ревериорий РЕВЕРИОРИЙ	Дибоний ДИБОНИЙ	Бх Бх Бороний	Хасим ХАСИМ	Меттернай МЕТТЕРНАЙ
Ro	R <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Ro <sub>2</sub>	R <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	O <sub>2</sub>	O <sub>7</sub>	Ro <sub>4</sub>
		RH <sub>4</sub>	R <sub>1</sub>	R	HR	
О И А д и						
Nd	Pm	Sm	Eu	Gd	Tb	Dy
Нодим НОДИМ	Прометий ПРОМЕТИЙ	Самарий САМАРИЙ	Европий ЕВРОПИЙ	Гадолиний ГАДОЛИЙ	Титаний ТИТАНИЙ	Дибоний ДИБОНИЙ
U	Np	Pu				
Уран УРАН	Нептуний НЕПТУНИЙ	Пачоний ПАЧОННИЙ				
Es	Fm	Md				
Эсбиний ЭСБИНИЙ	Фермий ФЕРМИЙ	Менделевий МЕНДЕЛЕВИЙ				

ЗАКОВАТ КАЛУТ

4

Ю. Е. МАҲМУДОВ

# ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

(қизиқарлы савол-жавоблар ва маълумотлар)



ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 61:54(075)

КБК: 24.1

М-32

Табобатда кимё ва биология : (қизиқарли савол-жавоблар ва маълумотлар) / -Т.: DIZAYN-PRESS,  
2013. 280 б.

УЎК: 61:54(075)

КБК: 24.1

Ушбу қўлланмада тиббиёт, кимё, биология фанлари интеграциясига доир 2220 та қизиқарли савол-жавоб ҳамда донишманларнинг табобатга оид 782 та маслаҳатлари берилган.

Мазкур қўлланма умумий ўрта, ўрта маҳсус ва қасб-хўнар, олий таълим муассасалари ўқувчи — талабаларига, профессор-ўқитувчиларга, илмий изланувчиларга, шунингдек кўп сонли китобхонларга мўлжалланган.

*Масъул мухаррирлар:* Ҳ. ЗИЁЕВ – кимё фанлари доктори,  
профессор;

Ҳ. Т. ОМОНОВ – педагогика фанлари  
доктори, профессор.


*Такризчилар:* А. АБДУШУКУРОВ – кимё фанлари доктори,  
профессор;

Ш. ХУРРАМОВ – биология фанлари доктори,  
профессор;

Н. РУСТАМОВА – Республика ихтинослаштирилган  
мусиқа ва синъат академик лицейи-  
нинг олий тоифали кимё ўқитувчиси.

Республика ихтинослаштирилган мусиқа ва синъат академик лицей педагогик Кенгашининг 2013 йил 12 ноябрядаги 2-сонли баён-номасига асосан нашрга тавсия берилган.

ISBN 978-9943-20-135-4



© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти. 2013

## КИРИШ

Мазкур құлланмани "Табобатда кимё ва биология" деб номланиши бежиз әмас. Моддий оламдаги әнг буюк ва мұкаммал ўзгаришлар силсиласидан ҳаёт деб аталадиган мұйжиза содир бўлади. Жонли ва жонсиз табиатнинг диалектик алоқаси соат механизмидек созланган тизим бўлиб, унда ҳаёт гултожи сифатида қадрланадиган инсон геобиоерархик шажара шоҳсупасининг әнг олий пиллапоясига кўтарилган.

Афсуски, шундай олий даражадаги жонзор ҳали-ҳануз ўзини ва уни ўраб турган муҳитни тўла англаб етмагандек туюлади. Тириклик аталмиш мұйжизага әнг катта зарап айнан инсон томонидан етказилмоқда. Ҳозирги даврда шаклланган кескин экологик вазиятга одамзот билан боғлиқ антропоген омил бош сабабчи. Инсониятнинг экологик савиғаси, онги, тафаккури ва маданияти айни дамларда ҳам талаб даражасида әмас.

Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг сultonи Алишер Навоий бундан беш аср муқаддам "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам", деганда ҳақ әди. Дарҳақиқат, әнг аввало, инсон ўзини, ўзлигини, ўзининг ботиний ва зоҳирий дунёсини англаб етсанына унинг яшаш ва турмуш тарзини таъминловчи ташқи дунё қадрига етиши мумкин.

Маълумки, ҳар қандай организм учун бажарилиши шарт бўлган 4 та ўта муҳим талаб мавжуд:

1) атроф-муҳит билан бўладиган, ўлим содир бўлгунича бетўхтов, узлуксиз давом этадиган модда ва энергия алмашинуви (ассимиляция – диссимилияция, анаболизм – катаболизм); 2) ўсиш (миқдор ўзгаришлари); 3) ривожланиш (сифат ўзгаришлари); 4) кўпайиш (насл қолдириш).

Ер атмосферасидаги ҳаёт элементлари тарқалган зона – биосфера дейилиб, унинг массаси  $10^{13}$ – $10^{15}$  т ни ташкил этади (қуруқ модда ҳисобида). Биосферадаги туғилиш, ўлиш, кўпайиш, ўсиш, ривожланиш, мутация (ирсий ўзгарувчанлик), анаболизм (ассимиляция – тўплаш, ўзлаштириш, қабул қилиш), катаболизм (парчалаш, ўзгартириш, қайта қуриш,

## **Ю. Е. МАХМУДОВ**

чиқариш), метаболизм (оралиқ модда ва энергия алмашинуви); фото – ва хемосинтез, ачиш, бижғиши, чириш (секин оксидланиш) ва ёниш (тез оксидланиш) жараёнлари эвазига кенг күламдаги модда ва энергия миграцияси (күчиши, силжиши), қайта ўзгариши (трансформацияси) ва түпланиши (аккумуляцияси) содир бўлиб туради. Масалан, ўсимликлар ҳар йили атмосферадан  $6,5 \cdot 10^{11}$  т карбонат ангидридни ўзлаштиради ва атмосферага  $3,5 \cdot 10^{11}$  т кислород чиқаради. Шундай ўзгаришлар асносида тупроқдан  $5 \cdot 10^9$  т га яқин азот,  $10^9$  т га яқин фосфор ва  $1,5 \cdot 10^{10}$  т атрофида турли минерал моддалар ўзлаштирилади. Айнан шу ўзгаришлар давомида Куруқ модда ҳисобидаги  $3,8 \cdot 10^{11}$  т биомасса ҳосил қилинади.

Тупроқда эркин ҳолда яшовчи ва азот ўзлаштирувчи ҳамда туганак бактериялар ҳар йили атмосферадан  $10^8$  т молекуляр азотни боғлаб берадилар. Ҳар 2000 йиллик муддатда атмосферадаги жами кислород Ер сайденасидаги тирик моддалар орқали ўзлаштириб ўтказилади. Ҳар куни Ер куррасида  $10^9$  т органик бирикмалар сув ва карбонат ангидридгача утилизация қилинади. Куруқликдаги биомасса ҳар 200 йилда тўла янгиланиб ултуради.

Тирикликтининг энг оддий бирлиги бўлмиш ҳужайрада бир неча минг турдаги модда мавжуд бўлиб, улар бетўхтов ўзгаришларга учраб турадилар. Оддий бактериал ҳужайрада  $3 \cdot 10^8$  га яқин сондаги ва  $5 \cdot 10^3$  га яқин номдаги органик бирикмаларнинг, чексиз миқдордаги сув ва минерал моддалар (туз ва ионлар)нинг молекулалари учрайди.

Антрапоген ва техноген, демографик ҳамда урбанизацион, цивилизацион ва аграр-иқтисодий омиллар эвазига тугаб борувчи захира (ресурс)ларга қирон келтирилмоқда, флора ва фаунага ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада зарар етказилмоқда, чучук сув захираси тугаб бормоқда, тупроқ, ҳаво ҳамда сув каби моддий қадриятларга даволаб бўлмайдиган ўлчамда озор берилмоқда. Маълумотларга кўра, дунё ўрмонининг учдан бир қисми йўқ қилинди, тупроқ эрозияси 25 фоиздан ортиб кетди, шўрланиш 30 фоиздан юқорига

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

кўтарилиди, етиширилган ҳосилнинг тўртдан бир қисми аҳоли дастурхонига етиб келмасдан нобуд бўлмоқда, дунё аҳолисининг 10 фоиздан ортиги очарчилик шароитида яшашмоқда, 25 фоиздан кўпроғи тўйиб овқатланишмайди, 40 фоиздан зиёд қисми тўлақонли озуқа рационига, 60—70 фоиз аҳоли ичиш учун яроқли сув манбаига эга эмас.

Шундай вазиятда оммавий экологик, тиббий, иқтисодий, табиий-илмий саводхонликни ошириш ўта зарур. Объектив оламдаги энг зарурий ва муҳим омилларни англаб олиш, сабаб — оқибатли ўзгаришларнинг туб мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, ўз-ўзини ва теварак-олам, атроф-муҳит ҳамда жонли ва жонсиз табиат вакиллари ўртасидаги алоқадорлик, ўзаро таъсир механизмини энг содда даражаларигача билиб олиш учун миллий ва умумбашарий маърифат лозим.

Масала, агар ана шундай призматик таҳлил қилинса, ушбу ўқув-услубий қўлланмадаги маълумот ва материаллар қанчалик даражада муҳимлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Ўқув-услубий қўлланмадаги бой ва хилма-хил жамғарма кўпчилик китобхонлар учун фойдали ҳамда қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

## **МАСЛАҲАТ ВА ТАВСИЯЛАР**

1. Абу Али ибн Сино узоқ яшаш хусусида фикр юритиб, инсон қуийдаги қоидаларга эътибор бериб яшashi зарурлигини айтган:

- а) гўзал табиятга ошнолик;
- б) ўз вақтида овқатланиш, таомларни мижозига кўра танлаб ейиш, ичиш;
- в) танани чиқиндилардан тозалаш, ойда сано ичиш, ҳафтада ҳаммомга бориш;
- г) қадди-қоматни тўғри тутиш ва тўғри юриш;
- д) кийимни тоза ва яхшисини кийиш, тор кийим киймаслик;
- е) бурун орқали тоза ҳаводан нафас олиш;
- ё) ҳар доим жисмоний ва руҳий ҳаракатда бўлиш;
- ж) кенг ва озода хонада яшаш;
- з) тўйиб ухлаш, ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиш, бадан тарбияси билан шуғулланиш;
- и) меҳр-оқибатли қариндош бўлиш;
- й) суҳбат қилиш учун содиқ дўстларнинг бўлиши;
- к) инсоннинг ўзи ахлоқли, иродали, сабр-тоқатли бўлиши.

2. Абу Али ибн Сино иғир ўсимлиги иллизпоясидан тайёрланган қайнатмани пешоб ҳайдовчи дори сифатида тавсия қиласди. Қайнатма тайёрлаш учун идишга 3 стакан сув қуйиб, устига 15 г майдаланган иғир ўсимлигининг иллизпоясидан солинади ва 15 дақиқа қайнатиласди. Совигач, докада сузиб, кунига 3 маҳал чорак стакандан ичиласди.

3. Абу Али ибн Сино рўян илдизидан тайёрланган қайнатмага озгина асал қўшиб сариқ касали (жигар, талоқ ва қора жигар) шишларига ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида тавсия қиласган. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйиб, устига майдаланган рўян

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

илдизидан бир чой қошиқ солинади, 10 дақықа қайнатилади, сүнгра асал қўшиб, кунига 4 маҳал ярим стакандан ичилади.

4. Абу Али ибн Сино: рўян илдизи қайнатмасига узум сиркаси қўшиб, темираткига қўйилса, уни тузатиб, теридаги турли доғларни йўқотади.

5. Абу Али ибн Сино каврак ўсимлигининг елим-смоласини жигар, сариқ, талоқ, меъда, буйрак касалликларида ҳамда сийдик ҳайдовчи сифатида bemорга ҳаб дори шаклида кунига 3 маҳал берган.

6. Абу Али ибн Сино беданани озиқлантириш ва семиртириш учун сариёф суртиш кераклигини айтади.

7. Абу Али ибн Синонинг аниқлашича, анжир шарбати эмизикли аёллар сутини кўпайтиришга ёрдам берар экан. Шарбат тайёрлаш учун 15–20 г анжир мева қоқиси олиниб, 200 г қайноқ сувда 20 дақиқа дамланади. Шу дамламадан кунига 3–4 маҳал 1–2 стакандан ичилади.

8. Абу Али ибн Сино: шотут баргининг суви билан оғиз чайилса, тиш оғриги қолади.

9. Абу Али ибн Сино айтадики, "Наъматакнинг барча хиллари тозаловчи ва суюлтирувчиdir ҳамда турли тиқилмаларни очувчи, томоқдаги ва бодомсимон безлардаги шишилар учун фойдалидир, кусишини ва ҳиқиҷоқни тўхтатади. Айниқса, унинг ёввойи тури яхши" деб таъкидлайди.

10. Абу Али ибн Сино уйқусизликда ва безовта бўлганда ошқовоқнинг қайнатмасига асал қўшиб, ярим стакандан ичишни тавсия этган.

11. Абу Али ибн Синонинг айтишича, ялпиз қиздирувчи ва буриштирувчи кучга эга. Ялпиз меъданни мустаҳкамлайди, ҳиқиҷоқни тўхтатади, овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради, юракни бақувват қиласи. Ярим литрли чойнакка 4 та ялпиз барги солиниб, устига озгина қора чой солиб дамланади. Шу дамлама чойга ўхшатиб ичиб турилади.

12. А витамини етишмаслиги шабкўрликнинг содир бўлишига олиб келади. А витамини сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин ва сут маҳсулотлари таркибида кўп учрайди.

13. Абу Али ибн Сино шундай дейди: укроп-шивит совук хилтларни пиширувчи, оғриқларни тинчлантирувчи ва

елларни ҳайдовчилир. Укроп шишлиарни пиширади, дамламаси малҳам сифатида ишлатилади.

14. Абу Али ибн Сино итгузумнинг шишлиарни қайтариш хусусиятини билганлиги боис қуритилмаган ўсимликни майдалаб эзиб, шишиган жойларга боғлашни тавсия этган.

15. Абу Али ибн Сино гулхайри илдизи, барги ва уруғидан тайёрланган дамламани малҳам сифатида шишига қўйган.

16. Абу Али ибн Сино шиллиқли шишлиар, қонталаш ва кўкарган жойларга тограйҳон уругини асал билан қўшиб суртишни тавсия этган.

17. Абу Али ибн Синога кўра: агар инсонда орқа тешик ёки эркаклар олати шишиса, куйидаги муолажани қилиш керак: алоэни олиб эзиб узум шарбати ёки асал билан тенг миқдорда аралаштириб, шишиган жойларга суртилса, яхши фойда қиласди.

18. Абу Али ибн Сино бўйимодаронни бел оғриғи, эт узилиши, лат ейиш сингари ҳолатларда ишлатган.

19. Абу Али ибн Сино сийдик йўлидаги ва қовукдаги яраларда, ўсма, шиш ва бошқа касалликларни даволашда 0,07 г мумиёни мева шарбатига аралаштириб, кунига бир мартадан бир ой давомида ичишни тавсия этган.

20. Абу Али ибн Сино шундай дейди: мурчни ёғ билан тенг миқдорда қўшиб увишган жойга суртиб турилса, увишиш тез кунда қолади.

21. Абу Али ибн Сино эслаш қобилиятини кучайтиришда ва ақлни яхшилашда занжобил ўсимлигини ишлатган. Уни майдалаб туйиб, бир чой қошигини 0,5 л совуқ сувга солиб, 5 дақиқа қайнатиб, сўнгра устига озгина қора чой солиб, қанд, асал билан чойга ўхшагиб ичилади.

22. Абу Али ибн Сино юраги хасталарга тухумнинг сарифини пишириб ёки илитиб истеъмол қилишни буюради.

23. Абу Али ибн Сино лимон ўт ўсимлигини юрак фаолиятини яхшилаш учун ишлатган.

24. Абу Али ибн Сино юраги оғриб юрадиган кишиларга уч кун бир маҳалдан зирани майдалаб ярим чой қошиқдан ичирган. Шу тариқа бемор юраги бақувват бўлгаён.

25. Абу Али ибн Сино қора андизни юракка куч багишловчи омил сифатида тавсия этган. Бунинг учун қора андиз

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

илдизидан 100 г олиб, бир л сувга солиниб, 15 дақиқа қайнатилади. Ушбу қайнатма чой ўрнида ичилади.

26. Абу Али ибн Сино яраларни даволашдан олдин жароҳатни йиринглаштириш, кейин йирингдан тозалашни тавсия этади. Бунинг учун энг аввало, баданни сафродан тозалаш, ошқовок, арпа сувларидан ичишни буоради.

27. Абу Али ибн Сино шундай дейди: одам битиши қийин бўлган оғиз ёки бурундаги яраларга алоэни эзиб, кунига 3 маҳалдан суртса, тез кунда шифо топгай.

28. 5 г майдалангандан ёнғоқ барги бир стакан қайнаб турган сувда дамланади. Шу дамламадан докага шимдириб яраларга кўйилади. У йирингни тозалаб, ярага шифо бўлади.

29. Абу Али ибн Сино шундай дейди: агар одам танасида қонталаш бўлса, турп уруги майдаланиб, ун қилиб хамир қилинади. Ушбу малҳам қонталашган жойларга суртиб турилса, киши шифо топади.

30. Абу Али ибн Сино қанд касали бор беморларни қуидагича даволашни маслаҳат беради: Эчки, қўй сутини ивитиб қатиғидан зардоби ажратилади, кейин бир қайнатиб олиб совитилади ва салқин жойда сақланади. Ундан ҳар куни кўнгил тусагунча ичилади. Бир ой ичидаги бемор ўзини анча тетик сеза бошлайди.

31. Абу Али ибн Сино ўрик мевасига дарахт танасидан ажраладиган елимни аралаштириб, ундан дамлама тайёрлаб чой сифатида қанд касаллигига мунтазам ичиб юришни тавсия этади.

32. Абу Али ибн Сино салқин жойда қуритилган қовун пўчогининг дамламаси буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаш хусусиятига эга эканлигини айтган. Шу билан бир қаторда паришонхотирлик, лиққинафаслик, бод, беланги, сил, камқонлик, турли жигар касалликларини даволашда ҳам унинг фойдаси борлигини маълум қиласиди. Даволаш мақсадларида ишлатиладиган қовун дориланмаган бўлса, янада яхши бўлади.

33. Абу Али ибн Сино нўхатни ивитиб, чалалигига уни яхшилаб эзиб, шундан 2–4 ош қошигини олиб чойнакка солиб,

аччиқ қилиб дамлаб, қовуғида тош бор bemорга тошини майдалаб тушириш учун ичишни тавсия этган.

34. Абу Али ибн Сино равоч ўсимлиги илдизи ва мевасидан дамлама тайёрлаб қизамиқ чиққан болаларга ичишни тавсия этган.

35. Абу Али ибн Сино шўр сувни қўтириш ва қичимага фойдали ҳисоблайди.

36. Абу Али ибн Сино қулоғи шангиллаган кишиларга, шунингдек қулоғида йиринг ва сув пайдо бўлганида, пиёзни қирғичдан ўтказиб, унинг сиқиб олинган сувини қулоқда томизишни буюрган.

37. Абу Али ибн Сино итузумнинг қуритилмаган баргини қулоқ остидаги ва миядаги шишларга боғлашни тавсия этган. Қулоқ ичидаги шиш ва яраларга эса, баргни майдалаб эзиб, шираси қулоққа томизилса шифо бўлишини айтган.

38. Абу Али ибн Сино тограйҳон ўсимлигидан аччиқ қилиб дамлаб, қулоқ оғриғига қўйилса ё томизилса яхши шифо бўлади, деб айтган. Дамлама тайёрлаш учун 2 чой қошиқ майдаланган тограйҳон олиниб, 400 г қайноқ сувда дамланади, 10–15 дақиқадан сўнг шу дамлама докада сузиб олиниб, кун давомида қулоққа 3 маҳал 3–4 томчидан томизилади.

39. Абу Али ибн Сино беҳини астма касаллигини даволашда қўллаган. Беҳи уругининг бир қошиғидан тайёрланган маҳсус дамлама балғам кўчиришда ва енгил нафас олишга яхши ёрдам беради. Беҳи мевасининг уругини олиб ташлаб, ичига думба ва асал солиниб, қопқоғи ёпилиб, қофоз пакетга солиниб, газ духовкасида паст оловда 20–30 дақиқа пиширилади. Тайёр беҳи иссиқлигига истеъмол қилинади, ажралиб чиққан ширасини ҳам ичиш зарур. Истеъмолдан кейин чуқур нафас олиш керак, балғамлар пишиб кўчиши осонлашади. Муолажани 10 кун тақрорлаш лозим.

40. Абу Али ибн Сино "Ҳар куни нонуштада йигирма бир дона майиз еб турилса, танадаги балғамни тезда даф қилишини унутма" деган.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

41. Абу Али ибн Сино "Агар тутни қайнатиб асал билан қўшиб еб турилса, оғзидан сув қелишини йўқотади ҳамда балғамни кетказади" деган.

42. Абу Али ибн Сино аччиқ бодомнинг уруғи ва мойини йўтада, астмада, ўпка силида, қон тупуришда ишлатган.

43. Абу Али ибн Сино эрмон (аччиқ шувоқ)нинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламасидан аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтирувчи дори сифатида фойдаланган. Эрмон ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига қуритилган ва майдаланган ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб дамланади. Сўнгра докада сузиб, кунига 3 маҳал овқатдан яrim соат олдин чорак стакандан ичилади.

44. Абу Али ибн Сино "қорақант (барбарис)ни қўйиб боғласа, иссиқ шишлирга фойда қилади", дейди.

45. Абу Али ибн Сино бўйимодароннинг ер устки қисми қайнатмасига ўтирилса, ҳайз қонини юриштиради, бачадондаги яраларга фойда қилади, дейди.

46. Абу Али ибн Сино олма билан бел оғригини ёки сурункали бодни даволаган. Фойдаланиш усули: агар бел оғриғи буйракдаги тошлардан бўлса, 3–5 тадан олмани кунига 3–4 маҳал истеъмол қилиб турилади ёки олма шарбати ва дамламасини кунига 3–4 маҳал 1 стакандан ичиб турилади. Бунинг натижасида буйракдаги ва сийлик йўлидаги майда тошлар кетади, бир ҳафтада бел оғриғи шифо топади.

47. Абу Али ибн Сино бели оғриганда шолғомни гўшт билан қайнатиб пишириб, эзиб иссиқлигига белга қўйиб, уни қиздириб шифо топган.

48. Абу Али ибн Сино "Майизли дамлама буйрак ва қовуқ хасталикларида ичиб турилса, яхши шифо бўлиб, фойда қилади" дейди. Дамлама тайёрлаш учун яrim литрли чойнакка кичкина қошиқ қуруқ чой устига яrim стакан майиз солиб, қайноқ сув қўйилади, сочиққа ўраб 5–7 дақиқа дам едирилади. Сўнгра шу дамламадан 1–2 пиёладан овқатдан олдин ичиб

туриш тавсия этилади. Бир ой ичиб турилса, буйракдаги шамоллаш қайтади.

49. Абу Али ибн Сино маслаҳатича, седана дамламасига асал қўшиб ичилса, буйрак, пешоб йўлларидағи тошни майдалайдиган дорига айланади. Хусусан, унинг тозалаш хусусияти бўлиб, у буйрак ва қовуқ тошларини чиқаради. Дамлама тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка бир чой қошиқ қора ёки кўк чой, устига 25–35 дона седана солиб, қайноқ сув қўйиб, чўғда 3–4 дақиқа дамланади. Сўнгра шириналлар билан ичилади, агар асал қўшилса, янада фойдали бўлади.

50. Абу Али ибн Сино хантал уруғи билан бўғим касалликларини даволаган. Янчилган хантал уруғини асалга аралаштириб оғриган жойга малҳам сифатида суртишни буюрган.

51. Абу Али ибн Сино чаён ва қорақурт чаққан кишига ва ундан заҳарланганга дарҳол шу ҳашаротлар чаққан жойга анжирнинг баргини юлиб, ундан оқаётган сути суртилса фойда беради ва заҳарланиши камроқ бўлади, чаён ва қорақурт заҳарини қайтаради, деган. Анжирнинг энг фойдалиси оқи, сўнгра қизили, ундан кейин қора ранглигидир.

52. Абу Али ибн Сино чилонжийда мевасини буйрак ва сийдик пуфаги касалликларини даволаш учун ишлатган.

53. Абу Али ибн Сино сариқ беданинг кукунига кунжут ёки ўзини аралаштириб тенг миқдорда қарам баргини ёки ўзини майдалаб эзиб, бўтқа бўлгунча аралаштирилиб, ана шу бўтқани бўғимлар оғриган жойга малҳам сифатида суртиб туришни буюрган.

54. Абу Али ибн Сино турпнинг пиширилганини ва шарбатини шамоллаб, бронхит касалига чалинган беморларга тавсия этган.

55. Абу Али ибн Сино тоф жамбили қайнатмасига асал қўшиб истеъмол қилинса, ўпкани тозалайди, балғамни кўчиришга ёрдам қиласди, қон тупуришни тўхтатади, дейди.

56. Абу Али ибн Сино кашнич уругидан аччиқ қилиб дамлаб бурунга томизилса, оқиб турган қон дарҳол тўхтайди, деган.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

57. Абу Али ибн Сино бурундан қон оққанды, қон тупуришда, бурунда қийин битадиган хавфли яралар ва шишларни зубтурумнинг дамламаси билан даволаган.

58. Абу Али ибн Сино зубтурум барғи билан қийин битадиган ва хавфли жигар, ўт пуфаги касалликларини даволаган ҳамда қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган.

59. Абу Али ибн Сино сачратқи ўсимлиги билан мойчечакнинг тенг миқдордаги аралашмасидан тайёрланган қайнатмани жигар, талоқ касалликларида ичириб даволаган ҳамда бундай беморларга сачратқи илдизи қайнатмасига қандарус (рум бүғдойи)дан бўлган ундан патир қилиб едирган.

60. Абу Али ибн Сино жигардаги тўқималарни яхшилаш, ошқозонни мустаҳкамлаш учун лимонли чойни кенг кўллаган. Айниқса, сариқ касалида битта лимонни сиқиб, ширасига бир кичкина чой қошиқда чой содаси солиб, 3 кун наҳорда bemorга ичирилса, сариқ касали йўқолади.

61. Абу Али ибн Сино тут меваси ва унинг шираси билан оғиз яллигланиши, оғиз бўшлиғи тошмаларини даволаган.

62. Абу Али ибн Сино инсон организми тўқималари ва аъзоларини иссиқ ва совуқقا бўлган, масалан: юрак, жигар, ўпка, талоқ, буйрак, шоҳ томир, тери ва кафтни иссиқ аъзолар деб атаган. Оёқ совуқ, бош эса иссиқ ҳисобланади. Шу боис бошдан совуқ ўтмасин десанг, оёғингни иссиқ сақла, деган гапда жон бор.

63. Абу Али ибн Сино қанд касаллиги аниқлаш учун bemornинг пешобини сопол ликобчага солиб, қуёшга қўяди, пешоб буғланиб, ликобчага арилар қўна бошлайди, бориб қараса ликобчада майда (кристаллар) заррачалар ҳосил бўлган, шунда табиб bemorgа у қанд касаллигига чалингандигини айтган.

64. Абу Бакр ар-Розий сарамас ярасига сирка, кофур (камфора, гул ёғи, анжир елимини суркашни, қўроғошин упасини сепишни, қон олдириш)ни тавсия этган. Ҳар куни анор суви ва арпанинг ивитилган сувидан ичиб туришни буюрган.

65. Агар одам наҳорда оч қоринга исириқ уруғидан ютса, у ошқозон, жигар хасталиклари, ичак яллигланиши, қорин дам бўлиши, балғам ва бавосилдан фориғ бўлади.

66. Агар турпни қайнатиб, уни асал билан қўшиб еб турилса, оғиздан сув келишини йўқотиб, балғамни йўқ қиласди.

67. Агар овқат егандан кейин қусиб ташлаш билангиңа тўхтайдиган оғриқ бўлса, унда ҳар куни овқатдан олдин бир оз асал ейиш керак.

68. Агар киши кўнгил айнишдан қийналса, аввалдан шакар солиб қўйилган ялпиз баргини ичиш, ялпиз истеъмол этиштанани балғамдан фориғ қиласди.

69. Агар кишининг гиши оғриса, қурбақа жигари тишга босилса, ўша заҳотиёқ тиш оғриғи қиласди.

70. Агар тиш оғриғи кучайиб кетса, бодринг илдизи тиш остида тутиб турилса, фойда қиласди.

71. Агар хурмо гўраси билан оғиз чайқалса, тиш илдизидан қон келишини тўхтатади.

72. Агар одамнинг тиши чириётган бўлса, у ҳолда шафтоли баргини қуритиб, оғизда чайнаб бир оз тутиб туриш керак, шунда чириш йўқолади.

73. Агар инсоннинг бир аъзоси оғриб шиш лайдо бўлса, кашнич солинган сирка билан артсин, хасталик чекинади.

74. Агар одамда пешоб тутилиб, унинг ранги қора бўлса, унда қора андиз дамламасидан ичиш керак. Дамлама тайёрлаш учун бирор идишга бир стакан қайнаб совитилган сув қўйилади, устига 2 чой қошиқ қора андизнинг майдаланган илдиз ва иллизпояси аралашмасидан солиб, 8 соат қўйиб қўйилади, сўнгра докада сузиб, кунига 4 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин чорак стакандан ичилади.

75. Агар пешоб тутилса, беш мисқол ёнғокнинг қобиги, беш мисқол сариқ чечак ўт, беш мисқол арпабодиён, беш мисқол совуқўт уруғи, беш мисқол қовун илдизини жам қилиб, қайнатиб ичилса, тутилган пешоб ҳайдалади.

76. Агар киши сийдик тутолмаса, шивит уруғидан бир ош

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувда дамлаб, шу дамламани бир йўла ичиб юбориши керак.

77. Агар қишида киши сийдик тутолмаса, унда шакар билан исириқни teng миқдорда олиб, ҳар доим истеъмол қилиб туриш керак.

78. Агар ёзда киши сийдик тутолмаса, 3 г кашничга 12 г шакар қўшиб, туйиб истеъмол қилиш тавсия этилади.

79. Агар йўғон ичак (орқа тешик) шишиб кетган ва қаттиқ оғриши кузатилса, таги тешик чепакка исириқни дудлатиб, дудига ўтириш лозим. Юмшатувчи дорилардан ёфма қилиб, масалан: писта, равоч, сариқ бош, зубтурумларни сувда қайнатиб, касалини ўтқазиш ёки уни орқасига куйиш ҳам шифо қиласди.

80. Агар кишининг ич кетиши қора ёхуд сариқ ёки ахлат қуруқ бўлса, беш дона ёнроқ мағзини эчки сутида қайнатиб истеъмол қилсин, шифо топади.

81. Агар кўкрак саратонига учраган аёлга курбақа тугиб турилса даво бўлади.

82. Агар саримсоқнинг пўсти зифир ёғи билан соч ва соқолга суртилса, улар қораяди.

83. Агар бинафша билан ҳалиланни қўшиб соч-соқолга суртилса, қорайтиради.

84. Агар олма, ўсма, хина сувларининг ҳаммаси бир қилиб сочга суртилса, қорайтиради.

85. Агар кўнгил овқат талаб қилса, кўк сигирнинг сутидан (у бўлмаса, бошқа рангдаги сигир сути ҳам бўлаверади) қайнатиб, қирқ бир марта шопириб, сув кўшмасдан, ширмой нон қўшиб истеъмол қилинса, шамоллашни олади.

86. Агар юзда, бошда темиратки касали бўлса, уни даволаш учун от чопганда танасидан чиқадиган тер кўпигини темираткига суртиш керак.

87. Агар юзда, бошда хўл ёки қуруқ темираткининг бошқа хили (экзема) бўлса-ю, соchlар ҳам тўкила бошласа, унда ҳафтада бир марта юзни ва бошни ювиб, ўша жойларни ош тузи билан яхшилаб ишқалаш керак. Бу муолажани бир неча

марта тақрорлаш керак. Шунда соч тўкилиши тўхтаб, яра тез битади.

88. Агар юзга ва бўйинга чипқон чиқаверса, унда ёнгоқ, кунгабоқар ва каноп ёғида пиширилган таомларни кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

89. Агар юзда ҳар хил доғлар, сепкиллар бўлса, унда қуёш нурида қизиган қум маскаси қилиб турилса, юздаги асабларнинг шамоллашига даво бўлибгина қолмасдан, балки юздаги бошқа касалликларга ҳам яхши шифо қилиб, териси ёшариб кетади. Кўз остидаги ва бошқа ажинлар текисланади, киши ёшаради.

90. Агар юз ёғлироқ бўлса, бодринг қирғичдан ўтказилиб, унга творог аралаштирилиб юзга суртилади, сўнгра 20–25 дақиқадан кейин илиқ сувда ювилади. Бундан юз тиниқлашиб, чиройига чирой қўшилади.

91. Агар одамга темиратки тушса, унда тамакини қайнатиб, қайнатмага ўчоқ қурумини қўшиб қасал жойга суртилса, тез тузалади (куёшга тобланса ҳам яхши).

92. Агар кўл-оёқда, бармоқлар орасида ва тананинг бошқа жойларида иллатли яра бўлса (грибок), кўлда бўлса, қаҳвани аччиқ қилиб дамлаб, кунига 4–5 маҳал қўлни ичига тиқиб туриш керак. Агар оёқда бўлса, яхшилаб оёқни ювиб, кейин узум сиркасига бир оз солиб, сўнгра тоза пайпоқ кийиб ётиш керак.

93. Агар қулоқ қаттиқ оғриётган бўлса, унда бир парча гўштни олиб, кабоб сингари пиширилади ва унинг иссиқ сели қулоққа томизилса, оғриқ бир оздан кейин қолади.

94. Агар қулоқда қуртлар пайдо бўлса ёки бошқа бирор ҳашарот кириб қолса, у ҳолда ялпиз билан шафтолининг баргини тенг миқдорда олиб, аччиқ қилиб дамланади ва қулоққа томизилади.

95. Агар одамнинг қулоғи чийилласа, унда ажгон ўсимлиги ишлатиласди. Шу ўсимликдан бир чой қошиқ олиб, сафроутдан бир ош қошиқ ҳамда седанадан бир ош қошиқ олиб, уларни аралаштириб, бўйни тор, жўмраги узун кўзага солиб, оловга

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

кўйилади, қайнаш даражасига етказилади, қулоқни жўмрак тўғрисига (тагига) тутилади, яхши шифо қиласди.

96. Агар аёл кишининг юзи сарғайган бўлса, айниқса юзининг лунжлари, унинг бачадони шамоллаганда, бундай аёл жимо пайтида кўп терлайди.

97. Агар ҳавоси салқин, нам ҳамда қуруқ ва водопровод сувлари мавжуд бўлса, қора чой ичиш тавсия этилади.

98. Агар иссиқ, қуруқ иқлими шароитларда, тоғ ва дарё сувлари мавжуд жойларда кўк чой ичган маъкул.

99. Агар бўғим лўқиллаб, оғриқ тўхтамаса, унда турп ургуни ҳовончада майдалаб, ун шаклига келтириб, уни иссиқ ҳайнатилган сувда хамир қилиб қорилади, шу хамир иссиқ ҳолича оғриётган бўғимларга тез-тез боғлаб турилса, яхши шифо қиласди.

100. Агар ангуза сирка ва мурч билан қўшиб ичилса, "тулки касаллиги"га фойда қиласди. Ейиладиган нарсалар билан истеъмол қилинса, рангни чиройли қиласди ва михсимон сўгалларни кўпоради.

101. Агар боқила пўстидан тайёрланган қуюқ суртма боланинг қовуғига суртилса, мўй чиқармайди. Шунингдек, у тарашланадиган ерга қайта-қайта суртилганда ҳам мўй чиқармайди.

102. Агар боқила пўсти билан ишлатилса, юздаги доғни, сепкилни ва қизил қонталашни кетказади ҳамда рангни яхшилайди.

103. Агар турп мастик уни билан аралаштирилиб ишлатилса, "тулки касаллиги"да мўйни чиқаради.

104. Агар турпни асал билан қоришириб кўз остидаги қонталашга қўйилса, изларни кетказади.

105. Агар турп ҳаммомда етмак билан қўшиб суртилса, бадан (аззолар)даги оқ доғни кетказади.

106. Агар зангиоя мўйи олинган жойга суртилса, ўзининг совитиш ~~хусусияті~~ билан мўйни қайта чиқармайди.

107. Агар аёллар зангиояни сийнасига қўйиб боғласа, сийнаси катта ~~бўймайди~~ ва сутнинг кўпайишини камайтиради.

108. Агар сепкил бор жойни сода билан ювиб, кейин лавлаги барги қўйиб боғланса, сепкилни кетказади. Баргидан сиқиб олинган суви сўгалларни кўчиради ва битларни ўлдиради.

109. Агар зифт билан аралаштирилиб ишлатилса, чўл типратиканининг куйдирилган териси "тулки касаллиги"га фойда қиласди.

110. Агар гут, ток ва қора анжир баргларини ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради.

111. Агар толнинг кулини сирка билан кўшиб суртилса, сўгалларни кўчиради.

112. Агар "тулки касаллиги" билан оғриган одамга эчки туёғини куйдириб, кулини сирка ёки шароб билан аралаштириб суртилса, фойда қиласди.

113. Агар ул дарахти чайналса ёки қайнатмаси билан оғиз чайқалса, оғиздаги ёмон ҳидларни кетказади. Ундан талқон тайёрлаб баданга суртилса, уни хушбўй қиласди. Ул дарахтидан олинган тутатқи кундуру ўрнида ишлатилади.

114. Агар қўён қорни ичидаги нарсалар билан бутунлигича товада қовурилиб куйдирилса ва янчиб гул ёғи билан истеъмол қилинса, сочни ўстиради.

115. Агар бир дона шолғомни олиб, ичини ўйиб ва унга мум билан гул ёғини солиб, қўрга кўмиб эритилса, у эскирган "тулки касаллиги"га фойдали.

116. Агар одам организмидаги безлар бўлса, бундай ҳолда витаминларга бой маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш керак. Бундай таомлар бўлка нон, гуручли овқатлар, жўхори гўжа, мол жигари.

117. Агар одам организмидаги безлар безовта қиласа, ёнғоқ баргини чой қилиб, бир кунда бир маҳал оз-оздан ичиб туриш яхши натижа беради. Ёнғоқ барги гаркибида каротин, аскорбин кислота, В витамин гуруҳига бой бўлиб, хасталангандан безларга яхши таъсир қиласди. Дамлама тайёрлаш учун бир ош қошиқ қуритилган ва майдалангандан ёнғоқ барги олинади, устига 200 г қайноқ сув қўйиб 30 дақиқа дамланади, шудамламадан кунига 2 маҳал 1–2 ош қошиқдан ичиб турилади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

118. Агар одамнинг жигаридаги оғриқ бўлса, түяning ўпкасини ейиш керак.

119. Агар одам организмидаги В<sub>2</sub> витамини миқдори камайиб кетса, унинг тинкаси қурий бошлайди. Бунда В<sub>2</sub> витаминига бой неъматларни кўпроқ истеъмол қилиш керак бўлади. В<sub>2</sub> витамини хамиртурушда, қўй гўштида, тухумда кўп бўлади.

120. Агар милклар оғриб, бўшашиб қолган бўлса, халқ табобатида ачиган карамни чайнаш тавсия этилади, анор тулива анор уругини аралаштириб сикқиб шарбатини оғизда бир оз вақт ушлаб турилса, қонаши таққа тўхтайди.

121. Агар нафас нотекис бўлиб, кўкракдан хириллаш эшигилса, қора қўй думбаси ва пиёздан шўрва қилиб, 3 кун ичиш лозим.

122. Агар киши овози бўғилса, қўй сути билан 5–6 марта гарғара қилса, овози очилади. Бундан ташқари, бўғилган оғизни қўй ўти билан гарғара қилинса ҳам овоз очилади.

123. Агар меъда оғриса, от сутидан уч мисқол, яъни 12,75 г қайнатиб ичилса, ошқозон оғриғи қолиб, меъда соғ бўлади.

124. Адороқий сепкилга фойда қиласди.

125. Аёл бачадонида сариқ сув тўпланган бўлса ёки шиш бор бўлса, бундай аёл жимо пайтида оғриқдан қийналади.

126. Аёлларнинг жинсий аъзолари шамоллагандаги унни 1,5 ош қошиқ асал ва олма сиркаси билан қориштириб, кулча тайёрланади. Кулчани кечаси ухлашдан аввал баданга қўйиб, устидан дока ёпиб, иссиқроқ нарса билан ўраб қўйилади. Бу усулни ўсма касали бўлганлар бажармасинлар. Ўсма касали бор кишилар эса ўша дорига ун билан қичитки ўт уруғидан тенг миқдорда аралаштириб, уни баданга қўйгач, дока боғлаб ўраб қўйсалар, кифоя.

127. Аёлларда шаҳват заифлиги бўлса, ҳинд уди, қашнич уруғи, турп уруғи ва шолғом уругининг ҳар биридан тенг оғирликда, туйиб олиб, оқ пиёз ва тоза асалдан хамир қилинади. Бир дирҳам оғирликда хаблар (юмалоқ дори таблетка) боғланади. Уч кунгача ҳар куни наҳорда бир донадан (0,495 г) сувга эзиб аёлга берилади. Аёл шаҳвати шу даражада

ҳаяжонга келадики, ихтиёrsиз талабга тущади. Агар шу юмалоқ доридан (хабдан) бир озини лимон суви билан бирга аёлларнинг жинсий аъзосига томизилса, шаҳват аёл устидан бутунлай ҳоким бўлади.

128. Айиқ ва ғоз ёғлари "тулки касаллиги"га, эшак ёғи тери устидаги доғларга фойдали, ғоз ёғи юз ва лаб ёрилганига фойда қиласди.

129. Айтишларича, бир кафт тут битта уколнинг ўрнини босар экан, чунки тут ўта ҳосиятли неъмат.

130. Алоэ баргларининг ширасига канакунжут мойи аралаштириб, ундан ҳар куни тўғри ичакка уч-тўрт маҳал суртиш тавсия этилади. Мазкур мойни суртишдан аввал орқа чиқарув аъзолари яхшилаб ювилади. Шундан сўнг суртилган малҳам ижобий натижа беради.

131. Аллергия дардига чалинган кишиларга ўз пешобини ёки соғлом қора молнинг пешобидан ичиш тавсия этилади. Ичиш меъёри катталарга 60–100 г дан, 10 ёшгача бўлган болаларга 20–50 г дан кунига икки маҳал овқатдан 30 дақиқа аввал ичиш тавсия этилади.

132. Алп гунафшада, агар уч мисқолни, лекин ундан ортиқ эмас, шароб ёки суюлтирилган асал суви билан ичилса, сариқни тузатади. Бунда касални ёнбошига ётқизиб, устини қалин ўраш керак, токи у яхшилаб ўт рангли тер чиқарсин. Илдизи бадан сиртини тозалайди, сепкилни кетказади. Унинг қайнатмаси совуқдан ёрилганга фойда қиласди. Шунингдек, илдизи ичини ковлаб, зайдун ёғи солиб, иссиқ кулда қиздирилса ҳам шундай таъсир кўрсатади.

133. Ал-Азҳар университети олимлари олиб борган илмий изланишлари натижасида саратон касалининг олдини олиш хусусиятларига эга бўлган 40 хил озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган. Булардан биринчи ўринда кўк чой, саримсоқ, пиёз, райхон ва қизғиши гуруч туради, улар таомноманинг асосини ташкил этади. Уларга яна баъзи кўкатлар ва дон маҳсулотлари қўшилса, саратон касалига қарши табиий тўсиқ қўйилади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

134. Анжир қон айланишини равон қиласди.

135. Анжирнинг хомини, шунингдек баргини, хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига суртилса, тез кунда натижа беради, яъни хол ва сўгални йўқотади.

136. Анжир тўтисимон ўсмаларни, унинг баргидан олинган суви одам баданидаги сунъий нақш изларини кетказади; мумли суртма билан қўшиб ишлатилса, совуқдан ёрилганда фойда қиласди.

137. Аизираттўштхўрни доимо ичиш, хусусан қариларда ялтироқ калликка олиб келади.

138. Анор гули милк қонашида шифо.

139. Анор, беҳи, лимон, шунингдек ошқовоқ, нилуфар, кашнич ва отқулоқ каби шифобахш ўсимликлардан тенг миқдорда олиниб, қайнатиб ва ҳосил бўлган куюқ шарбатни ҳар куни бир ош қошиқдан оч қоринга истеъмол қилинганда киши ўзини бардам сезади, мадорсизлик ҳолати йўқолади.

140. Арпа сепкилга қарши иссиқ суртма шаклида ишлатилади.

141. Арека пальмасининг данаги доғни кучли кетказади.

142. Арча таркибидаги эфир мойидан ажаратиб олинган "цедрол" қисми бактерияларнинг ўсишини тўхтатади ва яранинг битишини тезлаштиради.

143. Асал қўшилган рўян илдизи қайнатмаси сариқ касаллигида дори сифатида ичилади.

144. Асал майвизак зарних билан қўшиб ёмон тирноқларга қўйилса, уларни қўпоради.

145. Асалга омихта қилинган турп уруги меъда касалига кор қиласди.

146. Аччиқтошни зифтнинг сув билан аралашмасига қўшиб бош кепакланишида, битлагандা, оғиз ҳидланишида ҳамда қўлтиқ тагида ёмон ҳидларда ишлатилади.

147. Аччиқбодом сепкил, нуқтали қонталаш излар ва офтобдан қорайишга қарши қўлланилади. У юздаги ажинларни ёзib юборади.

148. Аччиқбодом дарахтининг илдизи қайнатиб қўйилганда сепкилга қарши кучли восита бўлади.

149. Аччиқбодом ёғи асал билан, айниқса мурр, гулсафсар илдизи ва эритилган мум билан ишлатилса, юздаги буришиш, сепкил, яра излари ва бошқаларга фойда қиласди.

150. Аччиқбодом сепкил ва офтобдан қорайишга қарши қўлланилади.

151. Аччиқбодомни шаробга қўшиб юз ювилса, юздаги ажинларни ёзади.

152. Ақоқиё – араб акациясининг шираси ёки елими сочни қорайтиради, рангни яхшилайди ва совуқдан сақлайди.

153. Баданда оқ доғ касаллигига чалинган кишилар енгил ҳазм бўладиган овқатларни истеъмол қилишлари керак. Сув ичишдан сақланишлари керак, ичадиганлари шифобахш неъматлардан дамламалар қўшиб, оз-оздан ичишлари керак.

154. Бақбақадаги хол – омади юришганлик ва қатта давлатдан нишона.

155. Бағир ўргасидаги хол – ўргамиёна ҳаёт белгиси.

156. Бодринг ниқоб теридаги тешикчаларни торайтиради.

157. Бодом ёғини ажратиб олиб, қулоққа томизиш яхши фойда беради.

158. Болаларда учрайдиган ич кетишини тўхтатиш учун жийда ва унинг дамламасини ичириш тавсия қилинади.

159. Бола ухлаётганда чалқанча, кифти билан ҳамда қорни билан ётмасдан, ёнбошлаб ётса, сийиб қўйишининг олди олинади.

160. Болалар уйқу олдидан кўп суюқлик ичмасликлари керак, бунинг ўрнига зубтурум баргидан тайёрланган дамлама ичилса, яхши фойда беради.

161. Болгариялик башоратчи Ванганинг айтишича, суяклари қақшаб оғриган киши ўша ерига машина мойини суртиб силаса ва қуёшга тобланса, тез кунларда оғриқлари батамом қолар экан.

162. Башоратчи Ванганинг айтишига қарагандা, тирноқлари мөгор касалига чалинган одам куюқ қаҳва қайнатиб, қўлларини 2–3 марта ўшанга солса кифоя.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

163. Башоратчи Ванганинг айтишича, тумов бўлган киши бир чой қошиқ асалга ярим чой қошиқ хом лавлаги ширасини кўшиб, уни бурун тешикларига тўрт маҳал беш томчидан томизса, кечаси пайлоққа хантал кукунидан солиб, уни кийиб ётса, тезда шифо топади.

164. Башоратчи Ванганинг айтишича, томоқ касалида 1—2 маҳал нашатир спиртининг 1—2 томчисини 2 ош қошиқ эритилган қаҳва сувига аралаштириб томоқ чайилса ёки гарфара қилинса, яхши фойда беради.

165. Башоратчи Ванга юрак хасталикларининг олдини олиш учун ҳар бир одамга йилига 4 марта тўрт кундан кўк дўлана гулининг дамламасини ичишни маслаҳат беради.

166. Башоратчи Ванга асаб бузилиши натижасида юрак урушидан шикоят қиласидан аёлларга 0,5 кг лимон шарбатини асал билан аралаштириб эрталаб ва кечкурун бир ош қошиқдан ичишни тавсия этади.

167. Башоратчи Ванга жигар тўқималари беркилганда (циррозда) беморга аёллар кўкрак сутига оқ ун солиб атала қилиб, бир ош қошиқдан эрталаб наҳорга ва кечкурун ухлаш олдидан бериб туришни буюрган.

168. Башоратчи Ванга камқонлик ёки оқ қон касали билан оғриган беморга гулхайри ўсимлиги илдизини ивитиб, шарбатини ичишни маслаҳат беради.

169. Башоратчи Ванга камқонлик касаллиги билан касалланган ёш болаларга гулхайри мевасининг шарбатини ичишни тавсия қиласи.

170. Башоратчи Ванганинг айтишича, чипқон чиққанда сули унидан бўлган нонни сут ва сариёғга аралаштириб ётиш олдидан чипқонга қўйилса, эрталабгача чипқонни фасодини қолдирмай тортиб олади.

171. Бош бармоқни шаҳодат бармоқ билан босиб муштини тутса, иродасизлик, ожизлик аломати. Чақалоқлар учун бу одатий хол. Лекин катталарда бу одат ажал талвасаси ҳисобланади.

172. Бурундаги хол таърифи – улуғвор келажакка эга, сафари мойил, эҳтиросли киши.

173. Бурун ичидаги хавфли ярани даволаш учун итузум ширасидан бурунга томизилса, 3–4 маротаба муолажадан кейин яра битади.

174. Бўйимодарон ўсимлигининг ўзини шикастланган жойга малҳам сифатида қўйиш билан бирга унинг дамламасидан кунига овқатдан олдин 3–4 маҳал ичиб туриш тавсия этилади. Дамламани тайёрлаш учун бир чойнакка ўсимликнинг устки қисми уқаланмасидан бир ош қошиқ миқдорида солиб, устидан қайноқ сув қўйилади, бир соатда дамлама тайёр бўлади. Дамлама докадан сузиб ўtkазилгандан кейин истеъмол қилиниши мумкин.

175. Бавосилни даволашда Шарқ табобатида янтоқни саримсоқ билан тенг миқдордаги арадащмасини ёnlарига лой суртилган тешик чепакка солиб, уни тутатиб дудига ўтириш тавсия этилган. Ҳар куни шу усулни 10–15 дақиқа кўллаш ушбу касалликни даволашда ёрдам беради.

176. Бавосил касалини даволаш учун орқа чиқарув тешиги яхшилаб ювилиб, 35 дақиқа 30° С ҳароратли сувда ванна қилинади. Кейин ётиш олдидан картошкани кесиб қаламча шаклида орқа чиқарув тешигига 30 дақиқага қўйилади. Биринки марта картошка билан даволанса, бавосил касали тез қайтади ва яхши шифо беради.

177. Балғам кўпайганда 3–4 кунда бир марта ҳаммомга тушиб, терлаш керак.

178. Балғамнинг мижози совуқдир. Совуқ мижозли bemor майиз, ёнғоқ ва бошқаларни истеъмол қилишлари тавсия этилади.

179. Баҳмон семиртиради.

180. Балозур сўғални, песни, теридаги нақшларни кетказади ва балғамли "тулки касаллиги"ни тузатади.

181. Бақлажон рангни бузади, яъни юзни қорайтириб, рангни сарғайтиради. Бақлажоннинг майдаси пўчоқдан иборат бўлиб, сепкил пайдо қиласди.

182. Беҳи барги билан пўстлоғи дамлаб ичилса, қанд касаллигига яхши даво бўлади. Бунинг учун беҳи барги ва

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

пўстлоғи олиниб, салқын жойда қуритилади, кейин ҳовончада янчиб, шундан бир ош қошигини ярим чойнакка солиб, устидан қайнаб турған сувдан 0,5 л қўйилади, икки соат дамлаб қўйилади. Дамламадан кунига 5–6 маҳал ярим стакандан ичиш тавсия этилади.

183. Бон дараҳтининг меваси қора ва қизил қонталашларга, сепкил, дөғ ва яралардан қолган изларга фойда қиласди, ёғи ҳам шундай.

184. Боқила пўстидан қуюқ суртма қилиб, сочга суртилса, уни юмшоқ қиласди.

185. Болгариялик башоратчи Ванганинг айтищича, агар одам бармоғининг тирноғи тагида йирингли яра бўлса, унга кечқурун қизил аччиқ қалампирни олиб, уруғидан тозалаб, эрталабгача бармоққа боғлаб қўйилса (агар қаттиқ оғриқ бериб, бемор чидай олмаса ҳам 4–5 соатга чидаши керак) шунда шиш қайтиб, йиринги ҳам қолмасдан, тез шифо топади.

186. Болгариялик башоратчи Ванга айтадики, агар танада куйгандан қолган яра бўлса, унда 6 дона тухум саригини олиб, 6 чой қошиқда янги куйдирилган мол ёғи билан яхшилаб арадаштирилади. Арадашма майонезга ўхшаб қолади. Ушбу қоришмани докага шимдириб, ярага ёпиштириш керак.

187. Болгариялик башоратчи Ванга қанд касали бор беморга парма ўсимлигини дамлаб ичишни тавсия қиласди.

188. Болгариялик башоратчи Ванга соғ тупроқдан компресс қилишни буюрган. Компресс қилиш учун соғ тупроқ олиниди, унга олма сиркасини қўшиб бўтқа қилинади, шу бўтқани қаттиқ матога қўйиб кечқурун ётиш олдидан, оғриган жойга бойлаб ётилади.

189. Болгариялик башоратчи Ванга юз асаблари шамоллаганда ва ҳар хил хасталиклар пайдо бўлганда, нинани оловда қиздириб, унинг учини енгил-енгил юз терисининг ҳар жой ҳар жойига тиқиб, терини енгил куйдириш керак экан. Нинадан куйган тери тезда йўқолиб кетади. Шу билан бирга юз асабининг шамоллашига шифо қиласди, деган.

190. Бозулбанг ўсимлиги дамламаси қон ивишини тезлатиш

## Ю. F. МАҲМУДОВ

ва қон босимини пасайтириш таъсирига эга. Дамлама тайёрлаш учун 1 ош қошиқ майдалантган гулини 2 стакан қайноқ сувда дамлаб, кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

191. Бош оғригини тузатиша, ошқозон ва ичакларни тозалашда, гижжани туширишда беморга 10 дона исириқ уругини бериб даволаш тавсия этилади.

192. Бош оғриганда бир сиқим шафтоли баргидан олиб, чойнакка солинади ва устига қайноқ сув қўйилади, бир оз фурсат ўтгач, шу дамламадан бир пиёла таом олдидан ичилса, терлаш натижасида бош оғриги тезда тузалади. Дамламани фақат бош оғриган вақтда ичиш керак бўлади.

193. Бош оғригини қолдириш учун артилган хом картошкани қирғичда қириб, шарбатини сиқиб олиб, шу шарбатдан ярим стакан ичиб туриш яхши натижа беради. Агар 2–3 марта ичилса, бош оғриги таққа тўхтайди.

194. Бош оғриганда 0,15 г мумиёни қора андиз қайнатмасига қўшиб ичиш шифо бўлади.

195. Бош айланишида кашнич уругини ҳовончада туйиб истеъмол қилинса, таққа тўхтайди.

196. Буйраги оғриган беморга ошқовоқ уругини дамлаб бир ҳафта давомида ичиш тавсия этилади.

197. Буйраги оғриган кишига чилонжийдадан дамлама қилиб ичиш тавсия этилади.

198. Бунк терини тозалайди, унинг тагидаги рутубатларни шимади. Баданни хушбўй қиласи ва нуранинг ҳидини кесади.

199. Бурчоқ доғ, сепкил, нуқтали қизил қонталаш, ярачақаларнинг изларини кетказиш учун суртиладиган восита бўлиб, рангни чиройли қиласи.

200. Бурчоқдан талқон қилиб озғин кишиларга бир ёнғоқ оғирлигига бериб турилса, озғинликни кетказади. Қайнатмаси совуқдан ёрилган жойларга, совуқдан бўлган қичималарга, сутли тошмаларга қўйилса тузатади.

201. Бақа жўхориси, сассиқтол сарангга қўшиб оқ доғ ва песларга қарши суртилса, фойда қиласи.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

202. Балиқ елими оғиз касалларларидан да песта қарши ишлатыладиган дорилар таркибиға киради.
203. Бетел нафасни хүшбүй қиласы. Оғиздеги ёмон ҳидни кетказади да тишларни қызартыради. Япроғининг шираси шаробга құшиб ишлатылса, доғларни кетказади.
204. Болаларни мис идишга сийдириб, олинган сийдик тузи ҳам доғни кетказади, сепкилни тозалайди.
205. Бүгдой да унинг уни юзни доғдан тозалайди. Бүгдойнинг уни да крахмали, айниқса зағарон билан ишлатылса, сепкилға дори.
206. Бүйимодароннинг күйдирилгани "түлкі касаллиги"ға фойда қиласы, айниқса канакунжут ёғи, турп ёғи да зайдун ёғи билан ишлатылса.
207. Бүйимодарон ўзининг окувчанлығы сабабли, агар уни баъзи ёғлар билан бирға қайнатып суртилса, сепкил ўсадыган соқолларнинг ўсишиға фойда қиласы. Шунингдек, у милкларни буруштыради.
208. Бүгимлар оғриғанда С витаминига бой бүлган ўсимликлардан фойдаланиш зарур. Бундай ўсимликлар таркибиға картошка, карам, булғор қалампири, қулюпнай, апельсин, лимон да ош күклари киради.
209. Варс қора нұқтали қонталаш, сепкил да қызил нұқтали қонталашға фойда қиласы. Ичилса, оқ доғға фойдали.
210. Вабо билан касалланған беморга бузоқ гүштидан тайёрланған яхна да енгил гүштларға мева ҳамда сирка құшиб беріш тавсия этилади. Күшларнинг ичига турли сабзавотларни тиқиб сирка құшиб пишириб едириш мақсадда мувоғиқ.
211. Газакүтни сода билан құшиб оқ доғ, сүгал да тут шаклли сүгальларға қўйилади. Саримсоқ да пиёз ҳидини кетказади, "түлкі касаллиги"ға фойда қиласы.
212. Галбан елими ясмиқсимон сүгальларни кетказади.
213. Гандано, пюрей пиёзини татим билан құшиб ишлатылса, сүгални кетказади.
214. Гентиана илдизи, айниқса шираси доғни кетказади.
215. Гултохихўроздан қадимда қизамиққа қарши дамлама

тайёрлаб ичиришган. Бир стакан қайнаган сувға 2 ош қошиқ гултожи солиб дамлаб күйилади.

216. Гулхайрининг уруғига сирка қўшиб тайёрланган малҳамни офтобда ўтириб темираткига суртилса, касалликдан фориг бўлади.

217. Гулхайри яра-чақани юмшатиш, лишириш, оғриқ қолдириш хусусиятига эга бўлган шифобаҳш ўсимлик.

218. Гулхайри сирка билан қўшиб доғларга суртилади ва касал ўтқазиб кўйилади. Бу жиҳатдан унинг уруғи кучли.

219. Гулсафсар илдизи оғирлиги барабарича ҳарбаҳ билан қўшиб ишлатилса, сепкил ва нуқтали қонталашларни кетказади. Ўзи ишлатилганда ҳам шундай таъсир қиласди. У билан юз ювилса, тозалайди, ялтиратади ва ажинларни кетказади.

220. Гижжаси бор одамга карам уруғини аччиқ қилиб дамлаб ичиш тавсия этилади ва 2–3 кунда тушиб кетади.

221. Дармана кулинни зайдун ёғи, бодом ёғи билан қўшиб "тулки касаллиги"га суртиш фойдали. Дармананинг ёғи секин ўсадиган ва тўкилиб кетаётган соқолни ўстиради.

222. Даشت анжириининг (ёвойи ҳолда даштларда ўсади) куритилган илдизини туйиб наҳорга бир чой қошиқдан ичилса, мохов касалига ижобий таъсир этади.

223. Дафна дараҳти доғга шароб билан суртилади.

224. Денгиз пиёзи зайдун ёғи ва ротиёниж (санавбар елими) билан сўғалларга суртилса, уларни қўпоради. "Тулки касаллиги" ва "илон касаллиги"га суртилса ва ишқаланса, сочни ўстиради.

225. Денгиз пиёзи, айниқса хомининг мағзи товон ёрилганда фойдали. Сиркаси рангни чиройли қиласди.

226. Денгиз суви совукдан ёрилишларга, улар ярага айланиб кетишдан олдин ишлатилса, фойда қиласди. Битларни ўлдиради. Тери остида ивиб қолган қонларни шимилтиради. Олтингууртли сув доғ ва пеc учун фойдали.

227. Денгиз қисқичбақасининг саполи куритувчи бўлган ҳолда сепкил ва нуқтали қонталашларни тозалайди.

228. Дисқуридуснинг айтишича, денгиз куёни қонининг ўзи ёки қичитки ўт билан бирга қўшиб боғланса, сочни батамом туширади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

229. Дорчин, долчин селкил ва ясмиқсимон қора дөфга ҳамда сирка билан қўшиб сутли тошмаларга суртилади.

230. Дўмбок ва чиройли қўллар яхшилик ва узоқ умр кўриш белгисидир.

231. Доимо чумчук гўштидан еб, сув ўрнига сут истеъмол қиласан одамнинг олати маҳкам, манийси зиёда бўлади.

232. Етмак ични суради, сийдик ҳайдайди ва тошни майдалайди.

233. Етмак пес, дөф ва сепкилни кетказади.

234. Ёнғоқ барги дамлаб ичилса, қондаги қанд миқдорини камайтиради. Лекин бунда унинг қонни тез ивитиши ва буруштириш хусусияти борлигини унутмаслик керак.

235. Ёвойи сано уруғи, долчин семиртиради ҳамда юз рангини ва бадан тусини чиройли қиласди.

236. Ёвойи бодрингнинг ўзидан, илдизидан ва барсларидан олинган шира сариққа фойда қиласди. Унинг уруғидан қилинган талқон битган яра ўрнидаги қора изларни йўқотади ва юз чиркларини тозалайди.

237. Ёвойи пиёз сепкилга офтоб (куёш)да суртилса, фойда қиласди. Шунингдек, яралардан қолган изларни ҳам йўқотади. Ёвойи пиёз танглай ва тилни дағалладайди. Тухумнинг сариги билан сўгалларга ва сиканжубин билан сутли яраларга суртилади.

238. Ёвойи арпанинг хоссаларидан бири – бу "тулки касаллиги"ни кетказиши.

239. Ёвойи занжабил семиртирувчи бўлиб, шароб, саримсоқ ва пиёз ҳидларини кетказади.

240. Ёвойи зайдун япроғи миљ учун яхши. Бу билан бадан ишқаланса, терни тўхтатади. Ёвойи зайдун ёғи кўп жиҳатдан гул ёғидек. Мўйни сақлайди, ҳар куни ишлатилса, мўйнинг тез оқаришини тўхтатади.

241. Ёвойи гул ҳамишабаҳор япроғидан қуюқ суртма қилиб, баданнинг пес жойига б соатча суртиб қўйилса, ижобий натижа беради. Бундан кейин арпа уни истеъмол қилиниши яхши самара беради. Янчилган гул ҳамишабаҳорни офтобда

догга чаниб қуригунча қўйилса, сўнг уқалаб ташланса, уни тузатади.

242. Ёввойи эшакнинг ёғи сепкилга суртилса, фойда қиласди. Семиз ўрдакнинг ёғи ҳам шундай.

243. Ёнғоқ мёвасининг пўстлоғини хомлигича эзиди, шираси экзема бўлган жойга суртилса, шифо бўлади.

244. Ёнғоқ баргининг шираси сиқиб олиниб, қулоққа томизилса, эшитиш қобилияти яхшиланади. Бундай усулдан қулоқ йирингланганда ҳам фойдаланиш мумкин.

245. Ёнғоқ меваси гўрлигига олиниб, гўшт майдалагичда майдалаб, унга тенг миқдорда асал ёки шакар қўшиб, шиша идишга солиб, қопқоғини маҳкам беркитиб, салқин, қоронги жойга қўйиб қўйилади, бир ой ўтгач, ишлатса бўлади. Шу аралашмадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин бир чой қошиқдан еб турилади. Бу шифобахш неъмат ўпка, жигар, буйрак касалликларида яхши шифо бўлади, бундан ташқари, агар бир йил ичилса, бошқа тери касалликларидан шифо топади, буқоқ касаллигини ҳам тузатади.

246. Ётиш олдидан боланинг киндигидан бошлаб оёғининг учигача қўй ёғи суркаш яхши фойда беради. Бунинг учун 3 ёшли қўчкорнинг 400 г картдумба ёғини хом эритиб (жиззани сарфайтирумай) олиб, ундан ҳар куни 1–2 чой қошиғини иситиб суркалади. Уни ишқалаб танага сингдириб юборилади. Боланинг боши ва юзига офтоб туширмаган ҳолда, баданини офтобда тоблаш лозим. Бунинг учун яланғочлаб қовуғини офтобга тутиш зарур.

247. Жароҳатланган, эти узилган жойларга бўйимодарон ўсимлиги малҳам сифатида қўйилади.

248. Жайроннинг ўтини олиб шаробга аралаштириб, хамир қорилади. Бу дори офтобда қуритилади. Сўнгра буни аралашган сирка билан юмшатиб, қон оқаётган бавосилга суртилса, қонни шу заҳотиёқ тўхтатади ва яхши шифо бўлади.

249. Жудаям узун бармоқлар лоқайдлик, тепса-тебранмаслик, совуққонликни акс эттиради.

250. Жуда узун қўллар, яъни ўрта бармоқ тиззагача етадиган

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

қўллар соҳиби бағри кенг, марданавор, ҳимматлидирлар. улар жилдий ҳаракат қилишга, ҳокимиятга, салтанатга эришишлари мумкин.

251. Жингак, агар хом набат жингаги билан сўғаллар қаттиқ ишқаланса, уларни, албатта кетказади.

252. Жувона ичилса ва суртилса, рангни сарғиш қиласди. Доғ ва песя қарши ишлатиладиган дориларга қўшилади. Асал билан қориб ишлатилса, ҳар қаерда бўлган қонталашни кетказади.

253. Зифир, гулхайри ва қарам уруғларини солиб қайнатиб, шу қайнатма билан илиқ ҳолича йўғон ичакни ювиб туриш тавсия этилади.

254. Зубтурумнинг қуритилган баргидан бир сиқим олиб эзилади ва бир ош қошиқ шакар билан аралаштириб, иссиқ жойга 3 ҳафта қўйиб қўйилади. Ажратилган ширадан ўпка ва меъда саратони касаллигига 10–15 кун давомида кунига 3–4 қошиқдан ичилади. 15 кун дам олиб, яна 15 кун ичилади.

255. Зулукни қуритиб, туйиб алоэ билан тенг миқдорда аралаштириб, бавосил ярасига 5–8 марта қўйилса, касаллик йўқ бўлади.

256. Зўриқиб боши оғриган беморга ҳар куни овқатдан олдин бир чой қошиқ асал билан бир чой қошиқ олма сиркасини истеъмол қилиб туриш буюрилади.

257. Зирних мўйни тақир туширади. Ротиёнаж (санавбар) билан қўшиб "тулки касаллиги"га ишлатилади.

258. Зъфарон ичиш рангни чиройли қиласди.

259. Зазвор, айниқса унинг думалоқ хили доғга фойда қиласди. Тишларни ялтиратади, кирини кетказади, рангни тозалайди.

260. Захра сочни ёзади, соч қазноқлашига қарши яхшидир.

261. Зираанинг суви билан юз ювилса, тиниқ қиласди, унинг олиниши ва истеъмол қилиниши маълум миқдорда бўлиши керак. Агар кўп истеъмол қилинса, юзни сарғайтиради.

262. Илон истеъмол қилиш моҳовга зўр фойда қиласди. Шунингдек, "тулки касаллиги"да фойдаси катта.

263. Илмий табобатда қорандиз ўсимлигининг қайнатмаси балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади ҳамда йўтални қолдиради.

264. Индовнинг суви сигир ўти билан яра илдизларини кетказиш учун ишлатилади. Уруғи ёки суви қора дөғ ва селкилни кетказади.

265. Игир рангни тозалайди, дөғ ва пеңса фойда қиласди.

266. Иссон, ҳиссонни ичиш рангни чиройли қиласди. Суртмасини суртиш эса юздаги яра изларини кетказади.

267. Иссиқдан оғриса тишинг ногаҳон, сиркага гулоб кўш, чайқа ўша он. Ичиш учун қидир сиканжубанни, ейишинг мош, қовоқ бўлсин ҳар замон.

268. Исириқни талқон қилиб, сувга аралаштириб темираткига суртилса, касаллик чекинади. Талқонидан малҳам қиласа ҳам бўлади.

269. Икки пакетча зигир донини ҳовончада туйиб қуюқ қилиб аралаштириб, буйрак оғриган жойга чаплаб туриш тез оғриқ қолдирувчи ҳисобланади.

270. Инсон танасида радионуклеидларни чиқарувчи фойдали восита бу – тухум пўчоги. Ундан радиация билан заарланган жойларда фойдаланиш мумкин. Чунки унинг таркибида организм учун керакли бўлган барча микроэлементлар, шу жумладан мис, фтор, гемир, фосфор, олтингугурт, кремний ва бошқа ҳаммаси бўлиб, 27 та кимёвий элемент мавжуд. Ҳар куни тухум пўчогини ҳовончада янчиб, унидан ёшга қараб 1,5 г дан 3 г гача тановул қилиш тавсия этилади.

271. Иссиқ мижозли кишилар эса аксинча мол ва эчки гўшидан тайёрланган таомларни, турп, қарам, қовун ва тарвуз каби полиз маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилишлари зарур.

272. Иссиқ ва ҳўл одам баданига кашнич ва ялпиз тавсия қилинади.

273. Иссиқлиги ошган одам баданига лимон, апельсин, олча истеъмол қилиб туриш лозим.

274. Итузум заҳарли бўлса-да, меваси пишганда заарсиз бўлиб, уни бош оғриғида эзиз бериш мумкин.

275. Йўталнинг давоси. Йиғма дори. Янги сариёғдан 2 ош қошиқ, 2 та тухум сариғи, бир чой қошиқда ун, 2 чой қошиғида асал олиниб, ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади,

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ҳар куни бир чой қошиқдан бир неча марта ичилади. Болшقا ийрма дори. Болом мойи, қовун шарбати, утум, анжир, чилонжийда меваларини меъёрида истеъмол қилиб туриш йўтал давоси.

276. Йўталнинг давоси. Ўн дона пиёз, бир дона саримсоқ бўлаги олинниб майдаланади, тўғралади, уни юмшагунча сутда қайнатилади, бир оз ялпиз шираси ва асал ҳўшилади. Кун бўйи ҳар соатда бир ошқошиқдан ичиб турилса, яхши шифо топади.

277. Йўғон ичакдаги саратон ярасига – техаслик олимларнинг ва Андерсон клиникасининг илмий тадқиқотларидан маълум бўлишича, саримсоқ қарши восита экан. Бунинг учун саримсоққа озгина сирка ва асал қўниб, ҳар куни истеъмол қилиш кифоя экан.

278. Йўғон ичак касаллаиган вақтда кишининг ахлати суюқ бўлиши учун озгинадан сурги дори ичиб туриши лозим. Бунинг учун дорихоналарда сотиладиган сано ўсимлигини дамлаб ичиш, киши ичини яхши юмшатишга фойда беради.

279. Камқонликда bemor бир ҳовуч майизни бир пиёла қайноқ сувга солиб қўйиб, эрталаб майиз шарбатини симириб, майизни еб олса, тез кунда қувваттга киради. Бундан ташқари, кундуз кунлари шолғом, сабзи, лавлагини тенг миқдорда олиб, майдалаб шарбатини олиб тиндириб, ичиб турилса, киши куч-куваттга киради, қондаги гемоглобин кўпаяди. Муолажа 2–3 ой давом этса, камқонлик бартараф бўлиб, одам нормал ҳолга қайтади.

280. Камқонликда одам силласи куриб бедармон бўлса, унда 200 г ёнгоқ мағзи, тоза асал, қора майизни ҳовоинчада яичиб, шу омиҳтадан овқатдан олдин 2–3 чой қошиқдан истеъмол қилиб турилса, тез кунда дармонга кириб, шифо топади.

281. Қарафс илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама овқат ҳазм қилингани яхшиловчи, ел, сийдик ҳайдовчи сифатига тавсия этилади.

282. ~~Картошка никоб юздаги ажинларни йўқотади.~~

INV. № 322

Картошкани қайнатинг ва эзиб, унга озгина сут қўшинг, сўнгра юзга суртинг.

283. Калта, озгин қўлларниң эгалари сергап, зиқна бўладилар.

284. Канакунжут ёғини, илдиз сувларини фалаж киши ичиши жуда фойдали.

285. Канакунжут ёғи қора доғ ва сепкилга яхши.

286. Каноп ёғига овқат пишириб ейиш чипқон чиқмасликка ёрдам беради.

287. Касалнинг тутқаноги тутган вақтда оғзи юмилиб қолмаслиги учун тишлари орасига қошиқ тиқиш лозим.

288. Кашнич, бинафша, қизил гулдан тенг миқдорда 3 г дан учаласини аралаштириб, туйиб мия қаттиқ оғригандага ундан истеъмол қилиш тавсия этилади.

289. Кашнич ширасини тенг миқдорда асал ва майиз билан кўшиб, эшак елига малҳам сифатида кўйиш ва ундан икки ош қошиқ миқдорида истеъмол қилинувчи кашнич ёқимли ҳиди руҳ жавҳарига мустаҳкамлик берувчи ўсимлик сифатида тан олинган бўлиб, уни истеъмол қиласиганларда юрак касали кам учрайди.

290. Киши ойда бир марта лимон щарбати билан бошини артиб турса, у бош терисидаги қон томирларининг фаолиятини яхшилаб, соч толасини мустаҳкамлайди.

291. Киши танасида ҳўллик устун келса, исириқ ва седана уруғини туйиб, унга бирор шириналик қўшиб ва ҳаммомга кириб, шу аралашмани баданга ва бармоқлар орасига яхшилаб суртиш тавсия этилади.

292. Кимки кўп ейишдан сақланса, кўп дори ичишдан озод бўлади.

293. Кўпайган сафрони бадандан ҳайдаш ва сўндириш учун, энг аввало, сурги-маккай сано ичиб, тозаланиш керак.

294. Кунгабоқар истеъмол қилиш чипқон ярасига қарши ёрдам беради. Кунига 50–100 г писта истеъмол қилиш зарур.

295. Кўнгил бехузур бўлганда қайноқ сувга қаттиқ нон тўғраб ивитиб, сўнг докадан сузиб ичилса, кўнгил айнаши ёзилиб кетади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

296. Кўзнинг чекка томонидаги хол – камтарлиқ, тежамкорлик, мўътадил феълдан нишона.

297. Кангор суртилса, "тулки касаллиги"га фойда қиласди. Ивитмаси билан бош ювилса, битларни ўлдиради. Ўзидаги хоссаси билан сассиқ сийдикни ҳайдаб, қўлтиқ ҳидини йўқотади.

298. Кофур, камфорани кўп истеъмол қилиш мўйни тез оқартиради.

299. Касило семиртиради, юз рангини ва бадан тусини чиройли қиласди.

300. Келин тилининг янгисини уруғи билан янчиб, юздаги доғларга, сепкиялга ва эскирган нуқтали қизил қонталашга сургилса, уларни кетказади.

301. Кир, чирк, яъни қулоқ кири милкка фойда қиласди. Лаб ёрилганига ҳам қарши ишлатилади.

302. Кийикпанжа доғларни кетказишда яхши шифолик қиласди.

303. Кесак бўшашган гўштни маҳкамлайди.

304. Кончўп тирноқлардаги оқ доғларни кетказади.

305. Кундур елими асал билан қўшиб қўйилганда милкакни кетказади. Пўстлоқлари яраларнинг изини кетказишга яхши дори. Сирка ва зифт билан қўшиб суртилганда мартиқиё деб аталадиган оғриққа фойда қиласди. Бу оғриқ натижасида бадан чумоли юргандагидек жимишлияди ва баданда сўгалга ўхшаш нарсалар пайдо бўлади.

306. Куйдирилган қўрошин, глет бадан ва қўлтиқ ҳидини яхшилади, сон шишининг олдини олади, сепкилни, қора доғларни, қонталашларни кетказади. Айниқса унинг ювилгани шундай. Чечак илдизларини ҳам кетказади ва тозалайди.

307. Крахмал, нашоста заъфарон билан қўшиб сепкиялга қарши ишлатилади.

308. Кунор дараҳтининг меваси мўй тўкилишига тўсқинлик қиласди ва уни узайтиради, кучли-ю майин этади. Сидрда бош қасмоғи ва қепагини кетказадиган, мўйни қизартирадиган елим бор.

309. Кунжут урилишдан пайдо бўлган кўкаришни ва қотиб қолган қонни шимилтиради. Савдойи касалликка учраган кишилар баданидаги ёрилиш ва дагалликка қарши ичилса ва суртилса, фойда қиласи.

310. Кунжут пўсти сочни узайгиради, айниқса пояси ва баргининг шираси сочни юмшатади ва қазғокни кетказади.

311. Кунжут ёғида миртни қайнатиб ишлатилса, сочни тўклишидан сақладайди, уларни кувватли ва пишиқ қиласи.

312. Куйдирилган мўй (соч) чиркли ва юмшоқ яраларни кучли қуригади.

313. Куйдирилган туз тишни тошлардан тозалайди, суртилса, ҳар бир ерда бўлган қонталашни кетказади. Туз асал билан истеъмол қилинса, рангни яхши қиласи. Кўнчиларнинг татими сочни қорайтиради.

314. Лайлак ёғи билан сигир ёғини олиб тенгма-тенг ҳажмда, аниқроғи оғирликда аралаштириб заҳарланган одамга берилса, тез таъсир қилиб заҳарни қайтаради.

315. Лимонёт оғизни жуда хушбўй қиласи.

316. Ликий ширасининг Ҳиндистондан чиқадиган хили мўйни қизартиради ва кучли қиласи. Сепкилни кетказади, ликийнинг ҳамма хили милкакка фойда қиласи.

317. Ладан мўйни ўстиради, қуюқ қиласи, кўпайтиради, сақладайди, айниқса лирга ёғи ва шароб билан ишлатилганда шундай қиласи. У латиф, чуқур сингувчи, эритувчи ва бузуқликни тозаловчи, мўй учун яроқли моддани таратувчи бўлгани учун шундай гаъсир кўрсатади, лекин тўхтатишга қарши кучли фойда қиласи.

318. Ладан "тулки касаллиги"га дори бўла олади, чунки "тулки касаллиги" моддасининг кучидан устунроқ, унинг кучидан латифроқ ва буруштирувчан.

319. Ложувард сўғалларни тушириб юборади.

320. Лакк одамни жуда қаттиқ озиради.

321. Лавлаги ва баргининг қайнатмаси сөвуқдан ёрилганта ҳамда "тулки касаллиги" га фойда қиласи.

322. Лола ёнлоқ пўчоғи билан аралаштирилиб ишлатилса.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

сочни қорайтиради; барг ва шохчалари шундайлигича ёки қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради.

323. Лаблардаги хол — саодатмандлик, таъсирчанлик намунаси.

324. Лимоннинг сувини сиқиб, у билан юз ювилса, сепкилни кетказади.

325. Лимон қобигидан сиқиб ёғи олинади ва унга вазелин қўшиб (4/1 стакан), фалаж бўлган жойларга суртилса, яхши фойда қиласди.

326. Лимон вабо касали ривожланишини тўхтатиб қўяди.

327. Лимон шарбати янғилигига инсон организмида вабо, саратон (рак) ҳужайраларини ўсимтага, чиришга айлантирадиган заҳарли канцероген моддаларини йўқотиб юбора оладиган хусусиятга эга.

328. Ловияни пўстлоғи билан янчиб, уни экзема устига сепиш лозим. Чунки унинг таркибида мис миқдорининг кўплиги шифобахшлик хусусиятини янада оширади.

329. Меъда фаолияти бузилиб, ич кетганда кунда уч маҳал қаттиқ нон еб, кетидан бир пиёла қаттиқ ичиб юборилса, касаллик таққа тўхтайди.

330. Меъдада қаттиқ оғриқ юз берса, шафтолининг қуритилган ёки қуритилмаган баргидан дамлаб, ярим соатдан ичилса, дамламани ичган bemor 10–15 дақиқадан кейин терлайди ва ошқозон оғриғи таққа тўхтайди.

331. Меъдада оғриқ бўлиб, ел (дам) бўлса, ич кетса, халқ табобатида олабутганинг ер устки қисмидан дамлама тайёрлаб, бир ош қошиқдан овқатдан олдин ичиш фойда беради.

332. Мижоз кишининг ёшига, руҳиятига, еб-ичишига ва ҳатто фаслларга қараб ўзгариб туради. Ёшларда 30 ёшгача ва балоғатга етганда 40 ёшгача иссиқ ва совуқ mijoz устун туради. Кексаларда 60 ёшдан ошгандан сўнг аксинча, куруқлиги ва совуқлиги ошган бўлади. Шу боис унинг mijozига суюқ, иссиқ овқат тўғри келади, сутли таомларни талаб қиласди. Бундан ташқари, фасл ўзгариши, яшаш учун иқлими бошқа ерларга бориш, иш шароити ҳам mijozга таъсир қиласди.

333. Милк қонаганда иккى ҳисса эман дарахти пүстлоғига бир ҳисса унинг гулини қўшиб, бир қошиқ асал аралаштириб, чой каби дамлаб ичиш тавсия этилади.

334. Милк оғриганда милкка хом саримсоқ палласи босилса, оғриқ қолади.

335. Милклар қочиб бўшашганда қаттиқ нонни чайнаш керак.

336. Милклар бўшашиб кетганда, қизил гул ёки анор гулини туйиб, ҳар куни милкларга босиш тавсия этилади.

337. Миср аёлларининг таъкидлашича, агар юзда ҳар хил сепкил ва доғлар бўлса, улар мунтазам равишда кум маска қилиб турсалар, юздаги сепкил, доғлар кетиб, юз териси ёшаар, кўз остидаги ва бошқа ажинлар текислашиб йўқолар экан. Куёш нурида қизиган қумдан фойдаланиш керак.

338. Мия оғриганда оз ейиш, оз ичиш, айникса шаробни оз ичиш, жинсий алоқани қиласлик ва кўп ухлаш керак.

339. Мия шамоллаганда, киши фам-гуссали ҳолатга тушганда, ёмон туш кўрганда, арпабодиён ўсимлигидан чой қошиқда дамлаб ичилади.

340. Мия оғриганда жўка гулидан тайёрланган дамлама терлатувчи восита сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайноқ сувга бир қошиқ жўка гули солинади ва 0,5 стакан ичилади.

341. Мия лорсиллаб оғриганда, одам ўз пешобини кунига 2–3 маҳал, катталарга 50–100 г дан, болаларга 30–50 г дан ичиши тавсия этилади.

342. Мол миясини мум билан тенг миқдорда аралаштириб суртиш яхши натижা беради, яраларнинг ривожланишига йўл кўймайди.

343. Мохов касалига афью илонидан тайёрланган шўрва яхши фойда беради. Боши ва думи кесилиб, ичи тозаланади, унга укроп, нўхат ва бир оз туз солиниб, гўшти титилиб кетгунча қайнатилади, сукларини олиб ташлаб, гўштини тозалаб, истеъмол қилинади.

344. Мохов касалига чалинган беморга енгил ҳазм бўладиган, овқатлар (куш гўштидан шўрва, янги балиқ, арпа нон, суюқ

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ошлар, хўл сабзавотлар, сут, асал, майиз, узум, анжир) тавсия қилинади.

345. Мохов касалига девчечак ўсимлиги қайнатмаса яхши шифо бўлади. Бунинг учун бир сиқим девчечак ўсимлиги 2 стакан сувда қайнатилиб, кунига 0,5 стакандан ичирилади.

346. Мохов касали тўғрисида табиб Шаҳобий шундай дейди: Ўзи осон дори ва лекин қиммат. Даشت анжири томирини толиб, пўстини олиб, қуритиб, бир идишга солиб, сабабчи ўсимлиги билан қўшиб ундан наҳорда ичилса, мохов касалига шифо бўлғай.

347. Мохов касалига чалинган одамга жинсий алоқа қилишга рухсат этилмайди.

348. Мохов касалининг энг биринчи таъсири этувчи аъзоси жигар бўлиб, бунда қон куйиб савдога айланади ёки бутун бадан мижозининг бузилишига сабаб бўлади. Бундай пайтда бақлажон, тую гўшти, от гўшти, қуритилган гўшт, тузланган балиқ истеъмол қилиш ман этилади. Агар организм тозаланмаса, мохов, пес, қора доф, темиратки, бавосил, қора жигар шишлари ва шуларга ўхшашлар хавф солади.

349. Мохов касали билан оғриган bemorga денгиз лиёзи сиқиб шарбати ичирилса, шифо топади.

350. Мурзинг илдизидан сиқиб олинган шираси юзга суртилса, сепкилни кетказади.

351. Мурчни асал билан тенг миқдорда қўшиб бемор танглайига суртиб турса, томоқ оғриғига яхши фойда қилади ҳамда ўпкани тозалайди.

352. Мутлақ дорилардан бўлмаса-да, лекин юракни кувватлантириш жиҳатидан шубҳасиз даҳли бор. Бунда тустовуқ, товук, қирғовул, каклик каби қушлар тухумининг сариги назарда тутилади. Бу тухумларнинг сариги мўътадил мижозлидир. Бунда уч нарса жамланган бўлиб, биринчидан, тез қонга айланади; иккинчидан, қонга айланмайдиган чиқиндиси оз; учинчидан, бундан ҳосил бўлган қон юракни енгил озиқлантирувчи қон жинсидан бўлганлиги учун у юракка тезлик билан боради ва қалбдаги қондан иборат қадимдан

бўлган қасалликлар келтириб чиқарувчи фасод бу билан тамоман йўқолади.

353. Маккажўхори попуги қайнатиб суви ичирилади, бу қайнатма қовуқдаги тошни майдалаб тушириш хусусиятига эга. Қайнатма тайёрлаш учун 3–4 ош қошиқ маккажўхори попуги олиб, бир идишга солинади унинг устига 1,5 стакан сув солиб, 30 дақиқа паст оловда қайнатилади. Шу қайнатмадан ҳар куни 3–4 соагда бир марта 1–3 қошиқдан ичиб турилади.

354. Маний ва шаҳват қувватини оширадиган овқатларга: сузма, бузоқ ва товуқ гўшти, нўхат, боқила, занжабил, товуқ тухумининг сарифи билан ўзаро тайёрланган қўшма овқат бу соҳада кучлироқдир.

355. Маний ва шаҳват қувватини оширишда шолғом, сабзи, қовун уруғлари мағзидан бир қисмдан олиб, буларни майдалаб элакдан ўтказиб, тоза сут билан ҳар куни наҳорда 10 г дан (бир чой қошиқ тўла) ичиб турилади.

356. Меъда ва ичак ярасида анор гулидан бир сиқим олиб, чойнакка аччиқ қилиб дамлаш ва ундан кунига уч маҳал овқатдан олдин ярим пиёладан ичиш буюрилади. Бу дамлама меъда ва ичак яраларининг тезда асоратсиз битишига ёрдам беради.

357. Мингдевонанинг иллиз олди барги оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатилади.

358. Мия оғриганда олма шарбатини тез-тез ичиб туриш яхши натижа беради.

359. Мумиё бод асоратларини, бўғимлар оғригини йўқ қиласи ва умуман мускуллар, бўғинлар ва суяклар касалланиб қолганида яхши фойда беради.

360. Марсин ёғи, шираси ва қайнатмаси сочнинг илдизини кучли қиласи, гўкилишига монеъ бўлади. Шунингдек, сочни узайтиради ва қорайтиради.

361. Марсин уруғининг зайдун ёғидаги қайнатмаси терлашни тўхтатади ва терлашдаги тери ҳолатини тузатади.

362. Марсиннинг куриган япроги кўлтиқ ва бут орасидаги

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ҳидланишга қарши ишлатилади. Кули тўтиёнинг ўрнига ўтади ва сепкилни кетказади.

363. Момақалдироқ сепкилга фойда қиласди ва мўътадиллик билан тозалайди.

364. Мингдевона қонни ивitiш ва қотириш хусусияти борлиги сабабли семиртирадиган дорилар таркибига киради.

365. Маска ёғи баданни озиқлантириш ва семиртириш учун суртилади.

366. Мехригиёхнинг япроғи билан, айниқса ҳўл япроғи билан теридаги қора нуқталар бир ҳафта ишқаланса, у нуқталарни яра қилмасдан кетказади. Одамгиёхнинг сути нуқтали қизил қонталашларни ва сепкилни куйдириб, ачиштирмасдан кўчиради.

367. Мутк овқатга тушса, оғизни бадбўй қиласди.

368. Мастаки тишни тозаловчи дориларга, пардоз мойларига кўшилади ва ҳусндор қиласди.

369. Мозариюннинг ҳамма тури доф, пес ва нуқтали қонталашга қарши сиртдан сургит масҳам қилинади, гоҳо унга олтингугурт ҳам арадаштирилади.

370. Муғос одамни семиртиради.

371. Марказит, пиритни сирка билан арадаштириб, доф, пес ва нуқтали қизил қонталашга суртилса, фойда қиласди. Тери тагида қамашиб қолган рутубатларни шимдиради, сочни майнинлаштириб, жингалак қиласди.

372. Мирра (қатрон) мирт ва ладан ёғи билан қўшиб суртилса, сочнинг қувватини ва қуюқ бўлишига ёрдам беради. Яраларнинг изини кетказади, оғизда тутилса, оғиз ҳидини яхши қиласди, ёмон ҳидини кетказади. Шароб ва аччиқ тош билан қўшиб қўлтиқларга сурилса ҳидни кетказади. Асал билан цейлон долчинини қўшиб, сўгалларга қўйилади.

373. Муррий оғиз ҳидини яхши қиласди.

374. Мис мўйни қорайтиради.

375. Малобатор тил тагида олиб турилса, оғизни хушбўй қиласди, ўйилишига йўл қўймайди.

376. Маҳсар сепкил ва дофни тозалайди.

377. Мозанинг суви ва у ювилган сув сочни қорайтиради.
378. Маймунжоннинг шохлари билан барги қўшиб қайнатилган суви сочни бўяди.
379. Мурч натрун билан ишлатилса, бадандаги доғни тозалайди. Шунингдек, натрун билан қўшилса, оздиради.
380. Мастакни олтингугарт билан қўшиб доғларга суртилса, фойда қиласди.
381. Мажнунтол ёғочининг кулини сирка билан сўгалга қўйилса, қурилади. Осиљган ва осилмаган бўлса ҳам уни кўчириб туширади. Пўстлоғи сочни бўядиган бўёқлар таркибига киради.
382. Нўхатни ейиш ва ундан малҳам қилиб суртиш нуқтали конталашларни кетказади ва рангни яхшилайди.
383. Назла ўти зайдун ёғи билан аралаштирилиб суртилса, терлатади.
384. Наргис илдизи тикан ва ўқ учларини чиқариб ташлайди, айниқса мастак уни асал билан қўшилганда шундай қиласди.
385. Наргис сепкилни ва доғни кетказади. Айниқса, сиркага қўшилганда унинг илдизи ана шундай таъсир кўрсатади. Илдизи яна "тулки касаллиги"га ҳам фойда қиласди.
386. Нил ўсимлиги сепкилни, доғни кетказади ва "тулки касаллиги"га фойда қиласди.
387. Нилюфар илдизи сув билан қўшиб, доғни йўқотиш учун қўйилади. Бунда, айниқса қора нилюфар ва унинг илдизи фойдали. Уни зифт билан қўшиб, "тулки касаллиги"га, айниқса қора нилюфар ва унинг уруғини қўялилар.
388. Навшати нок қоқиси ивитилиб ярага боғланса, ярани тузатади.
389. Нафас йўллари шамоллаганда, аллергия, бронхит, ларингит ва бошқа шу каби касалликларда энг фойдали даволаш усули буғ билан ингаляция қилиш.
390. Нафас йўллари яллиғланганда бир пиёла сут ва бир ош қошиқ майдаланган маврак ўти бирга қайнатиб, совитилади, кейин яна қайнатилади ва бу қайнатмани жуда иссиқ ҳолда кечкурун уйкудан олдин ичиш тавсия қилинади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

391. Нафас қисищда, шунингдек бир литр сув қайнатилиб, қайнаб турган сувга 400 г кепак солинади, уни тиндириб, докадан ўтказилгач, новвот қўшиб кун давомида ичилади.

392. Нўхат жинсий қувватни оширишда бошқа овқатлардан кучлироқдир, чунки унинг озиқлиги кўп. Нўхагни сувда қайнатиб истеъмол қилинса, жинсий заиф одамнинг мақсадини ҳосил қиласи. Агар ўзини истеъмол қилса, жинсий қувватини оширади.

393. Нонни сутга ботириб ейилса, пешоб йўлларидағи ачишишга барҳам беради.

394. Нўхат ейиш ва ундан малҳам тайёрлаб юзга суртилса, юздаги қонталашларни кетказади ва юз терисини тозалайди.

395. Овоз бўғилганда карамни майдалаб шираси сиқиб олинади, унга озгина кунжут ёғи қўшилади. Тайёрланган қоришма билан томоқ чайилса (Фар-Фара қилинса), овоз очилиб, нафас олиш енгиллашади.

396. Овқатга тог ялпизи ишлатилса, одамнинг меъдаси бақувват, ўзи кучли бўлади. Ҳеч қачон зардага учрамайди, "ҳаромқон" кўпайиши деган дарддан қийналмайди.

397. Одам очликдан ўлмайди. Илмий асосдаги парҳезга амал қилинса, одам ўзига ёшлигини қайтаради ва кўп хасталиклардан фориғ бўлади.

398. Ошқовоқнинг хом эти экзема бўлган жойга суртилса, фойдали.

399. Ошқозон хасталиклирида ўрик чой, олма чой, майизли чой, ялпизли чой, лимон чой, дала чой, мурчли чой, қалампирмунчоқли чой, бодиёили чойдан фойдаланилади. Шулардан бирини ҳар ким ўз мижозига тўғирлаб, танлаб ичиш тавсия этилади.

400. Оғиз қуриб қолса, саримсоқни турп ва туз билан истеъмол қилинг.

401. Оғриган тиш ковагига озгина майда қалампир қўйиш фойда беради.

402. Одам танасидаги қичима тошмаларга узум сиркаси суртилса, унга яхши шифо қиласи.

403. Одам организмида безларнинг хасталигини даволаш ва

## **Ю. Е. МАҲМУДОВ**

уларнинг бир ой ичидаги ўз фаолиятига қайтариш учун пешоб билан даволаниш яхши натижа беради. Ҳар ким ўзининг пешобини сахарда оч қоринга 15–20 кун давомида 60–100 г дан ичиш тавсия этилади, болаларга 30–60 г дан.

404. Одам организмида безлар хасталигини даволашда мева ва сабзавотлар шарбатларини кўпроқ истеъмол қилиб туриш, шунингдек узум шарбатини кўпроқ ичиш фойда қиласди.

405. Одам оғзи таъми аччиқ ва шўр бўлса, бу сафродандир. Сафро эса куруқ иссиқ мижоздан далолат беради. Сафрони даф қилиш учун эса аччиқ ва чучук анонси гулоб билан омихта қилиб, эрталаб нонуштага ичиш тавсия қилинади.

406. Одамнинг оғзидан сув келиб, соч-соқоли барвакт оқарса, қорни куруқ оғриса, табиб бу иллатлар сабабчиси балғам эканлигини таъкидлайди.

407. Олхўрининг майдаланган ёки бутун барглари буенда юмшатилиб, баъзи бир фасодли, йирингли яраларга қўйилса, яраларни тезда тузатади.

408. Олатни қаттиқ қиласиган, шаҳватни қўзғатадиган нарсалар: говмиш сути, байтал сути, түя сути, қўй сути ва ёғи, каклик, чумчук, кабутар, қўй гўшти, буғдой дони, нўхат, шолғом, пиёзни канда қилмасдан истеъмол қилиб турилса, одамнинг жинсий куввати ошади.

409. Очиқ яранинг битиши учун хина, зальфарон (шафран), тухум оқини олиб, улар ҳамир қилиб, ярага боғланса, у тез битади.

410. Омила соч илдизини кувватли қилиб, уни қорайтиради.

411. Озоддаракти япрогининг суви битни ўлдиради. Озоддаракт илдизи узум шароби билан истеъмол қилинганда сочни узайтиради.

412. Одамнинг эрлик уруғи доғни кетказади.

413. Одамнинг ахлати оқ доғга фойда қиласди.

414. Олма таркибида темир элементи бўлганлиги боис у киши аъзоларида қон ҳосил бўлишига ёрдам бериб, камқонлик касалидан қутилишида бекиёс фойдали.

415. Олтингугурт пес касаллигига қарши ишлатиладиган

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

дорилардан. Айниқса, олов тегмагани шундай. Сақич билан аралаштирилганда тирноқдаги изларни кетказади. Сирка билан күшиб доғларга ишлатиласи.

416. Олакуланг суртилса, сүгални күчиради. Ундан мумли суртма тайёрлаб, тирноққа боғланса, тезда күчириб туширади: Агар сирка билан аралаштирилиб суртилса, доғ ва песни кетказади.

417. Олакулангни майдалаб янчыб, хардал билан күшиб суртилса, сочни ўстиради. Зайтун ёғи билан қуюлгунича қайнатилгани ҳам шундай таъсир қилади.

418. Оқ қон касали бор киши ўз пешобини 50–100 г (кагталар), 30–50 г (болалар)дан ҳар куни эрталаб ва кечкурун ичиши керак.

419. Оқ туз зеҳнни ўткирлаб, бўшашган тиш милкларини мустаҳкамлайди.

420. Панжангуштда рангни тозалаш хусусият бор.

421. Пиёз юзни қизартиради, уруғи доғни кетказади. "Тулки касаллиги"да мўйи тўкилган ерга ишқаланса жуда фойдали. Уруғи туз билан күшиб ишлатиласа, сүгалларни кўпоради.

422. Парсиёвушон кули сирка ва зайтун ёғи билан "тулки" ва "илон" касалликларида қуюқ суртма бўлади. Мирт ёғи шароб билан ишлатиласа, сочни ўстиради, унинг тўкилишини йўқотади.

423. Панжангушт рангни тозалайди.

424. Парпи, буванани суртиш ва базаржамий деб аталган жуворишдан ичиш песни кетказади. Шунингдек, моховга ҳам фойдали.

425. Парпи сичқон ва унинг тарёки пес ва моховга фойда қилади.

426. Пион гул, саллагул теридан қора доғларни кетказади.

427. Пишлоқ суви савдо хилтини тозаловчи даволар билан биргаликда ишлатиласа, сепкилга фойда қилади. Янги пишлоқ ўз оғирлигича шароб билан анор қобигида ярми қолгунча қайнатиласа, юз тиришиш касалини йўқотади. Тузланган эски пишлоқ ориқлатади (оздиради).

428. Петрушка, сельдерей ёввойи "тулки касаллиги", тирноқларининг ёрилиши, сўгаллар ва совуқдан бўладиган ёрилишларда ишлатилади. Боғда ўсадигани оғиз ҳидини яхшилади.

429. Писта баргини йифиб ундан қайнатма тайёрланади. 200 г сувга 10 г барг солиниб, 15 дақиқа қайнатилади, совигач, докада сузуб бачадондан қон кетганда ва шамоллаганда кунига 3 маҳал овқатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади.

430. Панжалари узун ва кенг бўлса, соҳиби айёр, ёвуз бўлади.

431. Парманчик хўжағат, булдурун, малинанинг шамоллашда мураббоси фойдали. Бундан ташқари, уларнинг барглари ва шоҳларидан тайёрланган қайнатма яхши терлатади.

432. Парманчик хўжағат, булдурун, малина баргларидан тайёрланган қайнатма нафас йўллари яллиғланганда, томоқ оғригандага, шунингдек балғам кўчиришда фойдали.

433. Пешоб йўлларида тош бўлса, уни ҳайдаш учун кийик ўтли чой, долчинли чой, райхонли чой, олма чой ва ўрик чойларини ичиб, пешобни ҳайдаш билан барча тошни ҳайдаш мумкин. Бу чойлар ичидаги кийик ўтли чой кучли ҳайдайди.

434. Пешоб ичириш усулини эшак емида қўллаш мумкин. Пешобни ҳар куни оч қоринга икки маҳал (катталарга 60–100 г дан, болаларга эса 20–50 г дан) ичириш керак. Ичилигандан сўнг 4–5 кун ўтгач, баданда ўзгаришлар бошланади. Терида кичкина, тез йўқолувчи тошмалар пайдо бўлади. 10–15 кундан сўнг эшак еми йўқолиб, киши ўзини яхши сеза бошлайди.

435. Петрушка пешобни ҳайдаб, танга фойда келтиради.

436. Петрушканинг янгисини олиб, сиқиб шарбати юзга суртилса, юздаги доғ ва сепкилларни кетказади.

437. Пешонанинг ўнг томонидаги хол – ақл, обрӯ, омад белгиси.

438. Пешонанинг чап томонидаги хол – иродаси бўшлиқ, ланжлик белгиси.

439. Пиёз уруфини туз билан кўшиб янчиб сўгалга қўйилса, уни қўпоради.

440. Пиёз барглари ёрилган терига ва қадоқقا қўйилади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

441. Пиёзнинг суви 1–2 томчидан ҳар куни 2 маҳал қулоққа томизиб турилса, қулоқни очади ва эшитиш яхшиланади.
442. Пиёз ургуини янчиб ун қилиб, атала шаклида кунига бир маҳал юзга сургилса, юздаги лоғ ва сепкилларни кетказади.
443. Помидор юрак хасталигини даволашда фойда беради, чунки унинг таркибида қанд моддаси, органик аминокислоталар, турли хил витаминлар, шунингдек калий, кальций, магний, фосфор каби кимёвий элементлар ҳамда темир тузлари ва бошқа моддалар бўлиб, юрак касалликларини даволашда фойда беради. Қўпроқ помидор истеъмол қилган кишиларда юрак хасталиклари камроқ учрайди.
444. Помидор истеъмол қилингандা, уятчанлик йўқола боради, чунки унинг таркибида кўз ва бошқа органларга шифо бағишлиовчи моддалар билан бирга серотонинга ўхшашиб руҳиятга таъсир қилувчи моддалар борлиги инсонда фаоллик пайдо қилишига сабабчи экан.
445. Помидор ниқоб юз териси ёғли аёлларга тавсия этилади.
446. Рус табиблари томонидан саратонни даволашда янги усул ўйлаб чиқилди. Бу усулга кўра саратон касалини даволаш учун шишга чўяннинг микро заррачалари киритилади, бу ўша шишни қиздириш имконини беради. Ҳарораг баланд бўлиб, шиш бор жойда ҳарорат  $43,5^{\circ}$  С га кўтарилади. Натижада, саратон ҳужайралари 100 фоизгача ҳалок бўлади. Бу усулга 1991 йили ноябрда патент берилган.
447. Рўян дамламаси теридаги шўрлашларни кетказади.
448. Рўян ўсимлигининг илдизи буйрак касалида тош ҳайдовчи сифатида фойдаланилади.
449. Равоч илдизини сиркага қўшиб суртилса ва у билан сурги қилинса, сепкил ва теридаги қолган илдизларга фойда қиласди.
450. Сассиқ каврак гавда ҳидини ўзгартиради. Зайтун ёғи билан малҳам қилиб қўйилса, кўз остидаги қонталашни тез кетказади.
451. Ситрондан сиқиб олинган сув рангни тозалайди, сепкилни кетказади. Қобигининг куйиндиси пестга

суртиладиган яхши дори. Қайнатмаси оғизда тутиб турйлса, ҳидини кетказади.

452. Сигирқүйрүк ёввойисининг олтин рангли гули сочни қизартиради.

453. Семизўт билан сўгалларни қирадилар.

454. Семиз қўзичоқнинг куйдирилган гўшти доғга суртма қилинади.

455. Смола тирноқлардаги оқ доғларни кетказади. Аъзоларга қонни тортиб, уларни семиртиради. Айниқса, кўл марта ёпиштириб, бирданига шиддат билан кўчирилса, яхши бўлади. Товоң ва бошқа аъзолар ёрилганда уларни тузатиш учун суртилади. Бунинг куюқ суртмаси "тулки касаллиги"да мўйни ўстиради.

456. Санавбар бужури семиртиради.

457. Сақич дарахтининг меваси юзни доғлар ва сепкиллардан тозалайди. Сақич юзнинг ёрилганига ҳам фойда қиласди.

458. Самоъий лойи гавдани тиниқ ва чиройли қилиб, юзни ярақлатади.

459. Сутли ўтлар тут шаклидаги сўгални ва умуман, сўгалларни, холларни, тирноқлар атрофидаги ортиқча этларни қўпоради. Сутини мўйли ерга, айниқса офтобда суртса, мўйни тараашлайди, кейин чиқадиган мўй заиф бўлади. Агар суртиш тақрорланса, сира чиқмайдиган бўлади.

460. Сувни сирка, Миср боқиласи билан қайнатиб, сўнг тирноқларга суртилса, ундаги доғларни кетказади. Барги доғни кетказади, мўйни қорайтиради.

461. Сусморнинг қумалоғи сепкилни кетказади.

462. Сусмор тезаги нуқтали қонталаш ва сепкилда фойда қиласди.

463. Сақамумиё пес, доғ ва сепкилни кетказади.

464. Садаф чиганоқнинг паллалари ва пўстлари куйдирилса, доғни кетказади. Шунингдек, ўзича ишлатилса, катта ўқ учларини ҳам чиқаради. Агар гунафша рангли садафни зайдун ёғида қайнатиб сочга суртилса, сочни тўклишидан сақлади.

465. Сабур, алоэ асал билан кўшиб урилишидан қолган изларга

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

күйилади. Яраланадиган милкакни битиради. Шароб билан қўшиб тўкилаётган сочга қўйилса, унинг тўкилишини тўхтатади.

466. Седана осилиб турувчи сўгалларни, холларни, доғларни, айниқса песни кетказади.

467. Саримсоқни тоғ ялпизининг қайнатмаси билан қўшиб ичилса ёки баданга ишқаланса, бит ва сиркаларни ўлдиради. Агар унинг кулини асал билан қўшиб доғга ва кўз остидаги қонталашларга суртилса, фойда қиласди. Чириган моддалардан пайдо бўлувчи "тулки касаллиги" да фойдали.

468. Сиркани асал билан қўшиб қонталаш ерларга суртилса, фойда қиласди, аммо кўп ишлатиб юборилса, саргайтириб кўяди.

469. Сабзили ниқоб – ҳуснбузарли, рангсиз ва сўлиган терига фойдали.

470. Сабзи, лимон, апельсин пўчоқларини яхшилаб ювиб, қирғичдан ўтказиб, юзга чаплаб, бир-икки соат турса, юз дам олади ҳамда ёшарид очилади.

471. Сабзавотлардан: турп, карам ва саримсоқ тез-тез истеъмол қилиб турилса, юздаги доғлар йўқолиб, ёшаради.

472. Санчувчи ўсимлигининг устки қисмидан бир сикими олиниб, чойнакка дамланади ва қунига 2 маҳал 15 томчидан ичилади. Бу эшитиш қобилиятининг тикланишига ёрдам беради.

473. Сариқ касалида, асосан жигарнинг тўқималари зарарланиб, беркилиб қолади. Оқибатда, жигар кенгайиб шишади, жигарга келган қонга жигар тиқилмалари қўшилиб, натижада фермент деб аталадиган тиқилмалар кўпаяди ва жигардаги ўт ўз йўли беркилгани туфайли ичакка бормасдан қон орқали танага тарқалади. Шу боис беморнинг териси, юзи, кўзининг оқи саргаяди, ахлати оқаради.

474. Сариқ бўлган кишига шароб ичиш рухсат этилмайди, лекин сув аралаштирилган шароб ичиш мумкин.

475. Сариқ бўлган одам тез ҳазм бўладиган гўшtlарни истеъмол қилиши зарур, шу билан бир қаторда уйқусизликдан,

ғазабланишдан, кўп ҳаракат қилишдан ва ҳаммомда чўмилишдан сақланиши керак. Сариқ касалликда сариқ нарсаларга қарашиб яхши фойда беради, чунки бу нарсалар табиатни савдоли моддаларининг ҳаммасини терига қараб ҳайдашга кўзгатади ва шу билан даволаш иши енгиллашади.

476. Сариқ бўлган одам жигари тиқилмаларини очадиган дорилар: силибумнинг катта уруғидан 3 дирҳам (бир дирҳам 2,975 г), уруғи олинган майиздан 5 дирҳам, олтингурутдан ярим мисқол, девчечак, тоғ петрушкасининг уруғи, қора нўхат ва оқ кундир елимининг ҳар биридан 2 дирҳамдан; ҳар гал шу тартибда 1.5 дирҳамдан, яъни 4,5 г дан олиб арпабодиён суви билан бир неча кун истеъмол қилинади.

477. Сариқ касалини даволаш учун сабзи стаканга ўхшатиб ўйилади, ичига ҳар куни бола сийдиги қуйиб турилади, сийдикдаги сув буғланиб охири қуруклаб, унинг қолган заррачалари (кристаллари) беморга берилади. Кунига 3–4 маҳал ярим мисқолдан ичиб турилади, 4–5 кунда сариқ касали тарқаб кетади, одам шифо топади.

478. Сариқ касаллигида анорнинг қобиги, пўстлоғи ва гулидан Абу Али ибн Сино тенг миқдорда олиб, дамлама тайёрлашни ва кунига 3 маҳал ярим стакандан ичишни буюради.

479. Сариқ ингичка ва қуруқ сочга аччиқ қилиб дамланган чой ва пиёз дамламаси сургилса, соч жилоланибгина қолмасдан, балки унинг илдизи ҳам мустаҳкамланади. Агар бу вақти-вақти билан тақрорланиб турилса, соч янада қўнғир тус олади.

480. Саримсоқнинг икки бўлакчасидан сиқиб олинган сувини ўшанча миқдордаги олма сиркаси ва бир неча томчи асал билан аралаштириб, ҳар куни кечқурун юздаги хуснбузарлар тошган жойга суртилса, 2 ҳафтада юз тозаланади.

481. Седанадан етти дона олиб, уни аёл сутида бирор соат ивитиб, ундан бурунга томизилса, сариқ касаллиги ва кўз сариқлигига яхши фойда қиласди.

482. Сепкил ва қора доғлар ҳомиладор аёлларда учраганда,

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

доғларни кетказиң үчүн күпроқ редиска, сут истеммол қилиш керак.

483. Синган сүяклар турли муддатда бирикади. Масалан: бурун сүяги 10 кунда, қовурға сүяги 20 кунда, билак ва унга яқын жойлардаги сүяклар 30 кундан 40 кунгача, сон сүяги 50 кунда бирикади, баъзан бирикиши 3–4 ойга ва ундан күпроқ муддатга чўзилади.

484. Ситрондан сиқиб олинган сув рангни тозалайди, сепкилни кетказади. Қобигининг куйиндиси пеңга суртиладиган яхши дори. Қайнатмаси оғизда тутиб туриса, ҳидини кетказади.

485. Сигир сариёғидан бир ош қошиқ (ёки таъбга қараб күпроқ) олиб, уч кун давомида эрталаб иситиб, ширмой нон билан ейилса, у совуқ тер чиқариб, кўп ўтмай йўтални қолдиради, шамоллашга шифо бўлади.

486. Сигиркуйруқ ёввойисининг олтин рангли гули сочни қизартиради.

487. Сийдирувчи нарсалар: тоғ петрушкасининг уруғи, ёввойи сабзи уруғи, коврак елими, ёввойи укроп илдизи, тоғ сумбули илдизи, игир. Буларнинг ҳаммасига турп суви, арпабодиён шираси қўшиб ичилса, яхши фойда қиласи.

488. Совуқ елдан бўладиган меъда оғриғида тарик қиздирилиб оғриган жойга боғланса, оғриқни тўхтатади.

489. Совуқ мижозли кишилар мошли овқатларни зира, қора мурч ва қалампир аралаштириб есалар бош оғриғига шифо бўлади ва яхши самара беради.

490. Совуқ ва қуруқ одам организмига шафтоли ейиш тавсия этилади.

491. Совуқлиги ошган одам организмига майиз, асал, бодом, ёнғоқ истеммол қилиш тавсия этилади.

492. Сохта каштан ва қарафс ўсимликлари қулоқ хасталиклари даво сифатида ишлатилади.

493. Сочнинг соғлом бўлиши учун күпроқ мева-сабзавотлардан истеммол қилиш керак.

494. Соч тўкилган жойга куйдирилган саримсоқ пўстини

зайтун мойига қўшиб малҳам тайёрлаб суртиш ижобий натижа беради.

495. Соч барвакт оқариб кетгандан, қизил лавлагини қайнатиб оқарган соч-соқолга суртилса, уни қорайтиради.

496. Соч-соқолни, кўзни бўяш, киши зийнати.

497. Сочлар оқариб кетаётган, тўкилаётган бўлса, уларга бўлка нон, гуручли овқат, жўхори, жигар ёрдам беради.

498. Соч хом ёнғоқ пўстлоқларидан тайёрланган дамлама билан ювилса, у қўнғир тусга киради, жилоланади.

499. Сув гарчи бўлса ҳам ширину зилол, ортиқча ичилса, келтирап малол.

500. Сузмадан ҳар куни 100 г истеъмол қилган киши атеросклероз, юрак ва жигар касалликларига учрамайди.

501. Суяклар чириши хасталиги, асосан, сил касаллигига кузатилади. Сил таёқчалари танадаги айрим аъзоларни чиритибгина қолмай. суякларни ҳам чиритади.

502. Суяклар шиқиллашида оғриган бўғимларни иссиқ қилиб туриш керак. Бунинг учун парафин, озокерит, балчиқ қўйиш мумкин.

503. Сўгал қайта-қайта карам шарбати билан артилса, у тезда йўқолади.

504. Сут шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айниқса аёлларни чиройли қиласди.

505. Сангвиник одамларга совуқ мижозли овқатлар, ичимликлардан: лимон, ўрик шарбатлари, дўлана, олхўрининг ўзини ёки шарбатларини бериш керак. Шунингдек, олма, сузма, кўк чой, ширин қандли сув, кийик ўтида ва петрушқадан дамлама бериб туриш мақсадга мувофиқ.

506. Савдо кўпинча суякда, терида, мияда, гўшт оралиғида, тана ичидаги аъзоларда ва бошқа жойларда йигилади.

507. Санчувчи ўсимлиги қанд касаллигини даволашда ижобий роль ўйнайди. Бу ўсимликдан бир сиким олиб, чойнакка солинади ва устига 200 г сув қўйиб, 10–15 дақиқа давомида дамланади. Кейин қайта-қайта докадан сузиб олинади. Тайёрланган дамламадан кунига 2 маҳал 15 томчидан

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

иҷилади. Бу ўсимлик қондаги қанд миқдорини камайтиради.

508. Табиблар қадимдан ўт ва пешоб ҳайдовчи неъмат сифатида беморларга тарвуз ейишни тавсия қилганлар. Чунки тарвуз витаминларнинг барчасига бой неъмат.

509. Танадаги яраларга бурган, далачой, зубтурум, келинтили, ковул, ачамбити, бўйимодарон, равоч, отқулоқ, қўйтикан, тугмагул, собарга жида ўсимликлари қўлланилганида шифо топади.

510. Токнинг баргини олиб яхшилаб ювиб қуритилади. Сўнгра майдалаб ун шаклига келтирилади. Бачадондан қон кетганда, қон тўхтатувчи дори сифатида 2–3 г дан ичиб турилади.

511. Ток мевасининг доривор (ампулада чиқадиган натуроза) кўп қон йўқотиш, қон томирлар тонуси ўзгариши натижасида қон айланишининг бирданига сусайиши туфайли юз берадиган ҳолатларда буюрилади.

512. Токнинг баргини олиб яхшилаб ювиб қуритилади, сўнгра майдалаб ун шаклига келтириб, бачадондан қон кетганда, қон тўхтатувчи дори сифатида 2–3 г дан ичиб турилади.

513. Торимдори ўсимлигининг илдизи ва илдиз олди пояси барги билан йигилади ва соя ерда қуритилади. Сўнгра майдаланиб, кукунидан бир чой қошиқ ярим стакан сувда 10 дақиқа қайнатилади ва бел оғриганда овқатдан олдин ярим стакандан ичиб турилади.

514. Тоғ арчасининг ёш новдаларидан олиб қуритилади, кейин янчилиб, бош оғрифида кукуни ҳидлаб турилса, оғриқ тўхтайди.

515. Тоғ олчани узоқ қайнатиб кунора 2–3 пиёладан ичиб туриш керак, бир пиёласи билан бошни эмланг (суртинг). Хар куни бир боғ кўк пиёз, бир боғ кашнич ва 100 г карамни майда тўғраб, сузмага қоришириб истеъмол қилиш зарур.

516. Турл уруғидан бир неча дона еб турилса, одам қичимадан қутулади.

517. Турл уруғи янчилиб унга тенг миқдорда асал қўшиб

ёмон, сўғалли яраларга суртилса, яралар шифо топади. Агар янчилган турл уруғига учдан бир қисм узум сиркасидан кўшилса, шу билан гангреноз яраларга суртиб турилса, бемор бутунлай соғайиб кетади.

518. Турпнинг қайнатиб пиширилгани шамоллашга қарши, балғам кўчирувчи, томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида едирилади.

519. Турп шарбатини асал ёки шакар билан аралаشتариб, гижжаси бор одамга берилса, гижжаларнинг йўқолишига ёрдам қиласи.

520. Тактақнинг уни билан 3–4 кун юз ювилса, сепкил ва бошқа доғларни кетказади, темираткини ҳам йўқ қиласи.

521. Тактак ўсимлигини майдалаб, талқони атала шаклида юзга суртилса, юздаги доғларни кетказади.

522. Талоги касал одамнинг ранги қораяди.

523. Тери шўрланганда А витаминга бой бўлган сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин ва бошқа турли сабзвотлар ҳамда сут маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

524. Тез-тез тиш қамашса, оғизни семиз ўт дамламаси билан чайқаш лозим.

525. Темираткида олхўри, анжир, келинтили, чақалуғлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

526. Темираткига бир мисқол дарё кўпигига эски сирка аралаشتариб суртилса, яхши натижа беради.

527. Тил касалланса, бот-бот пиёз, ялпиз, сули истеъмол қилинг.

528. Типратикан гўшти, шўрваси мохов касалига яхши ёрдам беради.

529. Типратиканнинг қуритиб, сўнг майдалаб туйилган талқони мохов касалини даволашда фойдаланилади.

530. Типратикан гўштини тузлаб, керакли дорилар билан кўшиб, фалаж бўлган беморга берилса, бемор шифо топади.

531. Типратиканнинг куйдирилган териси ва тиканлари шароб билан ичилса, фалажликка яхши фойдадир.

532. Типратикан гўшти 5–6 марта қайнатилиб сўнг истеъмол

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

қилинса, бу эски бош оғриғи қийнаётган беморлар учун айни муддао бўлади.

533. Тирноқлар юмшаб тушиб кетадиган бўлиб қолса, А витаминга бой бўлган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Бу маҳсулотларга: сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин, жигар ва сут маҳсулотлари киради.

534. Тирноқ тушиб кетса ёки юзларига, бўйнига чипқон чиқса, бундай ҳолатда кўпроқ ёнғоқ, кунгабоқар, каноп ёғи истеъмол қилинса, одам тез орада бу касалликлардан шифо топади. Бунинг учун ёнғоқ мағзини олиб, унга тенг миқдорда писта (кунгабоқар)нинг мағзи қўшилади ва ҳовончада бирга туолади, уларга каноп ёғидан қўшиб, аралаштириб сўнг юмшаб кетган ҳамда тушиб кетаётган тирноқларга ва чипқон чиқаётган ерларга суртилади. Бундай вақтда кўпроқ ёнғоқ ва писта истеъмол қилиш керак.

535. Тирноқ ёнидаги тери тиришишдан шикоят қилган одамга асалари уясини кукун бўлгунча туйиб, унга эрмон ва ароқ аралаштириб, оғриган тирноқ ёнидаги терига суртиш тавсия этилади.

536. Тирноқни шанба куни олиб бўлмайди, баҳтсизлик келтиради.

537. Тирноқ пайшанба куни олинса, яхши бўлади.

538. Тиш оғригини даволаш мақсадида сиканжумбинни тайёрлаш учун 100 мисқол шакар қуюқлашгунча қайнатилади, унга 30 мисқол узум сиркаси қўшилиб, 2–3 марта қайнатилади. Уни ҳар куни эрталаб бир чой қошиқдан сувга аралаштириб ичилади.

539. Тиш оғримаслиги учун унинг тубига сўлакҳайдар талқонидан қўйиш лозим.

540. Тиш оғриганида сирка ва асал аралашмасига саримсоқ бўлакчасини бир кечада бўктириб қўйиб, сўнгра оғриётган тишга камида бир соат қўйилса, оғриқ қолади.

541. Тиш остидаги гўштнинг шиши қондан юз берса, белгиси: оғриқ оғизнинг ширин бўлиши, сафродан юз берса, ачишиб лўқиялаши, балғамдан пайдо бўлса, шишнинг оқлиги ва

юмшоқлиги, совуқдан бўлса, шишининг қоралиги ва қаттиқлиги билинади.

542. Тиш оғриганда келинтили ўсимлиги чайнаб турилса, шифо бўлади.

543. Тиш оғриганда тишга укроп уругини қўйиш ҳам фойда.

544. Тиш қасалида ялпиз, қовоқ, қовун, совуқўт, сигирқўйруқ, қоқигул, атиргул ва пешоб фойдали ҳисобланади.

545. Томоқ оғриганда, айниқса томоқ бўғилганда, қўй сути билан кунига 3–4 маҳал гаргара қилинса, кишининг овози ўз ҳолига қайтади. Муолажани 10–15 кун тақрорлаш керак.

546. Томоқ оғриғида қизил лавлагининг суви яхши ёрдам беради. Бунинг учун бир чой қошиқ асалга З ош қошиқ лавлаги суви аралаштирилади ва уни ҳар куни 3–4 маҳал шу аралашмадан бурун катакчаларига бир неча томчидан томизиб турилади.

547. Томоқ оғриганда ўсимлик мойи иситилиб компресс қилинса, фойдали ҳисобланади. Бу усул бир неча бор тақрорланса, томоқ оғриғи қолади.

548. Томоқ оғриганда лимонли чой, кийик ўтли чой, қўй ёғли чой, исмалоқ, пиёз, саримсоқ, шолғом, қовоқ, итузум, чучукмия ва қоқигулларни дамлаб, ҳидлаб, оғизни чайиб туриш фойдали ҳисобланади.

549. Томоқдаги хол – бой-бадавлат никоҳ, кибру ҳаво белгиси.

550. Тузни қайнатилган сувда намакоб қилиб, оғиз бўшлиғида тиш оғриган томонда 5–6 дақиқа ушлаб турилса, тиш оғриғи қолади, милклар мустаҳкам бўлади.

551. Туз қўйиш чечакни етилтиради ва қуритиб тезда туширади.

552. Тузни асал ва майиз билан қўшиб чипқонга қўйилса, уни даволайди.

553. Тумовнинг тўртта белгиси бор бўлиб, улардан 1–белги юрак безовталанади; 2–белги йўтал пайдо бўлади; 3–белги ҳарорат баданда кўтарилади ва ниҳоят 4–белги бош оғриди.

554. Тумов хуруж қилаётганини сезиб қолсангиз, бир бош

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

пиёз ёки саримсоқни тез-тез искааб туриңг, шунда дард зўрайишининг олди олинади.

555. Тутқаноғи бор одамларга енгил ҳазм бўладиган овқатлар: балиқ, барча ҳайвон гўштларидан парҳез қилиб, уларга жўжа, бедана, мусича, чумчук гўштлари берилиши лозим.

556. Таратезақ, индовни суртиш мўй тўклишини тўхтатади.

557. Тоғ жамбил сўгалларни йўқотади.

558. Темир занги шароб билан бирга милкакка қўйилади.

559. Ток суви чумолисимон сўгалларга дори. Ёввойи симон суви сепкил ва нуқтали қонталашни кетказади. Хонакиси кучсиз бўлади. Ёввойисининг суви, айниқса янги шохларидан олинган зайдун ёни билан қўшиб ишлатилганда, баъзан сочни тўқади. Ёни барча ёғларнинг энг кучлиси.

560. Тоғсиё мўйларни ўстиради ва "тулки касаллиги"га фойдали. Шунингдек, қонталашга, ярадан қолган изларга, сепкилга ва пестга ҳам фойда қиласди.

561. Тоғ райхонининг суви қатиқقا солиниб, қон олинган жойга қўйилса, тилиб олингандан кейин оқ из пайдо бўлишининг олдини олади. Куруғини асал билан қўшиб қонталаш ва кўкарган жойга, айниқса кўз тагидагиларга сургилади.

562. "Тоғ майизи" – испарак битларни ўлдиради, хусусан зарних билан қўшилиб, эскирган "тулки касаллиги"га суртилса, фойда қиласди.

563. Тирноқгул, озаргулнинг сиркада эзилгани "тулки касаллиги"да фойда беради.

564. Танакор сочга сепилса, сочни ярақлатади. Қуюқ суртмаси баданга суртилса, қонни баданинг сиртига тортиб, рангни яхшилайди. Ориқ (озғин)ликда фойда беради. Лекин кўп ейиш тусни қорайтиради.

565. Тизимгулнинг қайнатмаси сочни қорайтиради.

566. Тунбош сепкил ва доғларни кетказади, у ейилса ва қўйиб боғланса, оқ доғра қарши энг фойда шифо бўлиб, уни 4–5 кунда йўқ қилиб юборади.

567. Тўтиё қўлтиқ бадбўйлигига фойдали.

568. Тухумнинг оқи юзга суртилса, қуёшнинг тери рангини

қорайтиришига тўсқинлик қиласи, қорайганини (доғини) кетказади. Сарифи қовурилиб, асал билан эзилса, сепкил ва офтобдан қорайганга қарши суртма бўлади.

569. "Тулки касаллиги"да олдин ўша жойни юнг латта билан ишқаб, кейин сирачнинг кулини қўйиб боғланса, сочни ўстиради. Агар оқ доғни офтобда латта билан ишқаб, сўнгра сирач илдизини сирка билан чапилса, доғни йўқотади.

570. Турп уруғи аъзоларда пайдо бўлган қизғиш қонталашга ва бошқа ёт рангларга, зарбанинг изларига, сепкилга фойда қиласи.

571. Тўпалоқ рангни чиройли қиласи, тез ҳидни яхшилайди. Ҳинд тўпалоги мўйни тўкади.

572. Узун қўлли аёлларнинг тўлғоқ дардлари оғир кечади.

573. Узун суякли ва йўғон қўллар яхшилик белгиси эмас, унинг соҳиби золимлик хусусиятларига эга, жанжалкаш ва одамга эликмайдиган, чиқишимайдиган бўладилар.

574. Узум терини намлантиради ва юмшатади.

575. Узум сиркасини одам танасидаги қичима тошмаларга суркаса, унга яхши шифо қиласи.

576. Уйқуда сиймоқлик бўлса одатинг, парҳез қил, кам бўлсин овқатинг.

577. Уйқусизликда ҳар куни бир пайтда ётиш керак. Ётишдан олдин қўштириноқ гули, гирноқгул, унга кийикўти қўшиб, ҳар биридан 50 г дан олиб дамлаб, шу дамлама билан бутун баданни чўмилтириш тавсия этилади.

578. Уйқусизликда халқ табобатида 50 г шивит уругини олиб, 500 г мусаллас қўшилади ва 15–20 дақиқа қайнатилади, бир соат бўлгандан сўнг докада сузиб, уйқудан олдин 50–60 г дан ичилади.

579. Уйқусизликда бир ош қошиқ асални бир стакан қайноқ сувга аралаштириб уйқудан олдин ичилса, яхши фойда қиласи.

580. Уйқу олдидан одам олма еса, уйқуси тинч бўлади.

581. Ухлатувчи шифобахш ўсимликларга: кашнич, эрмон, нилуфар, бангидевона, бодом, мингдевона, лимон киради.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

582. Фалаж кишиларга итирнинг мураббоси фойдали хисобланади.

583. Фалаж беморга даволаётган қунларида икки ёки уч марта сурги дори ичириш керак, токи ичакларида заарли хилтлар қолмасин, бунинг дориси маккаи сано.

584. Фалаж аъзони у тугал тузалгунча уқалаш керак.

585. Фалажлик баъзан юқори ҳарорат, қаттиқ қичқириқ таъсиридан ҳам тузалиши мумкин.

586. Фалажга мумиё ҳам даво, уни мошдек қилиб, кунига бир маҳал ичиш тавсия этилади.

587. Фундук, ўрмон ёнғонининг куйиндиси сочни бўяиди.

588. Филзахра, ликий сочга суртилса, уни кувватли қиласи.

589. Халила рангни тоза қиласи.

590. Хипаш етмак суви билан қўшиб сочга чапилса, уни қизартиради.

591. Хавлинжон оғизнинг бадбўй ҳидини яхши қиласи.

592. Халқ табобатида саримсоқнинг кулини асал билан қўшиб, кўз остидаги қонталашларга суртилса, тезда фойда қиласи.

593. Халқ табобатида жамбил сўгални йўқотишда ишлатилади.

594. Хурмо суви билан илон пўстини аралаштириб, сўгал устига қўйилса, тез кунда сўгал тушиб қетишига ёрдам беради.

595. Халқ табобатида пол-пола кучли сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

596. Халқ табобатида одам тумов бўлганида седанали чой ичиш тавсия этилади, чунки у яхши фойда қиласи. Седанали чойни дамлаш учун 1 литрлик чойнақка бир чой қошиғига қора ёки кўк чой солиб, устига 20–25 дона седана солиб, устига қайноқ сув қуилади-да, 3–4 дақиқада чўғда дам едирилгандан сўнг чой ўрнида асал билан ичилади.

597. Халқ табобатида қора андиз ўсимлигининг илдиз ва илдизпоясидан қайнатма тайёрлаб терига суртилади, қайнатма тайёрлаш учун бирор идишига 1 л сув қуийб, устига қора андиз ўсимлигининг майдалангандан илдиз ва илдизпоясидан

аралаштириб 100 г солинади, бир оз қайнатиб, 4 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузилади. Бу қайнатмани тери шўрланганда ва бошқа тери касалликларида матога шимдириб суртиб қўйилади.

598. Халқ табобатида зўриқиб тиш оғриганда мавракни аччиқ қилиб дамлаб, дамламани иссикроқ қилиб оғизга олиб бир оз ушлаб, кейин туфлаб ташлаб, яна олиб чайқаб тиш оғриган жойда кўпроқ ушлаб, совигунча шу усулни ярим соат ичида 5–6 марта такрорлаш керак. Шундан сўнг оғриқ қолади.

599. Халқ табобатида шолғом уйқусизликда яхши фойда беради. Фойдаланиш учун 2 ош қошиқ майдаланган шолғом устига бир стакан қайноқ сув қўйиб, 15 дақиқа қайнатилади ва ундан чорак стакандан ичилади.

600. Халқ табобатида умумий тана ва юз фалажида терлатувчи восита сифатида райҳон дамламаси ичирилади. Дамлама тайёрлаш учун ярим л лик чойнакка 2 чой қошиқ ўсимликнинг ер устки қисмидан солинади, устига 400 г қайноқ сув қўйилади. Бир оз дам егач, ушбу дамламадан кун давомида ичиб турилади.

601. Халқ табобатида ҳиқичноқ тутадиган кишиларга наъматакнинг ёввойи туридан тайёрланган дамлама ичиш тавсия этилади.

602. Халқ табобатида шамоллашда саримсоқ бўлакчасини тиш орасида ушлаб туриш тавсия этилади. Бу муолажадан бир неча соат ўтиши билан шамоллаш ўтиб кетади.

603. Халқ табобатида келинтили ўсимлигидан тайёрланган қайнатма билан теридаги шишган жойларни ва тошмаларни ювиш буорилган.

604. Халқ табобатида сариқ ҳалила (бошқача номи "ҳалиман заррин" бўлиб, тропик мамлакатларда ўсувчи доривор дараҳт)нинг хом меваси қуритилгани эслаш қобилиятини кучайтиришда ва ақлни яхшилашда ишлатилади.

605. Халқ табобатида юрак тез урганда, юрак ўйнайдиган бўлиб қолганда маврак ўсимлигининг пишган мевасини қовуриб, чой қошиқнинг учдан бир қисмчаси олиниб, кунига 3–4 маҳал истеъмол қилинади.

## ТАБОБАТДА КИМЕ ВА БИОЛОГИЯ

606. Халқ табобатида юрак хасталикларидарайхонли чой, ширчой, кийикүтли чой, қорақандли чой ичиш тавсия этилади.

607. Халқ табобатида лимонўт ўсимлигининг юқори қисми олинади-да, майдалаб салқин жойда қуритилади. Шундан кейин дамлама тайёрлаб, юрак касалликларида, камқонликда, овқат ҳазм бўлишининг бузилишида оғриқ қолдирувчи доғи сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун қуритилган ўсимликдан бир ош қошиқ олиб, ярим литрли чойнакка солиб, устидан 0,5 л қайнаб турган сув қуйиб 10 дақиқа дамлаб, сўнгра чойга ўхшатиб ичилади, бу юрак касалига шифо бўлади.

608. Халқ табобатидан маълум бўлишича, лимонни сиқиб олинган суви юзга суртилса, у рангни тозалаб, доғ ва сепкилларни кетказади.

609. Халқ табобатида қанд касалига йўлиқкан одамга ўз пешобини ҳар куни икки маҳал, катталарга 60–100 г дан, болаларга 30–50 г дан ичиш тавсия этилади.

610. Халқ табобатида бодом пўчоғини қайнатиб қизамиқ чиққан болаларга ичириш тавсия этилади.

611. Халқ табобатида, агар яра меъда ва ичакда бўлса, қорақанд ўсимлигининг мева шарбатини ичиб туриш тавсия этилади.

612. Халқ табобатидан маълум бўлишича, арпани янчиб ун қилиб, танадаги қичима бўлган жойга суртилса, одам тез кунда даво топади.

613. Халқ табобатида қичимага йўлиқкан беморга наъматак қайнатмасини ичиш буюрилади. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладигин идишга икки стакан сув солиб, унинг устига бир ош қошиқ тозаланган наъматак уруғидан солиниб, 10 дақиқа қайнатилади. Қайнатмани докада сузуб, кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади, 3–4 кунда қичима қолади.

614. Халқ табобати тавсиясига кўра равоҷ уруғидан талқон тайёрланиб, ҳаммомда уни иссиқ баданга ишқаланса, қичима йўқолади.

615. Халқ табобатида оқ олабўтанинг майдаланган ер устки қисмига сигир ёғидан аралаштириб, суртма дори тайёрланади.

Бу дорини қўтир қичимада ва терига бирор нарса тошганда суртилади, 3–4 кунда яхши даво қилиб, бемор тузалади.

616. Халқ табобатида хом ошқовоқдан қовуқдаги тошларни туширишда ва қовуқ фаолиятини яхшилашда фойдаланиб келингган. Ошқовоқни қирғичда қириб, ҳар куни оч қоринга 3–4 маҳал 3–4 ош қошиқдан истеъмол қилиш яхши шифо бўлиб, тез кунда тошларни туширади.

617. Халқ табобатида бўтакўзнинг тилсимон гулидан тайёрланган дамлама қовуқ касалликларида, қорин оғриганда ичирилади. У пешоб ҳайдовчи, терлатувчи восита сифатида ҳам ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун унинг майдаланган тилсимон гулидан бир чой қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувга солиб, бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан ўтказилиб, ҳар куни уч маҳал чорак стакандан ичилади.

618. Халқ табобатида боғ гулхайрисининг барглари, шохлари қовуқдаги оғриқни қолдириш учун ишлатилади. У сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган гуллари, барглари ёки шохларидан бир ош қошиқ солинади, 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузилиб, озроқ қанд қўшилади-да, тайёрланган дамламадан кунига 3–4 маҳал 1–2 ош қошиқдан ичилади.

619. Халқ табобатида чилонжийда мевасидан тайёрланган дамлама қон босимини пасайтирувчи дори сифатида ишлатилади.

620. Халқ табобатида қорақант мевасидан тайёрланган дамламани қон босими бор беморларга ичиш тавсия этилади. Дамлама тайёрлаш учун бир идишга қорақант баргидан ёки мевасидан бир ош қошиқ солиб, устига бир стакан қайнаб турган сув қуйилади ва 1–2 соат дамланади. Докада сузуб олиниб, кунига 2–3 маҳал яrim стакандан шакар қўшиб ичилади.

621. Халқ табобатида зирали чой қон босими ошганларга тавсия этилади. Дамлама чойни тайёрлаш учун 0,5 л ли чойнакка бир чой қошиғида тўла зира ва шунча чой солиб, устига қайноқ сув қуйилади, 5–7 дақиқа дам едирилади. Сўнгра

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

чой ўрнида ичилади, 1–2 ой ичида бемор яхши бўлиб қолади.

622. Халқ табобатида кийик ўт дамламасини қон босим кўтарилигандан тавсия этилади.

623. Халқ табобатида укроп дамламаси юрак уришини тезлатувчи (чарчаб қолган ҳолларда), қон томирини кенгайтирувчи, қон босимини туширувчи таъсирига эга. Мевасидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига 2 чой қошиқ майдалангандан укроп мевасидан солинади ва 10 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, бу дамламадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

624. Халқ табобатидан маълум бўлишича, қовоқнинг шираси, айниқса қизил гул ширасини ёғи билан қўшиб қулоқда томизилса, тезда оғриқни босади.

625. Халқ табобатида узоқ вақтлардан бери ишлатилиб келинаётган шифобахш ўсимлик – бу итузум.

626. Халқ табобатида эрмон ўсимлиги қулоқ касалликларида қўлланилиб келинган. Бунинг учун қулоқ орқаларидағи шишлиарга, қулоқ оғриғида ва қулоқдан рутубутлар оқишида, эрмон ўсимлигини олиб илдиз олди баргларини қулоқ атрофига боғланса, шифо бўлади.

627. Халқ табобатида қизил арча қулоқ касалликларида ишлатилади. Арчанинг навдаси ва фудда мевасини майдалаб, кунжут мойига аралнитириб, қулоғи яхши эшитмайдиган беморларнинг қулогига томизилади.

628. Халқ табобатида зубтурум баргидан тайёрланган дамлама ёки барг шираси билан йўғон ичак яллиғланиши, бавосил, сўзак ва куйдирги касалликлари даволангандан. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига бир ош қошиқ қуритилган ва майдалангандан зубтурумнинг барги солинади ва 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан 5 маҳал ичилади.

629. Халқ табобатида совунўт ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама истисқо, буйрак тошини туширишда ва буйрак касалликларини даволашда ичирилади.

Дамламани тайёрлаш учун совунўтнинг ер устки қисмидан ярим чой қошиқ олиб идишга солинади. Устига бир стакан қайнаб турган сув куйилади-да, 10 дақиқа дамлаб кўйилади. Сўнгра докада сузиг олинниб, кунига 3–4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

630. Халқ табобагида олма шарбати билан буйрак, сийдик қончасидаги ва йўлидаги тошлар туширилган. Буйракдаги тошни тушириш учун олма шарбатидан наҳорга 240 г ичилади, соат 10<sup>00</sup> да 480 г, соат 14<sup>00</sup> да 480 г, соат 16<sup>00</sup> да 480 г, 18<sup>00</sup> да 480 г, 20<sup>00</sup> да 480 г ичиб турилади. Ўша куни ҳеч нарса истеъмол қилинмайди, овқат ҳам ейилмайди. Эртаси ҳам худди шундай қилиб қайтариш лозим. Агар одамнинг ичи келмаса, ичини юргизиш учун бир пиёла маккай санодан ичиб, ични юргизиш лозим.

631. Халқ табобатида мурчли чой шамоллаб йўтаалганда, бронхитда кўкрак оғриганда терлатувчи дори сифатида қўлланилади.

632. Халқ тиббиётида наъматак мева қайнатмаси ёки дамламаси бачадондан қон кетишини тўхтатувчи ва иситма қолдирувчи дори сифатида ишлатилади.

633. Халқ табобатида тоф жамбили гижжа ҳайдовчи сифатида ишлагилади.

634. Халқ табобатида тарвуз уругини янчиб, сут билан аралаштириб истеъмол қилинса, йўғон ичақдаги қон кетишини тўхтатади, уни йўғон ичакка юборса ҳам бўлади, яхши шифо қиласи.

635. Халқ табобатида тиш ва милклар шамоллаб оғриганда, оғиз тузли қайнатма билан чайилади ва оғриқ таққа тўхтайди. Бундай қайнатма тайёрлаш учун бир ош қошиқ оқ туз, бир чой қошиқ қора чой ярим л сув билан обдон қайнатилади, шу қайнатмадан оғизга олиб бир оз турилади, уни ташлаб яна хўплаб олинади, токи милклар лўқилламагунча буни такрорлаш керак. Лўқиллаш милклардаги майдаги (капилляр) қон томирларнинг кенгайганини билдиради, қон юришиб кетгандан кейин шамоллаш барҳам топади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

636. Халқ табобатида карам ширасиңи олиб, мия қаттиқ оғриганда 3–4 томчидан бурунга томизилса, мияни тозалайди, оғриқ қолади.

637. Халқ табобати тавсиясига кўра равоҷ уруғидан талқон тайёрлаб, ҳаммомда уни иссиқ баданга ишиқаланса, қичима йўқолади.

638. Халқ табобатида лимон меваси ҳамда баргидан тайёрланган дамлама қон босими кўтаришган ҳолларда уни пасайтирувчи омил сифатида ичилади.

639. Холецистит билан оғриган одам иложи борича оғирлигини ўртача ҳолатга етказиши, озиб кетишдан қўрқмаслиги керак. Парҳезни яхши сақлаган бемор жигар қасалликлари дардини кўрмайдиган бўлиб кетади.

• 640. Хунук ва озғин қўллар ёмонлик, кам умр кўриш белгиси.

641. Чап қошдаги хол – омадсиз никоҳ белгиси.

642. Чап оёқдаги хол – тақдирдаги мащаққат.

643. Чап елкадаги хол – иқтисодий камбағалликдан.

644. Чайналган буғдой чипқонга кўйилса, уни тез пиширади.

645. Чечакдан, агар шароит кўтарса, шошилинч равишда етарли даражада қон олиш керак.

646. Чечак тошган кишиларга хурмо гулидан овқатга кўшиб берилади, ёғли овқатлар берилмайди.

647. Чечак қасалини яхшилаб ўраб, кўрпа ёпиб терлатиш яхши фойда беради.

648. Чечак қасаллигининг охирида ич суришдан эҳтиёт бўлиш керак.

649. Чечак оғирлашганда ва етти кундан ўтиб енгиллашганлиги кўринса, тилла игна ёрдамида эҳтиёткорлик билан ярани тешиб, рутубатни пахтага шимдириб олиш тўғри тадбирлардан ҳисобланади.

650. Чечак етилганда ва уни қуритишга киришилганда, чечак тошган кишини гуруч, арпа, тариқ ёки боқила унларининг устига ётқизиш фойдали.

651. Чипқон ҳали қаттиқ бўлса, чумчук ва товуқ ахлатини аралаштириб, унга ёғ кўшиб малҳам қилинса, чипқон пишади, фасодни чиқариб юборади.

## Ю. Е. МАҲМУДОВ

652. Чипқонни тағ-туғи билан йўқотиш учун унга камфора мойи 2–3 кун 3–4 маҳал суртилади, тез кунда чипқон йўқолиб кетади, кейин қайтиб чиқмайди.

653. Чучук олма юрак қон томирларига яхши даво.

654. Чойнинг хосиятлари: аъзоларни ва руҳиятни қувватли қилади, кайфиятни қўзғатади, мустаҳкамлайди ва кўтаради, терлатади, пешоб ҳайдайди, совуқдан келиб чиқадиган бош оғригини қолдиради, қонни, мияни тозалайди, юрак ўйноқини босади, руҳий толиқишига барҳам беради.

655. Чумчук миясини кантар тухумига аралаштириб, жинсий заифликда уч кун истеъмол қилиш тавсия этилади.

656. Чумчук гўштини сигир ёғида қовуриб, пиёз, зира ва туз қўшиб, лишгандан кейин 10 дона товуқ тухуми сарифини унинг устига чақиб, чала пишгач қозондан олиб, аъло навли ундан қилинган нон билан ейилади. Эркакнинг қуввати ошади, мустаҳкам бўлиб, кўнглида хурсандчилик бўлади.

657. Чаёнт, филёт жингалак хилининг илдизи сепкилни, доғни ва нуқтали қонталашларни кетказади. Айниқса, асал билан аралаштирилганда шундай таъсир қилади. Уни шароб билан қўшиб, совуқдан бўлган ёрилишларга суртадилар.

658. Чигиртка оёқлари сўғалларни қўпоради.

659. Чинор қобиги тозалаш ва қуритиш қувватига эга. Шу боис кўпинча песга қарши фойда қилади.

660. Чўкма, қуйқа куйдирилган ротиёнаж билан биргаликда оқарган тирноқларга ишлатилади ва уларни тузатади.

661. Чўл қуёнининг қони сепкилни кетказади.

662. Чўл қуёни калласи (боши)нинг кули "тулки касаллиги" учун даво, айниқса денгиз қуёнини.

663. Чўл қуёнининг қорни ичидаги нарсалар билан бутунлигича товада қовуриб куйдирилса ва янчиб гул ёғи билан истеъмол қилинса, сочни ўстиради.

664. Чўл типратиканининг тузлангани фидлик касалига фойда қилади. Шунингдек, гўшти шимдириш ва қуритиш хусусиятга эга бўлганидан мохов касалига ҳам даводир.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

665. Чўл қовоғи, "тиканли оқ ток"нинг илдизи ёввойи ясмиқ ва сариқ йўнгичқа билан қўшилса, бадан сиртини яхшилаб тозалайди ҳамда силлиқ қиласи, сепкилни, яралардан қолган қора изларни кетказади. Агар зайдун ёғида титилиб кетгунча, қайнатилса ҳам шундай таъсир қиласи, шунингдек кўз тагидаги қонталашларни ҳам йўқотади.

666. Шабкўрликда, агар қон кўпайган бўлса, қифол томиридан ва кўзининг бурчагидаги томирдан қон олиш лозим.

667. Шамоллаганда лимонли асал чой, қорақандли чой, раҳёнли чой, ширчой, мурчли чой, кўй ёғли чой, анжирли чой ичиб туриш тавсия этилади.

668. Шафтоли терини силлиқлаштиради ва юмшатади.

669. Ширин ва нордон олмалар юрак фаолиятини яхшилаб, қувват баҳш қиласи.

670. Шишга сачратқи талқонидан озгина боғланса, шиш қайтади.

671. Шолғомни қайнатиб пиширилгани, шунингдек унинг шарбати дикқинафас, кўксов касаллигида, изтиробли йўтал пайдо бўлганда, ўткир ларингитда, шамоллаш натижасида овоз йўқолганда, уйқусизликка яхши фойда беради. Бунинг учун шолғом щарбатидан кунига 3–4 маҳал 1 ош қошиқдан ичиш буорилади.

672. Шиша ўсимлиги тишлиарни ялтиратади, уни занбақ (оқ гулсафсар) ёғи билан суртилса ёки у билан ювилса, мўйни ўстиради.

673. Шамбала, сариқ йўнгичқанинг мирт билан тайёрлангани мўй ва яра илдизларига фойдали. Рангни яхшилайди. Оғиз, бадан ва тер ҳидларини кетказади.

674. Шақудиснинг янгисини шароб билан қўшиб додга қарши суртилади.

675. Шафтоли япроғини эзиб баданга суртилса, оҳакнинг баданда қолган ҳидини йўқотади.

676. Эрман рангни тозалайди "тулки касаллиги"га ва "илон касаллиги"га фойда қиласи.

677. Эрман кўз ости ва бошқа ерларда бўладиган гунафша рангли изларни йўқотади.
678. Эрманинг зайдун ёғи билан арадаштирилгани пашша ва чивинларнинг баданга қўнишига тўсқинлик қиласди.
679. Эрманинг суви сиёҳга қўшилса, бу сиёҳ билан ёзилган китобга сичқон тегмайди.
680. Эрон кавраги истеъмол қилинса, у рангни яхшилайди.
681. "Эшак коҳуси" дөғ ва сариқ касалликларга суртилса, фойдали.
682. Эшак коҳуси сирка билан қўшиб суртилса, дөғни тузатади, пўст ташлаш касаллигини кетқазади.
683. Эман пўстлоғи ва гулларидан тайёрланган дамлама билан милк қонаганда оғиз чайилса, яхши фойда қиласди.
684. Эмизикли аёл сутини кўпайтириш учун нилуфар гулини дамлаб, унга арпа дамламасидан куйилади ва уни кунига 3–4 маҳал 1–2 стакан ичилади.
685. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириш учунрайхонли чой, арпабодиёнли чой, седана чой ва бодиёнли чойларни ичиш тавсия этилади.
686. Эрманинг илдиз олди барглари майдаланиб, эт узилган жойларга оғриқ қолдириш учун малҳам сифатида боғланади.
687. Эчки жигарини пичноқ билан ёриб, чўғ устига тутиш орқали олинган сел (суюқлик) кўзга суртилса, шабкўрликка даво бўлади ёки жигардан оққан селни олиб, унга озгина ҳинд гузи, мурч сепилади ва кўзга суртилади.
688. Эрманинг ер устки қисмини майдалаб хина ёғи билан қўшиб мумли суртма қилиниб, шу суртмадан бел оғриган жойига боғланса, оғриқлар меъдаданми, жигарданми, белданми барibir барҳам топади.
689. Эрлик уруғига зарар ва нуқсон етказадиган нарсалар қуидагилар: қовуқда юз берган иллат, ҳаммомда кўп ўтириш, кўп терлаш, кечалари кўп ухламаслик, кўп қусиш, сурги қилиш, ёнбошлаб ётиб жинсий алоқа қилиш, аччиқ нарсаларни кўп ейиш, кўп оч ва ташна юриш. Ҳар бир одам бу ҳолатдан ўзини имкон қадар (иложи борича) саклаши лозим.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

690. Эркакларнинг жинсий занфлигига шаҳвати ошириш, уругнинг кучини яхшилаш учун фойлали таомларни истеъмол этиш даркор. Бунда, асосан, тоза буғдой унидан қилинган патир нон, жўжанинг гўшти ва шўрваси, каптар боласининг гўшти, тоза балиқ гўшти, товук тухуми, тоза сут, пишган сабзи, шолғом, саримсоқ, пиёз, боряк ялпизи, асал, мол ёғи, хандон писта, болом, оқкунжут, янги хурмо, ҳолвайтар, ширғуруч, янги анжир ва бошқалар киради. Булар эрлик кувватини оширади ва уругини кучли қилади.

691. Эфедра бод касаллигига, подаграда, сариқ бош бавосил, чипқонда ва яраларда, тери касалликларида ишлатилади.

692. Энг оғир ўтадиган аллергия – бу дори аллергияси.

693. Юз тиник бўлиши учун нўхат, илитилган тухум, гўшт сели ва анжир истеъмол қилиш керак.

694. Юз рангини тиниклаштириш учун ноннинг ушоқдарини сувда ивитиб, тухумнинг оқи билан ивиган ушоқдарини сизиб олинганига кўшиб аралаштириб юзга суртилади.

695. Юзга ҳар хил доғлар ва ажин тушишдан сақлашда қуйидаги муолажа қилинади: Ўш ош қошиқ сузма, Ўш тухум оқи ва бир ош қошиқда ўсимлик ёғи яхшилаб аралаштирилиб, юзга қалин суртилади ва 20–25 дақиқадан кейин илиқ сувда ювилади.

696. Юз фалажига учраган кишига бир ойгача ҳар куни эрталаб ва кечқурун ёнғоқ, занжабил ва иғирни озгина асал билан қориб ичиши фойдали.

697. Юз фалажига учраган киши юзини узум сирқаси билан ювиши ва юзига хантални эзиз солинган сиркани суриши фойдали.

698. Юзни оқартириш учун териси қуруқроқларга бир бойлам шивитни 10–15 дақиқа сувда қайнатиб, уни докадан ўтказиб, салқин жойда сақлаш лозим. Шу қайнатма билан ҳар куни юз артиб турилади. Юзда шўрлаш бўлса, у кетади, юз силлиқлашиб оқаради, ўз ҳолига келади.

699. Юракни кучли ва хурсанд қилишда, айниқса иссиқ мижозлиларда кашнич даволовчи восита ҳисобланади.

700. Юрак хасталигига қарши чой қайнатгаётганингизда саримсоқ бўлакчаларини ва олма сиркасини асал билан қўшиб юборинг. Бундай чой сизни юрак хасталигидан ҳимоя қиласди. Ажойиб таъмли бу ичимликни ҳар куни ичиб турсангиз танадаги ортиқча ёғлардан артерияни ҳимоялаб, юракни мустаҳкамлайди.

701. Юлғун, тубулғу қайнатмаси битларни ўлдириш учун баданга қўйилади.

702. Ясминнинг хўли ва қуругини янчиб, у билан ҳаммомда юз ювилса, юздаги сепкилни йўқотади, кўп ҳилланса юзни сарғайтиради.

703. Яман долчини оғизни хушбўй қиласди.

704. Янги буғдойдан тайёрланган нон одамни тез семиртиради.

705. Яра шишса, унга сиркали мис тузидан жиндай сепилса тузалади.

706. Янги униб чиқдан кашнич сувини қизамиқ касаллигини даволашда қўллаш мумкин. Ундан тайёрланган қайнатма ҳам фойдали. Қайнатмани тайёрлаш учун бир стакан қайноқ сувга 3 чой қошиқ кашнич солинади ва 15 дақиқа дамлаб қўйилади, кейин докада сузуб, кунига овқатдан олдин 2 оци қошиқдан ичилади.

707. Ўрдак ёғи рангни тоза қиласди, гўшти семиртиради.

708. Ўрик уруғи (магзи)ни қуритиб ҳовончада янчиб ун шаклида ярим чой қошиқ миқдорда 4–5, ҳатто 6–8 маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади.

709. Ўрик туршагини қайнатиб ичиб туриш, айниқса қиш фаслида беморлар учун фойдали ҳисобланади.

710. Ўлдирилган симоб қизил гул ёғи билан бит ва сиркага қарши даво.

711. Ўнг қошдаги хол – баҳтли эрта қурилган турмуш.

712. Ўнг ёноқдаги хол – шахсий ҳаётдаги баҳт.

713. Ўнг елкадаги хол – омад.

714. Ўтмишда ўтган табибларнинг ёзищича: киши тумов иллатига йўлиқса, бунинг сабаби тўрт нарса: *биринчиси* – совук

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ҳаводан таъсирланиши; иккинчиси – кўкрак шамоллаши; учинчиси – барча аъзоларининг, яъни бошдан оёққача шамоллаши; тўртинчиси – қизиб турган меъдага совуқ сув, совуқ мевалар ва ичимликнинг тушиши, бунинг натижасида меъда ҳароратининг пасайиши.

715. Қадимий табобатда айтишларича, қанд касаллиги, асосан, олов сингари иссиқликдан пайдо бўларкан. Шу боис беморни совуқ мижозли сабзавотлар; мевалар ва қуритилган ширалар билан совитиш, ҳўллаш орқали ҳамда совуқ ва ҳўл ҳавода ором олдириш, совуқ ваннада кўкариб совуқ қотгунча ўtkазиш билан даволанади.

716. Қанд касаллиги билан оғриган киши икки соат ерга қараб, икки соат осмонга қараб ётиш керак (куз офтоби энг фойдали ва шифобахш).

717. Қанд касаллиги билан оғриган кишиларнинг ичадиган нарсалари нордон айрон, бу қанча қуюқ бўлса, шунча яхши, кўй сути қатиғидан бўлгани яхшироқ.

718. Қанд касаллиги билан хасталанганлар қовурилган қовоқ суви, бодринг шираси, аччиқ анор суви, тут суви, олхўри сувини ичишлари керак. Бое ялпизининг қуюқ шираси ҳам фойдали. Сийдик ҳайдайдиган таомлардан парҳез қилиш керак.

719. Қариқиз ўсимлигининг илдизи йигилиб, салқин жойда қуритилади. Сўнгра ҳовончада янчидан ун шаклига келтириб суртма дори тайёрланади. Бое оғриганда, бод касалида оғриган жойга шу суртмадан суртиб турилади.

720. Қичима бўлган киши саримсоқни еса фойдали. Саримсоқ палласини ёғда қовуриб тановул қилишса, танада қичима йўқолади.

721. Қовуқ ва буйракдаги тошларни тушириш учун шафтоли данагидан 24 г, қовун ва турп уруғларининг ҳар биридан 24 г дан олиб, яхшилаб туйилади ва унга 16 г асал, 20 г шакар қўшиб қоришма тайёрланади. Ушбу қоришмадан ҳар куни наҳорда истеъмол қилиш тавсия этилади.

722. Қовуғида тош бор одам ҳар доим седана чой, ширчой

(тоғчой, чилонжийдали чой), мумиёлардан ичиб туриши тавсия этилади.

723. Қон босими күтарилиб туралынган беморга қуидаги табиат неъматларидан дори тайёрлаб ҳар доим ичиб туришлари тавсия этилади. Бир стакан қизил лавлаги шарбати, бир стакан сабзи шарбати, бир дона лимоннинг сиқиб олинган шираси, турпдан сиқиб олинган бир стакан шира ва бир стакан асалнинг ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади. Ушбу аралашмадан кунига уч маҳал бир ош қошиқдан овқатдан бир соат кейин ичилади. Муолажани 2 ой давомида қилиш керак.

724. Қон баданды күпайганда парҳез қилиш яхши натижә беради.

725. Қора зиркдан тайёрланган 5 фоизли спиртдаги тиндирма қон босими күтарилганда уни тез тушириш учун кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

726. Қора шотут меваси, барги, пүстлоғи шифобаҳш ҳисобланиб, юрак, қон томирлар фаолияти бузилганда, қон босими ошганда аччиқ қилиб дамлаб, чойга ўхшатиб ичилса, қон босими ўз ҳолига келиб, одам шифо топади.

727. Қулоги кўп шанғиллаб туришидан безовталанадиган кишилар, икки дона анжирни бир пиёлага сиқиб, унга хантал ўсимлигини қайнатиб, ҳосил бўлган кўпикдан аралаштириб, аралашмадан ҳар куни кулоққа 2—3 томчидан томизиш тавсия этилади.

728. Кулоқ карлигига ва яра бўлганида 0,035 г мумиёни атиргул мойига аралаштириб, устига яна гўра узум сувидан кўшиб кулоққа томизилади..

729. Қалампирмунчоқдан чой дамлаб ичиш шабкўрликка даво.

730. Қисқа ва дўмбоқ бармоқли панжалар ялқовлик, енгил табиатлик, эҳтиётсизлик белгиси.

731. Қора зирадан тайёрланган дамлама ел ҳайдовчи дори сифатида тавсия этилади. Дамлама тайёрлаш учун қора зирадан 1—2 чой қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувда 2 соат дамлаб кўйиб, сўнгра ичилади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

732. Қора андиз ўсимлигининг барги ва илдизи темиратки, экзема ҳамда бошқа турли хил тери касалликлариға қарши даво сифатида ишлатилади. Қора андиз илдизини майдалаб, ундан 100 г солиб, 1 л сувда 15 дақиқа қайнатилади ва бу дамламадан ванна қилишда фойдаланилади.

733. Қоқигул баргини майдалаб, унга узум сиркаси қўшиб, сўгалга ҳар куни суртиб турилса, 3–4 кунда уни йўқотади.

734. Кулупнай терини намлантириб, соғломлаштиришта йўл очади.

735. Кулоқдаги хол – фикрсизликдан далолат.

736. Кулоқ ва бўйин терласа рўмолча билан артиб туриш лозим. Асли ўзингизни шамолга тутманг, шунда касалликнинг олди олинган бўлади.

737. Қўл-оёқ тирноқларини олиб бўлгач, куруқ ерга ташлаш керак. "Айтадиларким тирноғинг намдадур, дилинг ғамдадур".

738. Қўллардаги хол – шухрат келтирувчи тугма қобилияти.

739. Қўл-оёқ шишса, сиркалаб қўйилган кашнич суриш керак.

740. Қовун терини тозалайди, айниқса уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доф ва бошнинг кепакланишида фойда қиласди. Шунингдек, ичидагисини қандай бўлса, шундайligича буғдой уни билан хамир қилиб, офтобла қуритилса, юқоридаги таъсири беради.

741. Қора йўнгичка, қора беданинг ёввойи, шунингдек экиладигани сепкилга қарши ишлатилади.

742. Қайрағоч туганагидаги рутубати юздаги қора доғларни кетказади. Ҳўллигина қобиги сирка билан бирга песни йўқотади.

743. Қайроқ тошни ишқалаганда чиққан майда кукуни сийна ва маяклар катта бўлиб кетмаслиги учун қўйилади.

744. Қайқаҳун яра илдизини тезда тозалайди. Унинг оздириш хусусияти ҳам бор.

745. Қалампирмунчоқ оғиз ҳидини ёқимли қиласди.

746. Қамиш пўсти ва илдизи "тулки қасаллиги"да фойда қиласди, бадан чиркларини тозалайди, илдизи ёввойи пиёз билан ишлатилса, ўқ учларини тортади.

747. Қатрон, смола биг ва сиркага қарши ишлатилади, ҳатто улар ҳайвонларда бўлсалар ҳам фойда қиласди ва уларни ўлдиради.

748. Қизилгул ҳаммомда ишлатилса, тер ҳидини йўқотади.

749. Қизил гулни майда янчидан ишлатилса, ҳамма хилдаги сўгалларни қўпоради.

750. Қизил пиёзнинг чалароқ пиширилгани бавосилга малҳам сифатида ётиш олдидан қўйилса, 4–5 кунда шифо бўлади.

751. Қирққулоқ саситиш ва ўткирлик хусусияти сабабли мўйни сийрак қиласди, тарашлайди ва тўқади.

752. Қичи (горчица) юзни тозалайди, қонталаш ва қоннинг изини кетказади. Унинг ёввойиси доғларга қўшиб боғланадиган яхши дори, тилни қуритади, "тулки касаллиги"га фойда қиласди.

753. Қора харбаҳни сирка билан қўшиб, доғ, шунингдек оқ доғга суртилади.

754. Қора харбаҳ сўгалларни кўчиради, унинг ёрдами билан ични бўшатишга ҳамда песга фойда қиласди.

755. Куст суви асал билан суртилса, сепкилни кетказади.

756. Қўйнинг қумолоғини сирка билан қўшиб, чумолисимон, жуволдизсимон ва тутсимон сўгалларга суртилади.

757. Курбақа гўштининг кўйдирилгани "тулки касаллиги"га қарши ишлатилади.

758. Қўйпечак, чирмовиқул сути сочни тўқади, битларни ўлдиради.

759. Қўзиқорин, қўргошин, симобдан заҳарланган киши дарҳол нокни тўйиб тановул этиши лозим ёки тўйиб нок сувидан иссалар ундан ҳам яхши. Чунки нок заҳарни олиш қобилиятига эга, пешобни тез ҳайдайди, жигарда ҳам тиқилмаларни тез очади ва ични яхшилайди. Ҳамда нок меъда мушакларини мустаҳкамлайди. Нок ҳатто ичбуругни ҳам қолдиради.

760. Фофит "тулки" ва "илон" касалликларининг бошланғич пайтида фойда қиласди.

761. Ҳабб ус-салотини, ҳабб ул-мулк ични бўшатади, сочнинг қоралигини сақлайди.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

762. Ҳабб уз-залам одамни семиртиради.
763. Ҳали чипқон пишмаган бўлса, гулхайрини қатиқقا аралаштириб суриса, чипқон уч беради ва фасодни чиқаради.
764. Ҳар кимнинг томоғи оғриб, овози тутилса (бўғилса), қўй ўти билан гар-фара қиласа, овози очилади. Агар ҳар ердаги жароҳатларга суртса, жароҳат шифо топади.
765. Ҳар куни ярим пиёла янги соғилган сут ичилса, оғир нафас олишда фойда беради. Сутли бўтқа ҳам ана шундай шифобахш хусусиятга эга.
766. Ҳирдун ва вараннинг тезаги рангни чиройли қиласди.
767. Ҳиқичоқни тўхтатиш учун қултумлаб сув ичиш, нафасни бир оз тўхтатиб туриши керак.
768. Ҳиқичоқ тутган заҳоти одам чуқур нафас олиб, маълум муддат уни чиқармай туриши керак.
769. Қаҳва (кофе) юрак учун жуда кучли таъсир қилувчи стимулятор. Қаҳвада юракнинг тез уришига мажбур қиладиган, керагидан ортиқ безовта қиладиган наркотик – кофеин бор. Бундан ташқари, кофеда смола ва бошқа юракка қон томирлари деворларига ёпишиб қолувчи заҳарли моддалар бор. Имкон қадар қаҳва ичманг.
770. Чойда танин, ватинин ва бошқа заҳарли моддалар бор. Шу боис қонингизни чой билан заҳарламанг.
771. Юрак мускули сўргич, унинг ҳаётдаги вазифаси бир умр тўхтамасдан бутун организмни қон айланиши билан таъминлаб туриш. Қоннинг асосий вазифаси тўқималарни кислород ва керакли озуқалар билан таъминлаш. Аввал кислород ҳаводан ўпкага ўтади, сўнгра кислород билан тўйинган қизил қон юрак орқали бутун организмни кислород билан таъминлайди. Кислородга тўйинмаган қон зангори рангда бўлиб, юрак орқали яна ўпкага ҳайдалади.
772. Асосий артериялардан бири вақтинча тўхтаса, спазма (оғриқ) ҳосил бўлади. Бу ҳолатнинг ўзи стенокардия дейилади. У кўкракда қаттиқ оғриқ ҳосил қиласди. Бахтга, бу оғриқ жуда қисқа вақт, яъни атиги бир неча секунд, баъзан 3–4 дақиқа, жуда кам ҳолларда 15–20 дақиқа давом этади. Агар юрак

спазмаси (օғриғи) ярим соатдан ошса, бу жилдий масала. Бунда коронар тиқилиб қолиш эҳтимоли бор.

773. Бош миянинг қайсиdir қисмига қуюқ қон тўлиб, қон йўлини тўсиб қўйса, аппоплексик хуружга ёки инсультга шароит туғилади. Бунда тананинг бош миянинг шу бўлаги билан назорат қилинадиган қисми паралич, яъни фалаж бўлади (ишламайди).

774. Конда холестериннинг юқори бўлиши жуда хавфли, масалан, Америка халқида бу кўрсаткич жуда юқори бўлиб, дунёда биринчи ўринда туради. Асосан, АҚШни коронар касалликлари эпидемияси ўчоғи, дейишади. Бугунги кунда ҳар икки кишидан бири қаримасдан олдинроқ юрак хуружидан ўлмоқда. \*

775. Конда холестерин миқдори 200 бирликдан ошиб кетмаслиги керак, аммо АҚШда бу кўрсаткич 230–240, меъёр 120–180 гача бўлиши мақсадга мувофиқ.

776. Очлик – бу қондаги холестерин миқдорини камайтиришнинг энг осон ва енгил услуби. Очлик юракка дам беради.

777. Кальций элементининг етишмаслиги тиш билан суякларнинг жилдий камчилигига олиб келади. Кальций асабларга ҳам керак. Кальций етишмаслиги боис одам оёқлари увишиб қолади. Кальций қонни қуюқлаштиради. Агар қонда кальций бўлмаса, бармоқни нина билан жароҳатлагандা бутун қон оқиб кетади. Юракнинг мускуллари бақувват бўлишнiga қарамай яхши ишлаши учун кальций меъерида бўлиши керак. Америкаликларнинг 85 фоизи организмида кальций етишмовчилигидан азият чекишади.

778. Туз организмда парчаланиб, сингиб кетиши мумкин эмас. Туз озуқалик даражага эга эмас, у витаминалар ва органик моддаларга эга эмас. Туз буйракларга, сийдик қопчасига, юракка, артерияга, веналарга, қон айланиш тизимиға жуда катта зарар келтиради. Туз организмда ушлаб туришга мажбур қилиб, ошиқча халтачалар ҳосил қиласди. Туз юракка заҳар қатори таъсир кўрсатади, у асабларнинг қўзгалувчанлигини оширади. Туз "шарофати" билан организм кальцийдан маҳрум

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

бұлади. У ошқозондаги суюқликни ва ичакларни доимо безовта қилиб туради.

779. Үйку – соғлом юрак асоси, овқатдан ҳам кераклироқ. Одам бир неча күн давомида оч юриши мүмкін, лекин үйқусиз атиги 3–4 күн юриши мүмкін. Қадимги Англияда үлимга хукм қылғанларни ухлатмай үлдиришган. Хитойда жиноятчини сүрөт қилишда эңг ёмон жазо үйқудан маҳрум қилиш бўлган. Бундай жазога маҳкум бўлғанлар ақлдан озиб ўлганлар.

780. Юрагингиз соғлом бўлсин десангиз фақат ёғсиз, қоврилмаган (қайнатиб, дамланиб пиширилган) гўштни тановул қилиб, ёгини олиб ташланг. Ҳафтасига 2–3 марта гўшт ейиш билан чекланинг, тўйинмаган сабзавот оқсилиларидан баҳраманд бўлинг. Масалан: соя, кунгабоқар мағзи, ошқовоқ уруғи, ёнғоқлар – бодом, ўрмон ёнғоқлари, грек ёнғоги, кавказ ёнғоги. Сут маҳсулотларини истеъмол қилманг, чунки сут маҳсулотларida юқори даражада тўйинган ёғ бор. Агар жуда хоҳласангиз ҳафтасига 2–3 дона тухум енг. Кундалик овқатингизнинг 50 фоизи хўл мева ва сабзавот ёки уларнинг енгилгина қайнатиб пиширилгани бўлиши керак. Консерваланган, қанд ўрнини босувчи егуликларни еманг, чунки улар заҳарли химикатлардан тайёрланган. Қанднинг ўрнини тоза асал билан тўлиқ алмаштиринг.

781. Ҳафтасига 24 соат давомида оч юринг. Бу юракка ва бошқа аъзоларга физиологик дам бериб, артериядаги үлим хавфини келтирувчи холестеринни камайтиришга ёрдам беради.

782. Буйракдаги касалланган қон томирлари водянка (организмда сув тўпланиб қолиши) ёки Брайт касаллигини вужудга келтиради. Бунинг белгиларидан бири – оёқнинг шишиб кетиши. Маълумки, оёқлар водянкаси Брайт касаллигининг асорати. Қон кўчкисининг юракдами, бош миядами, буйракдами бўлишининг фарқи йўқ, чунки ҳаммаси бир хил касаллик. Тиббиётда уни атеросклероз дейишади. Бу дегани қон юрадиган артериялар холестерин билан тиқилиб қолди, дегани.

Веналарда қоннинг димланиши, варикоз касалдигининг олдини олиш, оёқларда пайдо бўладиган оғриқларни даволаш учун ушбу чора-тадбирларни кўриш лозим:

1. Қон оқимининг юза веналардаги ҳаракатини камайтириш учун уларни қисиши керак. Бунинг учун эластик лайпоқ ва колготқалардан фойдаланилади. Пайпоқ эрталаб вертикал ҳолатга ўтгунга қадар кийилади, бунда веналар ҳали қон билан тўлмаган бўлади. Ёзда эса бошқа воситалар кўлланилади.
2. Ноғури овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш, зарарли одатларга ружу қўйиш (спиртли ичимликлар ичиш, тамаки, ноҳ чекиши ва ҳоказо), семириб кетиш ва бошқалар веналарнинг варикоз кенгайишига олиб келишини унутманг.
3. Қуёш нури ва қаттиқ уқалаш (массаж) томири кенгайган бемор учун зарарли ҳисобланади.
4. Бемор кўпроқ витаминаларга, минерал моддаларга ва микроэлементларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари: сут, қаттиқ творог, ҳўл мева, сабзавот, ошкўклар, шарбатлар, айниқса анжир, ўрик, карам, қизил лавлаги, шотут, қулупнай, ошқовоқ, тарвуз, бодринг, сабзи, топинамбур истеъмол қилиб юриши фойдали.
5. Сабзавотлардан тайёрланадиган салатларга, маринадларга бир неча томчи сирка қўшиб истеъмол қилинса, тромблар пайдо бўлишидан сақлайди.
6. Узоқ вақт вертикал ҳолатда бўлинса ёки стулларда узоқ вақт ўтириш ҳам оёқларда ва бошқа аъзоларда қон димланишини ҳосил қиласди. Агар сиз ишда кўп юрсангиз, 20–30 дақиқа ўтиринг ёки ётиб олинг, бунда оёқларингиз тос суягидан юқори бўлиши керак.
7. Тургандан ёки ўтиргандан кўра юрган яхши, чунки юрганда оёқ мускуллари димланган қонни маълум даражада ҳайдаб туради.
8. Узоқ вақт бир жойда туриб ишлайдиган кишилар оёқларини бир оз очиб, товон ва учини галма-галдан оёқ кафтини худди тикув машинасини ҳаракатлантирадиган каби ҳаракатлантириши керак.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

9. Шифокор тавсиясін бүйича турли маз, кремлардан, настойка ва ғальзамлардан фойдаланиш яхши натижа беріб, ular қувватбахш таъсирдан ташқари, оғриқни қолдирувчи хусусиятга ҳам эга.

10. Бир ош қошиқ қуруқ майдаланган крапива (газанда ўт) баргларини бир стакан (200 г) қайнаттан сувга солиб, сув ҳаммомда 15 дақықа ушланғ, докалан ўтказинг, 1/3 стакандан (65 г) овқатдан 15 дақықа аввал кунига 3 маҳал қабул қилинг.

11. Карам баргларини тухум оқи билан аралаштирилиб, кечаси компресс шаклида заарарланган жойларга қўйиш керак.

12. Ишдан кейин яқинроқ масофага секин юриб бориш оёққа анча дам беради, бадантарбия ҳам яхши наф келтиради.

13. Оёқни тез-тез илиқ сувда совуилаб ювиб туриш керак. Сувда ялангоёқ юриш ҳам қон юришини яхшилайди ва томирларда қон тўхтаб қолишини камайтиради.

14. Мойчечак гули – 2 қисм, уч рангли бинафшанинг, ер устки қисми – 1 қисм, қирқбўғиннинг, ер устки қисми – 1 қисм, далачойнинг, ер устки қисми – 2 қисм, бўйимодароннинг, ер устки қисми – қисм, тирноқгул гули – 2 қисм, эман пўстлоги – 1 қисм. Юқоридаги тартибда дамлама тайёрланиб, дамлама билан бир неча кун шикастланган жойларни ювиш ёки дамламага докани ҳўллаб жароҳат устига қўйиш керак.

### **Гипертония – қон босими кўтарилишининг олдини олиш ва даволашнинг чора-тадбиrlари:**

1. Қон босими паст юрадиган кишилар вақтида овқатланиб, меҳнат қилиб ва дам олиб юришлари, суткада 8–9 соат ухлашлари, ётган жойдан тез туриб кетмасликлари, энг аввал, 3–4 марта чуқур нафас олиб, қўл-оёқларини қимирлатиб, сўнгра аста-секин туришлари керак.

2. Яхши дамланган қора чой ичиб туриш, витаминларга, минерал моддалар ва микроэлементларга бой мева, сабзавот, қўкатларни ва овқатларни истеъмол қилишлари лозим.

3. Узум, наъматак, бўйимодароннинг шарбат, дамлама, қайнатмаларидан ичиб туриш керак. Вақти-вақти билан қимиз ичиб туриш тавсия этилади.

4. Кўпроқ узум, майиз, ёнғоқ, новвот, қовун истеъмол қилиб юриш керак.

5. Спиртли ичимликларга, тамаки, нос чекишларга ружу қўймаслик, ҳар куни эрталаб гимнастика машқларини бажариш, тоза ҳавога сайдра чиқиш зарур.

6. Кун исиган пайтдан бошлиб намланган сочиқ билан баданни ҳар куни белгача артиб туриш ва вақти-вақти билан душда, дарёла, кўлларда чўмилиб туриш тавсия этилади.

7. Шифокор назоратига жень-шень (олтин илдиз, хитой лимони) настойкасидан кунига уч маҳал 20–30 томчидан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Демак, ўз ишини яхши ташкил қилган, жисмоний иш ёки бадантарбия билан мунтазам равишда шугулланувчи ва тўғри овқатланувчи одамлар бу касалликка дучор бўлмайдилар. Энг муҳими – истеъмол қилинадиган овқатларнинг қувватини сарф қилиб туриш керак. Чунки овқат қувватиги кам сарфланиб, маълум қисми йилма-йил баданда тўпланиб бориши ҳам қон босими касаллигини келтириб чиқарадиган сабаблардан бири.

**Юрак-қон томир хасталиклари олдини олишининг  
айрим чора-тадбирлари:**

1. Ҳар бир касалликни даволашдан кўра унинг олдини олмоқ анча енгил. Бунинг учун соғлом ҳаёт кечириш тарзини тўғри ташкил қилиш лозим (овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш, бадантарбия, спорт ва саёҳат).

2. Умумий ва шахсий санитария-гигиена қонун-қоидаларига амал қилиб юриш зарур. Заарарли одатлардан мутлақо воз кечиш лозим (алкоголизм, кашандалик, гиёҳвандлик ва бошқалар).

3. Ёғли, шўр, аччиқ, ширин таомларга (қази-қартали, тузланган, қовурилган) ружу қўймаслик керак.

4. Юрак-қон томир, невроз, диабет хасталиги бор семиз ва кекса кишилар парҳез таомларга ўтиши мақсадга мувофиқ.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

Ортиқча ёғли овқатлар емасдан, күпроқ тоза ҳавода сайд қилиш, сариёғ, пиплок, қаймоқ, тухум, ёғли гүшт емаслик, күпроқ ҳаракат қилиш, очиқ-тоза ҳавода юриш керак. Улар күпроқ үсімлік маҳсулотларидан тайёрланған таомларни истеъмол қилиб, күп суюқлик ичмасликлари тавсия этилади.

5. Ёз фаслининг витаминларга, минерал моддаларга, микроэлементларга бой меваларидан, айникса ўрик, нок, анор, анжир, шафтоли, олча, узум, наұматак, қуритилған мевалар ва сабзавотлардан – карам, сабзи, картошка, қовоқ, помидор, пиёз, саримсоқ, бодринг, қовун, тарвуз, укроп, кашнич сингари күкатлардан мумкин қадар күп истеъмол қилиш кони фойда.

6. Саратонда енгил овқатлар: қайнатма шүрва, мастава, лагмон, ширчой, сабзавотлар солиб тайёрланған дамламалар ва ҳоказоларни истеъмол қилиб юриш тавсия этилади.

7. Юраги, асаби касал кишилар ҳамиша тезкорлик билан шифокорга мурожаат қилишлари шарт.

8. Беҳудага ҳаяжонланманг – асабни асранг!

9. Күпчилик хасталикларнинг асл сабаби замираиде асаб бузилиши ётади. Юраги, жигари, буйраги ёки ўпкаси касал одамларнинг ҳәти нотинч, асаби бузук бўлса, уларни даволаш жуда қийин бўлади.

10. Хушхулқ, одоб-ахлоқли, босиқ, шириңсўз одамлар бошқалар дилига озор бермайди. Кўнглини кўтаради, айни вақтда ҳам сиқилмайди, кўнгли хотиржам бўлади.

11. Юрак уриши маромининг бузилиши ҳолларида тинчлантирувчи дорилар – карволол, валериан, валидол яхши ёрдам беради.

12. Стенокардия, нафас сиқиши, юрак уришининг бирданига бузилиши, гипертоник танглик, хушдан кетиш беморга тез ёрдам беришни талаб қиласидиган касалликлар эканлигини унутманг.

13. Юракка ҳаво (нафас) етишмөвчилиги мавжуд bemорларга ош тузи миқдори қисқартирилади (кунига 5 г гача). Бемор ичаётган суюқлик миқдори күп бўлиши керак эмас, аммо оз-оздан, тез-тез ичиб туриши мақсаддага мувофиқ.

14. Меърида, тўғри, турли-туман витамин ва минерал моддаларга бой таомларни истеъмол қилиш, жисмоний машқ, саёҳат, организмни чиниқтириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз-ўзини бошқара билиш – ҳар бир кишининг юрагини, қолаверса, бутун соғлигини сақлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

15. "Ози шифо, кўпі жафо", деган гапни баъзилар унугиб, касаллари зўрайишини, тоҳо ёмон оқибатлар келтиришини ўйламайдилар. Шунинг учун ҳамиша, айниқса юраги касал кишилар шифокор маслаҳатига амал қилишлари шарт.

### **СОҒЛИҚНИНГ ЎН СИРИ**

1. Ўз танангизга ҳаётнинг энг буюк инъоми сифатида муносабатда бўлинг.
2. Табиий бўлмаган ҳар қандай овқат ва сархуш қилувчи ичимликлардан ўзингизни тия билинг.
3. Фақат сифатли, табиий ишлов берилган овқатларни истеъмол қилинг.
- 4 Ҳаётингизни табиат гўзаллигини севишга ва инсонларга яхшилик қилишга бағишланг.
5. Жисмоний фаолликни дам олиш билан уйғунлаштириб, ўз организмингизни тикланг.
6. Тоза ҳаво ва куёш нури билан тўқималарни ва қонингизни тозаланг.
7. Турли касалликларга чалинган чоғингизда ҳар қандай таомдан воз кечинг.
8. Ҳис-ҳаяжонсиз, секин ўйланг ва гапиринг.
9. Табиат ҳақидаги билимларингизни тўлдиринг ва уларни ҳаётда қўллай билинг, ўз меҳнатингиз маҳсулидан роҳатланинг.
10. Табиат қонунларига бўйсунинг ва бошқаларни ҳам шунга ўргатинг.

### **ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ**

1. 1 арузза = 0,0186 г (қадимги Осиё мусулмон мамлакатларида қўлланилган).
2. 1 борцилло = 2,34 г (қадимиј ўлчов бирлиги).
3. 1 динор = 4,464 г.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

4. 1 дирхам = 2,975 г.
5. 1 донақ = 0,495 г.
6. 1 ёнғоқ = 38,25 г.
7. 1 истор = 17 г (Беруний ва ибн Сино асарларида берилган).
8. 1 карат = 0,2 г (Парижда).
9. 1 мисқол = 4,25 г.
10. 1 пайса = 33,2 г (Ташкентда).
11. 1 ритл = 340 г.
12. 1 тассуж = 0,14 г.
13. 1 унция = 27,166 г (қадимги Римда).
14. 1 уқия = 29,75 г.
15. 1 фундуқ = 3,186 г.
16. 1 қадақ = 409,5 г.
17. 1 ҳабба = 0,071 г.

### **СИРЛИ РАҚАМЛАР**

Қадимги донишмандлар ҳар бир сайёра (тебраниши)нинг куввати қүёшга, кунларнинг айланишига боғлиқ деган қоидага амал қилишган.

Одатдаги етти кунлик ҳафта бунинг ёрқин мисолидир.

Сайёralарнинг ҳафта кунлари билан қуйидаги жадвалда боғлиқлиги, шунингдек ўша даврлардаёқ маълум бир сайёра ҳафтанинг қайсиdir куни билан боғлиқ ижобий ва салбий хусусиятлар намоён өилишига таъсир қилиши аниқлаётган эди. ---

**Жадвал**

Т/р.	Ҳафта кунларининг номлари	Сайёralар
1.	Душанба	Ой (Ернинг табиий йўлдоши)
2.	Сешанба	Марс
3.	Чоршанба	Меркурий
4.	Пайшанба	Юпитер
5.	Жума	Зухра
6.	Шанба	Сатурн
7.	Якшанба	Куёш

**ТУФИЛГАН КУН РАҚАМИ**

Энг аввало, диққатни туғилиш рақами (куни)га қаратиш керак.

**1 рақами (1, 10, 19, 28 – кунлари туғилғанлар)**

$$10 \quad 1+0=1; \quad 19 \quad 1+9=10=1+0=1;$$

$$28 \quad 2+8=10=1+0=1.$$

Туғилған куни 1, 10, 19, 28 рақамлардан бирига түғри келған одамлар ўз мақсадларини аниқ билишадиган, қайсар ва қатыягли, феъл-атворлы шахсиятпаратлар. Бундай одамлар ўзлари құл уришган ҳар бир ишга ижодий ёндашишади.

Ойнинг 1-кунида туғилған одамларга бетакрорлик, мустақиллик, етакчилик фазилатлари хос.

Ойнинг 10-кунида таваллуд топған одамларда орият, яратувчанлик, ғоявийлик кучли намоён бўлади.

Ойнинг 19-кунида туғилған кишиларда турли масалаларга қарашларида мустақиллик кучли даражада бўлади.

Ойнинг 28-кунида дунёга келған одамларда хаёлпаратлик, орзуларга берилиш камдан кам ҳолатларда бўлса-да, кузатилади. Аммо шу билан бирга улар кучли иродага эга бўлишади.

**2 рақами (2, 11, 20, 29-кунлари туғилғанлар)**

$$11 \rightarrow 1+1=2; \quad 20 \quad 2+0=2;$$

$$29 \quad 2+9=11=1+1=2;$$

$$29 \quad 2+9=11=1+1=2.$$

Бундай кунларда туғилған одамлар романтик бўлишади, уларга бой фантазия, тасаввур ато этилган. Лекин улар ўз кучларига унча ишонишмайди. Шу боис улар ўз мақсадларига эришиш ёки ғояларини ҳаётга татбиқ этишда етарли даражада қатыягли эмасдирлар.

Ойнинг 2-кунида туғилған кишиларга ҳиссиётга берилиш, ўта сезувчанлик хос. Бундай одамлар гурухларда ишлашни яхши билишади.

Ойнинг 11-кунида тэваллуд топған одамларга илҳом, ҳисбаяжонлилик хос хусусиятлар. Уларда яхши экстрасенслик қобилияtlар мавжуд.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

Ойнинг 20-кунида таваллуд топган кишилар жуда сертакалтуф бўлишади. Уларда дипломатик қобилиятлар яхши ривожланган.

Ойнинг 29-кунида туғилган одамларни бошқалардан ажратиб турувчи хусусият шуки, улар ўз иродаси ва ҳукмини бошқаларга ўтказа олишади. Аммо шу билан бир вақтда улар орзу-хаёлларга берилувчан бўлишади.

### **3 рақамли (3, 12, 21, 30-кунлари туғилганлар)**

$$12 \rightarrow 1+2=3;$$

$$21 \rightarrow 2+1=3;$$

$$30 \rightarrow 3+0=3.$$

Бундай рақамли кишилар жуда шуҳратпастдирлар. Улар кимгadir бўйсунишлари керак бўлса, шахсиятларига тегиб кетади. Ўзларининг мақсадга интилишлари ва тўсиқларга тўғри бориш қобилиятлари туфайли улар кўпинча жамиятда юксак мавқега эришишади.

Ойнинг 3-кунида туғилган одамлар артистлар каби ўз ишларини моҳирона бажаришга қодирдирлар, ҳазил-мутойиба ҳиссига эгадирлар, улар интеллектуал қобилиятларини яхши намоён қила олишади.

Ойнинг 12-кунида дунёга келган кишиларга интизомлилик, ҳаётий амалиётга эгалик, тадбиркорлик ва кучли ҳис-ҳаяжонлилик хос.

Ойнинг 21-кунида таваллуд топган одамлар ҳар томонлама ривожланишга аҳамият берувчи шахслар. Улар сал нарсага асабийлашаверишади. Бундай одамлар жамоатчилик учун ўюнтириладиган барча тадбирларда иштирок этишга интилишади.

Ойнинг 30-кунида туғилган одамларга воқеа ва ҳодисаларни олдиндан сеза билиш, артистлик, яхши тасаввур қила олиш хусусиятлари хос. Лекин шунга қарамай, улар оғир меҳнат билан шуғуланишни ёқтиришмайди.

### **4 рақами (4, 13, 22, 31-кунлари туғилганлар)**

$$13 \rightarrow 1+3=4;$$

$$22 \rightarrow 2+2=4;$$

$$31 \rightarrow 3+1=4.$$

Бу рақам ўзгалар фикрига қарам қилдириб қўяди. Бундай кишилар жуда таъсирчан бўлиб, сал нарсага хафа бўлаверишади. Агар бу рақамли одамлар муваффақият қозонищса, муваффақият тезда уларни издан чиқаради, гамгин ва эзилган ҳолатга тушириб қўяди.

Ойнинг 4-кунида туғилган одамлар ҳаддан зиёд тартибли ва қайсардирлар. Лекин бир вақтнинг ўзида бошқалар таъсирига тушиб қолаверишади. Ростгўй кишилар иш фаолиятларида ишнинг майда-чўйда жараёнинг берилиб кетиб, якуний натижани унутишади.

Ойнинг 13-кунида туғилган одамлар оғир меҳнатдан қўрқишмайди. Улар ҳаддан зиёд нафсониятлидирлар, аммо кўп ҳолларда ўзларига ишонишмайди. Улар орасида пессимистлар жуда кўп.

Ойнинг 22-кунида туғилган кишиларга ҳис-ҳаяжонга берилиш ва асабийлашиш хос. Шу билан бирга уларда воқеа ва ҳодисаларни олдиндан пайқай олиш, сезиш (интуиция) яхши ривожланган.

Ойнинг 31-кунида туғилган кишиларда ташкилотчилик қобилияти мавжуд бўлиб, улар ҳаракатчан ва ўз зиммаларига масъулият юклашдан чўчишмайди. Бундай кишилар бизнес соҳасида катта муваффакиятларга эришишлари мумкин.

#### **5 рақами (5, 14, 23-кувлари туғилганлар)**

14 1+4=5;

23 2+3=5.

Бундай рақамли кишилар жуда идрокли ва тез қарор қабул қила олишади, улар пулни енгил йўллар билан топишга интилишади. Ўз ҳаракатларини ташқи таъсирларга берилиб бажаришлари мумкин. Шу билан бир вақтла феъл-атворлари етарли даражада мослашувчан ва бошқалар таъсирига тушиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Ойнинг 5-кунида туғилган одамлар кўпқиррали ва интеллектуал шахслар бўлишиб, улар ўзларини унутадиган даражада меҳнат қилишга қодирдирлар.

Ойнинг 14-кунида дунёга келган кишиларга иккюзламачилик ва ҳис-туйғуларга ортиқча берилиш одатлари хос.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

Ойнинг 23-кунида таваллуд топган одамлар кўпгина масалаларни ҳал қилиш уддасидан чиқишиади. Уларда фикрлаш тезлиги юқори. Бундай одамлар орасида манфаатпарастлар жуда кўп.

### **6 рақами (6-15, 24-кунлари туғилганлар)**

$$15 \rightarrow 1+5=6;$$

$$24 \rightarrow 2+4=6.$$

Бу рақам одамларга ранг-барангликни вазда қиласди. Ўз хоҳишу истакларидан қатти назар, улар бошқа одамларни ўзларига жалб қила олишиади. Бундай одамлар ўз режаларини амалга оширишда қайсар ва сабитқадам бўлишиади.

Ойнинг 6-кунида туғилган кишилар ўз уйларини яхши кўришиади. Улар жамиятда машҳур бўлиб, ишларига содиқдирлар. Бундай одамлардан яхши ходимлар етишиб чиқади. Ишдан бўш вақтларида улар мусиқа билан шуғулланишни яхши кўришиади. Уларнинг мусиқий қобилияtlари яхши ривожланган бўлади.

Ойнинг 15-кунида туғилган одамлар қайсар ва жizzаки, шұхратга ўч, етакчи бўлишиади. Лекин шунга қарамай кўпинча бошқаларнинг таъсирига тушиб қолишиади. Қизиқон, сал нарсага тутоқиб кетишиади.

Ойнинг 24-кунида таваллуд топган одамлар баъзида ўзларининг зарапиға бўлса ҳам атрофдагилари ҳақида ғамхўрлик қилишиади. Уларга одамшавандалик хислати хос. Бироқ шу билан бирга уларнинг иродаси жуда суст бўлади.

### **7 рақами (7, 16, 25-кунлари туғилганлар)**

$$16 \rightarrow 1+6=7;$$

$$25 \rightarrow 2+5=7.$$

Бу рақам уларнинг эгаларига мистик соҳа билан шуғулланиш учун қобилият, воқеа-ҳодисаларни олдиндан сеза олишини ёки юксак интуиция ҳиссини беради. Бу одамларнинг сирли жозибадорлиги бошқаларга кучли таъсир қиласди.

Ойнинг 7-кунида туғилган одамларга ёрқин ифодаланган шахсиятпарастлик, ҳаддан зиён қайсарлик хос.

Ойнинг 16-кунида туғилган кишилар ақли таҳлилга кўпроқ мойил бўлади. Уларда жазавага тушиш, тушкунликка

берилишга мойиллик ва артистлик маҳорати яққол кўзга ташланиб туради.

586. Нима учун ошқозон-ичак касаллиги билан оғриган кишига барий элементи бўтқаси (каша) ичирилади? 50–100 г

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

гача беморга ичирилган барий "бүтқаси" рейтген нурларини ички органларнинг юмшоқ түқималаридан кўра анча қўпроқ ютади. Ички бўш органлар барий "бүтқаси" билан тўлгач, ундаги анатомик ўзгаришлар аниқланади.

587. Нима учун Ўрта асрларда bemорга сурма элементи сақланган идишда вино ичиришган? Чунки сурма элементи балғам ажратувчи ва қайт қилдирувчи (қустирувчи) восита сифатида кўлланилган.

588. Нима учун эманинг хом меваси инсон саломатлиги учун хавфли ҳисобланади? Чунки унинг таркибида кверцитин моддаси бўлиб, у ҳайвонлар учун мутлақо хавфсиз ҳисобланади, аммо инсон саломатлиги учун хатарли.

589. Нималардан дирилдоқ ва шилимшиқсимон моддалар – агар-агар, агарсимонлар, коллаген, альгинатлар, таркибида микроэлементлар ва йод элементи бўлган ем (ун) олинади? Сувўтлардан.

590. Никель элементи одамнинг қайси органларида учрайди? Жигар, буйрак, меъда ости бези, гипофиз, тери ва кўзида.

591. Агар-агар новдаларида қандай модда бор? Протеин моддаси бор.

592. Нормал ҳолдаги одам организмида қальций элементи қанча мг бўлади? 9–11 мг.

593. Норселов ўсимлиги таркибида неча фоиз протеин, оқсил, мой ва бошқа моддалар бор? 8,2 фоиз протеин, 6,3 фоиз оқсил, 2,29 фоиз мой ва бошқа моддалар.

594. Нуфар ўсимлиги илдизида қандай моддалар бор? Алкалойидлар (нуфарин), таниидлар, крахмал моддаси.

595. Нокда қайси кимёвий элементлар бор? Калий, кальций, кремний, магний, натрий, олтингугурт, хлор, фосфор, темир, йод, кобалт элементлари.

596. Нўхатда қайси кимёвий элементлар бор? Кальций, кремний, магний, олтингугурт, алюминий, фосфор, бор, темир, молибден, селен, рух элементлари.

597. Нўхат таркибида неча фоиз қандай моддалар бор? 30 фоиз оқсил, 5–8 фоиз мой, 60 фоиздан ортиқ азотсиз экстракт моддалар.

598. "Обаки" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоиз?  
**Қанд 20–21 фоиз, кислота 6–7 фоиз.**

599. Овқатда мис элементи миқдорининг камайиши (ҳар куни 0,005 г атрофида) қандай оқибатларга олиб келади ва кишила нималар кузатилади? **Камқонликка олиб келади, гемоглобин камайиб, дармонсизлик сезилади.**

600. Овқатда рух элементи етишмаслиги сезилса, одам организмидаги қандай ўзгаришлар юз беради? **Организм ўсиши секинлашади, сочлар тўкилади, жынсий фаолият ўзгаришига олиб келади.**

601. Оғир сувда ҳаёт бўладими? **Йўқ, бўлмайди.**

602. Одам бир кечада кундузда овқат, сув, ҳаво орқали қанча мкг таллий элементини олади? **1,6 мкг, 0,05 мкг.**

603. Одам бир суткада неча л кислород ютиб, неча л карбонат ангирид ажратиб чиқаради? **750 л кислород ютиб, 657 л карбонат ангирид ажратиб чиқаради.**

604. Одам ва ҳайвон тўқималарида тахминан нечта кимёвий элемент бор, улардан нечтаси микроэлементлар ҳисобланади? **65 та бўлиб, улардан 50 таси микроэлементлар.**

605. Одам ва ҳайвонлар организмидаги фосфор элементи, асосан, нималар таркибида бўлади? **Асосан, суюқда ҳамда асаб толалари ва қон таркибида бўлади.**

606. Одам ва ҳайвонлар организмларининг қаерларида фосфор элементи бирикмалари бор? **Мия, асаб толалари, қон таркибида.**

607. Одам ва ҳайвонлар темир элементини қаердан олади? Одам организми учун бир кечада кундузда қанча мг темир элементи керак? **Жигар, гўпти, тухум, дукқакли донлар, нон, ёрма, лавлагидан олади, чунки уларда темир кўп бўлади. 60–100 мг темир элементи керак.**

608. Одам қонида неча г темир элементи бўлади? **2,5 г.**

609. Одам қонида қанча мкг марганец элементи бўлади? **2–3 мкг.**

610. Одам нафас оладиган ҳавода ис газининг рухсат этиладиган миқдори 1 м<sup>3</sup> ҳавода қанча мг бўлиши керак? **0,02 мг.**

611. Одам организми азот элементини қаердан олади? **Таркибида азот бўлган озиқ маҳсулотларидан.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

612. Одам организми керакли фтор элементини қаердан олади? Фтор элементининг сувдаги мөъёри (нормаси) қанча мг/л? **Сувдан олади. 1 мг/л.**

613. Одам организми озиқ-овқатлардаги магний ионининг неча фоизини ўзлаштиради? **40 фоизини.**

614. Одам организми темир элементини қаердан олади? **Овқатдан олади.**

615. Одам организми тинч турганда суткасига неча л, жисмоний иш қилганда неча л кислород сарф қиласи? **300 л, 3000–4500 л.**

616. Одам организми учун бир суткада қанча мг марганец керак? **8 мг.**

617. Одам организми ўртача бир суткада неча г кальций элементини истеъмол қиласи? **0,7 г.**

618. Одам организмига бир суткада сув ёки озиқ-овқат билан қанча йод элементи тушиши керак? Акс ҳолда нима бўлади? **0,05–0,1 мг. Буқоқ касаллигига дучор бўлади.**

619. Бир кечга – кундузда одам организмига ўрга ҳисобда овқат орқали қанча мг симоб элементи ўтади? **0,02–0,05 мг.**

620. Одам организмига бир суткада овқат, сув ва чанг орқали қанча мг қўроғшин элементи киради? **Овқат орқали 0,22 мг, сув орқали 0,1 мг, чанг орқали 0,08 мг.**

621. Натрий ва калий элементлари одам организмига қайси маҳсулотлар билан ўтади? **Сабзавот ва мевалар билан ўтади.**

622. Одам организмига темир элементи етишмаса, қандай касаллик пайдо бўлади? **Камқонлик касаллиги пайдо бўлади.**

623. Фосфор элементининг катта қисми одам организмига қандай маҳсулотлар орқали ўтади? **Сут, гўшт, парранда, балиқ, ион, сабзавотлар орқали.**

624. Одам организмидаги йод элементи ортиб кетса, нима бўлади? **Қалқонсимон без фаолияти бузилади.**

625. Одам организмидаги кальций элементи алмашинуви бузилган жараёнларда қандай касалликлар келиб чиқади? **Глаукома, атеросклероз, сийдик-тош касалликлари ва подагра касалликлари.**

626. Одам организмидаги кальций элементи миқдори ортиб

кетса, қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Токсин тарзida таъсир кўрсатиши мумкин.

627. Одам организмида қанча г атрофида калий элементининг радиоактив изотоплари ҳосил бўлади?  $3 \cdot 10^{-6}$  г.

628. Одам организмида қанча г темир элементи бўлади? 4–5 г.

629. Одам организмида қанча турли туман модда бор? 300 га яқин.

630. Одам организмида қанча миқдорда фермент бор? Улар қандай вазифани бажарадилар? 3000 га яқин фермент мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос реакциялар учун катализаторлик вазифасини бажарадилар.

631. Одам организмида кобальт элементининг кўпайиб кетиши қандай ўзгаришни ҳосил қиласди? Қалқонсимон без фаолиятини сусайтиради.

632. Одам организмида литий элементининг тўпланиши оқибатида қандай касаллик пайдо бўлади? Подагра, яъни модда алмашинувининг бузилиши туфайли бўғимларда зирқираган оғриқ берувчи касаллик пайдо бўлади.

633. Одам организмида марганец элементининг миқдори неча фоизни ташкил этади?  $1 \cdot 10^{-3}$  фоизни.

634. Одам организмида мис элементи етишмаслиги қандай касалликни келтириб чиқаради? Анемия касаллигини.

635. Одам организмида молибден элементи неча фоизгача учрайди?  $1 \cdot 10^{-5}$  фоизгача.

636. Одам организмида натрий элементи ионининг миқдори неча фоизни ташкил этади? 0,25 фоизни.

637. Одам организмида неча фоиз хлор иони мавжуд? 0,25 фоиз.

638. Одам организмида неча фоиз хлор элементи учрайди?  $1 \cdot 10^{-2}$  фоиз.

639. Одам организмида никель элементининг миқдори неча фоиз бўлади?  $1 \cdot 10^{-6}$  фоиз.

640. Одам организмида хлор иони ҳужайра мембраналарининг қандай ўтказувчанлигига таъсир этади? Электр ўтказувчанлигига таъсир этади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

641. Одам организмидан тахминан қанча кимёвий элемент мавжуд? **50 дан ортиқ.**

642. Одам организмидан туз миқдори кўп бўлса, қандай касалликларни келтириб чиқаради? **Қон босимининг ортиши ва паришонхотирлик касалликларини келтириб чиқаради.**

643. Одам организмидан ўзлаштирилган магний элементи ионлари қаерда тўпланади? Кейин қайси органларга ўтади? **Жигарда тўпланади. Кейин мушак ва суякларга ўтади.**

644. Одам организмидан хром элементи неча фоизни ташкил этади?  **$1 \cdot 10^{-5}$  фоизни.**

645. Одам организмидаги кальций элементи миқдорининг камайиши қандай ўзгаришларга олиб келади? **Асаб тизимининг қўзгалувчанлиги ўзгаришларига олиб келади.**

646. Одам организмидаги темир элементи миқдори неча фоизни ташкил этади?  **$1 \cdot 10^{-5}$  фоизни.**

647. Одам организмининг йод элементига бўлган суткалик эҳтиёжи қанча мг? **0,1 мг.**

648. Одам организмининг қайси органларида никель элементи учрайди? **Жигар, буйрак, меъда ости бези, гипофиз, тери ва қўзда.**

649. Одам организмининг кальций элементига суткалик эҳтиёжи 12 ёшгача бўлган болаларда, 12–18 ёшдагиларда, ҳомиладор аёлларда неча г ни ташкил этади? **12 ёшгача бўлган болаларда 0,5–0,6 г, 12–18 ёшдагиларда 0,7–0,8 г, катта ёшдагиларда 0,5 г, ҳомиладор аёлларда 1 г.**

650. Одам организмининг натрий элементига бўлган талаби бир суткада қанча г ни ташкил этади? **4–7 г ни ташкил этади.**

651. Одам организмининг неча фоизини биоген элементлар ташкил этади? **90 фоизини.**

652. Одам организмининг неча фоизини водород элементи ташкил қиласди? **10 фоизини.**

653. Одам организмининг неча фоизини кальций элементи ташкил этади? **2 фоизини.**

654. Одам организмининг неча фоизини кислород элементи ташкил қиласди? **65 фоизини.**

655. Одам организмининг неча фоизини углерод элементи ташкил қилади? **18 фоизини.**

656. Одам селен элементи билан заҳарланганда нима бўлади? **Боши оғрийди, сурункали тумов бўлиб, сочи тўкилади, тирноқлари мўртлашиб қолади.**

657. Одам суягининг неча фоизи кальций элементи бирикмаларидан иборат? **25 фоизи.**

658. Одам танасида мис элементи, асосан қайси органда тўпланади? **Жигарда.**

659. Одам танасида рух элементи кўпроқ қайси органларда тўпланади? **Тишларда (0,02 фоиз), асаб тўқималарида ва жигарда тўпланади.**

660. Одам, ҳайвон ва ўсимлик тўқималарида неча фоиз уран элементи бор?  **$10^{-5} \sim 10^{-8}$  фоиз.**

661. Одамнинг ош тузига бўлган кундалик эҳтиёжи неча г ни ташкил этади? **5-10 г ни.**

662. Оддий арча меваси таркибида қандай моддалар бор? **0,5-2 фоиз эфир мойи, 40 фоиз қанд, органик кислоталар, смола, бўёқ, пектин ва бошқа моддалар бор.**

663. Озиқ-овқат саноатида актинидия меваларидан нималар тайёрланади? **Мураббо ва шарбат тайёрланади.**

664. Озон инсон ва ҳайвонлар учун қандай аҳамиятга эга? **Уларни кўр бўлиб қолишдан асрайди.**

665. Озуқасига йод элементли сувўтлари қўшиб берилганда сигир ва қўйда қандай ўзгаришлар аниқланган? **Сигир сути кўпайиши, қўйнинг жуни тез ўсиши аниқланган.**

666. Олманинг таркибида қандай моддалар, кислоталар бор? **Глюкоза, сахароза, фруктоза деб аталувчи қанд моддалари, органик кислоталар, энг муҳими пектин моддаси бор.**

667. Олма таркибида қайси микроэлементлар бор? **Темир, мис, калий, марганец, кобальт.**

668. Олмада қайси ноёб кислота борлиги туфайли у микробларга қирон келтиради? **Фолат кислотаси борлиги туфайли.**

669. Олма сиркасида қанча элемент ва бирикмалар мавжуд бўлиб, улар орасида қайси фермент ошқозон-ичакда овқат

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ҳазм қилиш жараёнида асосий роль ўйнайди? 20 га яқин, "Пектин" ферменти.

670. Оқ бриония ўсимлиги таркибида қайси моддалар бор? Брионин деган заҳарли гликозид ва бошқа моддалар бор.

671. Оқ қарағай барги ва ёш новдаларида неча фоиз эфир мойи, С витамини бор? 3,27 фоиз эфир мойи, 0,32 фоиз С витамини бор.

672. Оқ қарағай барги ва ёш новдаларидан тайёрланган қайнатма қайси витаминга бой бўлиб, қайси касалликни даволаш ва унинг олдини олишда ишлатилади? С витаминига бой бўлиб, цинкга касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда ишлатилади.

673. Оқ қарағай борнилацетат ва борнеолдан нима синтез қилинади? Камфора.

674. Оқ қарағай смоласидан нима олинади? Скипидар олишади.

675. Оқ қарағайдан олинадиган эфир мойи таркиби қандай бирикмалардан иборат? Борнипацетат (30–60 фоиз), бориелол камfen (10–20 фоиз), пижн (10 фоиз) ва бошқа бирикмалардан.

676. Оқ қарағайнинг барги ва ёш новдаларида неча фоиз қандай моддалар, витамин бор? 3,27 фоиз эфир мойи, 0,32 фоиз С витамин ва бошқа моддалар бор.

677. Оқ каррак уруғи таркибида неча фоиз мой, баргига эса, неча фоиз алкалоид бор? Уруғи таркибида 35 фоиз мой, баргига 0,05 фоиз алкалоид бор.

678. Оқ кишмиш таркибида қандай моддалар бор? 24–26 фоиз қанд, 4–4,5 фоиз кислота бор.

679. Оқ лум қаерларда қўлланилади? Парфюмерия-косметикада, лак-бўёқ ишлаб чиқаришда ва бошқаларда.

680. "Оқ нукул" навли ўрик таркибида қанд, кислота неча фоиз? Қанд 16 фоиз, кислота 0,5 фоиз.

681. Оқ харрак уруғи ва барги таркибида неча фоиз нималар бор? Уруғига 35 фоиз мой, баргига 0,05 фоиз алкалоид ва бошқа бирикмалар мавжуд.

## *Ю. Ф. МАХМУДОВ*

682. Оқ чингал баргид алкалоид неча фоиз бўлади? **0,36 фоиз.**
683. Оқ шафтоли таркибида қанд, кислота миқдори неча фоизни ташкил этади? **Қанд 13,5 фоиз, кислота 0,39 фоиз.**
684. Оққарағайдан нима олинади? **Бальзам.**
685. Оқкурай илдизи ва мевасида нималар бор? **Фурокумаринлар (псорален, изопсорален ва бошқ.), мевасида эфир мойи бор.**
686. Оқкурай ўсимлиги илдизи ва мевасида қандай моддалар бор? **Фурокумаринлар (псорален, изопсорален ва бошқ.), эфир мойи бор.**
687. Оққурт бутаси таркибида неча фоиз қандай моддалар бор? **9,2 фоиз кул моддалари, 13,7 фоиз протеин, 12,7 фоиз оқсил, 2,9 фоиз мой, 40,3 фоиз клетчатка ва 33,2 фоиз азотсиз экстракт моддалар.**
688. Оқлечак таркибида қандай моддалар бор? **5,4 фоиз кул ва 12,6 фоиз протенин моддалари, экстракт моддалар бор.**
689. Оксалис таркибида қайси витамин ва кислота бор? **С витамины ва шовул кислота.**
690. Олма таркибида қандай кимёвий элементлар мавжуд? **Жами нечтача кимёвий элемент бор? Темир, калий, марганец, мис ва ҳ.к. элементлар. 20 тача.**
691. Олча таркибида қандай кимёвий элементлар бор? **Калий, кальций, магний, натрий, олтингугурт, фосфор, хлор, бор, ванадий, темир, никель, фтор, рух элементлари бор.**
692. Оқсил қайси кимёвий элементсиз мавжуд бўлмайди? **Азот элементисиз.**
693. Оқсўхта ўти таркибида протеин моддаси неча фоиз? **62–24,3 фоиз.**
694. Олғи пиёзининг баъзи турларида қандай заҳарли моддалар бор? **Алкалоид моддалари бор.**
695. Олтингугурт элементи одам организмининг неча фоизини ташкил этади? **0,16 фоизини.**
696. Олча меваси таржибида неча фоиз нималар бор? **8–17 фоиз қанд, 0,9–2,8 фоиз кислота, 0,16–0,36 фоиз ошловчи моддалар, А ва С витаминлари бўлади.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

697. Омонқорадан қайси алкалоид олинади? **Галантамин алкалоиди.**

698. Одам организми 1 суткада қанча мг рух элементи талаб қиласы? **10–15 мг.**

699. Одам организмінде күп миқдорда фтор элементі кирилесе, нима бўлади? Йод элементининг ўринин эгаллаб, қалқонсимон без фаолиятини бузади.

700. Одам организмінде қайси кимёвий элемент миқдори ортиб кетса, у токсик таъсир кўрсатиши мумкин? **Кальций элементи.**

701. Одам организмінде қайси кимёвий элементнинг кўпайиб кетиши қалқонсимон без фаолиятини сусайтиради? **Кобальт элементининг.**

702. Одамнинг кислород билан бир марта нафас олиши неча марта ҳаводан нафас олишига teng? **Беш марта.**

703. Одам организмінде кобальт элементининг кўпайиб кетиши қайси без фаолиятини сусайтиради? **Қалқонсимон без фаолиятини сусайтиради.**

704. Одам организмінде сарф қилинган натрий элементи ўринин тўлдириш учун киши суткасига неча г’ош тузи истеъмол қилиши лозим? **4–5 г.**

705. Одам организмінде фтор элементі миқдорининг кўпайиши қандай оқибатларга сабаб бўлади? **Тўқималар ва қон томирларида кальций тузларининг чўкицига олиб келади. Томирларда бундай чўқмаларнинг ҳосил бўлшичи эса уларни мўрт, синувчан қилиб қўяди. Томирларнинг синувчанилиги эса жуда хавфли бўлиб, оғир оқибатларга, ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўлади.**

706. Ортиқча кўроғошин элементи одам организмини нима қиласы? **Оқибатда қайси органлар касалланади? Заҳарлайди. Жигар, юрак-томир тизими, ўтика ва бошқа органлар касалланади.**

707. Ортиқча миқдордаги молибден элементи одам организмінде қандай таъсир қиласы? **Моддалар алмашинуви бузилади, суюк ривожланмайди, оқибатда подагра касаллигига чалинади.**

708. Осиёнинг тропик миңтақаларида ўсадиган A. toxicaria деган йирик дарахт заққумнинг бир тури бўлиб, ундан олинадиган заҳарли сут шираси таркибида қандай моддалар мавжуд? **Антиарин ва антиозидин гликозид моддалари бор.**

709. Отқулоқ илдизида терини ошлашда қўлланиладиган қандай моддалар бор? **Танини моддалари.**

710. Отқулоқнинг илдизи ва меваси таркибида қандай моддалар бор? **4,2 фоиз антрагликозидлар, К витамины, флавоноидлар, 17,3 фоиз ошловчи танини моддалари.**

711. Отқулоқнинг қайси турлари овқатга ишлатилади? Нима учун? Нордон отқулоқ ёки шовул ва оддий отқулоқ. Чуни С, В ва бошқа витаминларга бой.

712. Ошқозон суюқлигига қайси фермент оқсиларининг парчаланишини таъминлайди? **Пепсин ферменти.**

713. Ошқозонда қандай муҳитнинг йўқлиги оқсилли моддалар ишқаланишига олиб келиб, касалликларни келтириб чиқаради? **Кислотали муҳитнинг.**

714. Пахта толасининг неча фоизи целлюлозадан иборат? **95 фоизи.**

715. Пахта чигитида неча фонзга яқин мой, оқсия моддалар бор? **40 фонзга.**

716. Пақ-пақ ўсимлигига меваси таркибида нималар бор? **Қанд, лимон кислота, алкалоидлар бор.**

717. Парилла ўсимлиги уруғидан нималар олинади? **46–53 фоиз тез қурийдиган техника мойи (алиф, лак ва турли бўёқлар тайёрлашда ишлатилади) олинади (овқатга ҳам ишлатиш мумкин).**

718. Парни ўсимлиги илдизи картошкасимон бўлиб, таркибида неча фоизгача алкалоид бор? **1,5 фоизгача алкалоид (аконитин, зангорин ва бошқ.) бор.**

719. Парни ўсимлиги таркибида алкалоидлар (аконитин, зангорин ва бошқ.) неча фоиз? **0,5–2,55 фоиз.**

720. Парни ўсимлигининг картошкасимон илдизи таркибида қайси алкалоидлар неча фоизгача бўлади? **Аконитин, зангорин ва бошқа алкалоидлар 1,5 фоизгача.**

721. Парни ўсимлигининг картошкасимон илдизи таркибидаги алкалоид настойкаси қайси касалликларда

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

оғриқни қолдириш учун ишлатилади? Бод, невралгия, мигрен ва бошқа касаллукларда.

722. Партақ, эчкінчак ўсимлигининг пояси ва баргларида, илдизида алкалоидлар неча фоизни ташкил этади? **0,19 фоиз, 0,8 фоизни.**

723. Паст бўйли карелия қайнларида қайси кимёвий элементнинг миқдори кўпроқ бўлади? **Лантан элементининг.**

724. Пастернак ўсимлиги илдизида неча фоиз қандай моддалар ва витаминалар бор? **17–18 фоиз курук модда, 8–10 фоиз қанд, эфир мойи, витаминалар бор.**

725. Патиссон ўсимлиги мевасида нималар бор? **6–6,5 фоиз курук модда, 2,5–2,9 фоиз қанд, 20–30 мг С витамини, уруғида ёғ ва сапонин моддаси сақланади.**

726. Патлоқ ўтининг пояси ва баргларида қандай моддалар бор? **Алкалоид моддалар.**

727. Паҳмоқ ўти таркибидаги нимадан каучук материаллар тўқишида ишлатиладиган толалар олинади? **Сутшибадан.**

728. Паҳмоқ ўти уруғида мой неча фоиз бўлади? **24 фоиз.**

729. Паҳмоқ ўти таркибида протеин моддаси неча фоиздир? **17,9 фоиз.**

730. Пекан, зайдунёнғоқ ёнғоқчасида қандай моддалар бор? **70 фоизгача мой, оқсил, қанд моддалари.**

731. Периплока ўсимлиги пўстлоғида неча фоизгача периплоцин ва қайси касаллукларда ишлатиладиган гликозидлар бор? **0,38 фоизгача ва юрак касаллукларида.**

732. Перко ўсимлиги кўкпоясида протеин моддаси неча фоиз? **15–20 фоиз.**

733. Пиёзда қайси кимёвий элемент кўп бўлади? **Олтингутурт элементи.**

734. Пиёз препаратлари қандай кучли хоссага эга? **Бактерицидик хоссасига.**

735. Пиёз пўстини қайнатиб, сувидан нима мақсадда фойдаланилади? **Сочни мустаҳкамлаш, қазғоқни йўқотиш учун фойдаланилади.**

736. Пиёзгулнинг қайси туридан эфир мойи олинади? **Оқ гулли пиёзгул туридан.**

737. Пиёзнинг таркибида нималар бор? **0,05** фоиз эфир мойи, **11** фоиз қандлар, фитин, С (**10** мг фоиз) ва В<sub>1</sub> (**60** мг фоиз) витаминлари, каротин, питоницитлар, оз миқдорда ёғ ва бошқа моддалар, баргида витаминалар С (**20** мг фоиз), В<sub>2</sub> (**5** мг фоиз), каротин (**4** мг фоиз) органик (олма ва лимон) кислоталар, қандлар ва бошқа бирикмалар мавжуд.

738. Пиёз таркибида учувчанлик хусусиятига эга бўлган қайси моддалар мавжудлиги унинг аҳамиятини янада оширади?  
**Фитонцид моддалари мавжудлиги.**

739. Пилокарпус ўсимлиги таркибида қайси алкалоид бор?  
**Поликарпин алкалоиди бор.**

740. Пичан таркибида қандай моддалар бор? **12** фоиз протеин ва **2,6** фоиз мой бўлади.

741. Пичноқтириноқнинг илдизи, пояси, барги ва гулида қандай моддалар борлиги аниқланған? **Алкалоид моддалари борлиги.**

742. Подофилл илдизидан қандай модда неча фоизгача олинади? **Илдизидан подофилин деган смола 8** фоизгача олинади.

743. Подофилл поясида қандай моддалар бор? **Ошловчи (танин) моддалар бор.**

744. Приструм гулларидан ҳашаротларга қарши ишлатиладиган қандай модда олинади? **Пристрин моддаси.**

745. "Пушти пуркати" навли узум таркибида қанд миқдори неча фоиз бўлади? **15–17** фоиз.

746. "Пушти тоифи" навли узум таркибида қанд неча фоизни ташкил этади? **22–23** фоиз.

747. Пўсти арчилган пальма меваларидан қандай моддалар олишда фойдаланилади? **Ёғ ва маргарин (мойли пальма) моддалари олишда.**

748. Радодендрон дарахти барги таркибида қандай моддалар бор? **Барги таркибида арбутин ва бошқа гликозидлар, флавоноидлар, ошловчи танин ва бошқа моддалар.**

749. Радон элементи тиббиётда нима учун ишлатилади?  
**Радонли ванналар учун фойдаланилади.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

750. Райхон ўсимлигидан қандай мақсадда фойдаланилади? Атир-упа ва озиқ модда саноатларида, шунингдек, тиббиётда сийдик ҳайдовчи, ухлатувчи, тиш оғригини қолдирувчи дори сифатида фойдаланилади.

751. Райхон ўсимлиги таркибидаги эфир мойи, эвгенол неча фоиздир? Эфир мойи 0,3 фоиз, эвгенол 70 фоиз.

752. Райхон ўсимлигининг яшил массаси таркибидаги неча фоиз қандай мой бор ва унинг таркибидаги фойдаланиладиган қандай модда бор? 0,3 фоиз эфир мойи. Эфир мойининг 70 фоизини атир-упа, озиқ-овқат саноатлари ва тиббиётда ишлатиладиган звегенол моддаси ташкил этади.

753. Рангут барги ва уруғида қандай моддалар бор? Мой ва синнгрин гликозид моддалари мавжуд.

754. Рандак ўти уруғида қандай моддалар бор? 6,5 фоиз заҳарли сапонин, гистагин ва бошқа моддалар бўлади.

755. Раувольфия ўсимлиги илдизида алкалоидлар неча фоиз? 2 фоиз.

756. "Ръяно" навли нок таркибидаги қанд, кислота неча фоизни ташкил этади? Қанд 13,9 фоиз (қоқисида 19–20 фоиз), кислота 0,15 фоиз.

757. "Ревершон" навли гирос таркибидаги қанд, кислота неча фоиз нималар бор? 21 фоиз куруқ модда, 13, 17 фоиз қанд, 0,75 фоиз кислота, 13 мг фоиз С витамини мавжуд.

758. Резеда ўсимлиги таркибидаги қандай модда бор? Сарық бўёқ модда бор.

759. "Рислинг" навли узум таркибидаги қанд неча фоиз? 17–19 фоиз.

760. "Рислинг" навли узумдан қандай ичимликлар тайёрланади? Шампан, оқ столовой, кучли ва десерт винолар тайёрланади.

761. "Рислинг" навли узумда кислота неча фоиздир? 8–10 фоиз.

762. "Ркацители" навли узум таркибидаги қанд неча фоиз бўлади? 25–28 фоиз.

763. "Ркацители" навли узумда кислота неча фоиз? 5–6,8 фоиз.

764. Радодендрон ўсимлигига барги таркибидаги қандай моддалар бор? Арабутин ва бошқа гликозидлар, flavonoidлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

765. Розмарин ўсимлигининг барги ва гул чиқарадиган новдасидан парфюмерия ва тиббиётда ишлатиладиган қандай мой олинади? **Эфир мойни.**

766. Розмарин ўсимлигининг барги ва ёш новдалари таркибида нималар бор? **1,5–2,5 фоиз эфир мойни, 0,5 фоиз розмаринин ва боциқа алкалоидлар, урсол ва розмарин кислоталари бор.**

767. Рух элементи одам организмига озиқ-овқатлар билан тушгач, қайси органда сўрилади? **Ингичка ичакнинг юқори қисмларида сўрилади.**

768. Рух элементи одам организмининг қайси органида деполанади? **Жигарда.**

769. "Руҳи жуванон" навли ўрик таркибида нималар бор? **14–16 фоиз қанд, 0,8 фоиз кислота, 60,38 мг фоиз С витамини мавжуд.**

770. Рух элементининг катта қисми одам организмининг қайси органида бўлади? **Кўзнинг шоҳ пардасида бўлади.**

771. Рўян ўсимлиги илдизи нималарни бўящда ишлатилади? **Газламаларни бўящда фойдаланилади.**

772. Рўян ўсимлиги илдизи таркибида нималар бор? **6 фоиз окси – ва оксиметилантрахинон, қанд, органик кислота ва бошқалар мавжуд.**

773. Рябина меваси таркибида неча фоиз нималар бор? **4–8 фоиз қанд (фруктоза, глюкоза, сахароза), 2,7 фоиз олма, лимон, узум ва қаҳрабо кислоталари, пектин ва ошловчи моддалар, аскорбин кислота (200 мг фоиз), каротин (20 мг фоиз) ва РР витамини сақланади.**

774. Рябина ўсимлигидан нималар тайёрлашда фойдаланилади? **Қандолат ишлаб чиқаришда, мармелад, пастила, мураббо, шунингдек вино, ликёр, сирка, квас тайёрлашда ишлатилади.**

775. Сабадилла кўп йиллик ўти таркибида қандай алкалоидлар бор? **Вератин, цевадин алкалоидлари бор.**

776. Сабзавот маҳсулотлари қуруқ моддасининг асосий қисмини қандай моддалар ташкил этади? **Углеводлар – крахмал, қанд, клетчатка ҳамда пектинли моддалар.**

777. Сабзавот таркибида қандай модда бўлмайди? **Мой моддаси бўлмайди.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

778. Сабзавот таркибида нималар бор? Қанд (0,5–2,5 фоиз), органик кислоталар, хүшбүй моддалар, каротин, кул элементлари (0,4–3 фоиз), витаминлар (5–50 мг фоиз С витамины, шунингдек В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР витаминлари ва бошқ.) бор.

779. Сабзавотда қандай бирикмалар ва кимёвий элементлар тузлари мавжуд? Биологик фаол бирикмалар (калий, магний, темир фосфор тузлари), микроэлементлар.

780. Сабзи таркибида қандай моддалар, шунингдек қайси витаминлар, углеводлар, неча мг каротин ва қайси витаминлар бор? 1,1 фоиз азотлы моддалар, 0,2 фоиз ёғ, 9,2 фоиз углеводлар, 25 мг фоиз каротин ва А, С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР витаминлари бор.

781. Сабзи қандай мойли ўсимликлар жумласига киради? Эфир мойли.

782. Сабзи уруғларида, гуллаб турган ўсимлик ўтида неча фоизгача эфир мойи бор? 1,9 фоизгача, 0,13 фоизгача.

783. Сабзининг илдизида қандай моддалар бўлади? Каротиноидлар, пантотенат кислота ва иозит.

784. Сабзи иллиз меваларида қандай моддалар бор? Фитостеринлар, фосфатидлар, ферментлар, қанд, flavonoidлар ва бошқа моддалар.

785. Савағич ўти таркибида неча фоиз қандай моддалар бор? 21–22 фоиз клетчатка, 5,5–6 фоиз протеин, 1,8–2 фоиз ёғ, 39–40 фоиздан кўпроқ целлюлоза.

786. Савағич, саваҷӯпти поясида 40 фоиздан кўпроқ қандай модда бор? Целлюлоза моддаси.

787. "Саври суркони" навли гилос таркибида неча фоиз нималар бор? 18 фоизгача қанд, 0,32–1,28 фоиз кислота ва С витамины бор.

788. Савринжон ўсимлиги уруғи ҳамда пиёзсимон туганакларидан генетика ва селекцияда сунъий йўл билан нима олишда фойдаланилади? Генетика ва селекцияда сунъий йўл билан полиплоид олишда фойдаланилади.

789. "Сайли" навли қовун таркибида қанд, қуруқ модда неча фоиздир? Қанд 5–6 фоиз, қуруқ модда 7–8 фоиз.

790. Салат ўсимлиги нималарга бой? В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, Е, С витаминларига; каротин моддасига, калий, кальций, фосфор, темир элементларига бой.

791. Саломалайкум ўти илдизпояси қандай моддага бой? **Крахмал моддасига.**
792. Саломалайкум ўти таркибида неча фоиз эфир майлари бор? **0,53–1 фоиз.**
793. "Сальвей" навли шафтоли таркибида қанд, кислота неча фоиз? **Қанд 8–10 фоиз, кислота 0,75 фоиз.**
794. Санграйқулоқ ўти таркибида қандай моддалар бор? **Колхцин ва бошқа алкалоид моддалар.**
795. Сандал дарахти пояси ва илдизида қайси саноатда ишлатиладиган эфир майлари бор? **Пояси ва илдизида парфюмерия саноатида ишлатиладиган 3–6 фоиз эфир майлари бор.**
796. Сано ўсимлиги қайнатмасининг суви нима қилинади? **Ичилади.**
797. Санобар ўсимлиги уруги қандай моддаларга бой? **Ёғ (50 фоиз) ва оқсил моддаларга.**
798. Санобар ўсимлиги уругидан овқатта ишлатиладиган нима олинади? **Ёғ.**
799. Санобар, Италия қарағайи уруги қандай моддаларга бой бўлиб, қай тарзда истеъмол қилинади? **Ёғ (50 фоиз) ва оқсил моддаларига бой бўлиб, тўғридан-тўғри ва қовуриб истеъмол қилинади.**
800. Сано ўсимлигининг барги таркибида қандай моддалар бор? **Ични юмшатувчи антрагликозид моддалар.**
801. Сано ўсимлигининг баргидан нима тайёрланади? **Порошок.**
802. Санчикўт ўсимлиги илдизи, пояси ва баргларида қандай алкалоидлар бор? **Илдизида тамекмин, тамекмидин, глауцин, пояси ва баргларида тальмин ва тальмидин алкалоидлари бор.**
803. Сафсадошларнинг баъзи турлари илдизидан қаерда фойдаланилади? **Парфюмерияда.**
804. "Саратоний" навли олма таркибида қанд, кислота неча фоиз бўлади? **Қанд 11,5 фоиз, кислота 0,7 фоиз.**
805. Сариқ люпин ўсимлиги дони таркибида, яшил люпинда, оқ люпинда протеин моддаси неча фоизни ташкил этади? **38–46 фоиз, 29–33 фоиз, 29–38 фоизни.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

806. Сарик резеда ўсимлиги таркибида нима бор? **Сарик бүёк.**

807. Саримсоқ пиёз (саримсоқ, сассиқ пиёз)нинг боши таркибида нималар бор? Ашсан биримаси, **0,4–2** фоиз эфир мойи, **10** мг фоиз С витамини, фитостериилар, ёғ, оз микдорда йод элементи, фитонцилар ва бощқа моддалар мавжуд.

808. Саримсоқ пиёзбошиси қандай хоссаларга эга? **Бактерицид, фингицид, простокид хоссаларга эга.**

809. Саримсоқ таркибида ўртача неча фоиз сув, углеводлар, оқсил моддалар, кул, клетчатка, шунингдек қайси витамин, мой бор? **66** фоиз сув, **26,3** фоиз углеводлар, **6,76** фоиз оқсил моддалар, **1,44** фоиз кул, **0,77** фоиз клетчатка, шунингдек С витамини, эфир мойи, фитонцид ва минерал моддалар бор.

810. Сарсабил ўсимлиги таркибида нималар бор? **2** фоиз оқсил, **2,4** фоиз углеводлар, **B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, PP** витаминлари, **A** провитамини мавжуд.

811. Сарсабилдан қандай модда олинади? **Аспарагин моддаси.**

812. Сассапариль лианалар ўсимлиги илдизидан қандай модда олинади? **Сапонин моддаси.**

813. Сассапариль тиканли лианаларнинг баъзи турлари илдизидан қандай модда олинади? **Сапонин моддаси.**

814. Сассафрас дарахти илдизининг пўстлоғи таркибида тиббиёт ва атиргула саноатида ишлатиладиган қандай моддалар бор? **6–9** фоиз эфир мойлари, **58** фоизгача танид моддалари бор.

815. Сассиқкурай ўсимлиги илдизида қандай моддалар бор? **Крахмал, елим-смола моддалари.**

816. Сассиқкурай ўсимлиги илдизидан олинадиган қандай модда зарарли ҳашаротларни йўқотишда қўлланилади? **Елим смолоси зарарли ҳашаротларни йўқотишда қўлланилади.**

817. Сассиқкурай ўсимлигининг пишган меваси таркибида қандай моддалар бор? Протеин, азотсиз экстрактив моддалар.

818. Сассиқкурай ўсимлигининг ҳар тути неча г гача уруғ беради? **200 г гача уруғ беради.**

819. Сассиқматал ўсимлигининг пояси, барги ва илдизи таркибида қандай моддалар бор? **Адонидин гликозид моддалари.**

820. Себарга ўсимлиги таркибида қандай моддалар мавжуд? 3,8 фоиз протеин, 6,5 фоиз клетчатка, 1,7 фоиз кул ва 10,1 фоиз азотсиз экстрактив ва бошқа моддалар бор.

821. Седана уруғида қандай моддалар бўлади? Дамасцемин алкалоиди ва эфир мойи.

822. Селен элементи баъзи ўсимликлар учун қандай элемент ҳисобланади? **Хаётий зарур элемент**.

823. Селен элементи ҳайвонларда етишмаса, қандай касаллик пайдо бўлади? **Мушак оқариш касаллиги пайдо бўлади**.

824. Селов ўсимлиги толаларидан нималар тайёрланади? **Дагал тўқима ва чўткалар тайёрланади**.

825. Сельдерей ўсимлиги илдизида нималар бор? 4,3 фоиз қанд, **C, B, B<sub>2</sub> витаминлари, A провитамины, эфир мойи, минерал тузлар**.

826. Сельдерей ўсимлигининг барги, пояси ва илдизида қайси кимёвий элементлар сақланади? **Калий, кальций, фосфор элементлари**.

827. Сигирқуйруқ ўсимлиги таркибида қандай модда ва витамин бор? **Сапонин моддаси ва C витамини**.

828. Симоб элементи одам организмида қайси микроэлементларнинг сингиши ва алмашинувига ёрдам беради? **Cu, Sn, Cd, Se микроэлементларининг**.

829. Симоб элементи тиббиётда қандай мақсадларда ишлатилади? Тери касалликларини даволашда (симоб сурги), ўқтомирли тишларга пломба кўйишида ишлатилади.

830. Симоб элементи, асосан одамнинг қайси органларида тўпланади? **Жигар, буйрак, талоқ ва мия тўқималарида тўпланади**.

831. Синган суякларнинг тез битишига қайси кимёвий элементнинг изотопи ёрдам беради? **Фосфор элементининг изотопи**.

832. Синтетик каучук нимадан олинади? **Синтетик латексдан**.

833. "Сирануш" навли узум таркибида қанд микдори неча фоизни ташкил этади? **20–22 фоиз**.

834. Сирка дарахти таркибида нималар бор? **13–22 фоиз танин, галлат, пирогаллат моддалар, вино ва сирка кислоталари, кварцитин, рамнегтиң, мирицетин ҳамда C витамини бор**.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

835. Сиртлон ўсимлиги илдизида қандай моддалар бор? **Алкалоидлар ва бошқа доривор моддалар бор.**
836. Скополия ўсимлиги илдизидан қандай моддалар олинади? **Атропин ва скополамин моддалари.**
837. Скополиянинг ҳамма турлари таркибида қандай моддалар бор? **Заҳарли алкалоид моддалар.**
838. Скорционералар туркумига мансуб қайси турларининг илдизларида қандай модда бор? **Төғсагиз, такасагиз ва бошқа турларининг илдизларида каучук моддаси бор.**
839. Скорционера ўсимлиги туганагида крахмал моддаси неча фоиздир? **25 фоиз.**
840. Скумпия ўсимлігі барги ва пүстлоғи қаерларда ишлатилади? **Тери ошилашда, ипакин сарық рангта бўяш ва тиббиётда танинн моддаси ҳамда галлат кислота олишида.**
841. Смола таркибида қандай моддалар бор? **Алкалоид моддалар бор.**
842. Қандай ўсимликлар смолали ўсимликлар дейилади? **Бальзам ва смола бўлган ўсимликлар смолали ўсимликлар дейилади.**
843. Смородинадан нималар тайёрланади? **Қиём, шарбат, вино ва бошқалар тайёрланади.**
844. Смородинанинг меваси таркибида қайси модда, кислоталар, хушбўй моддалар ҳамда қайси элемент тузлари, витаминлар ва провитамин бор? **2–4,5 фоиз лимон ва олма кислоталари, 4,5–12,8 фоиз қанд ва С, В, Р витаминлари, А провитамини ва каротин бор.**
845. "Совға" навли нок таркибида неча фоиз қанд, кислота бўлади? **Қанд 13,9 фоиз, кислота 0,15 фоиз.**
846. Совундараҳт мевасида қандай модда мавжуд? **Мевасида 30 фоиз сапонинн моддаси бўлади.**
847. Совунүт илдизи ва илдиз пояларидаги сапонин қаерларда ишлатилади? **Тиббиёт ва саноатда фойдаланилади.**
848. "Сайли" навли қовунда қуруқ модда миқдори неча фоиз? **7,8 фоиз.**
849. "Сайли" навли қовун таркибида қанд миқдори неча фоиз бўлади? **5,6 фоиз.**
850. Сомедагонинг баъзи турларидан қандай модда олинади? **Каучук моддаси.**

851. Соф тамакининг куритилган ва ферментацияланган баргларида нималар бор? 1–4 фоиз никотин, 2–20 фоиз углеводлар, 1–13 фоиз оқсил, 5–17 фоиз органик кислоталар ва бошқалар бор.

852. Соя ўсимлиги дони қандай саноат маҳсулотлари учун хом ашё ҳисобланади? **Пластмасса, елим, лак, бўёқ, совун ва бошқалар** учун.

853. Соя ўсимлиги таркибида неча фоиз оқсил, ёғ, углеводлар, мицитин ва қайси витаминлар бор? 24–25 фоиз оқсил, 13–37 фоиз ёғ, 20–32 фоиз углеводлар, 1–2 фоиз мицитин, Д, В, Е ва бошқа витаминлар бор.

854. Соя ўсимлиги уруғидан нима мақсадда фойдаланилади? **Ёғ, оқсил ва мицитин олиш** учун фойдаланилади.

855. Соябон пальма барги толаларидан, данагидан нималар тайёрланади? **Барг толаларидан арқон, данагидан тутмача ва бошқалар тайёрланади.**

856. Соябон пальмаси поясидан қандай модда олинади? **Крахмал моддаси.**

857. Соябонгулдошларнинг айрим турлари таркибида (айниқса, мева ва баргларида) хилма-хил эфир мойлари бўлган, масалан: кашнич, сабзи, зира, сумбул, шивит, каврак, арпабодиён, зангпоялар қайси саноатларда ишлатилиди? **Тиббиёт, парфюмерия ва озиқ-овқат саноатларида ишлатилиди.**

858. Сояда йод сони миқдори қанчадир? **124–133.**

859. Сояда совунланиш сони қанча? **188–195.**

860. Спектр тадқиқотига кўра сут эмизувчиларнинг қайси ҳужайрасида молиблен элементи борлиги аниқланган? **Мия ҳужайрасида.**

861. Спирулиналарнинг 1 г қуруқ биомассасида неча мг каротин, С витамини бўлади? **1800–2000 мг каротин, 2100–2200 мг С витамини.**

862. Спирулиналар таркибида неча фоиз нималар бор? **60–68 фоиз оқсил, 18–20 фоиз углевод, 5–7 фоиз ёғ ва бошқалар бор.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

863. Спирулиналар ҳужайраларида нималар мавжуд? **Хлорофилл ва кўк ранг фикоэритрин ҳамда фикоциан пигментлари мавжуд.**

864. Стронций элементининг баъзи тузлари тиббиётда қандай касалликларни даволашда қўлланилади? Тери касалликларини.

865. Струуриналар ҳужайрасида қандай пигментлар бор? **Хлорофилл ва кўк ранг берувчи фикоэритрин ҳамда фикоциан пигментлари бор.**

866. "Субҳони" навли ўрник нави таркибида қанд, кислота неча фоиз бўлади? **Қанд 14–16 фоиз, кислота 0,5–0,8 фоиз.**

867. Сувқалампири ўсимлиги таркибида неча фоиз флавоноид, неча фоиз ошловчи моддалар ҳамда қандай кислоталар бор? **2–2,5 фоиз флавоноид, 3,8 фоиз ошловчи моддалар, гликозидлар, эфир мойи ҳамда органик кислоталар бўлади.**

868. Сувқалампири ўсимлигининг илдизида қандай моддалар бор? **Антраликозид моддалар.**

869. Сув ости кемалари ва космик кемаларда инсоннинг яшаши учун зарурий техникавий масалаларни ҳал қилиш қайси кимёвий элемент биримлари ёрдамида амалга оширилади? **Литий элементи биримлари ёрдамида.**

870. Сувда фтор элементи миқдорининг камайиши қандай касалликка олиб келади? **Кариес (тиш чириши) касаллигига сабаб бўлади.**

871. Сувдаги органик моддалар, асосан, нималардан пайдо бўлади? **Сувўтлардан.**

872. Сувзамчи ўти таркибида неча фоиз қандай моддалар, кислоталар, шунингдек қайси витамин бор? **1,4–8,86 фоиз ошловчи модда, 7,75 фоиз қанд, каротин моддаси, 2,72 фоиз органик кислоталар, шунингдек С витамини бор.**

873. Сувўтлари ўсимлиги пигментларининг ҳар хиллиги ва морфологик ҳамда биокимёвий хусусиятларига кўра нечта тип (бўлим)га ажратилади? Улар қайсилар? **10 та тип (бўлим)га ажратилади: Улар: кўк-яшил, олтинсимон, пиррофит, диатом,**

ҳар хил хивчили ёки сариқ-яшил, эвглен, яшил хара, қўнғир, қизил.

874. Сувўтлари ўсимлиги таркибида нималар бор? **Хлорофилл ва бошқа пигментлар.**

875. Сувўтлари ўсимлиги фотосинтезда қандай моддалар ҳосил қиласи? **Органик моддалар.**

876. Сувўтлари ўсимлиги таркибида қандай элементлар ва қайси кимёвий элемент бўлган ем (ун) олинади? **Микроэлементлар ва йод элементи бўлган ем (ун) олинади.**

877. Сувўтлари ўсимлигининг захира (запас) моддалари қайсилар? **Крахмал, гликоген, полисахаридлар, баъзан мой моддалари.**

878. Сувўтлари ўсимлигининг ҳужайра пардаси қандай модда ва бирималардан иборат? **Целлюлоза, пектин моддалар, кремнийли органик бирималар, алгин ва фушиндан.**

879. Суданўт ўсимлиги таркибида қандай модда бор? **Протсин моддаси.**

880. Сули ўсимлиги таркибида неча фоиз нималар сақланади? **9–19 фоиз оқсил, 2–11 фоиз ёғ, 21–55 фоиз крахмал, 7–24 фоиз клетчатка, 3–5 фоиз кул ва витаминалар бор.**

881. Сурепица ўсимлиги таркибида нима тайёрлашда ва сурков мойни сифатида ишлатиладиган мойлар неча фоиз? **Совун тайёрлашда ва мойлар (35–40 фоиз).**

882. Сутламагуллиларга мансуб дфемадан қайси смола, феруладан қайси смолалар олинади? **Аммиак смоласи, феруладан гальбан, асант ва бошқа смолалар олинади.**

883. Сутламадошларнинг сутсимон шираси гаркибида қандай моддалар бор? **Заҳарли моддалар, каучук ва бошқа доривор моддалар бор.**

884. Сутламадошларнинг суюқ экстракти нимани даволашда ишлатилади? **Сурункали гастритни даволашда фойдаланилади.**

885. Суяқ кўмир қандай йўл билан олинади? **Суякларни ҳавосиз жойда куруқ ҳайдаш йўли билан олинади.**

886. Сциларен глюкозиди нима тайёрлашда ишлатилади? **Дори тайёрлашда қўлланилади.**

887. Табаргул ўсимлиги гули таркибида қандай мой бор? **Эфир мойни.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

888. Табиий, сунъий латексдан қандай каучуклар олинади? **Табиий латексдан табиий каучук, синтетик латексдан синтетик каучук олинади.**

889. "Тагиоби" навли узум таркибида қанд, кислота миқдори неча фоиз? **Қанд 21–22 фоиз, кислота 5,2 фоиз.**

890. Таллий элементи ҳайвон ва ўсимликнинг қайси органида доимо бўлади? **Тўқимасида.**

891. Таллипот пальмаси ўсимлиги поясининг этли қисмida саго тайёрлашда ишлатиладиган қандай модда бор? **Крахмал моддаси.**

892. Тамаки ёндирилганда литий элементи бирикмалари унинг нимасида қолади? **Кулида қолади.**

893. "Танақўзи" навли узум таркибида ўртacha қанд, кислота неча фоиз? **Қанд 20 фоиз, кислота 5 фоиз.**

894. Таркибида қайси кимёвий элементлар бўладиган ўғитлар микроўғитлар дейилади? **Марганец, бор, мис, рух, молибден, кобальт ва бошقا элементлар бўладиган ўғитлар.**

895. Таркибида темир элементи бўлган дорилар қайсилар? Темир элементи етишмайдиган касалликларда қандай дори сифатида ишлатиб келинади? **Қайтарилган темир, темир лактат, темир глицерофосфат, темир (II) – сульфат, Бло таблеткаси, ферамид, гемостимулин ва бошқалар. Қувват дори сифатида.**

896. Таркибида ўсимликлар учун зарурй озиқ элементлари бўладиган моддалар, асосан, тузлар қандай ўғитлар дейилади? **Минерал ўғитлар дейилади.**

897. "Тарнов" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоиз? **Қанд 20–21 фоиз, кислота 9–10 фоиз.**

898. Таусағиз ўсимлиги қуруқ илдизининг 9–28 фоизини қандай модда ташкил этади? **Каучук моддаси ташкил этади.**

899. Тарвуз этида қайси кимёвий элементлар бор? **Калий, кальций, магний, фосфор элементлари бор.**

900. Темир элементи одам ҳаёти учун қандай аҳамиятга эга? У қондаги гемоглобин таркибига киради. **Гемоглобин кислородни ўпкадан тўқималарга олиб борувчи модда.**

901. Термопси ўсимлиги таркибида қандай моддалар бор?

Цитизин, пахикорнин, термопсин ва бошқа алкалоид моддалар бор.

902. Терп ўсимлиги таркибидаги неча фоиз нималар бор? **5,5–8,8 фоиз шакар (глюкоза ва фруктоза), 0,8–2,8 фоиз кислота.**

903. Техникида ишлатиладиган япон муми қайси дарахт меваси таркибидаги мойдан тайёрланади? **Лок дарахтидан ва локли totimdan.**

904. Тиббиётда йод элементининг неча фоизли спиртли эритмаси микробларга қарши курашда қўлланилади? **5–10 фоизли спиртли эритмаси.**

905. Тиббиётда қайси касалликларни даволашда церий тузларидан фойдаланилади? **Яраларни даволашда.**

906. Тиббиётда ишлатиладиган кобальтли магнитлар қайси аъзо хасталиклариға яқиндан ёрдам беради? **Юрак хасталиклариға.**

907. Тиббиётда сурма элементининг кўпчилик бирикмалари нима сифатида қўлланилади? **Дори сифатида.**

908. Тизимгул ўти таркибидаги қандай моддалар бор? **Вербеналин ва аденоzin гликозид моддалари.**

909. Тилқияр ўсимлиги таркибидаги қандай модда бор? **Кумарин моддаси.**

910. Тилқияр ўсимлиги экстракти қайси ичимликлар тайёрлашда ишлатилади? **Вино ва бошқа ичимликлар тайёрлашда ишлатилади.**

911. Тилоғоч дарахти пўстлоғи қандай модда сифатида ишлатилади? **Ошловчи модда сифатида.**

912. Тилоғоч дарахти танасини кесиб нималар тайёрлашла ишлатиладиган қандай модда олинади? **Скинидар ва канифоль тайёрлашда ишлатиладиган терпентин моддаси олинади.**

913. Тирик организм азот элементисиз яшай оладими? Нима учун? Йўқ, яшай олмайди. Чунки митти бактериядан тортиб, 150 т ли китининг барча ҳужайралари азот бирикмаларидан ташкил топган.

914. Тирик организмда қайси кимёвий элемент қон ҳосил бўлишида маҳсус ва муҳим вазифани бажаради? **Мис элементи.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

915. Тирик организмда қайси кимёвий элемент мия, асаб ва юрак ишларини яхшилайды? **Калий элементи.**

916. Тирик организмлар таркибиға киругчи, биоген бўлмаган кимёвий элементлар қайсилар? **Ag, Au, Al, Pb, Sb, Bi, Pt элементлари.**

917. Тирик организмлар, асосан, нечта кимёвий элементдан ташкил топган? **78 та кимёвий элементдан.**

918. Тирик организмларнинг асосини ташкил қиласидиган ва биологик аҳамиятга эга бўлган кимёвий элементлар қайсилар? **H, O, N, C, P, Cl, J, Na, K, Mg, Ca, Mn, Fe, Co, B, Cu, Zn, Mo, Ti, Si элементлари.**

919. Тирик организмларнинг ҳужайраси ва қонида қанча микдорда олтин элементи бўлади? **0,01–0,05 мг/кг.**

920. Тирик организмнинг ҳаётий фаолияти жараёнида нечта элемент ва қайси кимёвий элементлар модда алмашинувида (метаболизмда) қатнашади? Улар қайси кимёвий элементлар? **6 та элемент. Улар: углерод, кислород, водород, азот, олтингугурт, темир ва фосфор элементлари.**

921. Тисс ўсимлиги таркибida қайси алкалоид бор? **Токсин алкалоиди бор.**

922. Титан элементи ўсимлик ва ҳайвон организмida бўладими? **Қачон? Ҳа, бўлади. Доимо.**

923. Тут таркибida қайси кимёвий элементлар бор? **Йод, бром, олтингугурт, хлор элементлари бор.**

924. Умуртқали ҳайвонларнинг қайси органларида титан элементи учрайди? **Шох ҳосиллари, талоқ, қалқонсизмон безларда учрайди.**

925. Тиш протезлари тайёрланадиган хром-никелли пўлат жуда қаттиқ бўлиб, унга қайси кимёвий элемент кўшилганда юмшайди? **Қандай ишлов берилгандан сўнг яна қаттиқ ҳолатга қайтади? Церий элементи қўшилганда. Термик ишлов берилгандан сўнг.**

926. Товар ҳолидаги табиий каучук таркибida неча фоиз қандай моддалар бор? **93–94 фоиз каучук, 2,4–2,9 фоиз оқсил, 0,3 фоиз кул, 0,3 фоиз қанд моддалари ва 2,5–3 фоиз смола бор.**

927. Товуқ тухумининг пўчоги қайси кимёвий элемент бирикмалари туфайли мустаҳкам, пишиқ бўлади? **Кремний элементи бирикмалари туфайли.**

928. Тоғ арникаси (A. montana) ўсимлиги гулида қандай моддалар бор? **С витамини, каротин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.**

929. Табаргул ўсимлиги таркибида қандай модда борилиги учун қайси денгиз соҳилларида ўстирилади? **Эфир мойи борлиги учун Қора денгиз соҳилларида.**

930. Тоғ толи дарахти пўстлоғида қандай моддалар бор? **Ошловчи (танини) моддалар бор.**

931. Тоғ турбиди ўти таркибида эфир мойи неча фоиз бўлади? **0,15 фоиз.**

932. Тоғ турбиди ўти уруғида қурийдиган ёғ неча фоиз? **18–21 фоиз.**

933. Тоғолча дарахти таркибида неча фоиз нималар бор? 10 фоиз қанд, 1,5–4 фоиз олма ва лимон кислоталари, 0,3–1,5 фоиз пектин, **С витамини ва А провитамини бор.**

934. Тоғтерак ёғочидан халқ хўжалигига нималар ишланади? **Гутурт чўплари, целлюлоза ва сунъий ишак ишланади.**

935. Тол дарахтининг айрим турларидан қандай толалар олиш мумкин? **Луб толалари.**

936. Тол дарахгининг пўстлоғидан тиббиётда ишлатиладиган қайси модда олинади? **Салицин моддаси олинади.**

937. Топинамбур ўсимлиги туганаклари қаерларда нима олишда ишлатилади? **Туганаклари овқатга, чорва молларига озиқ сифатида, спирт, фруктоза олишда ишлатилади.**

938. Топинамбур, ер ноки ўсимлиги таркибида қандай модда ва витаминалар бор? **16–18 фоиз инулин, 2–4 фоиз азотли моддалар, С, В витаминалари бор.**

939. Торо ўсимлигининг оғирлиги неча кг ча келадиган картошкасида неча фоиз крахмал, қанд, оқсил моддалари бор? **4 кг ча келадиган картошкасида 18–20 фоиз крахмал, 0,5 фоиз қанд, 3 фоиз оқсил моддалари бор.**

940. Торон ўсимлиги илдизида қайси саноатда ишлатиладиган танини моддаси бор? **Тери саноатида.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

941. Торондошлар таркибидә қандай моддалар бор? **Таниниң моддалари.**

942. Тошбақатол барги, пояси ва уруғида неча фоиз алкалоид бор? Баргидә 0,1–1,2 фоиз, поясида 0,075–0,14 фоиз, илдизида 0,025 фоиз, уруғида 1,6 фоиз алкалоид (хоплоперин, ихохоплоперин, скимманин, хоплофин, хоплофиллидин ва перфорин) бор.

943. Тошдаракт пүстлөгидан қандай моддалар олинади? **Ошловчи моддалар олинади.**

944. Тұғмабош үсімлигі таркибидә қандай заһарлы модда сақланади? **0,58 фоиз протоанемонил заһарлы модда бор.**

945. Тұнг ёнғоги магзидә неча фоиз мой бўлади? **70 фоиз.**

946. Тұнг мойи таркибидә неча фоиз нималар бор? **Түйинмаган кислоталар – элеостеарин 66–82 фоиз, олеин 4–13 фоиз, линолен 9–11 фоиз; түйинган кислоталар-стеарин 2,5 фоиз, пальмитон – 3,7 фоиз; совууланмайдиган моддалар 0,4–1 фоиз.**

947. Тұпроқда молибден элементи миқдорининг ортиши үтхұр ҳайвонларда қандай касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади? **Молибден касаллигининг.**

948. "Туркманистан қызылуруғи" навли қовун таркибидә қанд неча фоиз бўлади? **8–12,2 фоиз.**

949. Тұхумак дарахти барги ва мевасидан қандай модда олинади? **Рутин моддаси.**

950. Тұхумак дарахти куртагидан газламаларни бўяшда ишлатиладиган, айнимайдиган қандай бўёқ олинади? **Шойи газламаларни бўяшда ишлатиладиган, айнимайдиган сариқ бўёқ.**

951. Тұяқорин үсімлиги пояси ва баргларидан, уруғида неча фоиз заһарлы алкалоидлар бор? **0,4 фоиз, 1 фоизта яқин заһарлы алкалоидлар (гемотрин ва пазнокарин) бор.**

952. "Тұятиш" навли узум таркибидә ўртача қанд, кислота миқдори неча фоизни ташкил этади? **Қанд 23,4 фоиз, кислота 3,2 фоиз.**

953. Тұнғизтароқ (*D. azureus*) үсімлигі таркибидә қандай алкалоидлар бор? **0,3 фоиз генцианин ва эритроцинга ўхшаш алкалоидлар бор.**

954. Узок Шарқда ўсадиган Амур зирки ва оддий зирк

доривор ҳисобланиб, барги таркибида қандай алкалоидлар бор? **Берберин, оксионитин, бербамин ва бошқа алкалоидлар бор.**

955. "Умрбоқий" навли қовун таркибида қанд миқдори неча фоиздир? **10–11 фоиз.**

956. Учма ўтлари таркибида қандай модда бор? Қайси вақтда кўп тўпланади? **Заҳарли модда бор. Гуллаган вақтида.**

957. "Фарғона бўрикалла" навли қовун таркибида қанд неча фоизни ташкил этади? **8–11 фоиз.**

958. Фармакологларнинг таъкидлашича, ковул ўсимлиги томиридан тайёрланган спирт настойкаси қондаги нималар сонини оциради? **Тромбоцитлар сонини.**

959. Филлофорадан қандай модда олинади? **Каррагинин моддаси.**

960. Фосген гази одамга таъсир этганда нима бузилади? Нима етишмайди? Нима қуюқлашади? **Газ алмашинуви. Кислород. Кон.**

961. Франций элементи гиббиётда қандай мақсадда ишлатилади? **Рак касаллиги ташхисида (диагностикасида).**

962. Фтор элементи билан ишлашда озгина эҳтиётизлик қандай оқибатларга сабаб бўлади? **Тишнинг емирилишига, тирноқнинг қингир-қийшиқ бўлиб қолишига ёки тушиб кетишига сабаб бўлади.**

963. Фтор элементи тиш эмалининг масса жиҳатидан неча фоизини ташкил этади? **0,01 фоизини.**

964. Фунус сувўтларидан нималар олинади? **Альгинот, ем уни ва ўғит олинади.**

965. Хабб ул-мулук ўсимлиги таркибида қандай моддалар бор? **Токсальбулин ва заҳарли смолалар бор.**

966. Хабб ул-мулук ўсимлиги таркибида ёғ неча фоиз бўлади? **50 фоиз.**

967. Хабб ул-мулук ўсимлиги кўпроқ истеъмол қилинса, кишини нима қиласи? **Заҳарлайди.**

968. Хабб ул-мулук ўсимлиги уруғидан қандай ҳидли модда олинади? **Тиник, қорамтирик қўланса ҳидли ёғ моддаси олинади.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

969. "Халили" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоиз бўлади? Қанд **17–18** фоиз, кислота **4–4,5** фоиз.
970. Хашаки лавлаги таркибида сигир сутини кўпайтирадиган, осон ҳазм бўлувчи қандай моддалар бор? **Углевод ва пектин моддалари бор.**
971. Хемосинтезловчи бактериялар қаерда муҳим элементлар айланишини бошқариб туради? **Биосфера**.
972. Хин дарахтидан олинадиган алкалоидлардан энг муҳими қайси модда ҳисобланади? **Хинин моддаси.**
973. Хин дарахтининг қайси органлари алкалоидларга бой? **Ҳамма органлари, асосан, пўстлоги.**
974. Хина дарахтчасидан қандай бўёқ моддалар олинади? **Кизгиш-сарик, барқарор, кўксимон бўёқ моддалар олинади.**
975. Хина, асосан, қаерларда ишлатилади? **Жун ва ипакларни бўяшида, косметикада ишлатилади.**
976. Хинагул нималардан тайёрланган буюмларни бўяшида ишлатилади? **Ипак ва жундан тайёрланган буюмларни бўяшида ишлатилади.**
977. Хинин моддаси қайси дарахт пўстлогидан олинадиган алкалоид? **Хин дарахти пўстлогидан.**
978. Хинин моддаси қандай ҳолда ишлаб чиқарилади? **Порошок ва таблетка ҳолида ишлаб чиқарилади.**
979. Хлор ичимлик сувларини нималардан тозалашда ишлатилади? **Микроблардан тозалашда.**
980. Хлор қишлоқ хўжалигига қандай препаратлар тайёрлашда ишлатилади? **Заараркунчаларга қарши препаратлар тайёрлашда ишлатилади.**
981. Хлоренхимали-каучукли ўсимликларга қайси ўсимлик киради? **Бўтакўз ўсимлиги.**
982. Хлорид кислота ошқозон суюқлигининг қандай муҳитини ҳосил қиласи? **Кислота муҳитини.**
983. Хлор элементининг қандай бирикмалари йўза баргини қуритиш ва тўкиш хусусиятига эга? **Магний ва кальций хлоратлар.**
984. Хлороформ қандай моддалар гурӯҳига мансуб? Тиббиётда ва саноатда нималар сифатида қўлланилади?

**Наркотик моддалар гуруҳига. Тиббиётда наркоз, саноатда эритувчи сифатида кўлланилади.**

985. Хрен ўсимлиги илдизи таркибида неча фоиз нималар бор? 20–25 фоиз куруқ модда, 6 фоиз қанд, 2–2,5 фоиз оқсил, 9–9,5 фоиз углевод. 1,6–1,7 фоиз минерал тузлар ва С витамиини бор.

986. Хром элементи одамнинг қайси органларида тўплланади? **Соч ва тирноқларида.**

987. "Хурмоий" навли ўрик таркибида қанд, кислота неча фоиз бўлади? **Қанд 14–16 фоиз, кислота 0,3 фоиз.**

988. Хурмо таркибида қайси кимёвий элемент кўп? **Йод элементи кўп.**

989. "Хўжааҳори" навли узум таркибида қанд миқдори неча фоиздир? **20–22 фоиз.**

990. Целлюлоза, асосан, қайси ўсимликларда неча фоиз бўлади? Чигит тукида (97–98 фоиз), ёғочда (40–50 фоиз), зигир ва канопда (80–90 фоиз), жуна (75 фоиз), қамиш, маккажўхори, бошоқли ўсимликлар ва кунгабоқарда (30–40 фоиз).

991. Церий ~ 137 элементи тиббиётда қандай терапияда кўлланилади? **Гамма нурли терапияда.**

992. Церий тузлари қайси касалликни даволашда кўлланилади? **Денгиз касаллигини даволашда.**

993. Цикломен ўсимлиги илдизпоясида қандай модда бор? **Сапонин мoddаси бор.**

994. Цикломен ўсимлигининг янги илдизи ва илдизпоясидан қандай модда олинади? **Эссенция мoddаси олинади.**

995. Чақамиг ўсимлиги гулларидан нималарни бўяш учун яшил ва сариқ, илдизидан қандай рангдаги бўёқ олинади? **Жун газламаларни, илдизидан қизил бўёқ олинади.**

996. Чаканда ўсимлиги барги таркибида қайси витамин ва қандай мoddалар бор? **С витамиини ва ошловчи мoddалар бор.**

997. Чаканда, облепиха ўсимлиги меваси нималарга бой? **Витамин ва фойдали мoddаларга бой.**

998. Чалов ўсимлигининг баъзи турлари қайси саноат учун хом ашё? **Қофоз саноати учун**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

999. "Чарос" навли узум таркибида қанд, кислота микдори неча фоизни ташкил этади? **Қанд 21–23 фоиз, кислота 5,5–8 фоиз.**
1000. Черемуха ўсимлиги мевасида неча фоиз қандай кислота ва моддалар бор? **Олма, лимон кислоталари, 5 фоиз қанд, баргидаги 280 мг фоиз С витамини ва эфир мойи, прунозин моддалари бор.**
1001. Черемуха мевасидан қайси касалликка қарғы дори тайёрланади? **Дизентерияга.**
1002. Черемуха ўсимлиги пўстлоғидан қандай рангдаги бўёқлар олинади? **Яшил ва қўнгир рангдаги бўёқлар.**
1003. Черника ўсимлиги меваси таркибида ошловчи модда неча фоиз бўлади? **12 фоиз.**
1004. Черника ўсимлиги таркибида нималар бор? **12 фоиз ошлоечи модда, 44 мг фоиз С витамини, қанд, лимон ва олма кислота, бўёқ моддалари, сийдик ва қонда қанд моддасини камайтирувчи иеомиртилийн гликозиди бор.**
1005. Черника ўсимлигининг ҳўл мевасидан нималар тайёрланади? **Кисел, вино, ликёр ва бошқалар тайёрланади.**
1006. Четан ўсимлигининг меваси қаерда ва қайси саноатда ишлатилади? **Тиббиётда ва ароқ-ликёр саноатида.**
1007. "Чиллаки" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоиз? **Қанд 14–15 фоиз, кислота 3–3,5 фоиз.**
1008. Чилонжийда ўсимлиги илдизи, барги ва пўстида ошловчи модда неча фоиз? **4–9,5 фоиз.**
1009. Чилонжийда таркибида неча фоиз нималар бор? **20–30 фоиз қанд, 0,3–2,5 фоиз кислота, 2,8–2,9 фоиз оқсил, 1,73 фоиз кул моддаси, С, Р ва А витаминалари бор.**
1010. Чилонжийда, унаби меваларида қандай моддалар ва кислоталар бўлади? **Қанд моддалари ва органик кислоталар.**
1011. Чилонжийда данаги магзизда неча фоизгача қандай ёғ бўлади? **33 фоизгача қотмайдиган ёғ сақланади.**
1012. Чилонжийда танаси пўстлоғида қандай моддалар мавжуд? **Ошловчи моддалар ва пептид алкалоидлар бор.**
1013. Чилонжийда баргларида нималар бўлади? **Оғриқни**

. F.

1014.

1015.

(E.canescens)

1016. "

? 12,5

1017.

1018.

1019.

1020. "

? 24—26

"

3,3—4

1021. "

9—13

1022.

?

1023.

(15—41,8

),

?

(0,1—0,72

),

1024.

1025.

^

?

,

1026.

? 3—4

1027.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

пояси таркибида қандай моддалар бор? **Флавоноидлар, эфир мойи, қанд ва бошқа моддалар.**

1028. Шовул ўсимлиги таркибида нималар бор? **Оқсил, минерал тузлар, А, В, С витаминлари.**

1029. Шойигул ўсимлиги туганагида қандай модда мавжуд? **Крахмал моддаси.**

1030. Шотара ўсимлиги илдизи, пояси ва барглари таркибида нималар бор? **Протонин, фумаридин, фумваймин, вайлинтин ва бошқа алкалоидлар ва фумория кислота.**

1031. Шотут таркибида нималар бор? **Қанд, турли витаминалар, минерал моддалар.**

1032. Шотутда қайси кимёвий элемент бўлади? **Темир элементи.**

1033. "Штурнгур" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоизни ташкил этади? **Қанд 20–22, кислота 4–4,5 фоиз.**

1034. Шувоқ ўсимлиги таркибидаги эфир мойи қандай моддалардан таркиб топган? **Цинеол туйон, борнеол альдегидлар ва бошқа терпенлардан.**

1035. Шувоқ ўсимлигининг ер устки қисми таркибида неча фоиз қандай моддалар ва витамин сақланади? **0,03–0,61 фоиз эфир мойи, 11,9 фоиз каротин, 175 мг фоиз С витамини, алкалоидлар ва бошқа моддалар.**

1036. Эвакалинг ўсимлиги таркибида қандай моддалар бор? **Эфир майлари, елим, ошловчи моддалар.**

1037. Эман дарахтининг пўстидан қандай мақсадда фойдаланилади? **Терига ишлов беришида ва уни жигарранг, қизил ранга бўяш мақсадида фойдаланилади.**

1038. Эман меваси таркибида неча фоиз қандай моддалар бор? **Оқсил моддалари, қанд, 5 фоиз ёғ, 40 фоиз крахмал моддалари мавжуд.**

1039. Эрикадошларнинг кўп турларидан қандай моддалар олинади? **Гликозалар, ошловчи моддалар, эфир майлари ва боцқалар олинади.**

1040. Эспарцет ўсимлиги таркибида қандай моддалар бор? **Протенин, каротин моддалари.**

1041. "Эчкемар" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоиз бўлади? **Канл 18–21, кислота 4–6,5 фоиз.**

1042. Юкка ўсимлигининг баъзи турлари баргидан нима олинади? **Тола.**

1043. Ялпиз ўсимлиги барглари ва ер устки қисмларидан олинган мой қаерларда ишлатилади? **Совун, кондитер маҳсулотлари, ликёр ишлаб чиқариш саноатида ишлатилади.**

1044. Ялпиз ўсимлигининг барглари ва тўпгуллари таркибидаги эфир мойлари нимага бой? **Ментолга.**

1045. Ясмиқ ўсимлиги таркибида неча фоиз нималар бор? 23–32 фоиз оқсил, 0,6–2,1 фоиз ёғ, 47–70 фоиз крахмал, 2,3–4,4 фоиз кул, 2,4–4,9 фоиз клюетчатка, шунингдек В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> витаминлари бор.

1046. Яснотка ўсимлиги баргига қандай витамин бор? **С витамини бор.**

1047. "Ўзбекистон қизилуруғи" навли қовун таркибида қанд неча фоиз? **10,1–12,2 фоиз.**

1048. Яра шишса, унга қайси кимёвий элемент тузидан озроқ сепилса тузалади? **Мис тузидан.**

1049. Ўзбекистон Республикасида неча хил вино тайёрланади? **60 дан зиёд хил вино тайёрланади.**

1050. Ўзбекистонда бир кг полиз маҳсулотида қанча мг нитратлар топилса, кимники ва қанчалигидан қатъи назар, йўқ қилиб ташланади? **30 мг.**

1051. Ўзбекистонда Европанинг қайси узум навларидан вино тайёрланади? **Баян-Ширей, Венгер мускати, Опорто, Рислинг, Ркацители, Серсмоль, Алеатико, Каберне, Пино, Морастиль, Мурведр, Пушти мускат, Саперави, Тавквери каби Европа узум навларидан вино тайёрланади.**

1052. Ўзбекистонда қайси маҳаллий узум навларидан вино тайёрланади? **Оқ кишиш, Бахтиёрий, Баҳишти, Буваки, Доройи, Султоний (Жоус), Сояки, Тойфи, Ҳусайнӣ, Вассарға, Тагоби, Нимранг, Паркент, Каттақўрғон каби маҳаллий навлардан вино тайёрланади.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1053. Ўзбекистонда гулхайри ўсимлигининг қайси тури доривор ўсимлик сифатида кўп экилади? **A. rosea** тури.
1054. Ўзбекистондаги буғдоийқ ўсимлигининг таркибида неча фоиз қандай моддалар бор? 7,0 фоиз кул моддалари, 29,0 фоиз клетчатка, 13,4 фоиз протеин, 3,84 фоиз мой, 45,6 фоиз азотсиз моддалар бўлади.
1055. Ўрта Осиёда ўсадиган шўра ўсимлигидан қайси алкалоид ажратиб олинган? **Сальсолин алкалоиди**.
1056. Ўртапишар хўраки (август ўрталарида пишади) "Васарға" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоиз? Қанд 23–25 фоиз, кислота 5–6,5 фоиз.
1057. Ўсимлик ва ҳайвонот олами турли кимёвий элементларни қаердан ўзлаштиради ва ўзларида тўплайди? **Атроф – муҳитдан**.
1058. Ўсимлик ва ҳайвон организмларининг қолдиги бўлган тошкўмир, торф ва нефтнинг энг кўп қисми қайси кимёвий элементдан иборат? **Улерод элементидан**.
1059. Ўсимлик ва ҳайвонлар организмида неча фоиз фосфор элементи бўлади? **1–2,5 фоиз**.
1060. Ўсимлик ва ҳайвонлар суюгининг асосини қайси кимёвий элемент ташкил этади? **Кальций элементи**.
1061. Ўсимлик дунёси азот элементини қаердан ўзлаштиради? **Тупроқдан**.
1062. Ўсимлик кулида уран элементи неча фоиз бўлади?  **$1,5 \cdot 10^{-5}$  фоиз**.
1063. Ўсимлик оқсилиари ҳайвонлар учун қандай кимёвий элемент манбай ҳисобланади? **Азот элементи**.
1064. Қандай моддалар ошловчи моддаларга киради? **Танин моддалари**.
1065. Ўсимликлар ўзлари учун керакли кўрғошин элементини қаерлардан олади? **Тупроқдан, сувдан ва атмосфера ёғинларидан олади**.
1066. Ўсимликлар хлорофилл орқали ерда қандай вазифани бажаради? **Санитар вазифасини, яъни атмосферани карбонат ангилидан тозалаб, кислородга бойитади ҳамда қўёш энергиясини тўплайди (аккумуляция)**.

1067. Ўсимликларда темир элементи етишмаса, нима бўлади? Кўпайиб кетса-чи? Ўсиш секинлашади ва хлорофилл ҳосил бўлиши камаяди. Қўпайиб кетса, зарар қиласади. Масалан, шоли кам дон тугади.

1068. Ўсимликларда темир элементи етишмаса, нима синтези секинлашади? Хлорофилл синтези секинлашади.

1069. Ўсимликларда углерод элементи концентрацияси ер пўстлоғидагига нисбатан неча марта юкори? **200 марта.**

1070. Ўсимликларда хлорофилл таркибининг неча фоизини магний элементи ташкил этади? **2 фоизини.**

1071. Ўсиш даврининг иккинчи йилида кримсағиз ўсимлиги таркибидаги каучук миқдори неча фоизни ташкил этади? **7–8 фоизни.**

1072. Ўсма барги ширасида қайси бўёқ бор? **Нил бўёғи.**

1073. Ўсма илгари Фарбий Европада нима мақсадда экилган? **Бўёқ олиш учун.**

1074. Ўсмадан қадим-қадимдан нима олинади? **Бўёқ.**

1075. Қадимги Мисрда ўликларни мумиёлашда нимадан фойдаланишган? **Алюздан.**

1076. Қадимда қайси ўсимлик "заҳарларнинг маликаси" деб юритилган? **Парни ўсимлиги.**

1077. Қадимда овчилар учига қайси ўсимлик заҳари суртилган ўқ-ёй воситасида йўлбарс, сиртлон, илон, бўри каби ашаддий йиртқичларни овлаганлар? **Парни ўсимлиги заҳари суртилган.**

1078. Қаерларда ўсадиган астрагал ўсимлигидан (*A. Pileocladus, A. turmenorum*) сувда эримайдиган, фақат бўқадиган қандай елим олинади? Ва бу елимлар қаерларда, нима мақсадларда ишлатилади? **Копетдоғ ва Туркменистанда ўсадиган, тиббиётда, қандолат саноатида ва техникада қўлланиладиган, сувда эримай, фақат бўқадиган трагакант елими олинади.**

1079. Қайси бўёқ синтетик ҳолда олина бошлангандан кейин ўсма ўсимлигини экишга эҳтиёж қолмаган? **Нил бўёғи.**

1080. Қайси дараҳт ёғочи конъяқ тайёрлашда муҳим компонентлардан бири ҳисобланади? **Эман дараҳти ёғочи.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1081. Қайси дараҳт ер бағридан радиоактив рутений – 106 кимёвий элементни ўзига сўриб олади? **Эман дараҳти.**
1082. Қайси дараҳт пўстлоғининг кесилган жойларидан лак тайёрлашда ишлатиладиган қизил смола – "аждар қони" олинади? **Мўъжиза дараҳтидан.**
1083. Қайси дараҳт шарбатидан каучук моддаси олинади? **Гевея дараҳти шарбатидан.**
1084. Қайси жониворларнинг юқори тўйинмаган ёғлари ошловчи моддаларга мансуб? **Турли балиқлар ва деңгиз жониворларининг юқори тўйинмаган ёғлари.**
1085. Қайси илдизмевалиларнинг мевасида витаминалар тўпланади? **Сабзи, шолғом, редискаларнинг илдизмевасида.**
1086. Қайси илдизмевалида инулин моддаси тўпланади? **Сачраткининг илдизмевасида.**
1087. Қайси илдизмевалида крахмал моддаси тўпланади? **Қатроннинг илдизмевасида.**
1088. Қайси кислота ҳайвон ёғлари ва ўсимлик мойларида триглицерид ҳолида учрайди? **Олеин кислота.**
1089. Қайси ўсимлик баргида эфир мойи безлари бўлиб, хушбўй ҳид таратади? **Қора қорагат ўсимлиги баргининг.**
1090. Қайси гузлар ҳужайрада осмотик босимни мувозанатга келтиради? **Натрий ва бошқа металл тузлари.**
1091. Қайси ўсимлик кулида 0,17 фоизгача лантан оксиди бўлади? **Черника (бугасимон) ўсимлиги кулида.**
1092. Қайси ўсимлик маҳсулотлари марганец элементига бой? **Лавлаги, картошка, помидор, соя, нўхат қўшилган овқатлар.**
1093. Қайси ўсимлик шираси қўшилган сиёҳ билан ёзилган китобни сичқон емайди? **Шувоқ ўсимлиги шираси.**
1094. Қайси ўсимликлар наркотик ўсимликлар ҳисобланади? **Кўкнори, наша, кока бугаси, бангидевона ва бошқа доривор ҳамда заҳарли ўсимликлар.**
1095. Қайси кимёвий элемент "ҳаёт элементи" деб юритилади? **Темир.**
1096. Қайси кимёвий элемент бевосита ўсимликларда азот алмашинуви ва оқсил синтези учун муҳим. **Марганец элементи.**

1097. Қайси кимёвий элемент бирикмалари қондаги шакар моддаси миқдорини камайтиради? **Марганец элементи бирикмалари.**

1098. Қайси кимёвий элемент бирикмалари ракка қарши препаратлар бўлиб, хавфли ўсмаларнинг ўсишини секинлаштиради? **Платина элементи бирикмалари.**

1099. Қайси кимёвий элемент ёғ, углерод ва оқсил алмашинувида фаол иштирок этади? **Рух элементи.**

1100. Қайси кимёвий элемент ёғлар алмашувига ва атеросклероз касаллитининг олдини олишга ёрдам беради? **Марганец элементи.**

1101. Қайси кимёвий элемент жигар, буйрак, буйрак усти бези ва кўзда тўпланади? **Молибден элементи.**

1102. Қайси кимёвий элемент инсулин гормони таркибига кириб, қондаги қанд миқдорини меъёр дарражасида бўлишини таъминлайди ва гипофиз гормони таъсирини кучайтиради? **Рух элементи.**

1103. Қайси кимёвий элемент инсулин гормонини фаоллаштиради? **Никель элементи.**

1104. Қайси кимёвий элемент ионлари қон ивишини таъминланишида муҳим аҳмиятга эга? **Кальций ионлари.**

1105. Қайси кимёвий элемент қандли диабетни даволашда қўлланилади? **Марганец элементи.**

1106. Қайси кимёвий элемент қотишмасидан тайёрланган тиш пломбалари анча мустаҳкам бўлади? **Индий элементи қотишмасидан.**

1107. Қайси кимёвий элемент организмнинг бактериялардан заҳарланишига қарши курашувчанлигини оширади? **Марганец элементи.**

1108. Қайси кимёвий элемент тирик организмнинг ҳимоя ва таянч қисмлари таркибига киради? **Кальций элементи.**

1109. Қайси кимёвий элемент тузлари организмда никотинамид ва пиридоксин тўлланишини кучайтиради? **Кобальт элементи тузлари.**

1110. Қайси кимёвий элемент ўсимликларда фотосинтез

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

жараёнининг бир маромда боришини таъминлайди ва ўсимликларнинг униб чиқишида катта аҳамиятга эга? Калий элементи.

1111. Қайси кимёвий элемент ҳаёт ва тафаккур элементи деб юритилади? **Фосфор элементи.**

1112. Қайси кимёвий элементнинг баъзи тузлари тиббиётда тери касалликларини даволашда қўлланилади? **Строний элементининг.**

1113. Қайси кимёвий элементнинг организмда етишмаслиги ўткир анемия, диария (ёш болаларда), Менхсе касалликларини келтириб чиқаради? **Мис элементининг.**

1114. Қайси кимёвий элемент оғизда ушлаб турилса, оғизнинг ёмон хидларини кетказади? **Олтин элементи.**

1115. Қайси кимёвий элемент қукуни "тулки" ва "илон" касалликларига қарши суртиладиган, ичиладиган дорилар таркибига киради? **Олтин қукуни.**

1116. Қайси ўсимлик меваси ақл қалити деб ҳисобланган? **Енғоқ меваси.**

1117. Қалдирғочут мевасидан нима олинади? **Бүёқ олинади.**

1118. Қалдирғочут таркибида қандай модда ва витамин бор? **Каротин моддаси ва С витамини бўлади.**

1119. Қалдирмоқ ўсимлиги барги таркибида нималар бор? **Шиллиқ модда ва гликозидлар.**

1120. Қандай лавлаги таркибида неча фоиз қандай моддалар бор? **20 фоизгача сахароза, 4–5 фоиз клетчатка, 1–1,5 фоиз азотли моддалар ва бошқалар сақланади.**

1121. Қандай босим туфайли ўсимликларда тупроқдаги сув ва унда эриган минерал моддалар ўсимликнинг юқори қисмларига кўтарилади? **Осмотик босим туфайли.**

1122. Қандай организмлар фотосинтез жараёнинда сувнинг устки, яъни 100–150 м гача қатламларидаги эриган газларни кислород билан бойитади? **Фитопланктонлар.**

1123. Қандай ўсимликлар илдизларининг туганакларида яшайдиган бактериялар атмосферадаги азот кимёвий элементини ўзлаштириб, мураккаб бирикмалар ( $\text{NH}_3$ ,  $\text{NO}_2$ ,  $\text{NO}_3$ )га айлантиради? **Дуккакли ўсимликлар.**

1124. Қандай ўсимликлар наркотик ўсимликлар ҳисобланади? Таркибида марказий асаб системасини аввал қўзғатиб, сўнгра унинг фаолиятини сусайтирадиган моддали ўсимликлар.

1125. Қандай моддалар эманинг асосий биологик фаол моддалари ҳисобланади? **Ошловчи** моддалар.

1126. Қовун таркибидаги қандай химёвий элементлар мавжуд? **Магний, марганец, мис, олтингурут, рух, темир, хлор, фтор, фосфор** элементлари бўлади.

1127. Карагайдан нималар олинади? **Ёточ, ёқилиги материали, смола, лум, скапидар, эфир мойи, канифоль.**

1128. Қорақарағайнинг оддий тури ёки Европа қорақарағайдан нималар олинади? **Хар хил смолалар ва скапидар.**

1129. Қизғиш хин дарахти пўстлоғида алкалоидлар неча фоиз бўлади? **6,5 фоиз.**

1130. Қизил сувўтларнинг қайси турларидан агар-агар, карраген, агароид ва бошқалар олинади? **Анфельция, гелидиум, филлофора, фуршеллярия** турларидан.

1131. Қизилча таркибидаги қандай моддалар бор? **82,2 фоиз сув, 1,8 фоиз азотли моддалар, 14,4 фоиз углевод, 0,7 фоиз клетчатка, С, В, РР витаминлари, органик кислоталар ва бошқалар** бўлади.

1132. Қишлоқ хўжалигига азот бирикмалари – ўғитлар қандай йўл билан олинади? **Сунъий йўл** билан.

1133. Қовоқ меваси ва уруғи таркибидаги нималар бор? **15–18 фоиз куруқ моддалар, 8–10 фоиз қанд, аскорбин кислота, каротин, тиамин, рибофлавин, азотли бирикмалар, пектин моддалар, уруғида 20–40 фоиз ёғ сақланади.**

1134. Қичигқи ўтида қайси кимёвий элементлар бор? **Хром, марганец, темир, алюминий, ванадий элементлари** бор.

1135. Қоқи ўти илдизи ҳамда ер устки қисми таркибидаги қандай моддалар бор? **Тараксацин, тараксацерин, аччиқ гликозидлар, тритерпен бирикмалари, иннулин, каучук, ёғ ва бошқа моддалар.**

1136. Қоқи ўтининг баргларида нималар ва қайси кимёвий

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

элементлар күп бўлади? **Турли витаминлар, шунингдек темир, фосфор, кальций элементлари.**

1137. Коқи ўт, момақаймоқ ўтининг тўпгуллари ва баргларида қайси кимёвий элементлар бор? **Кальций, темир ва фтор элементлари.**

1138. Қолдирмоқ ўсимлиги барги таркибида қандай моддалар бор? **Шиллиқ модда ва гликозидлар.**

1139. Қон таркибида хром элементи миқдори неча фоизгача бўлади? **0,012–0,0035 фоизгача.**

1140. "Қора андижоний" навли узум таркибида қанд моддаси неча фоизни ташкил этади? **25–27 фоиз.**

1141. Қора андиз ўсимлиги илдизпояси таркибида қандай моддалар бор? З фоизгача эфир мойи, 44 фоизгача инулин, сапонин ва бошқа моддалар.

1142. Қора зирк ва қизил зирк меваси нордон бўлиб, таркибида қайси витамин кўп? **С витамини кўп.**

1143. "Қора кишмиш" навли узум таркибида қанд, кислота неча фоиз бўлади? **Қанд 20–24, кислота 4,5–5,5 фоиз.**

1144. Қоратикан ўсимлиги пўстлоги ва меваси таркибида қандай моддалар бор? **Ошловчи моддалар.**

1145. "Қоражанжал" навли узум таркибида қанд миқдори неча фоиз бўлади? **Қанд 20–25, кислота 4–7 фоиз.**

1146. Қорақайин ёғочидан қандай спирт олинади? **Метил спирти олинади.**

1147. Қорақайин меваси таркибида қандай заҳарли алкалоид бор? **Фагин алкалоиди.**

1148. Қорақайин мевасидан истеъмол ва саноат учун нима олинади? **Мой.**

1149. Қорақарағайдан қандай модда олинади? **Ҳар хил смолалар ва склеридар моддалари.**

1150. Қорағат барги нима учун хушбўй ҳид тарқатади? **Эфир мойли безлар бўлиб, улар хушбўй ҳид тарқатади.**

1151. Қорағат ўсимлиги мевасида неча фоиз қанд, кислоталар, қандай витамин ва моддалар бор? **5–12 фоиз қанд (глюкоза, фруктоза ва сахароза), 2–4 фоиз кислоталар (лимон ва**

олма кислота), С витамини (100 г қорақатда 80–100 мг), В, витамины, каротини, пектини ва ошловчи моддалар бўлади.

1152. Қорағат ўсимлиги нималар тайёрлашда ишлатилади? **Мураббо, шарбатлар, вино ва бошқалар тайёрлашда.**

1153. Қорағатдошларнинг баъзи тури таркибида неча фоизгача ошловчи моддалар бор? **20 фоизгача.**

1154. Қорағатдошларнинг қайси тури таркибида неча фоизгача ошловчи моддалар мавжуд? **Бадан (Bergenia) тури таркибида 20 фоизгача.**

1155. Қорақувқ пиёзи барги ва уруғидан неча хил алкалоид ажратиб олинади? **12 хил.**

1156. Қорақурт чаққандай әритма вена қон томирига юборилади? **Калий перманганат (KMnO<sub>4</sub>) әритмаси юборилади.**

1157. Қоратеракнинг барг куртаги таркибида қандай моддалар бор? **Эфир мойи, смола, органик кислоталар, гликозидлар, ошловчи ва бўёқ моддалар.**

1158. Қоратикан бутасининг пўстлоги ва меваси таркибида қандай моддалар бор? **Ошловчи моддалар.**

1159. Кримсағиз ўсимлигининг сут пайчаларида қандай модда тўпланади? **Каучук моддаси.**

1160. Кримсағиз ўсимлигидаги каучук моддасининг миқдори нимага қараб ўзгаради? **Ўсимлик ёшига қараб.**

1161. Қуёңсуяк бутаси илдизидан нима олинади? **Бўёқ олинади.**

1162. Кулмоқнинг уруғчи гулларида нима ажратувчи тилласариқ ранг безчалар бор? **Лупулин ажратувчи.**

1163. Кулупнай, ергут мевалари қайси кимёвий элементга бой? **Темир элементига.**

1164. Кумарчиқ ўсимлиги уруғи таркибида неча фоиз оқсил, углеводлар бор? **16–17 фоиз оқсил, 6–10 фоиз ёғ, 60 фоиз углевод.**

1165. Кумсақич ўсимлигининг таркибида оз миқдорда қандай модда бор? **Каучук моддаси.**

1166. Куритилган бошоғриқўтда қандай моддалар борлиги аниқланган? **0,56–11 фоиз эфир мойи бўлиб, бу мой таркибида**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

53–56 фоиз камфора, 15–20 фоиз цинсол, 10–15 фоиз пинен, 20 фоизга яқин эфир ва спирт борлиги.

1167. Курмакдош ўсимлигидан қандай моддалар олинади? **Ошловчи (танин) моддалари.**

1168. Курмакдош ўсимлигидан маҳаллий халқ қадимдан қандай мақсадда фойдаланган? **Бүёқ олища.**

1169. Куруқликда ўсадиган ўсимликлардан қайсиларида литий элементи нисбатан күпроқ учрайди? **Айиқтовон, оқ каррак ва тамакида.**

1170. Күш тили ўсимлигидан қанча мг С витамини олиш мүмкин? Бу миқдор лимондаги С витаминига қараганда неча баробар кўп демакдир? **120 мг. З баробар кўп демакдир.**

1171. Күш тили ўсимлигининг таркибида С витаминидан ташқари яна қандай витаминлар бор? **A ва P витаминлари.**

1172. Кўға ўсимлигининг илдизпояси қандай моддага бой? **Крахмал моддасига.**

1173. Кўзтикан бегона ўт таркибида қандай моддалар ва бирикмалар бор? **Флавоноидлар, сапонинлар ва бошқа бирикмалар бор.**

1174. "Кўйбош" навли қовун таркибида қандай миқдори неча фоизни ташкил этади? **7,6–10,4 фоиз.**

1175. Кўзтикан ўсимлиги барги ва илдизидан нима олиш мүмкин? **Бүёқ (сарик ва яшил).**

1176. Кўзтикан ўсимлиги уруғидан олинган мой нима тайёрлашда ишлатилади? **Алиф тайёрлашда, 4 фоиз.**

1177. Кўзтикан ўсимликларининг барча қисмida қайси кимёвий элемент бор? **Йод элементи.**

1178. Кўнғир сувўтлар хроматофорида хлорофилдан ташқари нималар бор? **Каротин қсонтофилл, хусусан жигар ранг фукоксантин бўёқлари.**

1179. Кўнғир сувўтлар ҳужайрасидаги целлюлозали пўсти сирти қандай моддалар билан қопланган? **Пектин ва шишимшиқ моддалар билан.**

1180. Кўнғир сувўтлардан нималар олинади? **Альгин кислота, унинг тузлари, ем уни ва баъзи доривор моддалар.**

1181. Кўрғошин элементининг сувда эрийдиган биримлари тиббиётда қандай модда сифатида ишлатилади? **Оғриқ қолдирувчи, яллиғланишнинг олдини оловчи ва ёпишқоқ модда сифатида ишлатилади.**

1182. Фарбий Европада иғир ўсимлигидан нималар тайёрлашда фойдаланилади? Қайси саноатда ундан хушбўй моддалар олинади? **Ароқ, ликёр тайёрлашда. Парфюмерия саноатида.**

1183. Фарбий Ўзбекистонда маккажӯҳори дони попугида ва Қизилқумда шовул ўсимлигига қанча миқдорда олтин элементи борлиги аниқланган? **2~4 г/т.**

1184. Фижмалос ўсимлиги таркибида қандай алкалоидлар бор? **Геллотрин, лазиокарбин алкалоидлар.**

1185. Фозяпроқ ўсимлиги илдизпояси ва барги таркибида қандай модда бор? **Бўёвчи модда.**

1186. Fўза баргларида қайси кислоталар бор? **Лимон ва олма кислоталари.**

1187. Fўзанинг қайси органларида госсипин, кверциметрин, гербацин, госсипитрин ва бошқа флавоноидлар топилган? **Гулларида.**

1188. Ҳавода азот кўпайиб кетса, нима бўлади? **Кислороднинг парциал босимини камайтиради ва гипоксия ҳамда асфиксия касалликларни пайдо қиласи.**

1189. Ҳавонинг ҳар л да кўрғошин элементининг миқдори неча мг дан ошса, у одам ҳаётига ҳавотир гуёдира бошлайди? **0,00001 мг дан ошса.**

1190. Ҳайвон кўмири қандай олинади? **Ҳайвон қонини ёки ҳайвон организмининг бирор қисмини поташ билан ҳавосиз жойда ҳайдаш орқали.**

1191. Ҳайвонларнинг қайси органларида литий элементи бўлади? **Жигар ва ўтикасида.**

1192. Ҳар қандай қайнатилган маҳсулот нуклеоидларнинг неча баробар (марта) камайишига олиб келади? **Икки баробар.**

1193. Абужаҳл тарвузи илдизининг эритмасидан халқ табобатида қайси касалликларни даволашда фойдаланилади?

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

**Оғриқ қолдириш, жароҳат, яраларни даволаш, йўтални қолдиришда ҳамда бод оғригини даволашда фойдаланилади.**

1194. Абужаҳл тарвузи қайси касалликларга ишқаланади? **Мохов ва фил касалликларига.**

1195. Абу Бакр ар-Розий мумиёдан қайси касалликларни даволашда фойдаланган? **Бош оғриғи, бош айланиши, юз асабининг фалажи, тутқаноқ ва бошқа касалликларда фойдаланган.**

1196. Абу Али ибн Сино ковул илдизи билан қайси касалликларни даволаган? **Подаграни, бўғим оғриқларини, радикулитни даволаган.**

1197. Абу Али ибн Сино анжирнинг куюқ шинниси билан қайси қасалликларни даволаган? **Сурункали йўтал, кўкрак оғригини, ўпка ўсмаси ва ўпка йўлларини даволаган.**

1198. Абу Али ибн Сино қайси касални анжир баргининг дамламасини хантал кўпиги билан аралаштириб даволашни тавсия қилган? **Қичима касалини.**

1199. Абу Али ибн Сино анжир ёғочининг кулини қандай яраларни даволашда ишлатган? **Битмайдиган яраларни.**

1200. Абу Али ибн Сино "Жавдия" (1005–1010 й.и.) китобида ёзишича, анжир мевасининг нимасидан тайёрланган қайнатма йўтал, дам қисма ва жинсий заифлик касалликларини даволашда фойдаланган? **Қокисидан.**

1201. Абу Али ибн Сино пиширилган ниманинг иссиғи йўтали бор одамга жуда яхши фойда қиласи, деган? **Қовоқнинг.**

1202. Абу Али ибн Сино қайси ўсимликнинг хўлидан сиқиб олинган сувини она сути билан қўшиб кўзга томизилса, оғриқ тўхтайди, деган? **Кашнични.**

1203. Абу Али ибн Сино сил касали билан оғриган кишиларга кўпроқ қайси ҳайвон гўштини истеъмол қилишни буорган? **Типратикон гўштини.**

1204. Абу Али ибн Сино қайси органи хасталарга тухумнинг саригини пишириб ёки илитиб истеъмол қилишни буоради? **Юраги хасталарга.**

1205. Абу Али ибн Синонинг айтишича, қайси ҳашаротни

қовуриб болага едирилса, сийиб қўйиш дардига даво бўлар экан? **Чигирткани.**

1206. Абу Али ибн Сино қайси ўсимликнинг қуритилмаган барғ ширасини (илдиз ширасини ҳам) ўпка сили касалларига ялатишни тавсия этган? **Кўка ўсимлигининг.**

1207. Абу Али ибн Синонинг айтишича, янги яллизни сиқиб, шарбатига озгина сув қўшиб, тутқаноги бор одамнинг қаерига қўйилса, тезда шифо топгай? **Мия чуқурчасига қўйилса.**

1208. Абу Али ибн Сино қайси ўсимликни сиқиб, ҳосил бўлган малҳамдан бавосилни даволашда фойдаланган? **Алоэ ўсимлигини.**

1209. Абу Али ибн Сино қайси ўсимлик барги билан қийин битадиган яраларни, шишларни ва қон оқишини тўхтатган? **Зубтурум ўсимлиги барги билан.**

1210. Абу Али ибн Сино бўғимлар оғриганда оғриқ қолдирувчи дори сифатида қайси ўсимлик илдизидан олинган елимни оғриган жойга суртган? **Коврак ўсимлигининг.**

1211. Абу Али ибн Сино қон босими пасайганда, жигар ва бошқа касалликларни даволашда энг биринчи габний дори сифатида нимани тавсия этган? **Сузма (чакки)ни.**

1212. Абу Али ибн Сино қайси ўсимликни юрак фаолиятини яхшилаш учун ишлатган? **Лимон ўт ўсимлигини.**

1213. Абуханиф Диновари (815–895 йй.) исирик томири дамламаси билан қайси сурункали касалликни даволаган? **Тутқаноқ касаллигини.**

1214. Авран ўсимлигининг айрим турлари илдизида қандай хусусиятта эга моддалар бор? **Ич сурувчи, қустирувчи, сийдик ҳайдовчи хусусиятта эга моддалар.**

1215. Агар одам организмида А витамини етишмаса, нима бўлади? **Кўриш қобилияти пасаяди, қоронги бўлганда кўра олмай, шабкўр бўлиб қолади.**

1216. Агар одам танасида С витамини камайиб кетса, нима бўлади? **Милкларда оғриқ пайдо бўлади, бўғимлар оғрий бошлайди, яралар тез битмайди ва киши чарчайдиган бўлиб қолади.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1217. Агар одам организмидә Д витамини камайиб кетса, нима бўлади? Одамни тез-тез офтоб (куёш) урадиган бўлиб қолади, соchlари тўкила бошлайди.

1218. Агар одам организмидә К витамини етишмаса, нима бўлади? Одам жигари, буйраги хасталикларига чалинади, қони яхши ивимайдиган бўлиб қолади.

1219. Агар одам организмидә Н витамини камайиб кетса, қандай ўсимликларнинг мойидан ҳар доим фойдаланиб туриш лозим? Ёнғоқ, кунгабоқар, каноп мойидан.

1220. Агар одам организмидә РР витамини етишмаса, нима бўлади? Одам ичак, жигар, буйрак дардига тез йўлиқувчан бўлади.

1221. А витамини кўпроқ қайси сабзавот ва полиз экинларида бўлади? Сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсиңда бўлади.

1222. Агар кишида ўсма-саратон (рак) шиши пайдо бўлса, қайси жонивор уясидан қайнатма қилиб ичиш лозим? Асалари уясидан.

1223. Агар киши сийдик тутолмаса, қайси ўтдан дамлама тайёрлаб, дамламасидан чорак стакандан 4 маҳал ичиш керак? Жағ-жағ ўтидан.

1224. Агар мол ёки қўйнинг янги жигарини кабоб қилиб пишираётганда чиқаётган ниманинг аралаш сели кўзга суртилса, шабкўрликка шифо бўлади? Қон аралаш.

1225. Агар хом ошқовоқдан қирғич билан қириб олиб, уни сариёғ ва қайси ҳайвон тезагининг кулига аралаштириб, шу малҳамдан ярага суртиб турилса, яра 3–4 кунда шифо топиб тузалади? Эшак тезагининг.

1226. Агар оёқ терлаб ёқимсиз ҳид келса, унга қайси ҳайвоннинг иссиқ қонини суркаш тавсия этилади? Туянинг.

1227. Агар кишининг пешоби (сийдиги) тутилса, қайси күш боласини шакар билан қайнатиб еса, дарҳол шифо топади? Қалдириғоч боласини.

1228. Агар кишининг тиши оғриса, қайси жониворнинг жигарини оғриган тишга босилса, ўша заҳотиёғ тиш оғриғи қолади? Қурбақанинг жигарини.

1229. Агар кишининг қорни оғриса, турп уруғини қайси суюқлик билан ичиши керак? Сут билан.

1230. Агар кишининг тиши оғриса, саримсоқни нимага кўмиб, сўнгра тишига қўйса, дарҳол шифо топади? **Ўт (олов)га кўмиб.**

1231. Агар кишининг тиши оғриса, қайси жониворнинг пўстини сиркада қайнатиб тишига қўйса, тиш оғриғи даф бўлади? **Илоннинг пўстини.**

1232. Агар қайси жонивор териси кўзга қўйилса, унда кўз нигоҳи тиниқлашади? **Илон териси.**

1233. Қуритилган қайси ҳашарот талқонини муайян миқдордаги сирка билан омухта қилиб қовоққа суртилса, кўзга тушган оқ кетади? **Чигиртка талқонини.**

1234. Агар кўз шишиб оғриқ берса, қуритилган қайси ўсимликни майдалаб, унга сув қўшиб кўзига қўйса, шиш қайтади, кўз равшан бўлади? **Бинафша ўсимлигини.**

1235. Агар одам танасида балғам кўпайса, нима бўлади? **Одамда сўлак кўп оқади, қовоқлари шиншади, оғизлари нордон, оқимтириб бўлади.** Тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолади, ўпкада балғам кўпаяди ва нафас олиш йўлини беркитиб қўяди. Натижада, нафас олиш оғирлашади. Оқибатда, мия касаллигини келтириб чиқаради. Одам тез-тез шайтонлайдиган бўлиб қолади.

1236. Агар одам танасида сафро кўпайса, нима бўлади? **Одамнинг териси, кўзи сарғаяди, оғиз аччиқ, ўрганг бўлиб, тез-тез қуришиб туради, бурун қурийди, кўп чанқайди, ўнг биқини оғирлашади, овқат ҳазм қилиш ёмонлашади, иштача йўқолади, соч-соқол эрта тўкила бошлайди, бадан тез-тез титраб туради, кўнгил ҳамиша ғамгин бўлиб туради.**

1237. Агар бир одамнинг танасидан капиллярларни бир чизиқ бўйлаб учма-уч қилиб улаб чиқилса, узунлиги тахминан неча км га етарди? **100 минг км га етарди.**

1238. Агар ҳарорат  $40^{\circ}$  С дан юқори бўлса, ферментлардаги оқсиллар қандай ҳолатга тушади? **Натижада, ферментлар қандай хусусиятини йўқотади?** **Коагуляция ҳолатига. Катализаторлик хусусиятини.**

1239. Агар қонда кальций бўлмаса, бармогингизни нина билан жароҳатлаганингизда нима бўларди? **Кальций элементи**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

қонни нима қилади? Бутун (ҳамма) қониңгиз оқиб кеттган бўларди. Кальций қонни қуюқлаштиради.

1240. Агар аёл андоми шишган бўлса, қайси ўсимлик янчидан суртилса шиши тез қайтади? Гулирайҳон ўсимлигини.

1241. Агар аёл андоми суст бўлса, гўшт билан нимани хал қилиб еса андоми кучли бўлади? Шакарни.

1242. Агар аёлнинг ичида боласи ўлган бўлса, қайси ҳайвоннинг сутини қайнатиб ичилса, ўлган боласи дарҳол тушади? Итнинг сутини.

1243. Аёлнинг туғиши-осон бўлиши учун қайси ҳайвоннинг тезагини дуд қилиш лозим? Хўқизнинг тезагини.

1244. Агар бурун ичи қуриб кетса, у ҳолда семиз ўтни сиқиб, унинг шарбатига қайси мева мойи аралаштириб пешонага суртиш тавсия этилади? Бодом мойи.

1245. Агар аёл қайси ҳайвон ўтини вужудига қўйса, Аллоҳ Таоло фарзанди солиҳ ато қилгай? Хўқиз ўтини.

1246. Агар аёлнинг фарзанди бўлмаса, қайси парранданинг тезагини вужудига суртса, фарзанд бўлади? Товуқнинг.

1247. Агар киши нимани кўп еса, унга илон захри таъсир қилмайди? Нима учун? Саримсоқни. Чунки саримсоқ захри илон захридан кучлироқ.

1248. Агар кишининг ичи кетганида ранги қора ёки сариқ ёхуд ахлати қуруқ бўлса, беш дона ёнғоқ мағзини қайси ҳайвоннинг сутида қайнатиб овқатдан олдин истеъмол қилиши лозим? Эчкининг сутида.

1249. Агар одам шамоллаб "томуқ йирттар" бўлиб йўталса, унда нима еса шифо топади? Унда беҳдининг ичини ўйиб асал, яна қўй думбаси солиб, буғда пишириб еса.

1250. Аёл денгиз кўпигидан истеъмол қилса, неча йилгача ҳомиладор бўлишининг олдини олади? Етти йилгача.

1251. Азоъя калтакесакнинг бир тури бўлиб, агар унинг думини зайдун ёғида титилиб кетгунча қайнатиб ишлатилса, одамнинг қайси аъзосини тўкади? Сочини тўкади.

1252. Айикўтнинг қуритиб майдаланган ер остки қисми (туганаги) халқ табобатида қайси касалликни даволашда ва

**німа сифатида ишлатилади? Сіл касаллигини даволашда, шунингдек сурғи сифатида ишлатилади.**

1253. Айиқмурұт ўсимлиги мевасининг қайнатмасидан қандай касалликни даволашда ва қайси касалликларнинг олдини олишда фойдаланилади? Томоқ оғригінни даволашда ва юқумли касалликларнинг олдини олишда фойдаланилади.

1254. Алоәдан тиббиётда қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Тиббиётда сурғи, биоген стимулятор сифатида, шунингдек жароҳатларни даволаңда фойдаланилади.

1255. Алоә линиментидан қандай касалликларни даволашда фойдаланилади? Алоә шарбати қандай касалларга ичирилади? Күйганга, турлы яраларга (тропик, юқумли, йириңгі ва бошқа), куруқ ва хүл эпидермитларга, нур билан даволаш пайтида, 1–2-даражали күйгана фойдаланилади. Шарбати гастрит, энтероколит, коллоид ва қабзиятда ичирилади.

1256. Алоә баргидан олиниб, қуритиладиган лира німа? **Сабур.**

1257. Алканна – кампирчопондошларга мансуб күп йиллик үтлар туркуми бўлиб, у Шарқ табобатида қандай номлар билан маълум? **Ҳужӯба ва охужӯба номлари билан маълум.**

1258. Аломат чой ўсимлигининг гулларидан тайёрланган қайнатма қандай касалликлар учун ишлатилади? Бавосилда, баданга тошма тошганда буюрилади, қон тұхтатиши учун ишлатилади.

1259. Аломат чой нималарга қарши таъсир күрсатади? **Гижжаларга қарши.**

1260. Аломат чой қайси орган мускуллари қисқаришини кучайтиради? **Бачадон мускуллари қисқаришини.**

1261. Аломат чой дамламасини қандай касалликларда оғиз ва томоқни чайини учун ишлатиш мумкин? Ларингит, стоматит, гингивит касалликларида.

1262. Алкалойндлар німа? **Ўсимликларнинг турли органдарыда тұпланадиган азот сақловчы ва ишқорлик хусусиятига эга жуда мураккаб органик бирикмалардан ташкил топған мoddалар.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1263. Алкалоидлар қандай дори-дармонлар ишлаб чиқаришда хом ашё вазифасини ўтайди? **Морфин, пацаверин, хинин, кофеин, кодеин** каби турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқаришда.

1264. Америкаликларнинг неча фоизи организмда кальций етишмовчилигидан азият чекишади? **85** фоизи.

1265. Анжабор ўсимлиги илдизининг қайнатмаси табобатда қайси касалликларни даволашда ишлатилади? **Ичдан қон кетишини тұхтатиши, оғрикни қолдириши ва мәъда касалликларини даволашда ишлатилади.**

1266. Андиз ўсимлиги илдизпоясининг қайнатмаси қандай дори сифатида ишлатилади? **Балғам күчирувчи дори сифатида.**

1267. Анжабор ўтидан тайёрланған дамлама ва суюқ экстракт илмий табобатда қандай восита сифатида ишлатилади? **Бурунтирувчи ва қон кетишини тұхтатувчи восита сифатида.**

1268. Анжабор ўтидан қайси касалликларга даво қилиш учун фойдаланилади? **Турли гастритлар, мәъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигигі, стоматит, гингивитларга даво қилиш учун фойдаланилади.**

1269. Анжирнинг янги мевалари қандай касалликларга даво восита сифатида ишлатилади? **Жароҳатларни битирадиган.**

1270. Анжир меваларининг қайнатмаси қайси касалликларга даво бўлади? **Цистит ва нефритта.**

1271. Анжир меваларида қандай хусусиятлар бор? **Сийдик ҳайдайдиган, балғам күчирадиган.**

1272. Анжир меваларини сутда қайнатиб ейиш қайси касалликларда тавсия этилади? **Юқори нафас йўлларининг ўтикир яллиғланиш касалликларида.**

1273. Анжир барглари, ёш шохлари ва етилмаган меваларининг сутсимон ширасидан қандай мақсадда фойдаланилади? **Яралар ва жароҳатларга даво қилиш, буйраклардан майда тош ва қумларни, бадандаги сўгал ва хусибузарларни йўқотиши учун фойдаланилади.**

1274. Анжир таркибида фицин деган фермент, талайгина миқдорда қанд моддалари ва калий элементи бўлганлигидан

## *Ю. Е. МАҲМУДОВ*

бу неъмат қайси касалликларга қўл келади? **Юрак-қон томирлари касаллигига учраган беморларга.**

1275. Анжир баргларидан қайси касалликка даво қилиш учун ишлатиладиган псоберан (фурален) деган препарат олинади? **Пес касаллигига.**

1276. Анжирнинг қандай хоссалари бор? **Сийдик ҳайдайдиган, терлатадиган, иссиқни туширадиган хоссалари бор.**

1277. Анжир таркибида қандай витаминлар бор? **B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, C, E, PP витаминалари бор.**

1278. Анжир наҳорда ёнғоқ ва бодом билан қўшиб истеъмол қилинса, қайси касалликларни даволайди? **Жигар ва талоқдаги тиқинни очади, буйрак ва сийдик қопидаги тошларни ҳайдайди, пишмаган ярани пиширади, турли қаттиқ шишларни даволайди.**

1279. Анжир дамламаси билан оғизда нималар пайдо бўлса, оғиз чайқалади? **Шишлар пайдо бўлса.**

1280. Анжир барги ва хом меваси майдаланиб юздаги нималарга сепилса, уларни кетказади? **Дофларга.**

1281. Анжир ўсимлигининг нимаси чаён ва қоракурт чаққан жойга суртилса, касалнинг соғайишига ёрдам беради? **Шираси.**

1282. Анжир барги нималарни даволайди? **Қазғоқни, қичимани.**

1283. Анжир меваси нимани камайтириб, қайси орган ишини яхшилайди? **У терлашни камайтириб, юрак ишини яхшилайди.**

1284. Анор пўстлоги билан меваси қайнатмаси, гулининг дамламаси қандай мақсадда ишлатилади? **Ич кетиши, сарик касалликларни, кутуришни даволашда ҳамда қон кетишини тўхтатишда (қон тупурганда, милкдан қон оққанда, сийдик ва гижжа ҳайдашда, оғриқ қолдиришда ишлатилади).**

1285. Анор шарбати ва қайнатиб қуюқлаштирилган суви қайси орган оғриғига даво бўлади? **Бош оғриғига.**

1286. Анор пўсти (куруғи) ёки мевасидан колитлар ва эктероколитларда ичиладиган дори қандай тайёрланади? **20 г куруқ анор пўсти ёки 50 г анор меваси устига 200 мл сув қўйилиб, паст оловда 30 дақиқа давомида қайнатилади, сўзиб олиб, сувини овқатдан олдин иккиси ош қошиқдан кунинга икки маҳал ичилади.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1287. Анор таркибида қандай витамин бор? **С витамини бор.**
1288. Антоциаклар нима қилиб қанд ва агликон-антоцианидга парчаланади? Гидролизлашиб. Улар ўз навбатида керацианин, энин ва ботанинларга бўлинади.
1289. Антоцианлар қайси суюклида узлуксиз эрийди? **Сувда.**
1290. Антиоцианлар нима қилинса, тез бузилади? **Қиздирилса ёки қайнатилса.**
1291. Антоцианлар нима қилинса, ранги ва хусусиятини йўқотади? **Қиздирилса ёки қайнатилса.**
1292. Антоционлар ўсимликларнинг қаерларида кўпроқ бўлади? **Гули, меваси ва уруғларида.**
1293. Анбар мумсимон модда бўлиб, у қайси жониворнинг ичагида пайдо бўлади? Қаерда ишлатилади? **Кашолотнинг. Парфюмерияда.**
1294. Арпа донида қандай витаминлар бор? **В ва Е витаминалари.**
1295. Арника ўсимлигининг ивитмаси, қайнатмаси қандай касалликларга қарши ишлатилади? Бачадондан қон кетишини тўхтатиш, бачадон мушакларининг тонусини, юрак фаолиятини кучайтириш, сафро тушириш ва оғриқ қолдириш учун ишлатилади.
1296. Арпабодиён ўсимлиги меваси ва эфир мойидан тайёрланган препаратлар қандай восита сифатида қўлланилади? **Балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади.**
1297. Арника ўсимлигининг ивитмаси, қайнатмаси тиббиётда қандай мақсадда ишлатилади? **Ивитмаси, қайнатмаси тиббиётда бачадондан қон кетишини тўхтатиш, бачадон мушакларининг тонусини, юрак фаолиятини кучайтириш, сафро тушириш ва оғриқ қолдириш учун ишлатилади.**
1298. Арслонқўйруқ ўсимлиги дамламаси қайси касалликларни даволашда қўлланилади? **Дамламаси юрак, гипертония, асаб касалликларини даволашда (тинчлантирувчи дори сифатида) қўлланилади.**
1299. Артишок ўсимлигидаги углеводлар таркибида қайси касалликлар учун фойдали бўлган қандай модда бор? **Диабет касалликлари учун фойдали бўлган инулин моддаси бор.**

## *Ю. Е. МАХМУДОВ*

1300. Архаршаир ўсимлигининг қуритиб янчилган илдизи халқ табобатида қандай мақсадда қўлланилади? **Яраларни даволашда қўлланилади.**

1301. Арча буғи билан қайси касалликларни даволаш мумкин? **Полиартрит, бел оғриғи, ревматизм касалликларини.**

1302. Арча куббасининг доривор препаратлари тибиётда қандай восита сифатида қўлланилади? **Сийдик ҳайдовчи ва сийдик йўлларини дезинфекция қўйувчи, балғам кўчирувчи ҳамда овқат ҳазмини яхшиловчи восита сифатида қўлланилади.**

1303. Арча баргидан олинган эфир мойи нимани даволашда ишлатилади? **Трихомонадли колитни даволашда.**

1304. Артериялар ҳар хил катталиктаги қандай найчалардан иборат? **Цилиндрический эластик найчалардан иборат.**

1305. Артерия ва веналар қандай тармоқланади? **Турлича.**

1306. Артерия юрак пороклари қандай ўтади? **Цианоз билан (кўк тицдаги пороклар) баъзилари цианозсиз (оқ тицдаги пороклар) ўтади. Бу қоннинг катта ва кичик қон айланиши доираларини туташтирувчи ноўрин тешниклар орқали қайси томонга оқиб ўтишига (иунт йўналишига), ўпка артериясидаги босимнинг кўтарилиши даражаси ва юрак мушаклари ҳолатига боғлиқ.**

1307. Асаб тизими қонда гормонлар миқдори ўзгариши ва юракнинг ўз-ўзини идора этиши ҳисобига қон айланишининг нимасини таъминлайди? **Регуляциясини.**

1308. Астрагал ўсимликларининг дамламасидан қайси касалликни даволашда фойдаланилади? **Гипертония касаллигини.**

1309. Асалга қориширилган анор уруғлари қандай яраларга кўйилади? Қайси органлар оғриғига қарши ишлатилади? **Битавермайдиган яраларга кўйилади. Тиш ва қулоқ оғриғига қарши ишлатилади.**

1310. Асаби касал гўдакни тоғдаги салқин жойдан олинган қайси ўсимликни қайнатиб, сувида чўмилтириш керак? **Пичан (беда)ни.**

1311. Асаб бодига чалинган беморга, аввал оғриган жойларига

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

қайси ҳайвон ёғи суртиб, кейин офтобда ярим соат ётиш тавсия этилади? **Милтиқ мойи ёқи қўй ёғи.**

1312. Атеросклероз нима натижасида келиб чиқадиган сурункали касаллик? **Ёғсимон модда (липоид)лар алмашинуви бузилиб, уларнинг артерия ички қаватида тўпланиши ва бириткирувчи тўқиманинг ўсиб кетиши натижасида келиб чиқадиган сурункали касаллик.**

1313. Атеросклерозда, асосан, қайси органлар заарланади? **Бош мия, юрак, буйрак ва оёқ томирлари заарланади.**

1314. Афсанак ўсимлигининг баъзи турларидан тиббиётда қандай дори сифатида фойдаланилади? **Балғам кўчирувчи дори сифатида.**

1315. Аччиқбодом мойи қайси касалликларга даво бўлади? **Йутал, истисқо, зотилжом ва буйрак касалликларига.**

1316. Аччиқбутанинг илдизи қайнатмасидан халқ табобатида қайси касалликка қарши фойдаланилади? **Бод касаллигига Қарши.**

1317. Аччиқмия ўсимлигидан олинадиган пахикарин алкалоиди тиббиётда қайси касалликларни даволашда кенг кўлланилади? **Қон ва тери касалликларини даволашда.**

1318. Аччиғўтдан нима сифатида фойдаланилади? **Сурги сифатида.**

1319. Аччиқбодомни майдалаб, қайси ичимликка қўшиб юз ювилса, сепкил йўқолади? **Шаробга.**

1320. Ақоқиё ўсимлиги Шарқ табобатида, жумладан, Ўрта Осиё табобатида жуда қадимдан нима сифатида ишлатилган? **Дори сифатида.**

1321. XVII асрда яшаб ўтган шифокорлар Камерари ва Боклар қайси ўсимликнинг сувдаги эритмасини сўзак касаллигини даволашда фойдаланишни тавсия қилишган? **Бинафа ўсимлигининг.**

1322. В, В<sub>1</sub> витаминлари одам организмида камайиб кетса, нима бўлади? **Одам кўзлари ёшланаверади, камқонлик сезила бошлиди, киши дармонсизланади, лаблари бичилиб кетадиган бўлиб қолади, лаблар устида ажинлар пайдо бўлади.**

1323. В<sub>1</sub>, В<sub>1</sub>, витаминлари нималарда бўлади? Тухум, кўй гўшти, хамиртуруш ва пишлоқда бўлади.

1324. В<sub>6</sub> ва бошқа В гуруҳига киравчи витаминларнинг одам организмида камайиши қандай оқибатларга олиб келади? Одам юраги ўйнайдиган бўлиб қолади.

1325. В<sub>6</sub> ва бошқа В гуруҳига киравчи витаминлар қайси сабзвотларда бўлади? Карам, сабзи, қовоқ, сузма, балиқда бўлади.

1326. Бадан ўсимлиги илдизпоясидан нималар олинади ва қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Илдизпоясидан олинадиган экстракт стоматит, колит, энероколит ва гинекологик касалликларни даволашда ишлатилиди.

1327. Баданда оқ дөғи бўлган одам қайси жонивор гўштини еса касалдан фориғ бўлади? Тошбақа гўштини.

1328. Баданда оқ дөғи бўлган одам қайси жониворлар қонини аралаштириб, шу омихтани оқ дөғ тушган жойларига суртса, шифо бўлади? Сичқон, қора ўрдак, қарға қонини.

1329. Балғам нима? Унинг вазифаси нимадан иборат? Балғам қуюқ, шилимшиқ модда ёки ярим қон, етилмаган қон, инсон танасида ўз меъёрида бўлганида қонга айланади. Мияни озиқлантиради, ҳамма аъзонинг куришига йўл қўймайди.

1330. Балғам кўпинча қайси аъзо (орган)ларда йигилади? Ўпка ва мияда.

1331. Бангидевона (ўзбекча) русча "дурман" сўзидан олинган бўлиб, қандай маънени билдиради? Алаҳсираш маъносини. Уни истеъмол қилганларда галлюцинация – безовталаниш кузатилиди.

1332. Бангидевона ўсимлигининг дамлама ва қайнатмаси қандай қасалликлarda доривор восита сифатида қўлланилади? Асаб қасаллигида тинчлантирувчи, нафас қисиши ҳамда ревматизмда, тиш, кўкрак ва бел оғригина оғриқ қолдирувчи, ухлатувчи, тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади.

1333. Бангидевона ўсимлиги барглари одамнинг қайси органи оғриганида қўйилади? Кўзи оғриганида.

1334. Бангидевона ўсимлигидан қайси қасалликларга даво

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

мақсадида фойдаланилади? Меъда-ичак йўллари, ўт пуфаги, сийдик чиқариш йўлларининг яллиғаниш касалликларига даво мақсадида фойдаланилади.

1335. Бангидевона ўсимлигини эшакмия ва белладонна баргларига қўшиб, қайси касалликка қарши фойдаланишади? Астма ҳуружини бартараф этиш учун ҳамда астмага қарши.

1336. Брадикардия қандай кишиларда кузатилади? Юрак ритмининг секинлашиши, юракнинг секин (бир дақиқада 60 марта ва ундан кам) уриши соғлом кишиларда ҳам кузатилади.

1337. Брадикардия қандай ҳолларда кузатилади? Юрак блокадаси натижасида, бўлма-қоринча ўтказувчанлиги органик бузилганда, миокард инфарктида ва юрак мушаклари яллиғаниб зарарлангаща кузатилади.

1338. Баргизуб ўсимлиги баргидан тайёрланган экстракт қайси жароҳатларни даволашда ва яна қандай мақсадда ишлатилади? Баргидан тайёрланган экстракт лат еган, кесилган, кўкарган ва яллиғланган жароҳатларни даволашда ва қон кетишини тўхтатишиша.

1339. Бақажўхоридан халқ табобатида қандай ўсимлик сифатида фойдаланилади? Доривор ўсимлик сифатида.

1340. Белладонна ўсимлиги барги қайси касалликда ичиладиган астматол кукуни таркибига киради? Астма касаллигига.

1341. Белладонна ўсимлиги баргидан тайёрланган препаратлар (настойкалар) қайси кассалликларни даволашда фойдаланилади? Атропин алкалоиди оғриқни қолдирадиган, кўз гавҳарини кенгайтирадиган ва спазмага қарши дори сифатида, меъда, кўз касалликларини даволашда фойдаланилади.

1342. Бех ўти илдизидан тайёрланган экстракт модда халқ табобатида қандай дори сифатида фойдаланилади? Йўтални қолдириб, балғам кўчирадиган ва жароҳатларни битирадиган дори сифатида қўлланади.

1343. Беҳи таркибида қандай витамин бор? С витамини.

1344. Беморга тутқаноқ тутган ва тутмаган вақтда ҳам қайси ўтни ҳидлатиш тавсия этилади? Газагўти.

1345. Бинафша ўсимлигидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Рахит, ревматизм, подагра касалликларини.**

1346. Биринчи юрак қоринчаларининг ўзи бир суткада қанча МЖ иш бажаради? 17–18 МЖ. Бу 1 т юкин беш қаватли бинога чиқариб берган кўтарма краннинг бажарган ишига тенг.

1347. Бир овқатланишда неча г ёнғоқ, пишлоқ, майиз истеъмол қилиш етарли? 30 г ёнғоқ, 20 г пишлоқ, 20 г майиз.

1348. Биз истеъмол қилаётган сут организмга нимани ташийди? **Тўйинган ёғ (холестерин)ни.**

1349. Бош мия томирларида атеросклероик ўзгаришлар авжига чиқканда, қон айланишининг ўткир бузилишида қайси касаллик рўй беради? **Инсульт касаллиги.**

1350. Бодрезак ўсимлиги мевасидан халқ табобатида қандай мақсадда фойдаланилади? **Меъда ярасини даволашда.**

1351. Бодрезак ўсимлиги пўстлоғидан тайёрланган экстракт ва қайнатма қандай касалликка шифо бўлади? **Бачадондан қон кетишни тўхтатади.**

1352. Бодрезак ўсимлиги аёлларда пайдо бўладиган қандай оғриқни қолдиради? **Ҳайз кўрганда пайдо бўладиган оғриқни.**

1353. Бодом озуқа сифатидан ташқари яна қаерда ишлатилади? **Тиббиётда.**

1354. Бодрингда қандай витаминлар бор? В гурух **витаминлари, С, Е, РР витаминлари бор.**

1355. Бозулбанг ўсимлиги пояси ва баргларидан тайёрланган экстракт қаерда ишлатилади? **Тиббиётда.**

1356. Бозулбанг, бангидевона гуллари ва баргларида қандай витаминлар бор? **С, К витаминлари бор.**

1357. Болгариялик башоратчи Ванга қайси ўсимликни дамлаб бир ош қошиқдан наҳорда ичилса, гижжани тезда йўқотади, деган? **Яллизни.**

1358. Болқурай ўсимлигидан тиббиётда қандай мақсадларда фойдаланилади? **Болғам кўчирувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида.**

1359. Болдирқора ўсимлиги поясидан тайёрланадиган порошок ва экстрактлар қандай мақсадда ишлатилади? **Сафро**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ва сийдик ҳайдовчи, балғам күчірувчи, күкрак оғриқлари ва нафас қисилишини босувчи дори сифатида фойдаланылади.

1360. Болдиңіра үсимлиги баргидан тайёрланған экстракт ва қайнатма қайси касалликларни даволашда ишлатылади? Болдиңіра меваси-чи? Баргидан тайёрланған экстракт ва қайнатма буйрак тоши касаллиги, ревматизм, подагра касалликларини даволашда, меваси эса авитаминоз касаллигига ишлатылади.

1361. Боржоқ гиёхини чорва молларидан нима мақсадда күллашади? **Гижжасини туширишда.**

1362. Бошоғриқұти пояси, барғи ва гулидан тайёрланадиган қайнатмадан халқ табобатида қайси касалликларни даволашда ва яна нимада фойдаланылади? **Ошқозон, сил ва бавосил касалликларини даволашда ҳамда қонни тұхтатында.**

1363. Бриония үсимлигидан халқ табобатида қандай касалликларни даволашда фойдаланылади? **Оғриқ қолдирувчи, қон тұхтатувчи, сурғи дори сифатида, йұтал ва яраларни даволашда.**

1364. Бруслика үсимлиги баргидан тайёрланған экстракт ва қайнатма қайси касалликларни даволашда фойдаланылади? **Буйрак тоши касаллигини, ревматизм, подагра, меваси эса авитаминоз касаллигини даволашда фойдаланылади.**

1365. Бруслика ярим бутасининг меваси қайси касалликка ишлатылади? **Авитаминоз касаллигига.**

1366. Булдуриқ ўтининг баргидан тайёрланған экстракт ва кукунлар қандай касалликларни даволашда ҳамда нима мақсадда ишлатылади? **Сурункали нефритга, буйрак фаолиятининг сусайиши натижасыда пайдо бўладиган шишларга, бавосилни даволашда ва ёш болаларни күкракдан ажратында она сутини камайтириш мақсадида ишлатылади.**

1367. Бурган ўти баргидан тайёрланған қайнатма қандай касалликларни даволашда ишлатылади? **Иштахани очиши, ичакдаги бактерия ва гижжаларни ўлдиришда, күтири каби бальзи тери касалликларини даволашда ишлатылади.**

1368. Бутунги кунда қайси давлатда ҳар икки кишидан бири қаримасдан олдинроқ юрак хуружидан ўлмоқда? **АҚШда.**

1369. Буйраги оғриған киши эчки ўтини олиб, унга тенг миқдорда нима қўшиб истеъмол қилиши керак? **Шакар.**

1370. Буғдойик ўсимлиги илдиզпояси қайнатмаси қандай дори сифатида ва қайси касалликларни даволашда ишлатилади? **Сийдик ҳайдовчи дори сифатида, шунингдек кўкрак қафаси ва жигар касалликларини даволашда ишлатилади.**

1371. Бўзнач ўти қайси безлар функциясини кучайтиради? **Меъда ости безларининг.**

1372. Бўзнач ўсимлиги гулларидан тайёрланган қайнатма қандай касалликларни даволашда ишлатилади? **Жигар касалликларини.**

1373. Бўзнач ўсимлиги нимани ҳайдайди ва қайси безларининг функциясини кучайтиради? **У сафрони ҳайдайди, меъда ости безларининг функциясини кучайтиради.**

1374. Бўзнач ўсимлиги баргидан халқ табобатида қандай касалликларни даволашда фойдаланилади? **Меъда-ичак яраларини даволашда фойдаланилади.**

1375. Бўзчи ўсимлиги баргидан тайёрланган дорилар қандай яраларни даволашда ишлатилади? **Меъда-ичак яраларини даволашда ишлатилади.**

1376. Бўзчи ўсимлиги барги қадимдан халқ табобатида қандай касалланган жойларга боғланади? **Лат еган, кўкарған, кесилған, ялиғланган жойларга боғланади.**

1377. Бўйимодарон ўсимлиги таркибида қандай моддалар ва витаминлар бор? **Каротин, аччиқ моддалар, К ва С витаминалари бор.**

1378. Бўйимодарон ўсимлиги экстракти ва дамламаси қандай касалликларни даволашда ишлатилади? **Экстракти ва дамламаси меъда-ичак яраси касалликларини даволашда, иштаҳа очиш ҳамда қон кетишини тўхтатища ишлатилади.**

1379. Бўрибағир ўсимлигининг лишган меваси ва пўстлоғи қайнатмаси халқ табобатида қандай дори сифатида ишлатилади? **Кустирувчи ва сурги дори сифатида ишлатилади.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1380. Бўрибагир ўсимлиги баргидан тайёрланган дамламадан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Меъда-ичак яраларини даволашда, уругининг шилимчиқ эритмаси эса қучсиз сурги сифатида фойдаланилади.**

1381. Валериана сўзи лотинча қандай маънони англатади?  
**Соф бўлинг, соглом бўлинг, деган маънони.**

1382. Валериана ўсимлиги қандай ҳолларда қўлланилади? Турии хил дамламалар, настойкалар, экстрактлар, таблеткалар ҳозида қўлланилади.

1383. Валериана ўсимлигидан қандай дорилар тайёрланади? **Валеокардин, корвалол, валидол, валериана экстракти таблеткаси, дорилар.**

1384. Валериана ўсимлигидан тайёрланган дорилар қайси касалликларни даволашда қўлланилади? **Гипертония, яъни хафақон, юрак-қон томир, қалқонсизмон без касалликларини даволашда.**

1385. Валериана ўсимлиги Европа фармаколеясига қачон киритилган? **XVIII асрда.**

1386. Валериананинг, асосан нимаси доривор восита сифатида қўлланилади? **Илдизи, илдиз пўсти.**

1387. Вабо касалида нима даво сифатида аскотади? **Лимон, унинг шарбати.**

1388. Вақти-вақти билан қайси ўсимлик меваси еб турилса, кўричак бўлишининг олди олинади? **Ёнғоқ еб турилса.**

1389. Вақти-вақти билан сийдик тута олмайдиган бола киндигига қайси ширинликни (нимани) қўйиш керак? **Асални.**

1390. Витаминлар инсоннинг қайси органлари учун доимий ва зарур компонентлардан ҳисобланади? **Тўқималари учун.**

1391. Витаминлар қайси жараёнда фаол иштирок этади? **Модда алмасинуви жараёнида.**

1392. Витаминлар инсон организмини нималардан ҳимоя қилиш қобилиятини оширади? **Касалликлардан.**

1393. Витаминлар қон томирларининг деворчаларида нима тўпланишига йўл кўймайди? **Холестерин тўпланишига.**

1394. Витаминлар нима таркибини доимий сақлаб туришда мұхим ақамият касб этади? **Қон таркибини.**

1395. Веналар ҳам артериялар каби тузилған бўлиб, фақат уларнинг девори артерияларнинг деворига қараганда қандай бўлади? **Юпқа бўлади.**

1396. Веналар бўйлаб қон қайси органга қараб ҳаракат қиласи? **Юракка.**

1397. Гармдори (қалампир) меваларида қандай витаминлар бор? **P, B<sub>1</sub> ва B<sub>2</sub> витаминалари бор.**

1398. Гармдори (қалампир) барглари ва гулларида қандай витамин бор? **C витамины бор.**

1399. Гамамемис бутаси ёки дарахти барги ва пўстлоғидан тайёрланган препаратлар қандай мақсадда қўлланилади? **Бавосил, бачадондан қон кетишини тўхтатиш мақсадида ишлатилади.**

1400. Гарниария ўсимлиги тиббиётда қандай ақамиятга эга? **Истисқо ва буйрак касалликларида сийдик ҳайдаш мақсадида ишлатилади.**

1401. Геморрагик инсульт нима? **Мияга қон қуилиши.**

1402. Гилос мевасида қандай витаминлар бор? **C, B, B<sub>1</sub>, B<sub>6</sub> витаминалари бор.**

1403. Гликозалар қандай моддалардан ташкил топган? **Ўсимлик органиларида энг кўп тўпланадиган жуда мураккаб тузилишга эга бўлган моддалардан.**

1404. Гликозидлар нималар таъсирида иккига парчаланади? **Намлик ва ферментлар таъсирида иккига парчаланади, яъни қандли гликозид ва қандсиз агликон компонентларга бўлинади.**

1405. Гликозидлар инсон организмига таъсир этиш хусусиятига қараб қандай гликозидларга бўлинади? **Юрак-қон томир тизимиға таъсир этувчи, терлатувчи, аччиқ, сапонинли гликозидлар ва антрагликозидларга бўлинади.**

1406. Гликозидлардан тайёрланган дори-дармонлар билан қайси хасталиклар даволанади? **Атеросклероз хасталиклари.**

1407. Гнафамум ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама, экстракт ва мазъ қайси касалликларни

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

даволашда ишлатилади? Гипертония, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси ҳамда бошқа яраларни даволашда фойдаланилади.

1408. Гулбанд ўсимлиги халқ табобатида қайси қасалликка қарши ишлатилади? **Дизентерияга қарши.**

1409. Гулхайри ўсимлигидан нима тайёрланади? Дори тайёрланади.

1410. Гулхайри ўсимлигининг илдизидан тайёрланган суюқ экстракт қандай дори сифатида ишлатилади? Нафас йўллари қасалликларида (айнинса, болаларда) балғам кўчириш, кўкракни юмшатиш учун ва яллигланишга қарши, меъда-ичак қасалликларида эса ўраб олувчи дори сифатида ишлатилади.

1411. Гулхайри ўсимлигининг қайси турлари доривор ўсимлик сифатида тиббиётда қадрланади? **A. officinalis** тури.

1412. Гуруч билан овқатланадиган қайси күшнинг тезаги сепкил ва доғга суртилса, даво бўлади? **Майнанинг** тезаги.

1413. Глютатион одам организмига қандай таъсир қиласи? **Ферментлар** таъсирини кучайтириб, гемоглобиннинг тўқималарга кислород етказиб беришига таъсир кўрсатади.

1414. Д витамини қайси маҳсулотларда кўп бўлади? Сут маҳсулотларида.

1415. Дармона ўсимлигидаги эфир мойидан олинадиган гвайазумен қайси қасалликларни даволашда ва қаерда фойдаланилади? Тўпгулининг дамламаси ҳамда сапонин гижжаларни туширишда, эфир мойи (дарминол) ҳар хил микробларни ўлдирувчи антисептик дори сифатида, ревматизм ва асаб қасалликларини даволашда, шунингдек эфир мойидан олинадиган гвайзулен нафас қисиши, ревматизм, экзема каби қасалликларни даволашда ва рентген нурларидан куйганда фойдаланилади.

1416. Дастарбош ўсимлиги тўпгулининг дамламаси ва кукуни қайси қасалликларни даволашда ишлатилади? **Гижжа** ҳайдашда, антихолит ва ичак қасалликларини.

1417. Дигаленнеодан қайси қасалликларни даволашда фойдаланилади? **Юрак** қасалликларини.

1418. Дигипурен қайси касалликлар билан оғриган беморларни даволашда қўлланилади? **Юрак касалликлари билан оғриган bemорларни.**

1419. Диоскорид қайси ўсимлик ширасини Антик даврда кенг қўлланилганлиги ҳақида шундай ёзади. "У яраларни қурилади, буруштиради, чандиқларнинг битишини тезлаштиради, соч тўкилишининг олдини олади. Ўт ҳайдайди, сариқликни йўқотади, куйганда ва ўスマларда кенг қўлланилади"? Алоz ўсимлиги ширасини.

1420. Диастола нима? **Юрак мушаги деворининг бўшашишидан унинг бўшлиқлари кенгайиши ва қонга тўлиши.**

1421. Диастола юрак бўлмачаларида қанча, қоринчаларида эса, неча сония давом этади? **0,7 сония, 0,5 сония.**

1422. Диастолада юрак бўшашиши ва кенгайиши қайси тизим орқали бошқарилади? **Асаб тизими орқали.**

1423. Дрок ўсимлиги дамламаси ёки экстракти қандай дори сифатида қўлланилади? **Бронхит ва пневмонияда балғам кўчирувчи дори сифатида.**

1424. Дрок ўсимлиги қайнатмаси қандай дори сифатида ишлатилади? **Сурги дори сифатида.**

1425. Мутахассислар қонда ниманинг юқори бўлиши хавфлидир, дейдилар? **Холестериннинг юқори бўлишини.**

1426. Дунё бўйича қайси давлат халқи катта миқдорда ёғ истеъмол қиласи? **АҚШ халқи.**

1427. Дунёда энг тўйинган ва энг оч қолган миллат қаерликлар? **Америкаликлар.**

1428. Дунёдаги барча дорихоналарда дори тайёрлашда қандай сувдан фойдаланилади? **Дистилланган сувдан.**

1429. Дуккакдошларнинг қайси заҳарли турлари инсектицил сифатида ишлатилади? **Деррис, лопхокарус.**

1430. Дўлана халқ табобатида қандай дори сифатида қўлланилади? **Иштача очувчи, ични қотиравчи дори сифатида.**

1431. Ерчой ўсимлигидан халқ табобатида қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Тиш**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

касалликларини даволаш ва оғриқни қолдиришда, дамлама ва экстракти меъда-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади.

1432. Ерчой таркибидаги қандай витамин бор? **C витамины бор.**

1433. Ерқимизак барги қайси касалликни даволашда ишлатилади? **Цинк касаллигини.**

1434. Ерёнғоқ таркибидаги қандай витаминлар бор? **B, E витаминалари бор.**

1435. Ер юзида учрайдиган ўсимликларнинг неча турида эфир мойлари борлиги аниқланган? **2500 та турида.**

1436. "Ейдиган овқатинг танга дори бўлиши керак" деган иборани ким айтган? **Гиппократ.**

1437. Европа тиббиётидаги неchanчи асрдан бошлаб парни ўсимлиги, унинг тугунаги, барги ва гулларидан дори сифатида фойдаланилган? **XVIII асрдан.**

1438. Ёнғоқ баргининг кукуни, мевасининг пўсти қайси касалликларга даволовчи восита сифатида кўлланилади? **Қон тўхтатувчи ва битмас яраларни даволовчи восита сифатида кўлланилади.**

1439. Ёнғоқ баргидаги қандай витаминлар бор? **C, P, B витаминалари бор.**

1440. Ёнғоқ мевасининг кўк пўстида қандай витамин бор? **C витамины бор.**

1441. Ёнғоқ мағзидаги қандай витаминлар бор? **C, E, B витаминалари бор.**

1442. Ёнғоқнинг мевалари ёш ғўралик маҳалида худди наъматак сингари қандай витаминга жуда бой бўлади? **C витаминига.**

1443. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра дунёда қанча одам камқонлик дардидан азоб чекмоқда? **2 млрд нафар одам.**

1444. Жаҳонда биринчи бор инсон юрагини қаерда, неchanчи йили алмаштиришга муваффақ бўлинган? **Натижада,**

дастлабки мижозларнинг умри неча кунгача узайган? Кейинги мижозларники-чи? Жанубий Африка Республикасида яшовчи таниқли шифокор Кристиан Бернард 1968 йили Йохеннесбургда. 18–20 кунгача узайган. 18–22 йилгача узайган.

1445. Жаҳонда қайси халқ таомлари ҳеч қандай туз қўшмаган ҳолда саримсоқ пиёз, қўзиқорин ва бошқа ўтли аралашмалар қўшиб тайёрланганда ажойиб мазага эгалиги билан танилган? **Француз таомлари.**

1446. Жағ-жағ ўти таркибида қандай витаминалар бор? С, В, витаминалари бор.

1447. Жағ-жағ ўсимлиги дамламаси, суюқ экстракти қандай мақсадда ишлатилади? Бачадондан қон кетишини тўхтатишда.

1448. Жамбил ўсимлиги қандай касалликларни даволашда ва нимага қарши дори тайёрлашда қўлланилади? Меъда-ичак касалликларини даволашда ва йўталта қарши дори тайёрлашда қўлланилади.

1449. Жень-шень ўсимлиги илдизларидан тайёрланган настойка, кукун (порошок), суюқ экстракт қандай мақсадда ишлатилади? Организмни қувватга киритиш учун ҳамда диабет, жинсий безлар гинофункцияси ва асаб касалликларини даволаш мақсадида ишлатилади.

1450. Жень-шень одам саломатлигига қандай таъсир этади? Жень-шень руҳий ва жисмоний толиқишида, жинсий занфликда катта ёрдам беради, балғам йигилишининг олдини олади. Балғамишинг кўчишига ёрдам беради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, ҳансирашин камайтиради, тан ва руҳни бақувват қиласи. Кайфиятни ва кўриш қобилиятини яхшилайди. Кексаликнинг узоқ вақт давом этишини таъминлайди.

1451. Жинсий безлар эҳтиёжи учун керак бўлган А, В, С, Е витаминалари нималарда кўп бўлиб, уларни истеъмол қилиб туриш лозим? Балиқ ёғида, картошкада, кўкатларда, сабзида, майизда, ёнғоқда, ловияда, тухум саригида, жигарда, карамда, помидорда, петрушкада кўп бўлиб, уларни истеъмол қилиб туриш лозим.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1452. Жинсий безлар танадаги неча аъзодан кўмак олади? Улар қайсилар? Учта аъзодан. **Улардан биринчиси — миядан, иккинчиси — жигардан, учинчиси — юракдан.**

1453. Жинсий безларнинг эҳтиёжи учун қайси витаминалар керак? А, В, С, Е витаминалари.

1454. Жинсий безлар учун қисман қайси кимёвий элемент ва моддалар зарур? Булар нималарда кўп? Темир, мис ва оқсил моддалари зарур. Булар: балиқ ёғида, картошкада, кўкатларда, сабзида, майизда, ёнғоқда, ловияда, тухум сарифида, жигарда, карамда, помидорда, петрушкада кўп.

1455. Жигари касал одамга қайси ўсимлик мевасини сиқиб сувига қаттиқ нонни ботириб, еб туриш тавсия этилади? **Анорни.**

1456. Жигари касал одам ҳар кун қандай сувни бир идишга солиб, жигар жойлашган жойга қўйса, жигар ўз фаолиятини яхшилайди? **Иссик сувни.**

1457. Жунгор кавраги ўсимлиги қандай ном билан ревматизм, асаб, йирингли яраларни даволашни тезлаштиради? **"Скипидар илдиз" номи билан.**

1458. Жут ўсимлиги уруғидан қайси касалликларни даволашда ишлатиладиган гликозидлар олинади? **Юрак-кон томирлари касалликларини.**

1459. Жўка ўсимлигининг қуритилган барги ва препаратлари қандай дори сифатида, шунингдек дамламаси нима учун ишлатилади? **Терлатувчи дори сифатида, дамламаси эса, оғиз чайқаш учун ишлатилади.**

1460. Замонавий табобатда анжир қандай касалликларда қўлланилади? **Юрак-томир тизими касалликлари, тромбозларда, камқонликда ва енгилгина сурги сифатида қўлланилади.**

1461. Замонавий табобатда аломат чой ўсимлиги қайнатмаси ва суюқ экстрактининг қандай таъсири борлиги исботланган? **Кон тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи таъсири борлиги.**

1462. Замонавий табобатда анжабор ўсимлигининг спиртда тайёрланган экстракти нималарга сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган? Бир қанча турдаги бактерияларга, жумладан сил таёқчасига қарши сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган.

## *Ю. Е. МАҲМУДОВ*

1463. Зайтун мойи қаерларда ишлатилади? Тиббиётда баъзи касалликларни даволашда, сурги сифатида, озиқ-овқат саноатида, техникада, баъзи дори моддаларини эритувчи сифатида, шунингдек суртма дори, малҳамлар тайёрлашда ишлатилади.

1464. Зарқулөк ўсимлиги тўпгулининг қайнатмаси халқ табобатида қайси касалликларда ҳамда қандай дори сифатида ишлатилади? Кўкрак оғриғи, нафас қисиши касалликларида ҳамда гижжа ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

1465. Заҳарланишда, чаён, қорақурт, илон ва бошқа ҳашаротлар чаққанда, киши нимани мошдек қилиб ичib туриши яхши шифо қилади? Мумиёни.

1466. Заҳарланишда қустириб бўлингандан кейин одам нимани 50–100 г дан ичib туриши яхши шифо беради? Ўз пешоби (сийдиги)ни.

1467. Зигир ўсимлиги ёғидан олинадиган ленитол препарати қайси касалликни даволашда ва унинг олдини олишда, яна қандай мақсадда ишлатилади? Атеросклероз касаллигини даволашда ва унинг олдини олишда ҳамда турли кўйишларда кўйган жойларига суртиш мақсадида қўлланилади.

1468. Зигир ўсимлиги ургидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида қайси касалликларни даволашда қўлланилиб келинади? Гастрит, меъда яраси ва унинг бошқа касалликларини, ангена, йутал, буйрак касалликларини даволашда қўлланилиб келинади. Шу қайнатмага сут қўшиб ўпка сили билан касалланган беморга берилади. Майдалаб эзилган ёки пишириб эзилган зигир урги чинқон ва шишиларга қўйиб боғланади.

1469. Зирак ўсимлиги халқ табобатида қаерларда ва қандай восита сифатида қўлланилади? Иситмани пасайтирувчи, ич кетишини тўхтатувчи ва юракни мустаҳкамловчи восита сифатида қўлланилади.

1470. Зирк ўсимлиги меваси қандай хусусиятга эга? Конни тозалаш хусусиятига эга.

1471. Зогоза ўсимлиги таркибидаги эфедрин қайси органлар фаолиятига қандай моддага ўхшаш таъсир кўрсатади? Юрак-қон томирлари фаолиятига адерналини моддасига ўхшаш таъсир кўрсатади.

1472. Зубтурум баргидан тайёрланадиган дамлама қайси

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

касаллик, яраларни даволашда, уругининг шишимшиқ эритмаси эса, қандай восита сифатида ишлатилади? **Меъданичак яраларини даволашда, урутининг шишимшиқ эритмаси эса кучсиз сурги сифатида ишлатилади.**

1473. Зубгурум баргларида қандай витамин бор? **С витаминни бор.**

1474. Зуфо ўсимлиги баргининг қайнатмаси халқ табобатида қандай касалликларни даволашда қўлланилади? **Иштаҳа очиш, йўтални босиш учун, шунингдек нафас йўллари ва меъда касалликларини даволашда.**

1475. Ибн Сино индов ўсимлигини қандай восита сифатида қўллаган? **Сийдик ҳайдовчи сифатида.**

1476. Игир ўсимлиги дамламаси қандай тайёрланади? **Куйидагича тайёрланади: 15 г майдаланган илдизпоя устига 200 мл қайнатиб совитилган сув солиб, 8 соат қўйилади. Вакти вақти билан аралаштириб турилади. Сузиб олиниб, овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичиш тавсия этилади.**

1477. Игир ўти ёш болалардаги қайси касалликларни даволашда қўлланилади? **Диатезни ва ошқозон шираси пасайган яра касалликларини даволашда қўлланилади.**

1478. Илмий табобатда зигир мойидан қандай мақсадда фойдаланилади? **Йчак шишлиқ пардаси шамоллаганда, организм заҳарланганда, терида шамоллаш бўлганда, зигирнинг қайноқ сувда ивитилган урувидан, зигир мойидан атеросклерозга қарши "Линетол" препарати тайёрлашда фойдаланилади.**

1479. Илмий табобатда саллагул илдизидан тайёрланган эритма қайси касалликларни даволашда тавсия қилинади? **Үйкусизликка ва ҳар хил асаб касалликларини даволашда тавсия қилинади.**

1480. Илмий тиббиётда қайси моддалардан дори-дармонлар кўпроқ қўлланилади? **Кверпетин ва рутин моддаларидан тайёрланадиган дори-дармонлар.**

1481. Илончўп ўсимлиги халқ табобатида нималарни даволаш учун ишлатилади? **Куритилмаган баргини эзиб, яраларни даволаш учун ишлатилади.**

## **Ю. Е. МАҲМУДОВ**

1482. Илон чаққан жойга дарҳол нимани суриш керак? **Саримсоқ палласини.**
1483. Илон чаққан кишига қайси қүш ёғи тавсия этилади? **Лайлак ёғи.**
1484. Илон чаққан жойга қандай рангдаги хўрзининг сафроси суртилса, заҳарни кесади? **Оқ хўрзининг.**
1485. Инсон организмида Н витамини камайиб кетса, нима бўлади? **Организмнинг ёғ безлари хасталикка чалиниб фаолияти бузилади, соchlар тез оқаради ва тез тўкилиб кетади.**
1486. Инсон танасидаги суюқликлар қандай қўринишларга эга? **Қон, балғам, сафро, савдо қўринишларга эга.**
1487. Илмий тиббиётда кверцетин, рутин моддаларидан тайёрланадиган дорилар қайси хасталикларга қарши ищлатилади? **Юрак қон-томир, қон кетиň, ошқозон яраси, қон босимининг ошиши каби хасталикларга қарши.**
1488. Исириқ нима яхшилайди, қайси аъзолар мускуларини бўшашиборади? **Нафас олишни яхшилайди, ичак, бачадон, юрак мускуларини.**
1489. Инсон танасидаги иссиқ мижозли аъзолар қайсилар? **Жигар, ўпка, гўшт, мушаклар, талоқ, буйраклар, қон томирлари ва кафт териси.**
1490. Инсон танасидаги совуқ аъзолар нималар? **Тери, бошмия, орқамия, пардалар, пайлар, ёғ, мўй, суяқ, тобай, бойлок, асаб, чарви мойи ва балғам.**
1491. Инсон танасидаги энг хўл нарсалар нималар ва қайси аъзолар? **Балғам, қон, ёғ, чарви, бошмия, орқамия, сийна, мояклар гўшти, ўпка, жигар, талоқ, буйраклар, мушаклар ва тери.**
1492. Инсон организми учун керакли бўлган витаминлар қайсилар? **A, B, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub>, B<sub>12</sub>, C, D, E, PP, K, N витаминлари.**
1493. Инсон танасида неча хил суюқлик мавжуд? **Тўрт хил.**
1494. Инсон организмида витаминлар етишмаса, қандай касалликлар вужудга келади? **Турли хил витаминоz касалликлари.**
1495. Инсон ичадиган суюқликлар ичida энг тозаси нима? **Дистилланган сув.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1496. Нечанчи йилда, қайси инглиз физиологи томонидан қон айланиш даражасининг қашф этилиши тиббиётда буюк қашфиёт бўлган? **Вильям Гарбей** томонидан 1628 йилда.

1497. Инсульт нима? Мияда қон айланишининг тўсатдан бузилиб, мия тўқимасининг заарланиши ва фаолиятининг издан чиқиши.

1498. Инсультнинг қандай хиллари мавжуд? **Геморрагик инсульт, ишемик инсульт, тромботик инфаркт, эмболик инсульт.**

1499. Ишемик инсульт нима натижасида рўй беради? **Ишемия (камқонлик) натижасида рўй беради.**

1500. Ичакларида оғриқ сезган одам ниманинг пўстини хом ҳолида истеъмол қиласа, оғриқ қолади? **Ошқовоқнинг пўстини.**

1501. Индов ўсимлиги уруғидан табобатда қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Иштаҳани очиш ва яраларни (мой цутирипи) даволашда фойдаланилади.**

1502. Индов ўсимлиги Абу Али ибн Сино томонидан нимани ҳайдовчи дори сифатида қўллаган? **Сийдик ҳайдовчи.**

1503. Ипекакуана деган дорининг кичик дозаси қандай безлар функциясини кучайтиради? **Бронхиал безлар функциясини.**

1504. Ипекакуана ўсимлиги қандай дори сифатида ишлатилиди? **Балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилиди.**

1505. Ипекакуана ўсимлигининг қуритилган илдизидан ипекакуана деган қандай дори тайёрланади? **Кустирувчи дори.**

1506. Исириқ табобатда қадимдан қайси касалликларни даволашда дори сифатида ишлатилиб келинган? **Тутқаноқ, томоқ оғриғи, захмни даволашда, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилиб келинган.**

1507. Исириқ ўсимлиги уруғи, зигир ёки кунжут уруғи қайнатмаси билан қайси касалликларни даволайди? **Астма, нафас қисиши ва ревматизмни даволайди.**

1508. Исириқ ўсимлиги уруғи, зигир ёки кунжут уруғи қандай восита сифатида қўлланилади? **Тинчлантирувчи, сафро ва сийдик ҳайдовчи ҳамда терлатувчи восита сифатида.**

1509. Исириқ ўсимлигидан олинган гармин алкалоидлари тузлари қайси касалликларнинг асоратларини тугатишда иштирок этади? **Паралич ва паркинсон касалликларининг асоратларини тугатишда.**

1510. Исириқ ўсимлиги шираси қайси касалликларни даволайди? Сийдикни ҳайдайди, ҳайнин тезлатади. Бундан ташқари, талоқ, ичак, бавосил касалликларини даволайди.

1511. Исириқ ўсимлигидан олинган дероксипечаник гидрохлорид препарати қайси тизим ва аъзолар фаолиятини яхшилади? **Марказий асаб тизими ҳамда ошқозон-ичак фаолиятини.**

1512. Исириқ ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган чой қайси касалликларда ичилади? Нималар шамоллаганда оғиз чайлади? **Неврастенияда, тутқаноқда, захмда, буйрак касалликларида. Милклар шамоллаганда.**

1513. Исириқ ўсимлиги қайнатмаси ва дамламаси қандай хусусият ва хоссаларга эга? **Бактерияларни қириш хусусиятига, гармин алкалоиди марказий асаб тизимини қўзгатувчи, қон босимини пасайтирувчи хоссаларга эга.**

1514. Исмалоқ ўсимлигининг ер устки қисмларида қандай витаминалар бор? С, В<sub>1</sub>, ва В<sub>2</sub> витаминалари.

1515. Исмалоқ ўсимлигининг ер устки қисмларида қайси моддалар ва кислоталар топилган? **Каротин, қанд, оқсил ва бошқа моддалар ҳамда органик кислоталар топилган.**

1516. Исмалоқ ўсимлиги баргидан гидролизлаб олинган маҳсус оқсил модда тиббиётда қандай восита сифатида ишлатилади? **Меъда ости бези фаолиятини кучайтирувчи восита сифатида.**

1517. Исмалоқ халқ табобатида қандай дори сифатида ва қайси касалликларга қарши қўлланилади? Сийдик ҳайдовчи дори сифатида ҳамда камқонлик, рахит касалликларига қарши қўлланилади.

1518. Истод ўсимлиги препаратлари қандай мақсадда ишлатилади? **Балғам кўчириш мақсадида.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1519. Ителчек ўсимлиги таркибидаги анабазиндан олинадиган метилабазин қандай дори сифатида қўлланилади? **Нафас марказини кўзгатувчи дори сифатида.**

1520. Итқовун ўсимлиги илдизи қайнатмаси қайси касалликларни даволашда ишлатилади? **Истисқо, сарп касалликларни, оғиздаги пишларни даволашда ишлатилади.**

1521. Иткучала ўсимлигининг туганаклари халқ табобатида қайси касалликка қарши ишлатилади? **Бод касаллигига.**

1522. Иттиканак ўсимлиги табобатда қайси касалликни даволашда қўлланилади? **Болаларнинг днатез касаллигини даволашда.**

1523. Итсигак, булдуруқ ўсимлигининг қайси қисмларида қандай алкалоидлар бор? **Барча қисмларида анабазин, афиллин, афиллидин, лупинин каби алкалоидлар мавжуд.**

1524. Итсигак ўсимлиги шохчаларида нималар бор? **Органик кислоталар, углеводлар ва бошқа моддалар бўлади.**

1525. Итузум ўсимлигига нималар бор? **Гликоалкалоидлар: салапсин, сапонин, аскорбинат кислота, лимон кислота, каротин, стероид сапонинлар мавжуд.**

1526. Ичкиликбозликни даволаш мақсадида қайси ўсимликни 4:1 нисбатда гулрайхон ўсимлиги билан дамлаб ичилади? **Шувоқ ўсимлигини.**

1527. Иффат ниманинг оқибати? **Мўътадил даражадаги шаҳват кувватининг.**

1528. Йўталдан қийналган одамга нимани қайнатиб, қайнатмасини сутга омихта қилиб, уни хуфтондан кейин ухлашдан олдин ичиш тавсия этилади? **Бугдойни.**

1529. К витамин нималарда кўп бўлади? **Пиёз, қовоқ, кўк нўхат, ловия, жигар ва тухумда.**

1530. Капиллярлардан қон нималарга йиғилади? **Веналарга йиғилади.**

1531. Катта ёшдаги одам организмидаги 5–6 л қон қанча вақтда организмни тўлиқ бир марта айланиб чиқади? **Бирлақиқада.**

1532. Канадалик қайси мутахассис – доктор ким С витаминининг фаолиятини ўрганувчи лаборатория

текшируви натижасида чекилган бир дона сигарет организмдаги С витаминининг бир дона апельсиндагичалигини йўқ қиласди, деган хуносага келган? **Маклормик.**

1533. Карам баргларида қандай витаминалар бор? **C, P, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub>, C витаминалари бор.**

1534. Карам сувида меъда ярасига даво бўладиган қандай витаминалар бор? **U витаминалари.**

1535. Қарафс баргларида қандай витаминалар бор? **B<sub>1</sub>, C витаминалари.**

1536. Картошка таркибida қандай витаминалар бор? **B, B<sub>1</sub>, PP, C витаминалари.**

1537. Каврак ўсимлигидан олинган моддалар қандай хусусиятларга эга? **Қон тўхтатувчи антисептик, тонусни оширувчи, яраларни битирувчи, ҳомилани туширувчи хусусиятларга эга.**

1538. Ковул, кавар, итқовун илдизларида ва ер устки қисмida қандай витамин бор? **C витамини бор.**

1539. Ковул, кавар, итқовун гулларининг фунчаларида қандай витаминалар бор? **C, E витаминалари бор.**

1540. Ковул ўсимлиги гулларининг шираси нималарни даволайди? **Яраларни.**

1541. Ковул ўсимлиги фунчаларидан тайёрланган кукун қандай касалликларга даво? **Жигар ва талоқ касалликларига.**

1542. Ковул ўсимлиги илдизидан тайёрланган ванна қайси касалликларга даво? **Паралич ва ревматизмга.**

1543. Ковул ўсимлиги меваси билан қайси касалликларни даволаш мумкин? **Жигар, юрак, ўнка ва талоқ ишини мустаҳкамлаш, улардан қандли диабет, буқоқ ва ангинани даволаш мумкин.**

1544. Ковул ўсимлиги меваси қандай хусусиятларга эга? **Гижжа ҳайдаш, ични юмшатиш хусусиятларига.**

1545. Ковул ўсимлиги мевасидан тайёрланган консерва ёрдамида қайси касалликни даволаш мумкин? **Базедов касаллигини.**

1546. Ковул ўсимлиги нимага қарши хусусиятларга эга? **Аллергияга қарши.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1547. Ковул ўсимлиги кукуни қайси яраларда синаалган?  
**Қийин битадиган яраларда.**

1548. Ковул ўсимлигидан маҳаллий табиблар қайси касалликларни даволашда фойдаланишганлар? **Жигар касалликларини, асаб чарчаганда, бруцеллезда, сариқ касалликларини даволашда.**

1549. Ковул-жайра бодринг ўсимлигидан ким хавфли яралар, шол, тиш оғриғи, талоқ, мускул касалликларини даволашда фойдаланган? **Абу Али ибн Сино.**

1550. Коронар касалликлари америкаликларда хитойликларга қараганда неча баробар (марта) кўп? **Ўн баробар (марта).**

1551. Калий ацетат эритмаси тиббиётда қандай дори сифатида ишлатилади? **Сийдик ҳайдовчи дори сифатида.**

1552. Камед-смола халқ табобатида нималарни даволашда, илмий тиббиётда эса қандай малҳам тайёрлашда ишлатилади? **Турли жароҳатларни даволашда, илмий тиббиётда қонни тўхтатувчи малҳам тайёрлашда ишлатилади.**

1553. Кампирчопон ўти отларда қандай касалликни қўзғатади? **Сўйлик касаллигини қўзғатади.**

1554. Кардамон ўсимлиги қайси касалликларни даволашда кўлланилади? **Нафас қисиши, бош оғриғи ва бошқа касалликларни даволашда.**

1555. Каркидон илон заҳридан қаерда фойдаланилади? **Тиббиётда.**

1556. Кардиосклероз (миокардиосклероз) нима? **Юрак мушакларининг қон билан етарли таъминланмаслиги ёки яллиғланиши сабабли унда бириктирувчи тўқима (чандиқ) ҳосил бўлиши.**

1557. Карлови-Вар тузи қандай касалликларга буюрилади? **Жигарнинг баъзи касалликлари, сурункали гастрит, меъданнинг яра касаллигига буюрилади ва сурги ўринида ичилади.**

1558. Кедрнинг игнабаргларидан қайси касалликка қарши концентрат тайёрланади? **Цинк касаллигига қарши.**

1559. Келинтили ўсимлиги препаратлари қандай дори сифатида ишлатилади? **Сурги ва қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади.**

1560. Келлин таблеткаси қандай касалликларни даволашда ишлатилади? **Брохиал астма, кўйкўтал ҳамда меъда-ичак, сийдик йўллари спазмини даволашда.**

1561. Кийикпанжа ўсимлигининг қуритилган пояси ва баргларидан тайёрланган талқон халқ табобатида нималарни даволашда ишлатилади? **Турли хил жароҳатларни даволашда.**

1562. Кийикўтидан тиббиётда нима олинади? **Ментол олинади.**

1563. Ким алоэни "узоқ умр кўриш эликсири" таркибига киритган? **Гален.**

1564. Ким анор шарбатини ошқозон оғриғида, мева пўстини ич кетишида ва яраларни даволашда ишлатган? Ичбуруғ ва турли жароҳатларга даво қилиш учун анор меваларини буюрган? **Гиппократ.**

1565. Ким арча мевасини асал билан аралаштириб терининг шилинган жойларини ҳамда йирингли яраларни даволашда ишлатган? **Абу Али ибн Сино.**

1566. Ким бангидевона ўсимлигини кишиларни соқовлантирувчи заҳар деб таърифлайди ва меваси мия ҳамда юракнинг ишдан чиқаришини ёзди? **Абу Али ибн Сино.**

1567. Ким бангидевона ўсимлигининг қайнатма ва дамламасини кўз касалликларида ҳамда йўталга қарши дори ўрнида ишлатган? **Абу Али ибн Сино.**

1568. Ким валериана (асорун)дан фикрларни бошқарувчи дори сифатида фойдаланган? **Диоскорид.**

1569. Ким дўлана меваси буруштирувчи хусусиятга эга ва ўт суюқлиги ажралишини қамайтиришини айтган? **Абу Али ибн Сино.**

1570. Ким ёнғоқни парҳез овқат сифатида тавсия қилган? **Гиппократ.**

1571. Ким зигир ўсимлиги уруғи сийдик пуфаги яраси ва буйракни даволашини ёзган? **Абу Али ибн Сино.**

1572. Ким зирк юрак, жигар, меъданни мустаҳкамлайди, иситмани туширади, иштаҳани очади деб таъкидлаган? **Абу Али ибн Сино.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1573. Ким иғир ўсимлигини ошқозон, жигар касаллукларида тозаловчи, сийдик ҳайдовчи дори сифатида тавсия этган? **Абу Али ибн Сино.**

1574. Ким исириқ бўғим оғриғида, асаб касаллукларида фойда беришини ёзган? **Абу Али ибн Сино.**

1575. Ким исириқ ўсимлигидан кўз хиравиги касаллигига фойдаланган? **Диоскорид.**

1576. Ким қоқи ўти билан сепкилни ҳамда жигар касаллукларида пайдо бўладиган доғларни даволашни тавсия этган? **Теофраст.**

1577. Ким қоқи ўти "суги" кўздаги "оқ доғни" йўқотишида, қоринга сув йифилгандা, чаён чаққандаги фойдали эканлигини айтган ва амалда кўллаган? **Абу Али ибн Сино.**

1578. Ким пиёз ширасини юмшоқ сурги сифатида аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш мақсадида кўллаган? **Абу Али ибн Сино.**

1579. Ким саллагул, оғма саллагул ўсимлиги илдизининг асалли сувдаги эритмаси босинқираш ва турли васвасалардан озод этади деб ёзган? **Абу Али ибн Сино.**

1580. Ким тол ўсимлиги ширасидан танадаги барча шишлар сўрилишининг тезлаштирилишини баён қилган? **Абу Али ибн Сино.**

1581. Ким "Истеъмол қилинаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин" ёки "Дардингиз таомдан иборат бўлсин" деган? **Гиппократ.**

1582. Ким биринчи бўлиб юрак томирларга қон ҳайдашини ва бу қон бутун гавдага тарқалишини, веналар ва тўқималарга бориши ҳамда веналар орқали орқага қайтиб, юракнинг ўнг бўлмасига қуяилишини аниқлаб берган? **Инглиз физиологи Вильям Гарбей.**

1583. Ким петрушкадан эзив олинган ѫарбатни ари чаққан жойга суриб яхши натижалар олган? **Абу Али ибн Сино.**

1584. Ким откулоқ баргини яхшилаб эзив янгилигича ари чаққан жойга суртган, баргнинг шираси ари заҳрини сўриб,

## *Ю. Е. МАҲМУДОВ*

оғриқни қолдирган, шишининг олдини олган? Абу Али ибн Сино.

1585. Ким инсон танасидаги ва юзидағи дөгларни кетказиш учун пиёзниң уруғини ишлатған? Қандай қилиб? Абу Али ибн Сино. Пиёз уруғини янчыб, ун қилиб хамирга қориб дөғли жойга суртиб, дөғни кетказған.

1586. Ким, ниманинг меваси мағзини қовуриб майдалаб, киндиқ устига сепилса, ичак оғриқларини босади ва ич кетишини тұхтатади, деган? Абу Али ибн Сино, ёңғоқ мағзи.

1587. Ким итузумни эзіб ширасини олиб, күзга суртма қылиб суртиб, күз кувватини оширган? Абу Али ибн Сино.

1588. Кимки аәл сутини нимага аралаштириб, қовоғи остига суртса, күз оғриқларидан халос бўлади? Шакарга аралаштириб.

1589. Кимки ҳайсоннинг қуритилган ўт пуфагидан суртма тайёрлаб, қовоқларига суртса, күз касалликларидан фориг бўлади? Таксанинг.

1590. Ким ўз асарларида валериана (асорун) мия фаолиятини мустаҳкамлайди деб ёзган? Абу Али ибн Сино.

1591. Кимларга оқ тут ич қотишининг олдини олиш, бавосилни даволаш учун унинг мевасини ҳар куни наҳорда ва кун давомида 3–4 марта овқатдан олдин истеъмол қилиш тавсия этилган? Қарияларга.

1592. Ким "пиёз шираси жароҳатларга, оёқдаги ёрилган жойларга товуқ ёғи билан бирға суртилса, яхши ёрдам беради, муртак безларининг яллиғланишига, томоққа пиёз шираси билан аралаштирилган асал суртилса, кони фойда" деб айтган? Абу Али ибн Сино.

1593. Кимнинг ёзишича, қоқи ўти эмизакли оналар сутини күпайтириш, қон тўпланишини камайтириш хусусиятига эга ҳамда унинг "сугидан" фойдаланиб, сўгallарни, қадоқларни, ҳуснбузларни, сепкил ва теридаги дөгларни йўқотиш мумкин экан? Муҳаммад Ҳусайн Шерозий (XVIII аср)нинг.

1594. Кимнинг таъкидлашича, "алоэ ошқозон учун бўшаштирувчи таъсирга эга"? Абу Али ибн Синонинг.

1595. Қайси ҳакимнинг фикрича, иғир ўсимлигининг шираси

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

"күзга оқ туғанда, шоҳ парда қалинлашганды" яхши ёрдам беради? Абу Али ибн Синонинг.

1596. Кладония ўсимлиги қаерда ишлатилади? Тиббиётда.

1597. Клюква ўсимлиги қайси безларнинг секретини кучайтиради? Мезда-ичак йўли безларнинг.

1598. Клюква ўсимлиги меваси ва экстракти қаерларда ишлатилади? Меваси ва экстракти ҳароратни пасайтириш, цинкга қарши, антибиотик ва сульфатиламиларнинг таъсирини кучайтириш учун ҳамда совуқ ичимлик сифатида ишлатилади.

1599. Клюква ўсимлигидан тиббиётда қайси қасалликларни даволашда фойдаланилади? Мезда-ичак йўли безларнинг сёкретини кучайтириб, секрети пасайшидан келиб чиқсан гастритни даволашда.

1600. Каврак ўсимлиги илдизидан олинадиган елим (смола)дан қайси қасалликларга қарши дори тайёрланади? Астма ва баъзи асаб қасалликларига қарши.

1601. Каврак ўсимликларидан олинган моддалардан қайси қасалликларни даволашда фойдаланилади? Астма, сил, диарея, вабо, қандли диабит, ревматизм, сўзак, жигар қасалликлари, паралич, гастрит, атеросклероз, хавфли ўсма, тиш оғриғи, йирингли яраларни даволашда фойдаланилади.

1602. Каврак, сассиқ каврак ўсимлиги илдизларида қандай модда бор? Крахмал моддаси.

1603. Каврак ўсимлиги илдизидаги қатрон моддасидан нималар ажратиб олинади? Ферулат кислота, карон спиртлар ва буларнинг ферул эфирлари ҳамда кумарин-умбеллерон.

1604. Кука бутаси баргини маҳаллий халқ нима мақсадда дамлаб ичишади? Организм қувватини ошириш мақсадида.

1605. Долчин ўсимлиги билан анжиридан тайёрланган боғлам кишини нимадан сақлайди? Чаён чақишидан сақлайди.

1606. Крахмал организмни нима қиласи? Тетиклаштиради, қувватини оширади.

1607. Крахмалдан илмий тиббиётда қайси қасалликларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар тайёрланади? Ошқозон-ичак ҳамда тери қасалликларини.

## Ю. Е. МАХМУДОВ

1608. Кучала ўсимлиги туганагидан тайёрланган талқон халқ табобатида қайси касалликларни даволашда қўлланилади? Янчилган туганагини унга қориб қайси қемирувчиларни заҳарлайдиган хўрак тайёрланади? Илон ва чаён чаққанда, кунжут мойига қорилган талқонидан пиширилган нон бавосилни, асалга қорилган кучала талқони эса песни даволашда қўлланилади. Сичқон, каламушни.

1609. Кун ярмида уйқу ва дам олиш тана ва юракнинг соғлом бўлишида муҳим роль ўйнайди деган, фоя қайси мамлакатларда федерал қонун билан тасдиқланган? Мексика, Жанубий Америка, Испания ва Францияда. Барча корхоналар соат 12<sup>00</sup> дан 14<sup>00</sup> гача ёпилади.

1610. Кумарин моддалар қайси нурларга нисбатан организмнинг сезувчанлик хусусиятини оширади, қон томирларини кенгайтиради? Ультрабинафша нурларга нисбатан.

1611. Киши шамоллаб қаттиқ йўталса, эрталаблари тоифи майизини қайси ўсимлик ёғида қовуриб ейиши керак? Бинафша ўсимлиги ёғида.

1612. Киши танаси ташқи муҳит билан моддалар алмашинуви тўхтаб қолса, нима бўлади? Организм ҳаёти сўнади, у ўлади.

1613. Кўк курбақа қони нималарга даво? Доф ва сепкилга.

1614. Кўзнинг оқига қарши пиёз уруғи нима билан аралаштирилиб кунига 2 мартадан томизилса, оқни даф қиласди? Асал билан.

1615. Кўз нури қочган бўлса, унда таомларга нима кўшиб, истеъмол қилиш керак? Асл зира.

1616. Кўз нури қочган бўлса, қандай таомларни истеъмол қилиш мумкин эмас? Тузи кўп бўлган (шўр) таомларни.

1617. Кўзга оқ тушганидан қийналган киши қайси жонивор зардобини оловда қуритиб, кейин сурма қўйтгандай кўзига суртиши керак? Типратикон зардобини.

1618. Кўзига оқ тушса, лолақизғалдоқни қайси ширинлик сувига аралаштириб, кўзга малҳам сифатида суртилади? Асал сувига.

1619. Кўзтикан дамламаси халқ табобатида қайси касалликни даволашда ишлатилади? Истисқо касаллигини даволашда.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1620. Күк чой қайси касалликларга даво? Қон босими ошгандан, саратон касалликларига даво.

1621. Күкмараз баргининг қайнатмаси халқ табобатида нимага қарши ишлатилади? **Ичбуругга қарши.**

1622. Күкнори күсагидан қайси дорилар олинади? **Морфин, кодеин, папаверин.**

1623. Күктикан ўсимлиги илдизининг дамламаси халқ табобатида қайси касалликларни даволашда, ер устки қисми нима мақсадда ишлатилади? **Истисқо касаллиги, бавосил, турли шиш ва бошқа касалликларни даволашда, ер устки қисми камқонликда ишлатилади.**

1624. Күкйуталга қайси ҳайвоннинг кўз қорачини қайнатиб, куришиб, кейин уни шакар билан бирга истеъмол қилиш фойда беради? **Кўйнинг кўзи қорачини.**

1625. Кўкйутал одам қайси ҳайвоннинг думба ёғини сутда қайнатиб, сирка билан истеъмол қилиши лозим? **Кўйнинг.**

1626. Кўпчилик халқларда нима абадий ҳаёт, ўлимни енгиш тимсоли ҳисобланади? **Арча.**

1627. Кўпайган сафрони бадандан ҳайдаш ва сўндириш учун, энг аввало, нима қилиш керак? **Сурги, маккаи сано ичиб, тозалаш керак.**

1628. Кўп яшаш учун нима қилиш керак? **Оз ейини керак.**

1629. Кўпинча синтетик асаб таъсирида юрак асаб тугунчаларининг фаоллиги ошишида нима пайдо бўлади? **Тахикардия.**

1630. Кўпинча юрак ўйнаши қандай ҳолларда қайд қилинади? **Умумий неврозларда, климактерия даврида, шароит ўзгаришига мослашувнинг издан чиқиши ва ҳоказо ҳолларда қайд қилинади.**

1631. Кунжут мой таркибида қандай витамин бор? **Е витамини.**

1632. Лавлаги таркибида қандай витаминалар бор? **E, C, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub> витаминалари.**

1633. Лагохилуснинг табобатда нималаридан фойдаланилади? **Дамламаси ва настойкасидан фойдаланилади.**

1634. Лайлактумшук ўтидан табобатда қандай мақсадда фойдаланилади? **Ички аъзолардан қон кетишини тұхтатища.**

1635. Ламинариясимон сувўтлардан тайёрланган препаратлар қандай дори сифатида ҳамда қайси касалликларни даволашда ишлатилади? Сурги дори сифатида ҳамда буқоқ, артериосклероз касалликларини даволашда ишлатилади.

1636. Левкант ўсимлиги халқ табобатида қандай мақсадда қўлланилади? Йиғтаҳа очиш мақсадида.

1637. Лимон меваларида қандай витаминлар бор? А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>12</sub> витаминлари.

1638. Лимонўтда қандай витамин бор? С витамини.

1639. Лимонўти настойкаси ва кукуни қандай воситалар сифатида ишлатилади? Настойкаси ва кукуни ақлий ҳамда жисмоний чарчаганда, меҳнат қилиш ва кўриш қобилияти сусайгандা марказий асаб тизими фаолиятини кучайтирувчи, организм тонусини кўтарувчи, шунингдек юрак-томир тизими ва нафасни яхшиловчи воситалар сифатида ишлатилади.

1640. Липария ўсимлиги суюқ экстракти нима сифатида ҳамда қайси касалликда қўлланилади? Сурги сифатида ҳамда бавосил касаллигига қўлланилади.

1641. Лигнин моддаси халқ табобатида қайси касалликни даволашда қўлланилади? Болаларнинг диатез касаллигини даволашда қўлланилади.

1642. Лимфа қачон савдога айланади? Танадаги ҳужайралар қондан озиқани олиб, янги ҳужайра туғилишида қон озгина куйиб, лимфа савдога айланади ва ҳазм жараёнини тезлаштиради, меъда шу вақтда ортиқча озиқа талаб қилишини таъминлайди.

1643. Лимфа тизими нималар мажмуи? Лимфа томирлари, лимфа тугунлари ва лимфа тўқималари мажмуи.

1644. Лишайниклардан нималарга қарши доривор препаратлар олинади? Микробларга қарши доривор препаратлар.

1645. Ловия кўзоқларидан қандай витаминлар бор? В гуруҳ витаминлари билан бирга Е витамини ҳам бор.

1646. Маврак ўсимлиги барги халқ табобатида қайси касалликларни даволашда қўлланилади? Қувватлантирувчи,

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

овқат ҳазмини яхшиловчи дори сифатида ҳамда юрак ва буйрак касалликларини даволашда қўлланилади.

1647. Маврак ўсимлигининг қуритилган баргидан тайёрланган дамлама қандай мақсадда ишлатилади? **Нафас йўллари шамоллаганда ҳамда яллиғланган оғиз ва томоқ чайиш мақсадида ишлатилади.**

1648. Магний элементи одамнинг қандай қон босимини пасайтиради? **Артериал қон босимини.**

1649. Магнолия ўсимлиги баргидан тайёрланган суюқ экстракт қандай мәқсадда қўлланилади? **Қон босимини пасайтириш мақсадида қўлланилади.**

1650. Майдаланган пиёз бошидан қайси яраларни даволашда фойдаланилади? **Қийин битадиган ва йирингли яраларни даволашда.**

1651. Майдаланган пиёз олма ва асал билан аралаштирилиб, нималарга даво қилинади? **Йўтал ва томоқ оғриғига даво қилинади.**

1652. Маймунжон меваларида қандай витаминалар бор? **В турұх витаминалари бор.**

1653. Маккажүхори попугида қандай витаминалар бор? **С ва К витаминалари бор.**

1654. Маккажүхори оналик гули устунчасининг дамламаси халқ табобатида қайси дори ўрнида ва қандай восита сифатида қўлланилади? **Буйрак, қовук ва сийдик йўлларида тош бўлганида ҳамда бошқа касалликларида, сийдик ҳайдовчи, ўт пифаги, ўт йўллари, сариқ ва жигарнинг бошқа касалликларида, ўт ҳайдовчи дори ўрнида, турли хил қон кетишлиларда, қон кетишни тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади.**

1655. Маккажүхори попугида нималар бор? **Синтостерол, стигмастерол, эфир мойи, ёғли мой, елимсизмон моддалар, гликозид, сапонин, С ва К витаминалари, алкалоид юқлари, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар ва бошқа моддалар бор.**

1656. Маккажүхори донида нималар бор? **Крахмал, ёғли мой,**

пентозанлар, бир қанча витаминлар, никотин кислота, биотин, каротиноидлар, флавоноидлар ва бошқа моддалар бор.

1657. Маълум бўлишича, нима шарбати янгилигига инсон организмида вабо, саратон (рак) хужайраларини ўсимтага, чиришга айлантирадиган заҳарли концероген моддаларини йўқотиб юбора оладиган хусусиятга эга? Лимон шарбати.

1658. Малина меваларида нималар бор? Қанд моддалари (глюкоза, сахароза, фруктоза ва бошқ.), органик кислоталар (лимон, олма кислоталар, салицилат кислота ва бошқ.) бўёқ моддалари, эфир мойлари (малинанинг ўзига хос хушбўй ҳиди қўпроқ, шу эфир мойларига боғлиқ), В, С витаминлари, ошловчи моддалар бор.

1659. Марганец элементи қайси касалликни даволашла муҳим аҳамиятга эга? Қандли диабет касаллигини даволашда.

1660. Маржондаҳат гулларининг қайнатмасидан қаерларда фойдаланилди? Терлатувчи, сийдик ҳайдовчи, буруштирувчи сифатида ва оғизни чайиш учун фойдаланилди.

1661. Маҳаллий ҳалқ қандай мақсадда кўка баргини дамлаб ичишади? Организм қувватини ошириш мақсадида.

1662. Милкларни мустаҳкамлаш учун қайси ўсимлик тиш пастасига кўшилади? Игир ўсимлиги.

1663. Милкдан қон кетса, қайси ўсимлик пўстлоғи, уруғининг дамламаси билан ғарфара қилиш керак? Анор пўстлоғи, уруғининг.

1664. Минглевона барги экстракти ва уруғининг мойидан қандай мақсадда фойдаланилди? Барг экстракти ва уруғининг мойи бод, невралгия касалликларида оғриқ қолдирувчи дори сифатида фойдаланилди.

1665. Минглевона баргидан қандай кукун тайёрлашда фойдаланилди? Астма касаллигига чекиладиган астматол кукуни тайёрлашда фойдаланилди.

1666. Минглевона, шайтонкоса ўсимлиги баргларида жуда заҳарли қандай алкалоидлар бор? Гиосциалин, атропин, скопаламин алкалоидлари бор.

1667. Минглевона ўсимлиги баргларида алкалоидлардан

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ташқари яна қандай моддалар бор? Бир қанча гликозидлар, рутин ва бошқа флавоноидлар.

1668. Мижоз нима? Инсон баданида унсурларнинг бир-бирига таъсири, мальум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфият.

1669. Мижоз нечта турга бўлинади? Улар қайсилар? Тўртта турга. Улар: иссиқ, совуқ, ҳўл ва куруқ.

1670. Миокардит нима? Юрак мушаклари (миокард)нинг яллиғланиши.

1671. Миокард инфарктининг асосий белгилари нима? Кўкрак қафасининг маркази (тўш орқаси) гижимлаб, ачишиб оғриди ва у кўпинчә юқорига, ўнга, чап қўлга ёки иккала қўлга, орқага, пастки жағ соҳасига тарқалиб, ҳаво етишмайди.

1672. Моралқулоқ ўсимлиги ем-хашакка аралашса, ҳайвонларнинг қайси тизимини фалажлайди? Асаб тизимини фалажлайди.

1673. Мойчечак ўсимлиги гулларида нималар бор? 0,8 фоизгача кўк рангли эфир мойи бор, эфир мойининг таркибига хамазулен, терпен, сектвериен, спиртлар, кадинен, шунингдек каприлат, нонилат ва изовалериапат кислоталар бор. Эфир мойидан ташқари, гулларидан кверциметрин, прохамазулен, лактонлар, умбеллиферан, герниарин, диоксикумарин, триакантан, никотинет кислота, холин, фитостерин, салицилат кислота, аскорбинат кислота, каротин, шилимшиқ моддалар ва елим ажратиб олинган.

1674. Мушукўтдан тиббиётда қандай мақсадда фойдаланилади? Турли касалликларни даволаш мақсадида фойдаланилади.

1675. Мумиё таркибида қанча кимёвий элемент ва қандай моддалар бор? Мумиё қанча касалликка даво? Одамнинг қайси аъзоси оғригига мумиёдан 0,2–0,5 г эрталаб ва кечқурун сут, асал билан ичиб туриш тавсия этилади? 28 та кимёвий элемент, шунингдек аминокислота, бир қатор витаминалар, эфир мойлари, асалари заҳари ва бошқа моддалар бор. Юздан ортиқ касалликка даво. Томоқ оғригига.

1676. Малина меваларида қандай витаминалар бор? С, В витаминалари.

1677. Н витамини нималарда кўп бўлали? Бўлка ион, гуручли овқатлар, жўхори гўжа ва жигарда кўп бўлади.

1678. Наъматак, итбурун меваларида қандай витаминлар бор? С, В, К, Р витаминлари.

1679. Наврўзгул ўсимлиги илдизи ва илдизпояси қайнатмаси қайси касалликда балғам кўчирувчи сифатида, баргининг дамламаси нимада қўлланилади? Бронхит касаллигига, авитаминозда қўлланилади.

1680. Нафас олиш йўллари касалликларида ва организм кувватини ошириш учун овқатдан олдин ҳар куни бир чой қошиқдан ичиладиган алоэ дориси қандай тайёрланади? 1,5 кг стимулланган алоэ шираси, 1,25 кг тоза асал ва 3,5 л "Кагор" виноси олиниб, шиша идишларга солинади ва қоронғида 5 кечакундуз (сутка) сақланиб, ҳар куни бир чой қошиқдан овқатдан олдин ичилади.

1681. Неча г қаймоқ баданимизнинг суткалик қувват олишини таъминлайди? Нима учун? 100 г. Чунки қаймоқда юқорида таъкидлаб ўтилган витаминларнинг ҳаммаси мавжуд.

1682. Неврозлар туфайли юрак-асаб тизими фаолияти бузилганда қандай оғриқ сезгилари пайдо бўлади? Аритмиялар билан бирга юрак зирқиллайдиган, санчадиган, жизиллайдиган оғриқ сезгилари пайдо бўлади.

1683. Никель элементи одамнинг қайси аъзоларида учрайди? Жигар, буйрак, меъда ости бези, гипофиз, тери ва кўзда учрайди.

1684. Нилюфар ўсимлигининг гул дамламаси сурги дори сифатида қайси касалликларни даволашда ишлатилади? Сарик касаллигини, уйқусизликни, шунингдек илдизпоясининг дамламаси буйрак, ўт пуфаги, турли йирингли яраларни даволашда ва соч тўкилишини даволашда ишлатилади.

1685. Нилюфар, оқ нилюфар ўсимлиги илдизи қайси аъзо оғриғига даво? Тиш оғриғига.

1686. Ниманинг хом эти экзема бўлган жойга суртилса, фойда беради? Ошқовоқнииг.

1687. Нима учун молдованлар дўланани қаҳр-ғазаб манбай деб ҳисоблашганлар? Чунки улар оёқда пайдо бўладиган барча йиринг ва шинкларнинг сабабчиси дўлана деб ҳисоблашганлар.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1688. Нима учун толларнинг ёш новдаларидан баъзи касаликларни даволашда фойдаланилади? Чунки толларнинг ёш новдалари катта миқдорда С витаминини сақлагани учун.

1689. Нима қон алмашувини, мушаклар қобилиягини оширади, тишни тозалайди, милкни мустаҳкамлайди? Асалари муми.

1690. Нима тана ҳароратининг турғунлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга? Қон.

1691. Нима учун одам организмида қон ҳужайралари тўхтовсиз емирилишига қарамай, уларнинг миқдори деярли ўзгармайди? Организмда қоннинг узлуксиз равишда ҳосил бўлиши туфайли.

1692. Нима сабабдан веналарнинг деворлари артерияларникига қараганда анчагина юпқа бўлади? Чунки веналарда қон босими катта эмас.

1693. Нима учун юрак пороги билан оғриган бемор кўп йиллар давомида касаллигини сезмай, ўзини яхши ҳис қилиб, одатда ишини бажариб юравериши мумкин? Чунки бунга сабаб юракнинг катта захира (резерв) имкониятларга эга эканлиги, шу боис мавжуд порок юрак тегишли камераларининг зўр бериб ишлаши ҳисобига сезилмайди.

1694. Нима учун одам организми ноорганик моддаларни ҳазм қила олмайди? Чунки ноорганик моддалар фаол эмас.

1695. Нимада ёғ ва холестерин йўқ? Сабзавотда.

1696. Нима буйракларга, сийдик қопчасига, юракка, артерияга, веналарга, қон айланиш тизимига жуда зарар келтириб, у организмда сув ушлаб туришга мажбур қилиб, ошиқча халталар ҳосил қиласди? Туз.

1697. Нима юракка заҳар қатори таъсир кўрсатиб, асабларнинг қўзғалувчанлигини оширади? Туз.

1698. Нима ошқозондан суюқликни ва ичакларни доимо безовта қилиб туради? Туз.

1699. Нима саратон (рак) кушандаси? Лимон.

1700. Нима вабо касалининг ривожланишини тўхтатиб қўяди? Лимон.

1701. Нимани сиқиб сувидан танадаги ва юздаги доф ёки

## Ю. F. МАҲМУДОВ

яралардан қолган жойларга суртилса, уларни кетказади? **Бақлажонни сиқиб.**

1702. Нокда қандай витаминлар бор? **E, C, P, В витаминалари.**

1703. Нўхотда қандай витаминлар бор? **В турӯҳ витаминалари ҳамда Е витамини.**

1704. Оддий силибум ўсимлиги меваларида қандай витамин бор? **К витамини.**

1705. Одамнинг бир суткада неча г ёғ ва оқсили истеъмол қилишининг энг кам меъёри неча г эканлиги аниқланган? **50 г ёғ, 50 г оқсили.**

1706. Одамнинг қайси аъзоси қайнаганда олма, нок, сабзини истеъмол қилиш керак? **Жигилдони.**

1707. Одам танаси аъзоларига таъсир этувчи минглаб омиллар ичидаги нима катта аҳамиятга эга? **Овқатланиш.**

1708. Одамнинг тинч ҳолатида юрак бир дақиқада неча л қонни ҳайдайди? **5,5 л қонни.**

1709. Одам зўр бериб жисмоний ҳаракат қилганда бир дақиқада неча л қонни ҳайдайди? **30 л қонни.**

1710. Одамда асосий қон яратувчи аъзо нима? **Кўмик.**

1711. Одамнинг қайси аъзосида қизил қон танаачалари (эритроцитлар), оқ қон танаачалари (донали лейкоцитлар), қон пластинкалари (тромбоцитлар) ва айрим донсиз оқ қон танаачалари (минфоцитлар) шаклланади? **Кўмикда.**

1712. Одамнинг лимфа тизимида неча л лимфа бўлади? **1–2 л.**

1713. Одамнинг қон босими 120 мм симоб устунидан юқори бўлса, нима бўлади? **Одам гипертония (хафақон) касаллиги билан оғриган бўлади.**

1714. Одамнинг қон босими 120 мм симоб устунидан паст бўлса, нима бўлади? **Одам гипотония касаллиги билан оғриган бўлади.**

1715. Одам танасида қанча мускул мавжуд? **600 дан ортиқ.**

1716. Одам қон босими ошишининг биринчи сабабчиси нима? **Ош тузи.**

1717. Одам танаси куйганда дарҳол қайси жониворнинг қорини ёриб қўйиш керак? **Курбақанинг.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1718. Одам танаси куйгандың қайси жониворнинг ёғи суртиса, доғдан асар қолмайды? **Фознинг ёғи.**

1719. Одам баданига оқ доғ түшгандың қайси жонивор тухумини от тезагига күмиб, қирқ күн сақлаш, кейин оқ доғ түшгандың жойларга суртиш ижобий натижа беради? **Лайлак тухумини.**

1720. Озарбайжонда эчки толининг эркакгуллари билан қайси касалликларни даволайдилар? **Юрак касалликларини.**

1721. Олма таркибида қандай модда ва кислоталар бор? Глюкоза, сахароза, фруктоза деб аталувчи қандың моддалари, органик кислоталар, энг муҳими пектин моддаси бор.

1722. Олма таркибида қайси микроэлементлар бор? **Темир, мис, калий, марганец, кобальт микроэлементи.**

1723. Олма қандай касалликларни даволайды? Қон ҳаракатини мувофиқлаштиради, артериосклерозни (паришонхотирликни) даволайды, мия чарчаганды уни даволаб, тетик қиласы, ичбуруғ касаллигини даволайды, иситмани туширади, холестеринни эритиб чиқаради, шунингдек күп касаллиklärнинг олдини олади.

1724. Олма ҳар 2 соатда бир дона истеммол қилинса нима бўлади? **Сийдикни ҳайдайди, қон айланишини яхшилайди, қон босими баланд бўлса пасайтиради, паст бўлса нормаллаштиради.**

1725. Олма сиркасида қанча элемент ва бирикмалар мавжуд бўлиб, улар орасида қайси фермент ошқозон-ичакда овқат ҳазм қилиш жараёнида асосий роль ўйнайди? **20 га яқин, пектин ферменти.**

1726. Олма таркибида қандай витаминалар бор? **B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, C, PP витаминалари.**

1727. Озиқанинг энг муҳим элементларидан бири қайси моддалар? **Юрак соғлом ва кучли бўлиши учун қандай моддалар керак? Оқсил моддалар. Оқсил моддалар керак.**

1728. Олмада ноёб қандай кислота бор? У нималарга қирон келтиради? Қайси касалликларни даволайды? **Фолат кислота. Микробларга. а) қон ҳаракатини мувофиқлаштиради; б) артериосклерозни даволайди; в) мия чарчаганды уни даволаб, тетик қиласы; г) ичбуруғ касалини даволайди; д) иситмани туширади; е) холестеринни эритиб чиқаради.**

1729. Олма истеъмол қилинганда қайси касалликларни даволайди? **Юрак, қон-томир ва меъда касалликларини даволайди.**

1730. Олимларнинг аниқлашларича, одам қони қайси вақтда куюқлашади? Соат 14<sup>th</sup> дан 20<sup>th</sup> гача. Шу боис кечки овқатдан иложи борича воз кечиш керак.

1731. Олхўри меваларида қандай витаминалар бор? **С, В, В<sub>6</sub>, Е, РР витаминалари.**

1732. Олчада қандай витаминалар бор? В гурӯҳ витаминалари ҳамда **Е, Р витаминалари.**

1733. Органик кислоталар ўсимлиқнинг қаерида учрайди? **Хужайра ширасида.**

1734. Организм тириклигини нима белгилайди? **Моддалар алмашинуви.**

1735. Организмда органик кислоталар қайси жараёнида иштирок этади? **Модда алмашинувида.**

1736. Органик кислоталар шира ишлаб чиқарадиган безларнинг нимасини оширади? **Ишчалигини.**

1737. Органик кислоталар қандай хусусиятга эга? **Бактерицидлик хусусиятга эга бўлганлиги боис турли микробларни қириб ташлайди.**

1738. Организмда содир бўладиган кимёвий реакциялар нималар иштироқида ўтади? **Ферментлар иштироқида.**

1739. Органлардан ўтадиган қон миқдорини қайси қон томирлари тақсимлайди? **Артериолалар тақсимлайди.**

1740. Орттирилган юрак пороклари қандай нуқсон ва камчиликлар? **Юрак клапан (қопқоқ)лари ва юракнинг йирик томирларида орттирилган нуқсон ва камчиликлар.**

1741. Органик моддалардан нечтаси инсон организмининг асосини ташкил этади? **16 таси.**

1742. Отқулоқ ўсимлигининг илдизпояси ва илдизларида қандай витамин бор? **К витамини.**

1743. Ошқозонда ел (дам) бўлса, қайси ўтни ичиш фойдали? **Лимонүтини.**

1744. Оқ каррак баргларида қандай витамин бор? **К витамини.**

## Ю. Е. МАҲМУДОВ

1757. Парпи ўсимлигининг қайси турлари тиббиётда ишлатилади? Қоракўл парниси ва жунғор парниси турлари.

1758. Пиёз баргларидан олинадиган галанталин глюкозоидининг қайси тузи тиббиётда қайси касалликларни даволашда қўлланилади? Бромгидрат тузи тиббиётда асаб бузилиши ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.

1759. Пиёз шираси билан қайси касалликларни даволаш мумкин? Қулоқдан йиринг оқишини, йирингли яраларни, ангинани, бош оғригини (бурун ва қулоқ тозалигини) ва кўзга оқ тушишини даволаш мумкин.

1760. Пиёз шираси қандай дори сифатида қўлланилади? Сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади.

1761. Пиёздан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Яраларни, шамоллашни, цинк ва жигар, буйрак касалликларини даволаща фойдаланилади.

1762. Пиёздан қандай дори тайёрлаш ва ундан фойдаланиш мумкин? 1) настойка тайёрлаш учун ярим л спиртга ёки ароққа тозаланган ва майдаланган ииёздан 40 г солиб, 7 кун давомида қуиб қўйилади, сўнгра докада сизиб олинади ва юқорида айтилган касалликларни даволаш учун ҳар куни 2–3 маҳал бир чой қошиқ настойкага 3 ош қошиқ сув қўшиб ичилади;

2) 2 дона ўртача пиёзни майда тўғраб, оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан сутга солиб қайнатилади ва 4 соат қўйилади, сўнгра докада сузилади ва йўталга даво қилинади. Бунинг учун ҳар 2–3 соатда қайнатмадан 2–3 қошиқдан истеъмол қилинади;

3) тозаланган ва кўрга қўйилиб пиширилган пиёз бошини оғриқ колдириш ва чипқоннинг етилишини (пишишини) тезлатиш учун унга қўйиб боғланади.

1763. Пиёзни спиртли настойкаси билан қайси касалликларни даволаш мумкин? Атеросклероз, ичак касалликлари ҳамда гипотония касалликларининг бошланғич турини даволаш мумкин.

1764. Писта (хандон писта) баргларida қандай витамин бор? С витамины.

1765. Подофилл ўсимлиги препаратларидан нима сифатида фойдаланилади? Балғам кўчирувчи сифатида фойдаланилади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1745. Оқ тут баргларида қандай витаминлар бор? В гурух витаминлари ҳамда **С витамини**.

1746. Оққалдирмоқ, күка баргларида қандай витамин бор? **С витамини**.

1747. Оқ бриония ўсимлигидан халқ табобатида қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Оғриқ қолдирувчи, қон тұхтатувчи, сурғи дори сифатида, йұтал ва яра касалликларини даволашда фойдаланилади.**

1748. Оқ каррак ўсимлигидан халқ табобатида қандай мақсадда фойдаланилади? Қайнатмасидан йирингіл яраларни, бақадон раки ва ёмон (хавфли) шишларни даволашда ҳамда қон кетишини тұхтатувчи восита сипатида.

1749. Оққурай илдизи ва мевасидан олинадиган псорален препарати қайси касалликни даволашда ишлатилади? **Пес касаллигини.**

1750. Оқсилсиз азотли моддалар ўз таркибида нималарни сақлады? **Нуклеин кислотаси, амиак тузлари, нитратлар, баъзи витаминлар ва гликозидларни сақлады.**

1751. Оқсиллар қайси фермент таъсирида аминокислоталарга парчаланади? **Протеолит ферменти таъсирида.**

1752. Оқма ярага қайси жонивор қосасини қўйдириб, кулини гул ёғи билан қўшиб суртилса, яра 3–4 кунда тузалади? **Тошбақа қосасини.**

1753. Парпи ўсимлиги туганаги дамламасидан халқ табобатида қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Ўпка сили, радикулит, бод ва бошқа шамоллаш касалликларини, баъзан рак касалликларини ҳам даволашда фойдаланилади.**

1754. Парпи ўсимлиги туганаги настойкасидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Радикулит, невралтия ва шамоллаш касалликларини.**

1755. Парпи ўсимлигидан нимага қарши қўлланиладиган аллаленин дори олинади? **Аритмияга қарши.**

1756. Парпи ўсимлигидан олинган алкалоидлар қайси марказни фалажлаб, тананинг тиришишига сабаб бўлади? **Нафас олиш марказини.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1766. Плаун споралари қандай дорилар тайёрлашда ишлатилади? **Хаб дорилари тайёрлашда ишлатилади.**

1767. Полисахаридлар қандай тузилишга эга? **Мураккаб тузилишга эга.**

1768. Полисахаридлар нималар йифиндисидан ташкил топади? **Углеводлар йифиндисидан.**

1769. Перикардит нима? **Юрак халтаси (перикард)нинг яллиғланиши.**

1770. Перикардит қайси юқумли касалликлар натижасида келиб чиқади? **Үткір перикардит күпинча ревматизм, шунингдек үпканинг крупоз яллиғланиши, грипп, ангина, сепсис каби юқумли касалликлар натижасида келиб чиқади.**

1771. Пешоби тутилган киши қайси жониворнинг ички аъзоларини пишириб тановул қилса, даво бўлади? **Типратиконнинг.**

1772. Пешоби тутилган киши қайси жониворнинг панжаларини пишириб еса яхши даво? **Хўрознинг панжаларини.**

1773. Пульснинг тўсатдан тезлашиб, бир дақиқада 160–300 мартаға етиши нима дейилади? **Пароксизмал тахикардия дейилади.**

1774. РР витамини нималарда бўлади? **Карам, пиёз, қовоқ, кўк нўхат, ловия, кўкатларда.**

1775. Райхоннинг ер устки қисмларида қандай витаминлар бор? **P, C, A витаминлари бор.**

1776. Раувольфия ўсимлигидан қайси касалликларни даволашда ишлатиладиган алкалоид резерин моддаси олинади? **Гипертония ва асаб касалликларини даволашда.**

1777. Ренорит кавраги илдизидан тайёрланган экстракт қайси касалликнинг ўсишига қаршилик кўрсатади? **Ўсманнинг.**

1778. Рододендрон ўсимлиги баргининг дамламаси халқ табобатида қайси касалликларда дори сифатида кўлланилади? **Бод, юрак касалликларида ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида кўлланилади.**

1779. Розмарин ўсимлиги дамламаси қандай дори сифатида

ишлатилади? Дамламаси гинекологик касалликларида ҳамда ўт хайдовчи ва қувватлантирувчи дори сифатида фойдаланилади.

1780. Розмарин ўсимлигидан тайёрланган ванна қандай беморларга буюрилади? Бод касаллиги ҳамда шамоллаган ва неврит билан оғриган беморларга розмариниلى ванна буюрилади.

1781. Розмарин ўсимлигидан олинган эфир майданан тайёрланган маз қайси касалликда ишлатилади? Бод касаллигига.

1782. Рус табобатида қоқи ўтидан қандай восита сифатида фойдаланишган? Иштаха очувчи, сурги, балғам күчирүвчи, тинчлантирувчи, ухлатувчи дори сифатида фойдаланишган.

1783. Рус халқ табобатида қоқи ўтини нима деб аташган? Ҳаёт элексири деб аташган.

1784. Рус халқ табобатида арчанинг қуббаси, уруги кул ва куқун ҳолида ҳамда настойка ҳолида қайси касалликлар билан оғриган беморларга қўлланган? Йўтал, дамқисма, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморларга.

1785. Рух элементи одам организмига озиқ-овқатлар билан тушгач, қайси органда сўрилади? Ингичка ичакнинг юқори қисмларида сўрилади.

1786. Рўян ўсимлиги илдизидан тайёрланган препаратлар қандай касалликларни даволашда қўлланилади? Сийдик ҳайдаш, буйракдаги тошларни қисман эритиш ҳамда подагра касалликларини даволаш мақсадида қўлланилади.

1787. Сабзавотларнинг муҳим физиологик хусусиятлари нимадан иборат? Иштаҳани қўзғатишдан, бошқа маҳсулотларнинг ҳазм бўлишини яхшилашдан иборат.

1788. Сабзининг илдиз меваларида қандай витаминлар бор? К, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, PP, С витаминлари бор.

1789. Савдо деб нимага аталади? Сувсимон суюқлик бўлиб, қоннинг чўкмаси ёки қўйқасига айтилади.

1790. Савдо тананинг нимасини таъминлаб туради? Тириклигини.

1791. Савдо кўпинча одамнинг қайси аъзоларида йигилади? Суяқда, терида, мияда, гўшт оралиғида, тана ичидаги аъзоларда йигилади.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1792. Савринжон ўсимлигига тиббиёттада қандай касаллукларни даволашда ишлатиладиган колхамин мөддаси бор? Педагра, шунингдек баъзи қон касаллуклари ва бир қанча хавфли ўсмалар касаллукларини даволашда.

1793. Саллагул ўсимлиги қайси оғриқларда қўлланилади? Бачадон, буйрак, сийдик пуфаги оғриқларида қўлланилади.

1794. Саломалайкум ўти илдизпоясидан тайёрланган дамлама халқ табобатида қандай дори сифатида ишлатилади? Терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

1795. Самбитгул ўсимлиги пўстлоғи ва баргларида қайси касаллукларда ишлатиладиган қандай мөддалар бор? Юрак касаллукларида ишлатиладиган нерпин, нермонтин, слеандрин ва бошқа гликозид мөддалар бор.

1796. Ҷанчикўтнинг экстрактлари қандай хусусиятларга эга? Конни тўхтатиш ва қон босимини кўтариш хусусиятларига эга.

1797. Сапота дарахтининг уруғидан олинган мой қаерда ишлатилади? Тибиётта ишлатилади.

1798. Сапонинлар қандай хусусиятга эга? Кўпирувчи хусусиятта эга.

1799. Сапонинлар қайси гуруҳга киради? Гликозидлар гуруҳига киради.

1800. Сапонинлар қизил қон танаҷалари (эритроцит)ларга қандай таъсир кўрсатади? Парчалайди, яъни гемолизлайди.

1801. Сапонинлардан тайёрланган дори-дармонлар табобатда қандай мақсадларда ишлатилади? Балғам кўчириш, сийдик ҳайдаш мақсадларида ишлатилади.

1802. Саримсоқ қайнатмаси қандай таъсирга эга? Иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, сийдик ҳайдовчи, антисептик ва оғриқ қолдирувчи таъсирга эга.

1803. Саримсоқ настойкаси қайси касаллукларни даволаш учун ишлатилади? Атеросклероз, гипертония, ўпка сили, колит, йирингли яралар, гинекология амалиётида трихоминозли колитни даволаш учун ишлатилади.

1804. Сариқ чой, дала чой, сариқ пойча ўтида қандай витамин бор? С ва РР витаминлари бор.

1805. Сариқ чойдан халқ табобатида қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Меъда касалликларини даволашда фойдаланилади.

1806. Сариқлик ниманинг оқибати? **Сафронинг.**

1807. Сариқ касаллиги безовта қилган киши қайси жониворнинг пешобидан ҳар куни қандга аралаشتариб, қирқ мисқол ичса, у бутунлай дардан фориғ бўлади? **Туянинг пешобидан.**

1808. Сариқ касаллигига чалинган кишига қайси ўсимлик барги дамлаб ичирилади? **Қорақант ўсимлиги барги.**

1809. Сариқ касали билан оғриган беморга ниманинг шарбатига қаттиқ нонни ботириб едириш керак? **Анор шарбатига.**

1810. Сариқ касални даволаб, жигардаги тиқилмаларни кеткизиша қайси ўсимлик баргини дамлаб ичиш тавсия этилади? **Турп баргини.**

1811. Саратон (рак)нинг кушандаси нима? **Лимон.**

1812. Сассапариль лианалар қаерда ишлатилади? **Тиббиётда ишлатилади.**

1813. Сассиқматал ўсимлигидан тайёрланадиган дорилар тиббиётда қайси орган касалликларини даволашда ишлатилади? **Юрак касалликларини даволашда.**

1814. Сассиқалаф, зангиоя баргларида қандай витамин бор? **С витамини бор.**

1815. Сафро нима? **Бу хил суюқлик қоннинг кўпиги ёки қоннинг кўйкаси.**

1816. Сафронинг вазифаси нимадан иборат? **Нормал ҳолда қонга латифлик келтиради, ўпка озиқланишида иштирок этади, яъни ичакнинг ичини ювиб туради.**

1817. Сафро одамнинг қайси аъзоларида йигилади? **Жигари ва ўпкасида.**

1818. Сачратқи, талха, ҳандоба ўсимлиги илдизларида қандай витаминлар бор? **В ва С витаминлари бор.**

1819. Сачратқи ўсимлигидан халқ табобатида қандай

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

касалликларни даволашда фойдаланилади? Ҳар хил сувли яралар, ич кетиш ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади.

1820. Секрет пасайишидан келиб чиққан қандай касалликни даволашда седана ўсимлигидан фойдаланилади? Гастритни даволашда.

1821. Седана уруғлари таркибида қандай витамин бор? С витаминни бор.

1822. Семизлик қандай мижоз оқибати? Совуқ мижоз оқибати.

1823. Соч-соқоли чиқмаган киши қайси жониворнинг ўтини суртиши керак? Қуённинг ўтини.

1824. Сут эмизуви ҳайвонлар ва одам эмбрионида қайси аъзолар қон яратувчи аъзолар ҳисобланади? Сариқлик халтаси ва жигар.

1825. Соғлом кишида қон босими неча мм. симоб устунига тенг? 120 мм симоб устунига.

1826. Систола нима? Юрек бўлмачалари ва қоринчалари қисқаришида қоннинг артерияларга ҳайдалиши.

1827. Сурункали перикардитга қайси касаллик сабаб бўлади? Сил касаллиги.

1828. Сурункали йўталга қайнатилган нимани ейиш фойдали? Турини.

1829. Стенокардиянинг асосий белгиси нима? Юрек ишемик касаллитининг кенг тарқалган шакли бўлиб, кўкрак соҳасида тўсатдан пайдо бўладиган гижимловчи оғриқ унинг асосий белгиси.

1830. Стенокардияда оғриқ қаерда сезилиши мумкин? Тўш орқасида бўлиб, кўпинча тўш суюгидан чапроқда юрак соҳасида ҳам сезилиши мумкин.

1831. Стенокардияда тўсатдан тутган оғриқ қанча вақт давом этади? Бир неча дақиқадан ярим соатгacha давом этади.

1832. Соғлом юрак асоси нима? Уйқу.

1833. С витаминининг асосий функциялари нимадан иборат? Цинк касалини тузатибгина қолмасдан, балки у энг ингичка қон капиллярларига қон етказиб берувчи, танани қон билан

таъминлаб турувчи, томирлар жароҳатланганда қонни тўхтатувчи функциялардан иборат.

1834. Саломатлик манбаи нима? У қаердан олинади? Тоза қон. **У табиий тоза овқат, тоза сув ва тоза ҳаводан олинади.**

1835. Соғлом юрак сири нима? **Қоннинг яхши айланиши.**

1836. Сутни меъеридан ортиқча истеъмол қилиш одамни нимага олиб келиши эҳтимоли борлиги аниқланган? **Атеросклерозга олиб келиши.**

1837. Сигирқуйруқ, қуёнқуйруқ ўсимлигининг ер устки қисмида қандай витамин бор? **С витамиини бор.**

1838. Сигирқуйруқ ўсимлиги баргидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида қандай дори сифатида ишлатилади? **Жароҳатларни битирувчи дори сифатида.**

1839. Сигирқуйруқдошлар, сигирқуйруқгуллиларнинг қайсилари тиббиётда ишлатилади? **Ангишвонагул, сигирқуйруқ ва бошқалар.**

1840. Сирка дарахти халқ табобатида қандай мақсадда фойдаланилади? **Оғиз ва милк жароҳатлари, томоқ оғриғида.**

1841. Сиртлон ўсимлиги илдизидан тайёрланадиган талқон ёки сувдаги эритмаси халқ табобатида қайси касалликларни даволашда қўлланилади? **Яраларни, айрим ич касалликларни, бод ва терни касалликларни даволашда қўлланилади.**

1842. Соҳта каштан дарахти пўстлогининг дамламасидан тайёрланадиган экстракт қайси касалликларни даволашда ишлатилади? **Бавосил, тромбофлебит, атеросклероз ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.**

1843. Сувзамчи ўти пояси ва барги қайнатмасидан қайси касалликларни битирувчи дори сифатида фойдаланилади? **Бавосилда қон кетишини тўхтатувчи ва жароҳатларни битирувчи дори сифатида.**

1844. Сувқалампир, сувамчи ўти таркибида қандай витаминлар бор? **С ва К витаминалари бор.**

1845. Сувқалампир ўсимлиги халқ табобатида қадимдан нима сифагида ишлатилади? **Доривор ўсимлик сифатида ишлатилади.**

1846. Сувпиёз ўсимлиги илдизпоясидан тайёрланадиган

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

қайнатмадан халқ табобатида қандай мақсадда фойдаланилади? Ич сурувчи, сийик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади.

1847. Сузма (чакки)дан ҳар куни 100 г истеъмол қилган киши қайси касалликларга учрамайди? Атеросклероз, юрак ва жигар касалликларига учрамайди.

1848. Сумбулсоч ўсимлиги қадимда қаерда ишлатилган? Халқ табобатида ишлатилган.

1849. Сўгалии ва тукли қайнин барглари, куртаклари қаерда қўлланилади? Тиббиётда қўлланилади.

1850. Таниид моддалари ўсимлик тўқималари ўлгандан сўнг қаерларга шимилади? Ҳужайра деворчаларига шимилади.

1851. Таниид моддалари илмий тиббиётда қандай модда сифатида ишлатилади? Ошқозон-ичак касалликларининг олдини олувчи бактерицидли модда сифатида ишлатилади.

1852. Тана ва юздаги доғни кетказиш, рангни чиройли қилиш учун нўхат, илитилган тухум, гўшт сели ва хушбўй шароб истеъмол қилишдан ташқари қайси ўсимлик мевасини ейиш тавсия қилинади? Амжирни ейиш тавсия қилинади.

1853. Талқон нимага қориштириб истеъмол қилинса, ичбуруққа яхши даво қилиб, ич кетишини тўхтатади? Қатиққа.

1854. Тарвуз этида қандай витаминалар бор? В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub> ва РР витаминалари бор.

1855. Тахикардия қанча вақт давом этиши мумкин? Бир неча дақиқадан бир неча қунгача.

1856. Қайси терапевт олим уйқусизлик, неврозлар ва гипертония касаллигининг бошлангич босқичларида асаб тизимини тинчлантирадиган, ундаги қўзғалиш жараёнларини меъёр (норма)лаштирадиган ўсимликлар мавжуд эканлигини, унинг ичida энг кўп қўлланиладигани доривор валериана, яъни асорун эканлигини айтган? А. Л. Мясников.

1857. Теридаги қора доғлар ниманинг бузилганини кўрсатадиган аломат? Қоннинг бузилишини.

1858. Қайси ҳаким анорнинг барча турлари, ҳатто нордони ҳам тозаловчи, буруштирувчи хусусиятга эга эканлигини айтган? Абу Али ибн Сино.

1859. Тиббиётда "марганцовка" деб аталувчи калий перманганат қандай мақсадларда фойдаланилади? Антисептик восита бўлиб, яраларни ювишда, куйган жойларни қотиришда, ошқозон-ичакларнинг фосфор, алкалоидлар, цианид тузлари билан заҳарланганда ювишда фойдаланилади.

1860. Тиббиётда ишлатиладиган кобальтли магнитлар қайси аъзо хасталикларига яқиндан ёрдам беради? Юрак хасталикларига.

1861. Тиббиётда сурма элементининг кўлчилик биримлари нима сифатида кўлланилади? Дори сифатида кўлланилади.

1862. Тиббиётда черника ўсимлигининг куритилган меваси қандай восита сифатида кўлланилади? Ични қотирувчи восита сифатида кўлланилади.

1863. Ялпиз баргларидан тайёрланган настойка қандай восита сифатида ишлатилади? Кўнгил айнингдан ва ўт ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

1864. Тибет ва хитойлик шифокорлар парни ўсимлигининг ўта заҳарлилигини ҳисобга олиб, унга узоқ вақт ўта мураккаб қандай ишлов беришган? Шифокорлар парни туганакларини етти кун чучук сувга солиб қўйишган. Кейин қирқ дақиқа қайнаб турган сувга солишган ва 24 соат давомида сувга солиб қўйишгандан сўнг, иёсти арчилиб, бўлакларга бўлинниб, яна беш сутка давомида сувга солиб қўйилган. Фақат тўртнинчи кунда суви алмаштирилган. Шундан сўнтина туганак бўлаклари 12 соат давомида буғланиб ширширилади ва алана ёрдамида қуритилади. Парни ўсимлигининг дамламасини тайёрлаш учун у 2 соат қайнатилади ва шундан кейин бошқа дорилар таркибиغا киритилади.

1865. Тизимгул ўти пояси ва баргларидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида қандай касалликларни даволашда ишлатилади? Ҳар хил шивлар ва турли касалликларни даволашда ишлатилади.

1866. Тирик организмда крахмал моддасидан қандай модда ҳосил бўлади? Глюкоза моддаси ҳосил бўлади.

1867. Томирлар гармоқланишининг иккӣ хил шаклини ким кашф этган? Машхур рус анатом олими В. Н. Шевкуненко.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1868. Томоқ касалида, айниңса томоқ бўғилганда, қайси ҳайвон сути билан кунига 3–4 маҳал фар-фара қилинса, кишининг овози ўз ҳолига қайтади? Муолажани неча кун тақрорлаш керак? **Кўй сути билан. 10–15 кун.**

1869. Тоголча меваларининг этида қандай витамин ва провитамин бор? **С витамини ва А провитамини бор.**

1870. Тог турбиди ўти баъзи туманларда нима сабабдан "куйдирги" деб номланади? Нима учун? Тог турбидининг ҳамма турлари одам терисига теккан жойини қуидиради ва бир неча соатдан сўнг ўша ерини қизартириб, ярага айлантиради. Чунки у куйдириш хусусиятига эга.

1871. Тог эчкиси қумологининг куйдирилгани қайси касалликка ишлатилади? **"Тулки касаллиги"та.**

1872. Тоҷиклар зиркдан "Қиёми зирк"ни қачон, қандай тайёрлайдилар? "Қиёми зирк" қандай касалликда ва қачон истеъмол қилинади? Зирк илдизи тозаланиб, қозонга солиниб сувда қайнатилади. Қайнатиш сувнинг бешдан бир қисми қолгунча давом эттирилади. Сўнгра эритмага озгина қурт солиб, яна қайнатилади. Қайнатма қуюқ ҳолга келгач, қозондан қозонга олинади. Ушбу қуюқ масса "Қиёми зирк" деб аталади ва қўёшда куритилади. Шу модда суяқ синганда, пай чўзилганда нўхатдек бўлагини озгина додланган мол ёғи билан қўшиб, кечқурун ётиш олдидан истеъмол қилинади.

1873. Тошбақатол ўсимлиги пояси ва баргларидан тайёрланган қайнатма ҳамда дамламалар қайси касалликларни даволашда қўлланилади? **Тиш оғриги ва турли тери касалликларини даволашда қўлланилади.**

1874. Тромботик инсульт қандай келиб чиқади? **Мия томирларида тромб (лахта) тиқилишидан келиб чиқади.**

1875. Туз оқибатида одам организми қайси элементдан маҳрум бўлади? **Кальций элементидан.**

1876. Тузнинг ажойиб ўринбосарлари нима? **Денгиз ўтлари.**

1877. Туз ўрнини босувчи яна нималар бор? **Оддий саримсоқ қиймаси, лимон соки.**

1878. Турп илдизмевасида қандай витаминалар бор? **А, В, С витаминалари.**

1879. Туркманистон халқ табобатида қуритилган анжир барглари ва илдизидан тайёрланган қайнатма қайси касалликларга буюрилади? Меъда-ичак йўлининг иши бузилган маҳалларда ва камқонликда буюрилади.

1880. Тутдан қайси касалликларда пархез озиқа ва шифобахш модда сифатида фойдаланилади? У сурункали гепатитда, холециститда, безгакда, ошқозон-ичак касалликларида.

1881. Тутнинг меваси, атласи ва шираси сочдаги нимани кетказади? Бунинг учун атала докага суркалиб, неча саот давомида бошга бөғланади? Қазғоқни. 8 соат давомида.

1882. Тутқаноғи бор киши қайси ҳайвон териси устига ўтиrsa, тутқаноқ тутиши тўхтайди? Ит териси устига ўтиrsa.

1883. Тұғма юрак пороклари қандай келиб чиқади? Ҳомиладор юраги ва юрак йирик томирларининг эмбрионал ривожланиши даврида ҳомиланинг нотурғун ривожланиши натижасида келиб чиқади.

1884. Тұғма юрак порокларига нималар сабаб бўлади? Ҳомиладорликнинг илк даврида она организмининг заҳарланиши, баъзи касалликлар, масалан, қизилча билан оғриш, ионлаштирувчи нурларнинг биологик тъсири ва ҳоказо сабаб бўлади.

1885. Тұғма юрак порокларининг кўп учрайдиган турлари қайсилар? Катта ва кичик қон айланиш доиралари ўргасида ҳар хил комбинациядаги антролол йўллар бўлиши, юракнинг йирик томирлари, масалан, ўпка артерияси ва аортада торайган ёки битиб қолган жойлар бўлиши ёки шу томирларнинг нотүгри жойлашуви, аралаш тинч пороклар, юрак бўлмача (камера)лар сони ва тузилишига оид нуқсанлар бўлиши мумкин.

1886. Тўпгули ўсимлигининг дамламаси ҳамда сантонин нималарни туширишда фойда беради? Гижжаларни тушуришда.

1887. Укроп пояси ва баргларида қандай витаминлар бор? **B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub> витаминалари бор.**

1888. Узум таркибида қандай витаминлар бор? **V ва С витаминалари бор.**

1889. Узоқ умр кўриш учун киши асосий қайси безларининг яхши фаолият кўрсатишларини гаъминлаши, керак? **Жинсий ва ошқозон ости безларининг яхши фаолият кўрсатишларини.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1890. Фалажга, бодға чалинган кишилар қайси ўсимлик қайнатилган сувга түшсі, шифо топади? **Исириқ қайнатилган сувга түшсі, шифо топади.**

1891. Фасодли ярага қаттық нон билан қайси ҳайвон ёғидан олинган жizzаны янчыб, әзіб ярага малхам сифатида қўйилса, уни тез кунда тузатади? **Қўй ёғидан.**

1892. Фармакологин қўшилган исириқдан олинган дезоксипеганик гидрохлорид препаратни тиббиёт амалиётида қайси касалликларда кенг кўллаш тавсия этилади? **Радикулит, шол касалликларида, бош мияга қон қўйилганда кент кўллаш тавсия этилади.**

1893. Ферментлар ўсимликнинг қаерида пайдо бўлади? **Ўсимлик тўқималарида пайдо бўлади.**

1894. Ферментлар деярли қандай моддалардан ҳосил бўлади? **Оқсил моддалардан.**

1895. Ферментлар маълум моддаларнинг реакцияга киришишини тезлаштиришда қандай ролни бажаради? **Катализаторлик ролини бажаради.**

1896. Ферментлар таъсир кўрсатадиган ҳарорат неча °С дан юқори бўлмаслиги лозим? **40 °С дан.**

1897. Флавоноидлар қандай таъсирга эга? **Спазмолитик (сицимин) ва балғам кўчирувчи (ташлатув)чи таъсирга эга.**

1898. Флавоноидлар қандай жароҳатларни даволашда юқори самара беради? **Яллиғаниш ҳамда ўн икки бармоқли ичак жароҳатларини даволашда.**

1899. Фоторуроцил, фторафур каби препаратлар ёмон оқибатли қайси касалликда ишлатилади? **Ўсимталар касаллигига ишлатилади.**

1900. Фурокумаринлар қайси хасталикларни даволашда кўлланиладиган препаратлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё манбаларидан ҳисобланади? **Тери хасталикларини даволашда.**

1901. Хаб бул-мулук ўсимлиги тиббиётда нима сифатида ишлатилади? **Сурғи сифатида ишлатилади.**

1902. Халқ табобатида тайёрланган майиз дамламаси одамнинг қайси аъзосини бўшатиш хусусиятига эга? **Ошқозонни.**

1903. Халқ табобатида қайси ўсимлик илдизи қуритиб, талқон қилиб, узум сиркасига аралаштириб, тутқаноғи бор кишига ҳидлатиш тавсия этилади? **Мошнинг илдизини.**

1904. Халқ табобатида қичима касалига дучор бўлган беморга нима тавсия этилади? **Ўз сийдигини ичиш.**

1905. Халқ табобатида аломат чой ўсимлигининг ер остики қисмлари ва Қуруқ ўтидан тайёрланган қайнатмалар қандай мақсадда ишлагилади? **Меъда-ичак касалликлари, ревматизм, ичак касалликлари, исигма, истисқо маҳалида буруштирувчи ва сийдик ҳайдовчи восита тариқасида, шунингдек оғизни чайиш учун (стоматит, гингивитда) ишлатилади.**

1906. Халқ табобатида анжабор, еркўноқ ўтидан тайёрланган гален препаратлари қандай касалликларда қўлланилади? **Сийдик ва ўт-тош касаллигига, энтеритлар, колитлар, стоматитлар, фурункулёзларда, шунингдек турли ички органлардан қон кетаётган пайтда қўлланилади.**

1907. Халқ табобатида анжир барги қаерларда ишлатилади? Узум ва меваларни қуритишда ишқор сифатида, "суги" тери касалликларини (кал, сўгал, темиратки), чаён ва ари чақсан жойларни даволашда ишлатилади.

1908. Халқ табобатида анор пўсти, гулининг дамламасидан қандай модда сифатида фойдаланилади? **Анор пўстидан буруштирувчи, гулининг дамламасидан эса яраларнинг битишини тезлаштирувчи модда сифатида фойдаланилади.**

1909. Халқ табобатида бангидевона ўсимлигининг барча турлари қандай восита сифатида қадимдан ишлатилиб келинади? **Неврозлар, психозлар ва невралгияларда, ревматизм касалликларида оғриқни қолдирадиган, ухлатадиган, тинчлантирадиган восита сифатида қадимдан ишлатилиб келинади.**

1910. Халқ табобатида бинафша ўсимлиги нимани тозаловчи восита сифатида ишлатилади? **Қонни тозаловчи восита сифатида ишлатилади.**

1911. Халқ табобатида бўрибағир ўсимлиги қандай

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

касалликларни даволашда ишлатилади? Меъда, ичак касалликларида ва қон аралаш ич кетганды ишлатилади.

1912. Халқ табобатида дўлана ўсимлиги меваси қандай касалликларга нисбатан қўлланилади? Юрак уриши тезлашишида, уйкусизликда.

1913. Халқ табобатида дўлана меваси қандай мақсадларда қўлланилади? Иштача очиш, овқат ҳазм қилиш учун ҳамда истисқо, қипча ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.

1914. Халқ табобатида жумрут ўсимлиги меваси ва пўстлоғининг қайнатмаси нима сифатида ишлатилади? Кустирувчи дори, сурги сифатида ишлатилади.

1915. Халқ табобатида зигир ўсимлиги мойидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Қабзиятни. 1 стакан уруг эритмасидан уйқу олдидан ичиш тавсия қилинади. Ич кетишини тўхтатиша зигир ёки дамламаси клизма қилинади, ловия кепаги, черника ўсимлиги барглари, сули сомони ва зигир мойи дамламаси қандли диабет касалини даволашда қўлланилади. Бунинг учун 2 стакан аралашмани 3 стакан сувга солиб, 10 дақиқа давомида дамланади, сўнгра совитилиб, чорак стакандан кунига З марта ичилади.

1916. Халқ табобатида зира ўсимлиги қайси касалликларни даволашда, қандай дори сифатида ишлатилади? Меъда касалликларини даволашда, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

1917. Халқ табобатида испара ўсимлигининг пояси ва барглари қайнатмаси қайси касалликларни даволашда ишлатилади? Турли шишларни, кули эса кўпроқ экземани даволашда ишлатилади.

1918. Халқ табобатида қайси касалликларни даволашда испара ўсимлигидан фойдаланилади? Яра ва чипқонларни даволашда фойдаланилади.

1919. Халқ табобатида қайси ўсимликдан тайёрланган ваниндан ревматизмни даволашда фойдаланилади? Бу қандай амалга оширилади? Исириқ ўсимлигидан. Бунинг учун 100 г исириқ 10 л сувга солиниб, 15–20 дақиқа ёпиқ идишда

қайнатилади, ҳар 2 кунда 10–15 дақиқа ванна қабул қилиш воситасида амалга оширилади.

1920. Халқ табобатида қоратерак ўсимлигининг барг куртагидан тайёрланган дамлама қандай восита? Ҳароратни пасайтирувчи, юрак фаолиятини яхшиловчи восита.

1921. Халқ табобатида моралқулоқ ўсимлигининг қайнатмаси қандай касалликларни даволашда, қандай муолажа сифатида қўлланилади? Йирингли яраларни, бачадон раки ва ёмон шишларни даволашда ҳамда қон кетишини тўхтатувчи дори сифатида қўлланилади.

1922. Халқ табобатида пиёз билан қайси касалликлар даволанади? Турли яралар, чипқон, цинк ва бошқа касалликлар.

1923. Халқ табобатида саллагул ўсимлигидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Ошқозон яраси касаллигига, ошқозон шираси пасайғанда, қон тўхтатувчи восита сифатида, подагра, тутқаноқ, ревматизм ва шол касалликларини даволашда фойдаланилади.

1924. Халқ табобатида саримсоқ пиёзбошидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Йўтал, нафас қисиши, нафас йўлларининг бошқа касалликлари, меъда, ичак, безгак ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади.

1925. Халқ табобатида толдан қандай мақсадда фойдаланишган? Иситма туширувчи, безгак касаллигига қарши восита сифатида фойдаланишган.

1926. Халқ табобатида тутнинг турли навлари меваси қандай мақсадда қўлланилади? Овқат ҳазм қилин фаолиятини ва қон ҳосил бўлишини яхшилаш мақсадида қўлланилади.

1927. Халқ табобатида шотара ўтидан тайёрланган дамлама қайси касалликларда қўлланилади? Сарик ва турли тери касалликларида қўлланилади.

1928. Халқ табобатида шувоқ ўсимлигидан қайси касалликларни даволашда дори сифатида фойдаланилади? Ошқозон-ичак, ўт ҳайдовчи, сийдик ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи, гижжа ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади.

1929. Хинин моддаси тиббиётда қандай мақсадларда

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

ишлатилади? Хинин бачадон мушакларини құзғатади, бачадон қисқаришини кучайтиради, юрак мушаклари құзғалувчанлигини камайтиради. Безгакка қарши модда сифатида ишлатилади.

1930. Хинин моддаси ҳалқ табобатида қайси касалликларни даволашда құлланилади? Тери **касалликларини** даволашда құлланилади.

1931. Хитойликлар буқоқ **касаллигини** нима билан даволаганлар? Денгиз булути (**сувүти**)нинг кули (таркибида 8,5 фоизгача йод) билан даволаганлар.

1932. Хитойликларнинг асосий овқати нима? Гуруч ва сувда қайнатиб енгил **пиширилган сабзавот**.

1933. Хурмо меваларида қандай витамин бор? **С витамины бор.**

1934. Чайналган буғдой қайси касалга қўйилса, уни тез пиширади? **Чипқонга қўйилса.**

1935. Чап қўлдаги томирлар ўнг қўл томирларига ёки бир кишининг қўлидаги томирлар иккинчи кишиникига нима қилмайди? **Ўхшамайди.**

1936. Чаканда, маймунжон меваларида қандай витаминлар бор? **B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, C, E витаминалари.**

1937. Чаканда ёғидан қайси касалликларга шифо бўладиган дорилар тайёрланади? **Чаканда ёғидан битинши қийин бўлган яраларга, кўйган ва совуқ урган териларга, меъда яраларига шифо бўладиган дорилар тайёрланади.**

1938. Чекиши натижасида келиб чиқадиган жаллод – касаллик нима? **Ўпка эмфиземаси.**

1939. Черника ўсимлигининг тиббиётда қуритилган меваси қандай восита бўлади? **Ични қотирувчи восита бўлади.**

1940. Чипқон ҳали қаттиқ бўлса, қайси паррандалар ахлатини аралаштириб ва унга ёғ қўшиб малҳам қилинса, чипқон пишади? **Чумчук ва товуқ ахлатини.**

1941. Читранғи ўсимлигининг ер остики қисмидан нимани даволашда ишлатиладиган глюкозидлар-эrimизин, эризимозид олинади? **Юрак-қон томирларини.**

1942. Чилонжийда мевасида қандай витамин бор? **С витамины бор.**

1943. Чорва молларини яйловга чўпон қайси дарахт новдалари билан ҳайдаган? Чўпон молларни турли касалликлардан қайси ўсимлик асрайди деб ҳисоблаган? Арчанинг. Арча ўсимлиги.

1944. Чойда қандай заҳарли моддалар бор? Қонингизни қайси ичимлик билан заҳарламанг? Кофеин, коденин заҳарли моддалар бор. Чой билан заҳарламанг.

1945. Шафтоли мевасида қандай витамин бор? С витамины бор.

1946. Шабкўрлик азобини тортаётган киши кўзига кащнич билан қайси ўсимлик қайнатмасидан кўйса, дардан халос бўлади? Мойчечак қайнатмасидан кўйса.

1947. Шабкўрлик билан оғриган бемор учун қайси парранда гўшти шифобахш неъмат ҳисобланади? Каклик гўшти.

1948. Шиш одамнинг чотида бўлса, қайси сабзавот уругини кўйиб боғласа ёки осиб кўйса, елларни ҳайдайди ва одам чотидаги шишларни йўқотади? Шолғом уругини.

1949. Шишган юзни қайси ҳайвон сути билан чаймоқ керак? Туя сути билан.

1950. Шеролгин ўсимлигининг халқ табобатида ер устки қисми қайси касалликларни даволашда қўлланилади? Иштача очиш, овқат ҳазм қилиш учун ҳамда истисқо, шинк ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.

1951. Шеролгин ўсимлигининг суюқ экстракти қайси касалликни даволашда ишлатилади? Сурункали гастритни.

1952. Шеролгин қандай таъсирга эга? Гижжани ҳайдаш таъсирига.

1953. Шимолий Америка ҳиндулари қандай беморларни арчазорларга жойлаштиришганлар ва улар тўлиқ соғаймагунларигача уердан чиқаришмаганлар? Сил касалларни.

1954. Ширин анор қайси аъзони тозалайли? Нордони эса қайси касалликларда фойда беради? Ичи тозалайди. Меъда касалликларида, иситмани туширишда фойда беради.

1955. Ширинмия ёки қизилмия илдизидан тайёрланган қуюқ

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

экстракт шарбат ва порошоклар қандай мақсадда қўлланилади? **Балғам кўчирувчи, сурги сифатида қўлланилади.**

1956. Шифокор олимларнинг фикрига кўра мўътадил артериал қон босими 16 ёшдан 30 ёшгача (I), 30 ёшдан 39 ёшгача (II), 40 ёшдан 59 ёшгача (III), 60 ёшдан 69 ёшгача (IV) неча мм сим. устунига тенг бўлади? **120/75–130/80** мм симоб устунига (I), **130/80** мм симоб устунига (II), **130/90** мм симоб устунига (III), **140/90–150/90** мм симоб устунига (IV) тенг бўлади.

1957. Шолғом шарбатининг нима билан аралашмаси йўтал қолдирувчи восита ҳисобланади? **Шакар ёки асал** билан аралашмаси.

1958. Шотара ўтида қандай витаминлар бор? **С ва К витаминалари бор.**

1959. Шотут баргларида қандай витамин бор? **С витамини.**

1960. Шотут меваси, унинг шираси ва қоқиси халқ табобатида қайси касалликларни даволашда қўлланилади? **Қандлы диабет ва қон босими касалликларини даволашда.**

1961. Шувоқнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида қайси касалликларни даволашда ишлатилади? **Тутқаноқ, менингит, ўпка сили ва асаб касалликларини даволашда ишлатилади.**

1962. Шувоқ ўсимлиги қайси касалликда дизенфекцияловчи восита сифатида қўлланилади? **Вабо касаллигига.**

1963. Шўра ўсимлигидан ажратиб олинган сальсолин алкалойди қайси касалликларда қўлланилади? **Гипертония касаллиги ва мия томирлари спазмида қўлланилади.**

1964. Эски шохни ёқиб, кули гўдак нимаси билан аралаширилиб ярага қўйилса, тезда тузалади? **Сийдиги билан.**

1965. Эфир мойлари қандай органик моддалар йигиндиси? **Ўсимликларнинг ҳамма органларида тўпланадиган бир қанча моддаларнинг мураккаб бирикмаларида ҳосил бўлган, гепетик жиҳатдан ўзаро узвий боғланган, учувчанлик хусусиятига эга бўлган органик моддалар йигиндиси.**

1966. Эндокардит нима? **Юрак ички қаватининг яллиғланиши.**

1967. Эндокардит – юрак ички пардаси (эндокард)нинг ялигланиши кўпинча қайси касаллик оқибатила келиб чиқади? Ревматизм оқибатида.

1968. Эндокардит ревматизмдан ташқари яна қайси касалликлар натижасида юзага келади? Сифилис, заҳм, сил, миокард инфаркти натижасида.

1969. Эмбомик инсульт нима натижасида содир бўлади? Мия томирларига эмбол (қон оқимиға тушган ёки четдан кирган ва қон томирига тиқилиб қолиши мумкин бўлган бирор модда, зарра, ҳаво ва ҳоказо) тиқилиши натижасида содир бўлади.

1970. Қаерлик ошпазлар овқатга умуман туз қўшишмайди? Франциялик ошпазлар.

1971. Эвгенол ўсимлиги қандай касалликларни даволашда, эфир мойи эса қайси саноатда ишлатилади? Тиш касалликларини даволашда, упа-элик саноатида ишлатилади.

1972. Эман дарахти илдизининг пўсти рус табобатида қандай ҳолларда қўлланилади? Ич кетишида, ички ва ташқи қон кетишида, цинк, раҳит ҳамда оғир металл тузлари ва қўзиқорнилардан заҳарланганда қўлланилади.

1973. Эрон шувоги ўсимлиги ўти ва баргларида қандай витамин бор? С витамини бор.

1974. Юрак фаолияти нима туфайли доимо ҳаракатда? Қон туфайли.

1975. Юракка қон нималардан оқиб келади? Веналардан.

1976. Юрак-томир тизимининг тузилиши ҳақидаги ҳозирги замон тушунчasi вужудга келишида қайси олим томонидан капиллярларнинг кашиф қилиниши охирги тафсилот бўлган? Италиялик олим М. Мальпиги томонидан 1661 йилда.

1977. Юрак деворлари неча қаватдан иборат? Уч қаватдан.

1978. Юракнинг қандай қисмлари кўкрак қафасининг чап ва ўнг томонларида жойлашган? Катта қисми чап томонда, кичик қисми ўнг томонда.

1979. Юракка марказдан қочувчи неча жуфт асаб толалари келади? Икки жуфт.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

1980. Юрак қисқаришидаги нормал ритм бузилиши нима? **Юрак аритмиялари.**

1981. Юрак қисқариши ритмининг тезлашиши юрак мушакларida қандай жараёнларнинг бузилишига олиб келади? **Модда алмашинуви ва қон айланишининг бузилишига.**

1982. Юракнинг миокардит, склероз каби касалликлари ёки юракнинг асаб тизими томонидан бошқарилишининг бузилиши қайси касалликка сабаб бўлиши мумкин? **Юрак аритмиясига.**

1983. Юрак ўйнаши нима, унинг пайдо бўлишида нималар сабаб бўлади? **Юракнинг тез ёки кучайган қисқаришиларини ҳис этиши – соғлом кишиларда юрак ўйнашининг пайдо бўлишига юрак фаолиятини бошқарувчи асаб аппарати қўзгалувчалигининг зўр бериб жисмоний иш қилиши, иссиқ ҳаво таъсир этиши, тамаки, алкоголь, аччиқ чой, кофе ва бошқаларни истеъмол қилиш оқибатида ўзгариши сабаб бўлади.**

1984. Юрак ўйнаши касаллиги қайси касалликлар оқибатида юзага келади? **Юрак ўйнаши, юрак-томир тизими касалликлари (юракнинг ишемик касаллиги, гипертония, юрак пороклари, миокардитлар)да бошқа органлар ва тизимларнинг оғир касалликлари билан давом этувчи ҳолатларда, иситма касалликлари ва бошқаларда юзага келади.**

1985. Юрак ва ундан бошланадиган томирларнинг анатомик тузилишидаги турғун камчилик, нуқсонлар, нормал қон оқимиға нима халақит беради? **Юрак пороклари.**

1986. Юрак пороклари неча турга бўлинади? Улар қайсилар? **Иккита турга. Улар: тутма ва орттирилган юрак пороклари.**

1987. Юрак пороклари қандай текширув услублари ёрдамида аниқланади? **Перкуссия, аускультация, рентген, фонокардиография ва бошқа текширув услублари ёрдамида аниқланади.**

1988. Юрак чап қоринчасининг ўткир етишмовчилиги оқибатида тўсатдан нафас қисилиши, бўғилиш хуружи нима? **Юрак астмаси.**

1989. Юрак астмаси қайси касалликлар оқибатида юзага келиши мумкин? Гипертония касаллиги, юрак тонус томирлари етишмовчилиги, қардиосклероз, миокард инфаркти, юрак (аорта ва митрал) порокларида, буйрак яллигланиши (нефрит)да, юрак ишемик касаллиги ва бошқа касалликлар оқибатида юзага келиши мумкин.

1990. Юрак астмаси қанча вақт давом этиши мумкин? Бир неча дақиқадан бир неча соатгача.

1991. Юрак астмаси кўпинча қачон хуруж қиласи? Тунда.

1992. Юрак астмасининг оғирроқ ҳолларида нима пайдо бўлади? Ўпка шиши пайдо бўлади.

1993. Юрак астмаси хуружига нималар олиб келади? Жисмоний зўриқиши, қаттиқ ҳаяжонланиши ёки ортиқроқ овқат еб кўйиш, кучли йўтал тутиши ва ҳоказолар.

1994. Юрак астмаси аломат(белги)лари нималардан иборат? Кўпинча қон аралаш суюқ балғам ташлайди, пульс тезлашади, ўлиб қолаётгандек ваҳимага тушади.

1995. Юрак астмасининг давоси нима? Томир кенгайтирувчи, юрак фаолиятини кучайтирувчи, сийдик ҳайдовчи доридармонлар, кислород ва ҳоказо буорилади, парҳез тавсия этилади.

1996. Юрак фаолияти циклини нима ташкил этади? Систоланинг диастола билан изчил алмашиниб туриши.

1997. Юракнинг ишемик касаллиги нима оқибатида вужудга келади? Юрак мушакларининг қон билан етарли таъминланмаслиги оқибатида вужудга келади.

1998. Юракнинг ишемик касаллиги, асосан, нималар туфайли келиб чиқади? Асосан, юрак тонус артерияларининг атеросклеротик ўзгаришларга учраши, спазми, шунингдек улар бўшлиғида қоннинг (ивиб) лахта бўлиб чўкиши (тромбоз) ва бошқалар туфайли келиб чиқади.

1999. Юракнинг ишемик касаллигига қайси касалликлар киради? Стенокардия, миокард инфакти, атеросклеротик кардиосклероз киради.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

2000. Юракнинг навбатдан ташқари қўшимча қисқариши нима? **Пароксизмал систолия.**

2001. Юрак уришининг тўсатдан тезлашуви нима? **Пароксизмал тахикардия.**

2002. Юракнинг ҳар хил вақт оралиғида нотўғри қисқариши нима? **Тебранувчи аритмия.**

2003. Юрак халтасида нима бор-йўқлигига қараб перекардитнинг куруқ ва экссудатли хиллари фарқ қилинади? **Суюқлик.**

2004. Юракка нима дам беради? **Очлик.**

2005. Юракнинг душмани нима? **Тамаки.**

2006. Юракнинг яхши ишлаши учун қонда қайси кимёвий элемент меъёрида бўлиши керак? **Кальций элементи.**

2007. Юрак-қон томир тизимига таъсир этувчи гликозидлар бошқа моддалардан фарқли ўлароқ ўз таъсирини тўғридан-тўғри қайси аъзога ўтказади? **Юракка.**

2008. Юрак-буйрак касалликларининг микроблари қайси ўсимликка бардош беролмайди? **Исириқда.**

2009. Юзда доғ бўлса, ҳар куни қайси молда цетронини сут билан суртиш юзни тозалаб тиник қиласди? **Крахмал моддаси.**

2010. Ялпизда қандай витамин бор? **C витамини бор.**

2011. Янтоқ илдизларида қандай витамин бор? **C витамини бор.**

2012. Янтоқ ер устки қисмида қандай витаминлар бор? **K витамини ва B гурӯҳ витаминлари бор.**

2013. Янтоқ шохлари ва тиканларида қандай витаминлар бор? **C ва K витаминлари бор.**

2014. Яснотка ўсимлиги қаерда қўлланилади? **Халқ табобатида.**

2015. Яра ёки жароҳатга қайси қуш мияси суртилса, тузалиб кетади? **Чумчуқ мияси.**

2016. Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг неча тури мавжуд? **577 та тури.**

2017. Ўпка артерияси неча тармоқقا бўлинади? Шу тармоқлар бўйлаб нима ўпкага қараб йўналади? Икки тармоқقا бўлинади. Қон.

2018. Ўлқа касалликларида, овоз йўқолганда, нафас йўлларидағи хасталикларни даволаш учун нима истеъмол қилинса, ижобий натижা беради? Шолғом истеъмол қилинса.

2019. Ўпка капиллярларида вена қон нимага айланади? Артериал қонга.

2020. Ўрта асрларда қоқиўти мойидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилган? Яраларни, куйгани жойларини, тери касалликларини даволашда фойдаланилган.

2021. Ўрта асрларда игир ўсимлигидан нима сифатида фойдаланилган? Қандай яраларга майдалаб сепишган? Дизенфекцияловчи дори сифатида фойдаланилган. Тошмали тиф, вабо, грипп касалликларининг олдини олиш учун уни чайнашган, йиринглаган яраларга майдалаб сепишган.

2022. Ўрта асрларда қайси ўсимликнинг турли қисмларидан тайёрланган қайнатма билан меъдани, яраларни, сўгални, қадоқни даволаганлар, соч ўстиришда фойдаланганлар? Тол ўсимлигининг қайнатмаси билан.

2023. Ўрта асрларда саллагул ўсимлиги қайси касалликларни даволашда истеъмол қилинган? Буйрак, жигар, талоқ ва бачадон касалликларини даволашда истеъмол қилинган.

2024. Ўрта асрларда шувоқ ўсимлиги билан қайси касалликларни даволангандар? Ошқозон-ичак касалликларини.

2025. Ўрта Осиёда каврак ўсимликлари халқ табобатида қайси касалликларда ишлатилади? Асафитида жигар хасталиклирида, ошқозон-ичак, тери, неврозларида ишлатилади.

2026. Ўрик, зардоли таркибида қандай витаминлар бор? **А ва С витаминалари бор.**

2027. Ўсимликлардан қайсилари шифобахшлиги билан одам умрига умр қўшади? Боригул, қорақобуқ (омонқора), санчиқүт, эрмон, исириқ сингари санаб ниҳоясига етиб бўлмайдиган ўсимликлар.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

2028. Ўсимликлардан олинган фитонцилар тиббиётда нима сифатида ишлатилади? **Антибиотиклар сифатида ишлатилади.**
2029. Ўсимлик мойлари қон ҳамда қон томирчалари деворидаги қайси моддани эритиш хусусиятига эга? **Холестерин моддасини эритиш хусусиятига эга.**
2030. Қандай мижозлар оралиқ мижозлар? **Хўл-иссик, хўл-совуқ, қуруқ-иссик, қуруқ-совуқ мижозлар оралиқ мижозлар.**
2031. Қизиллик ниманинг оқибати? **Қоннинг оқибати.**
2032. Қайси флавоноидлар капилляр томирларни мустаҳкамлаш ҳамда қон томир деворчаларини зичлаштириш қобилиятига эга? **Рушин ва кверцетик флавоноидлар.**
2033. Қандай гликозидлар ошқозон-ичак йўлларининг иш қобилиятини оширади? **Аччиқ гликозидлар.**
2034. Қандай гликозидлар иштаҳани очади ва овқат ҳазм бўлишини яхшилайди? **Аччиқ гликозидлар.**
2035. Қайси пантотенат витаминалар қайнаган сувда тез парчаланади ва шифобахшлик хусусиятини йўқотади? **C, P, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, B<sub>6</sub>, H ва бошқа пантотенат витаминалар.**
2036. Қайси витаминалар қайнаган сувда тез парчаланмайди ёки бузилмайди? **A, K, D, E витаминалари.**
2037. Қайси витаминалар ёғларда парчаланиб, таъсир кувватини йўқотади? **A, K, D, E витаминалари.**
2038. Қайси витаминалар кислород таъсирида бузилади? **A, C, B витаминалари.**
2039. Қадимги табобатда эти узилган жойга шишларни юмшатиб, заҳарини оладиган қайси суюқликни босиш тавсия этилган? **Пешобни босиш.**
2040. Қайси витамин таъсирга чидамлироқ? **B<sub>2</sub> витамини.**
2041. Қандай кислоталар иштаҳани очади, овқат ҳазм қилишни яхшилайди? **Органик кислоталар.**
2042. Қон томирлари нечага бўлинади? Улар қайсилар? Тўртта бўлинади. Улар: артериялар, артериолалар, капиллярлар ва веналарга бўлинади.

2043. Қайси томирлар қонни юракдан тўқималарга етказиб беради? **Артериялар.**

2044. Қайси рус физиологи артериолаларни қон айланиш тизимининг "жўмраги" деб атаган эди? **Н. М. Сеченов.**

2045. Қайси юнон шифокори юракнинг ўнг ярим қисми ва веналарда тўқ қизил қон, юракнинг чап ярми ҳамда артерияларда эса лола (оч) ранг қон бўлишини аниқлаган? **Гален.**

2046. Қон айланиш вақти катта қон айланиш доирасида ўрта ҳисобда неча сонияни, кичик қон айланиш доирасида неча сонияни ташкил этади? **22 сонияни, 5–6 сонияни ташкил этади.**

2047. Қонда нималар борлиги учун у ҳимоя функциясини бажаради? **Антителалар, антитоксин ва лизин, шунингдек лейкоцитлар борлиги учун.**

2048. Қон яратувчи аъзоларга яна қайси аъзолар киради? **Лимфа тугуллар, талоқ, айрисимон без қон яратувчи органларга киради.**

2049. Қоннинг организмда ҳарақатланиши нима дейилади? **Қон айланиши дейилади.**

2050. Қон ўпка капиллярлари орқали оқиб ўтаётганда ҳаво таркибидаги кислород эритроцитларнинг гемоглобини билан кўшилиб, нима ҳосил қиласи? **Бекарор бирикма ҳосил қиласи.**

2051. Қон кислород билан тўйинниш вақтида, ўзидағи қандай мoddани ўпкани тўлдириб турувчи ҳавога беради? **Карбонат антидридни.**

2052. Қайси касалликларда тахикардия пайдо бўлади? **Тирсотоксикоз, сил, анемия, невростенияда тахикардия пайдо бўлади.**

2053. Қандай касалликлар брадикардияга сабаб бўлади? **Баъзи токсикозлар (сариқ касаллиги, уремия), юқумли касалликлар.**

2054. Қандай асаблар диастолани тезлаштиради? **Симпатик асаблар.**

2055. Қон босими хасталиги неча босқичга бўлинади? Уч босқичга.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

2056. Қон босими хасталигининг биринчи босқичи қандай кечади? Артериал босим қандай бўлади? Беморнинг юрак соҳасида оғриқ сезилиб, бош оғриғи, бош айланиси, уйқусизлик, салга жаҳл чиқиши, терлаш, оёқ-қўлларининг увишиши, қулоқ шанғиллаши каби нохуш ҳолатлар безовта қиласи. Бу босқичда артериал босим вақти-вақти билан кўтарилиб туради.

2057. Қон босими хасталигининг иккинчи босқичида қон босими қандай бўлади? Қон босими турғун ва доимий бўлади.

2058. Қон босими хасталигининг иккинчи босқичида нималар кузатилади? Бош оғриғи зўрайиб, бош айланади, уйқуси бузилиб тез чарчайди, меҳнат қобилияти пасаяди, юрак сиқилиши ва юракни ғижимловчи оғриқдан кўз атрофининг қоронғилашиши ва бошқалар кузатилади.

2059. Қон босими хасталигининг учинчи босқичида қандай ўзгаришлар бўлади? Деярли барча аъзо ва тўқималарда склеротик ўзгаришлар бўлади.

2060. Қон босими хасталигининг учинчи босқичида, қайси аъзоларда қандай ўзгаришлар ривожланиб кетади? Юрак, буйрак ва бош мияда склеротик ўзгаришлар жараёни жуда ривожланиб кетади.

2061. Қон босими хасталигининг учинчи босқичида қон босими неча мм симоб устунига тенг бўлади? **200/130, 250/130 мм симоб устунига тенг бўлади.**

2062. Қон босими хасталигининг учинчи босқичида одам организмида қандай жараён бузилади? Қон айланиси жараёни.

2063. Қон босими хасталигининг учинчи босқичида одам бошида қандай ўзгариш содир бўлади? Бош оғриғи зўрайиб, бош айланади.

2064. Қон босими хасталигининг учинчи босқичида одам хотираси нима бўлади? **Пасаяди.**

2065. Қон босими хасталигининг учинчи босқичида одам буйраклари фаолиятида қандай ўзгариш содир бўлади? **Буйраклар фаолияти бузилади.**

2066. Қоннинг асосий вазифаси нималардан иборат? **Тўқималарни кислород ва керакли озиқалар билан таъминлаш.**
2067. Қайси давлат халқи қонида холестериннинг юқорилиги бўйича дунёда биринчи ўринда? **АҚШ** халқи.
2068. Қайси давлатни дунёнинг коронар касалликлари эпидемияси ўчғи, дейишади? **АҚШ** ни.
2069. Қонда холестерин миқдори неча бирликдан ошиб кетмаслиги керак? **200** бирликдан.
2070. Қондаги холестерин миқдорини пасайтиришнинг энг осон ва енгил усули нима? **Очлик усули.**
2071. Қондаги холестерин миқдори неча бирликдан неча бирликкача бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади? **120** бирликдан **180** бирликкача бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади.
2072. Қон нимадан иборат? **Миллиардлаб** митти тўқимачалардан иборат.
2073. Қондаги кўнил таначалар ҳар неча кунда янгиланиб турилади? Бу жараён қанча вақт давом этади? **28** кунда. **Бешиклаги даврдан то ўлгунича.**
2074. Қайси давлатда вояга етмаганларнинг қарийб 50 фоизи қандайдир даражада ўпка эмфиземасига чалинган? **АҚШ** да.
2075. Қайси витамин табиатдаги соғломлаштирувчи асосий элементлардан бири? **С витамини.**
2076. Қаҳва (кофе) юрак учун жуда кучли салбий таъсир қилувчи нима? **Стимулятор.**
2077. Қаҳвада юракнинг тез уришига мажбур қиласиган, керагидан ортиқ безовта қиласиган қандай модда бор? **Наркотик – кофеин** моддаси бор. Бундан ташқари, қаҳвада смола ва бошқа юрак-қон томирлари деворларига ёпишиб қолувчи заҳарли моддалар ҳам бор.
2078. Қандай моддалар буйрак, ўт пулфакчасида тошларни, артерия ва венада ҳамда организмнинг бошқа жойларида кислотали кристалларни ҳосил қиласиди? **Ноорганик** моддалар.
2079. Қаерлик таниқли шифокор биринчи бўлиб, "дегенерация" сўзини ишлатган? Бу сўз нималарга тааллуқли?

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

Канадалик таниқли шифокор Вильям Ослер. Қон томирларига тааллуқлы.

2080. Қайнатиб пиширилған шолғомни қайси касалликнинг бошланиш пайтида мунтазам истеъмол қилиб турилса, касалга даво бўлиб, ижобий натижা беради? **Аллергия касаллигининг.**

2081. Қайси мева билан ичилган чой одам аъзоларини мустаҳкамлайди, иштаҳани кўзғатади, одамни бардам қиласди, кайфиятини кўтаради? **Олма билан ичилган чой.**

2082. Қайси ўсимлик мевасини сутда қайнатиб ейилса, йўтал йўқолади? **Анжирни.**

2083. Қайси ўсимликни қайнатиб ва унга ўчоқ қурумини кўшиб темираткига суртилса, шифо бўлади? **Тамакини.**

2084. Қайси ўсимлик барги чайнаб ейилса, жигардаги тикилмаларни очади ҳамда меъда оғригини қолдиради? **Сабур ўсимлиги барги.**

2085. Қайси ўсимлик уруғи дамлаб ичилса, меъдани юмшатади, жигар тикилмасини очади? **Турп ўсимлиги уруғи.**

2086. Қайси ўсимлик дамламаси ҳиқичноқни тўхтатади? **Равоч ўсимлиги дамламаси.**

2087. Кўл-оёқ шишгандада, сиркалаб қўйилган қайси ўсимлик суртилса, тез шифо қиласди? **Кашнич ўсимлиги суртилса.**

2088. Қайси ўсимлик уругини майдалаб, сиркага қўшиб, юздаги доғларга суртилса, доғлар тез кунда йўқолади? **Турп уруғини.**

2089. Қайси ўсимлик меваси терига қараб ҳайдаладиган суюқ қон пайдо қиласди, шу сабабли киши танаси ва рангини тиник қиласди ҳамда семиртиради? **Анжир.**

2090. Қора доғлар кўпинча қандай аёлларда учрайди? Бу қора доғларни кетказиш учун кўпроқ нималар истеъмол қилиш керак? **Хомиладор аёлларда. Редиска, сут.**

2091. Қайси ўсимлик мевасини қирғичдан ўтказиб, сиқиб олинган шарбатдан 2–3 қултум ичилса, жигилдан қайнашини таққа тўхтатади? **Сабзини.**

2092. Қайси күш ёғи билан сигир ёғини тенгма тенг оғирликда аралаштириб заҳарланган одамга берилса, тез таъсир қилиб, заҳарни қайтаради? **Лайлак ёғи билан.**

2093. Кутурган ит тишилаган жойга нима қўйилса, шифо қиласди? **Анжирнинг хоми ёки янги узиб олинган япрги қўйилса.**

2094. Қандай парҳез ичбуруғ (қон аралаш ич кетганда) ва ичак пардаси яллиғланганда яхши фойда беради? **Олмали парҳез.**

2095. Қайси ўсимлик уруғи ҳар куни ейилса, тандан эски йўтал қувилади? **Кунжут уруғи.**

2096. Қайси ўсимликнинг қуритилмаганини эзib шираси олиниб, бу ширани асал билан аралаштириб, кўзга суртилса, кўз гавҳарининг хиралашшишига (катарактага) даво ва энг яхши шифо қиласди? **Совуқути ўсимлигининг.**

2097. Қайси ўсимликни сиқиб, суви кўзга томизилса, кўзни ўткир (равшан) қиласди? **Равоч ўсимлигини.**

2098. Қайси жонивор ёғи кўзнинг сурункали қичишига даво? **Куён ёғи.**

2099. Қайси жонивор териси кўзга қўйилса, унда кўз нигоҳи тиниқлашади? **Илон териси.**

2100. Қашқарбеда, сариқ бела ўтларида қандай витаминалар бор? **С ва Е витаминалари.**

2101. Қандай касалликлар билан оғриган одамларга анжир ейиш тўғри келмайди? **Қанди диабет билан оғриган касалларга ва ўткир меъда-ичак касалликлари билан оғриган одамларга.**

2102. Қандай касалликларда анжир мураббоси чой билан ичилади? **Ангинна ва юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларида.**

2103. Қадимги ҳакимларнинг фикрига қараганда, анжир қандай маҳалларда одамга фойдали? **Одам дармонсизланиб юрадиган маҳалда, юраги ўйнаганида, кўкраги оғриганида, шунингдек бронхмал астма ва йўтал маҳалида фойдали. Буйрак ва қовоқ фаолиятини жойига келтириб, одамнинг рангини тиниқлаштиради.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

2104. Қайси мамлакат аҳолиси петрушкани мардлик гиёхи деб таърифлашган? **Мисрликлар.**

2105. Қизил дўлана, зардак дўлана таркибида қандай витаминлар бор? **С ва Р витаминалари.**

2106. Қаерда жангчиларга уруш олдидан петрушка беришган? Нима учун? **Қадимги Румда.** Чунки унда қатор витаминлар билан бирга инсонга жасурлик берувчи апсол мавжуд.

2107. Қандай киши ҳамиша соглом ва бақувват бўлади? **Серҳаракат киши.**

2108. Қандай кишилар узоқ умр кўришдан маҳрум бўладилар? **Нимжон, нўноқ, дангаса, жаҳлдор, бадфеъл ва заҳматни яхши кўрмайдиган баҳия, кибрли кишилар.**

2109. Қайнининг қайси турлари барглари ва куртаклари тиббиётда қўлланилади? **Сўгалли ва тукли қайнинларнинг барглари ҳамда куртаклари.**

2110. Қадимдан қайси ўсимлик турли тери шамоллаш касалликларида, безгак ва қонда ишлатилади? **Исириқ ўсимлиги.**

2111. Қайси жониворнинг тезаги сепкил ва доғга суртилса, шифо бўлади? **Чигиртканинг тезаги.**

2112. Қайси кемириувчининг тезаги "тулки касаллиги"да ишлатилади? **Каламушнинг тезаги.**

2113. Қайси қушнинг тезаги рангни гўзал қиласидиган дорилардан ҳисобланади? **Каптарнинг.**

2114. Қайси парранданинг ёғи рангни тоза қиласи? **Ўрдакнинг ёғи.**

2115. Қайси йиртқич ҳайвоннинг қони иссиқ ҳолда суртилса, доғ ва сепкилга фойдали? **Айиқ қони.**

2116. Қайси парранданинг қони сийнани ўз ҳолида сақлайди? **Кўршапалак қони.**

2117. Қайси жонивор зайдун ёғида бир оз туз билан қайнатиб истеъмол қилинса, мохов касаллигига ва газандаларнинг чақишига қарши даво бўлади? **Курбақа.**

2118. Қайси ҳайвоннинг тезаги ичилганда нуқтали қонтадаш ва сепкилга фойда қилиб, сўгалларни туширади? Туюнинг тезаги.

2119. Қайси ҳайвоннинг сийдиги сўгалларга қарши ишлатилади? Итнинг сийдиги.

2120. Қайси парранда ёғи қиз бола сийнасининг катта бўлишига йўл қўймайди? Кўрщапалак ёғи.

2121. Қайси ҳайвоннинг куйдирилган тўпиги песя суртилса, фойда қиласди? Чўчқанинг.

2122. Қайси жонивор чаққан жойга дарҳол саримсоқ палласини суртиш керак? Илон чаққан жойга.

2123. Қайси жонивор чаққан жойга оқ хўрознинг сафроси суртилса, захрини кесади? Илон чаққан жойга.

2124. Қайси жонивор чаққан кишига лайлак ёғи тавсия этилади? Илон чаққан кишига.

2125. Қайси жонивор ёғи кўзнинг сурункали қичишига даво? Күён ёғи.

2126. Қайси ҳайвоннинг ўт пуфагини жийда баргига ўраб, тумор қилиб юрган ҳар бир одам фарзанд кўради? Сигирнинг.

2127. Қайси ҳайвон юрагини тановул қилган бепушг аёл фарзанд кўради? Хачир юрагини.

2128. Қайси ҳайвоннинг ўпкасини сепкиллик юзга суртилса, у сепкилни йўқ қиласди? Эчкининг ўпкасини.

2129. Қайси ҳайвоннинг қони иссиқ бўлиб, сепкил ва доғни тозалайди? Денгиз қуёнишнинг қони.

2130. Қайси жониворнинг кули қайнатилган асал билан қўшилса, оёқларнинг совуқдан ёрилганига яхши дори бўлади? Дарё қисқичбақасининг кули.

2131. Қайси жониворни янчиб талқони зарур аъзога боғланса, баданга кирган тикан ва ўқларни тортиб чиқаради ҳамда сўгални қўчиради? Геккон калтакесагини.

2132. Қайси жониворни ўлдириб, сўнгра уни қуритиб зайдун ёғи билан ишлатилса, калнинг сочини ўстиради? Геккон калтакесагини.

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

2133. Қайси ҳайвонда юриш эрлик кувватини оширади? Отда юриши.

2134. Қайси жонивор гүшти 5–6 марта қайнатиб ейилса, эски бош оғриғи қийнаётган бемор дардига шифо бўлади? **Типратикон гўштини.**

2135. Қайси жониворни қуришиб, туйиб алоэ билан тенг миқдорда аралаштириб, бавосил ярасига 5–8 марта кўйилса, касаллик йўқ бўлади? **Зулукни.**

2136. Қайси жонивор қанотининг пати куидирилиб, кули теридаги ярага сепилса, тез тузалади? **Товуқ қанотининг пати.**

2137. Қайси парранда тухуми, зарафсан (шафран), қурилилган кашничдан (ҳаммасидан бир дирҳамдан) малҳам дори тайёрлаб, ярага суртилса, яра уч кунда тузалади? **Товуқ тухуми.**

2138. Қайси аъзо ярасига гулхайри барги ивитиб боғланса, ярани тез қайтаради, шишларни шимдиради, оғриқни босади? **Сийна ярасига.**

2139. Қайси ҳайвон сафросини қайнатилган сув билан омихта қилиб, қулоққа томизилса, карликни даволайди? **Ҳўқиз сафросини.**

2140. Қайси касал билан оғриган одамга денгиз пиёзи сиқиб шарбати ичирилади? **Моҳов касали билан оғриган одамга.**

2141. Қайси ўсимлик сариқ касални даволайди, меъдани мустаҳкамлайди? **Ялпиз ўсимлиги.**

2142. Қайси жониворнинг куидирилгани тишларни тозалайди, нуқтали қизил қонталаш ва сепкилни кеткизади? **Денгиз қисқичбақасининг куидирилгани.**

2143. Қайси жониворнинг тезаги сепкил ва қизил нуқтали қонталашга фойда қиласи? **Варан тезаги.**

2144. Қайси жониворнинг гўшти, чарвиси (ёғи) аёлларни жуда семиртиради? **Варанинг гўяти, чарвиси.**

2145. Қайси ўсимлик уруғи асал билан қўшиб милкка суртилса милкни мустаҳкам қиласи? **Анор уруғи.**

2146. Қайси ўсимлик мевасининг сути, шунингдек унинг

қайнатилгани тарқалиши қийин бўлган шишларга, қулгунага ва ҳўппоз (катта чипқон)га фойдали? **Анжирнинг сути.**

2147. Қайси ўсимлик барги ва шохлари қуриидан илгари озгина фурсат боғлаб қўйилса, пес, тирноклардаги оқ доғларни кетказади ва "тулки касаллиги"ни тузатади? **Айиктовон ўсимлиги барги ва шохлари.**

2148. Қайси мева уруғининг дамламаси нафас йўлларининг яллиғланишида даво сифатида ишлатилади? **Ўрик уруғининг.**

2149. Қайси ҳайвоннинг ўтини олиб шаробга аралаштириб, ҳамир қорилади. Бу дори офтоб (куёш)да куритилади. Сўнгра буни аралашган сирка билан юмшатиб, қон оқаётган бавосилга суртилса, қонни шу заҳотиёқ тўхтатади ва яхши шифо бўлади? **Жайроннинг ўтини.**

2150. Қайси ўт жигарни мустаҳкамлайди, пешоб ҳайлаш хусусиятига эга? **Кийик ўти.**

2151. Қайси ўсимлик буйракдаги тошни майдалайди ва сийишини осонлаштиради? **Тор петрушкаси.**

2152. Қайси ҳаким буйраги оғриган киши эчки ўтини олиб, унга тенг миқдорда шакар қўшиб истеъмол қиласин, деган? **Жолинус ҳаким.**

2153. Қайси заҳарли ўсимликлар инсон саломатлиги эгови? **Кампирчопон, кўкмараз ўсимликлари.**

2154. Қайси сабзвотни сувга солиб қайнатиб, уни асал билан қўшиб еб турилса, қонни тозалайди? **Сабзини.**

2155. Қайси ўсимликдан тайёрланган тиндирма қон босими ошиб кетган беморларга ичиш буюрилади? **Черкез ўсимлигидан.**

2156. Қайси ўсимлик ични суради, сийдикни ҳайдайди ва тошни майдалайди? **Етмак ўсимлиги.**

2157. Қайси касалликларда модда алмашишини яхшилаш мақсадида исириқ ўсимлигидан ванна қилинади? **Тери касалликларида.**

2158. Қайси аъзо қон айланиш тизимининг маркази ҳисобланади? **Юрак.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

2159. Қайси ўсимлик меваси мағзи инсон миясининг қиёфасига ўхшатилади? **Ёнғоқ ўсимлиги меваси.**

2160. Қайси рус ёзувчиси Сахалинда бир гурӯҳ одамлар парпи ўсимлиги билан озиқланган чўчқа "жигарини" истеъмол қилишганида уларнинг заҳарланиб ўлганликларини ёзган? **А. П. Чехов.**

2161. Қайси суюқлик одам организмидаги қон билан тўқималар ўртасида моддалар алмашинувини таъминлайди? **Лимфа.**

2162. Қайси ўсимлик яллиғланишларни даволашда, сийдикни ҳайдаш ва модда алмашинувини яхшилашда ишлатилади? **Күш тили ўсимлиги.**

2163. Қайси ўсимликдан гижжаларга қарши курашда ҳамда ухлатувчи восита сифатида фойдаланганлар? **Исириқдан.**

2164. Қайси ўсимликдан семизликни даволашда фойдаланилади? **Шувоқ ўсимлигидан.**

2165. Қайси ўсимликнинг илдизи туйилиб, асалга аралаштирилиб, 40 кун давомида бир қошиқдан ичилса, одамнинг куввати ортади, эркаклик хусусияти кучаяди? **Сунбия ўсимлигининг илдизи.**

2166. Қайси ўсимликнинг пўстлоғидан гижжа ҳайдовчи пельтерин танат ва экстракт тайёрланади? **Анорнинг пўстлоғидан.**

2167. Қайси ўт барги шираси камқонликда, кувватсизликда, кўкрак оғриғида ишлатилади? **Қоқи ўти барги шираси.**

2168. Қайси ўт барги ва илдизидан тайёрланадиган дамлама ҳалқ табобатида буйрак касалликларида, сийдик ҳайдовчи, жигар ва ўт пуфаги касалликларида ўт ҳайдовчи, иштаха очувчи, қон тозаловчи ҳамда сурги воситаси сифатида кўлланилади? **Қоқи ўти барги.**

2169. Қайси ўтнинг яшил барглари чаён чаққан жойга боғланганда, касалнинг тезда тузалишига ёрдам беради? **Қоқи ўтининг.**

2170. Қайси ўсимлик фикрлаш рамзи ҳисобланган (нечанчи асрларда)? **Бинафша ўсимлиги (XVI асрларда).**

2171. Қайси техника экинларидан доривор ўсимлик сифатида фойдаланилади? **Рўян ва кўқноридан.**

2172. Қайси ҳайвон валериана ўсимлиги ҳидини узоқдан сезиб, уни топиб, ерни ковлаб, илдизини топиб тажиган ва "кўзғалган" ёки эркаланган ҳолатга келган? **Мушук.**

2173. Қайси хорижий давлатда камқонликни, стриокилиозни, тери касалликларини даволашда қоқи ўтидан фойдаланилади? **Болгарияда.**

2174. Қайси хорижий давлатларда буйрак тоши, ўт тоши касалликларини даволашда қоқи ўтидан фойдаланилган? **Германия ва Польшада.**

2175. Қайси подшо оёғидаги чипқонни куриган пиёзни қўйиб даволаган? **Иван Грозний.**

2176. Қайси ёзувчининг "Том Сойер" асарида Том, Питер номли қайси жониворга валерианà (асорун) дамламаси берилганилиги ва дамламани ичгандан сўнг ўша жониворнинг кулгули ҳолатга тушгани тасвиirlанган? **Марк Твенning, мушукка.**

2177. Қайси хорижий давлатларда анор пўсти гижжага қарши ишлатилган? **Қадимги Гречия, Италия, Хиндистон ва Арманистоңда.**

2178. Қандай (аччиқ, ширин) бодом ейилса, одамни семиртиради? **Ширин бодом.**

2179. Қандай беморларга розмаринли ванна буюрилади? **Шамоллаган ва неврит билан оғриған беморларга.**

2180. Қалдирмоқ ўсимлиги баргларидан тайёрланган настойка қандай мақсадда қўлланилади? **Нафас йўллари шамоллаганда қўлланилади.**

2181. "Қиёми зирк"дан нўхатдек катталикда олиб, бир пиёла сутга эритиб, қайси касалликларда фойдаланилади? **Радикулит, ревматизм, ич қотиш (колит) ва ошқозон-ичак касалликларида фойдаланилади.**

2182. Қимиз қандай витаминларга бой? В турхига кирувчи **витаминларга.**

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

2183. Қирқбүгім үтида қандай витамин бор? **С витамини.**
2184. Қичитқи үтида қандай витаминлар бор? **В, К ва С витаминлари.**
2185. Қовоқ урууларыда қандай витаминлар бор? **A, В, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С витаминлари.**
2186. Ковул меваларыда қандай витаминлар бор? **C, E, B<sub>6</sub>, B<sub>15</sub>, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub> витаминлари.**
2187. Қорагат, қора смородина меваларыда қандай витаминлар бор? **B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, С ва Р витаминлари.**
2188. Коқи ўт, момақаймоқ ўтининг түпгүллари ва баргларыда қандай витаминлар бор? **B<sub>2</sub> ва С витаминлари.**
2189. Коқи ўти баргларидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? **Жигар касалликларини, овқат ҳазм қилишни яхшилаштыра** фойдаланилади.
2190. Коқи ўтидан тайёрланған салат қайси хасталикларда ўтказувчи восита сифатида яхши ёрдам беради? **Жигар хасталикларыда.**
2191. Қон босими баланд бүлганды, асаблар қақшаганда нимани илиқ сувда эритиб ичиш яхши фойда беради? **Хамиртурушни.**
2192. Қалдирамоқ ўсимлиги баргларидан тайёрланған настойка қаерда құлланилади? **Нафас йүллари шамоллаганда құлланилади.**
2193. Қора андиз ўсимлиги илдизпоясинаң қайнатмаси қандай дори сифатида ишлатилади? **Балғам күчирүвчи дори сифатида.**
2194. Қора зирк ва қызил зирк халқ табобатыда қаерларда құлланилади? **Халқ табобатыда иситмани пасайтирувчи, ич кетишени тұхтатувчи ва юракни мустақамловчы восита сифатида құлланилади.**
2195. Қоратикан ўсимлиги илдизи ва барғи қандай дори сифатида ишлатилади? **Сийдик ҳайдовчы дори сифатида ишлатилади.**

2196. Қора шувоқ ўсимлигидан халқ табобатида қайси касалликларга дори сифатида фойдаланилган? Асаб касалликларида тинчлантирувчи дори сифатида, тутқаноқ касалликларида – илдизларидан, баргларидан – оғриқ қолдирувчи, ошқозон-ичак фаолиятини яхшиловчи дори сифатида фойдаланилган.

2197. Қора шувоқ ўсимлиги қайси касалликда истеъмол қилинган? Сил касаллигига қувватни оширувчи дори сифатида унинг илдизларидан тайёрланган дамлама оқ вино ва асал билан аралаштириб истеъмол қилинган.

2198. Қоратеракнинг барг куртагидан тайёрланган дамлама нимани пасайтирувчи қайси аъзо фаолиятини яхшиловчи восита? Ҳароратни пасайтирувчи, юрак фаолиятини яхшиловчи.

2199. Қоратикан бутасининг илдизи ва барги қандай дори сифатида ишлатилади? Сийдик ҳайдовчи дори сифатида.

2200. Қуруқ анжир мевасидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Тутқаноқ, мохов, лишай касалликларини даволашда фойдаланилади.

2201. Кулоги оғриётган кишининг қулогига қайси ҳайвон пешобидан уч томчи томизилса, оғриқни қолдиради? Сигир пешобидан.

2202. Кулокда йиринг бўлса, қайси ўсимлик мевасининг шираси, айниқса баргининг шираси кулоқга томизилса, тезда йиринг кетиб, тузалади? Ёнғоқ мевасининг.

2203. Кулупнай (ер тут) меваларида қандай витамин бор? С витамиини.

2204. Күшкүнмас, сариқ гул ўсимлигига қандай витамин бор? С витамиини.

2205. Фижмалос ўсимлиги таркибида қандай моддалар бор? Гелестрин, лазиокарбин ва бошқа алколоидлар.

2206. Ёзга илдизлари пўсти, яъни пўстлоғига қандай витамиинлар бор? С ва К витамиинлари.

2207. Ҳозирги кунда дунё бўйича қайси давлатда яшовчи

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

одамларда холестерин микдори энг юқори? Бу микдор неча бирликка тенг? АҚШ да. 230–240 бирликка тенг.

2208. Ҳақиқий хитойликлар ресторандага хүррандага нима келтиришмайды? Нон ёки гүшт келтиришмайды.

2209. Ҳар йили қанча америкалик асаб касалликлари шифохонасиға тушади? Ярим миллион нафардан күпроқ америкаликлар.

2210. Ҳар қайси оёқда нечтадан сүяк бор? 25 тадан.

2211. Ҳар кимнинг юзида сепкил бўлса, қайси жониворнинг қонини суртса, йўқ қиласди? Товушқон (ёввойи қуён)нинг қонини.

2212. Ҳар қандай ярага, жароҳатга қайси ҳайвон тезаги ва латта кулига озгина турп уругининг майдалаб қўйиб боғланса, тезда тузалади? Эшак тезаги.

2213. Ҳиқичноқда қайси ўт дамлаб ичилса, уни тўхтатади? Лимонёт.

2214. Ҳар кимсанни илон ёки чаён чақса, қайси ҳайвон боласининг гўштини боғласа, даф бўлади? Эчки боласининг.

2215. Ҳозирги вақтда валериана (асорун)нинг "совуқ" усулда тайёрланган дориси кенг қўлланилади. Бу дори қандай тайёрланади? Валериана (асорун) ўсимлиги илдизи яхцилаб ювилади, куритилиб майдаланади. Майдаланган илдизидан бир ош қошиғида олиб, устига қайнатиб совитилган бир стакан сув солинади ва 24 соат тиндирилади, сўнгра докада сузиб олиниб, кунига 3–4 марта бир ош қошиғида ичилади. Шуни ҳам эътиборга олиши керакки, валериананинг таъсири мунтазам қабул қилинганда яхши билинади.

2216. Ҳозирги вақтда парпи ўсимлигининг илдизидан қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Асаб касалликларини, бош оғриғини даволашда.

2217. Ҳозирги замон табобатида жень-шень ўсимлиги даволамаси, қайнатмаси қайси касалликларни даволашда қўлланилади? Организм ўта чарчаганда, камқонликда, меҳнат

қобилияти пасайғанда, диабет, сил каби касалликларда организм күчини оширишда, тез چарчаш, толиқиши каби ҳолатларда, юрак-қон томир касалликларида, қон босимини оширишда кенг қўлланилади.

2218. Замонавий табобатда эман дарахтининг ёш новдалари пўсти қайси касалликларни даволашда қўлланилади? Оғиз бўшлиги касалликларида, чайқаш учун ва куйишни даволашда қўлланилади. Буни тайёрлаш қўйидагича. Бунинг учун 2 ош қошиқ пўстлоқ устига 1 стакан қайнатган сув солиб, ярим соат сув ҳаммомида қайнатилиб, дамлама тайёрланади. Иссиқ ҳолида сузиб олинади.

2219. Ҳозирғи замон тиббиётида қора шувоқ ўсимлиги қандай касалликларни даволашда қўлланилади? Гинекологик касалликларни даволашда.

2220. Пиёздан тайёрланган дорилар қайси касалликларда қўлланилади? Ошқозон-ичак касалликларида, иштаҳани очувчи восита сифатида, гипертония ва атеросклероз касалликларида, гинекологик касалликларда қўлланилади.

2221. Ҳозирғи илмий табобатда қайси ўсимликдан бачадондан қон кетишини тўхтатишда, сийдик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади? Куш тили ўсимлигидан.

2222. Ҳозирғи замон эман дарахтининг ёш новдалари пўсти қайси касалликларни даволашда қўлланилади? Оғиз бўшлиги касалликларида, оғизни чайқаш, куйишни даволашда.

**ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ**  
**ДОРИЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА-АРАБЧА-РУСЧА  
 НОМЛАНИШИ**

А

Абу Жаҳл тарвизи	Ханзад	Клоаквинт
Айиктовони	Кабикаж	Лютик
Алл гунафшиси	Фүхломинус	Цикламен
Анзираттўштхўр	Анзарут	Камедь растения
Арпабодиён	Оқзира	Розиёнж, фендэль
Асорун	Асорун	Копытень
Афъо илони		Гадюка

Б

Балодур	Балодур	Анакардиум антечный
Боддиргон	Сассиқ коврак	
Бон дарахти	бон	Бан или моринга безкрылая
Боқила	Боқила	Бобиг конских
Бузина	Парни	
Бунк	Бунк	Наскафтон диоскариза
Бўйимодарон	Қайсум	Тысячелистник сантолиновый

В

Варан	Варан	Варан
-------	-------	-------

Г

Газакўт	Сазоб	Руга
Геккон калтакесаги	Сом обрас	Ящерица геккон
Гентивна излизи	Жантиёна	Горечавка
Глет	Кўйидиризган кўрошин	
Гулхайри	Хитмий	Алтей

Д

Дарахт пўкаги	Гориқун	Агарик
Дармана	Ших	Полынь цытварная
Денгиз кўлиги	Забал уа – баҳр	"Морская песня", алконон
Дорчин, долчин	Дорсийн	Диоскорида

Е

Етмак	Кундус	Качим
-------	--------	-------

Ғ

Ғивойи занжабил	Зерупбод	Дикий имбирь
Ғивойи ясминқ	Кирсанн	Вика чеченинсобразная

Ҳ

Жингак	Харнуб	Рожковое дерево, парегратские рожки
Жумрут	Авсаж	Крушина

З

Затъфарон	Затъфарон	Шафран
Зарниҳ	Зарниҳ	Мышыяк

# Ю. Ф. МАХМУДОВ

## И

Игир	Важж	Аир
Индов, таратызак	Хурф	Крест посевной
Иссоп, хисоп	Зуғро ёбис	Иссоп
Итқовун	Ковуд	

## К

Камфара	Кофур	
Кангхастак	Махаб	Вишня магадебская
Кангар	Харшаф	Артишок
Касилю	Балык миньонларды долчин аеб күрөткүчкөн	
Кир, чирк	Васах	Грязевой /налет/
Ковуд, итқовун	Кабар	Каперсы
Кончүл	Момирон	Чистотель большой
Күндер симы	Күндер	Лалаш
Күнор даражти	Сидр	Ююба

## Л

Ладан	Лозан	Ладан
Лакк	Лакк	Шеллак, лак
Ликй шираси	Хүиз	Сок личиня
Лимонүт	Бодранжбия	Мелисса лекарственная
Ложувард	Лоувара	Ляпнис, лазурь
Люлин, "Миср Боккалаң"	Тұрумс	Лютник

## М

Маккан сано	Сано маккий	Сенна александровская
Малобатр	Содак	Малобатр
Марказит, пирит	Моржашисо	Марказит, пирит
Марсии, мирта	Ос	Мирт
Маска ёғ (тарыт)	Зуба	Масло столовое
Маджар	Хомоловуз	Сафлор
Минглевона, эшакмия	Банж	белена
Мозартиюн	Мозартиюн	Волчье мясо
Момвадаироқ	Алусан	Бурачок
Муррний	Муррітіл (мураккаб дори бүлиб, энг яхши муррний есда арпа ундан, үйляппиз, туз, укроп, петрушка уруги, долчин, қарандыл на бошқа дөрілар аралаштырылған тайёрланады).	
Мутос	Мутос	Мугас

## Н

Нащоста	Нашо	Кракмал
Нил үсемштеги	Нил	Индиго красильное

## О

Одагүн	Тирнокгул	
Озодаракт	Озда даражти	Мелкая акцедария
Онила	Амдаж	Миробаланы эмбрические
Оқ харбак	Харбак абиз	Чемерица белая

## П

Парти, бувана	Биш	Аконит борец
Пион гүл, саллагүл	Форониё	Пион лекарственный
Пирит	Марказит	

# ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

<b>Р</b>		
Ротиенаж	Санавбар елими	
Рүзүн	Фувват ус – сабборин	Марена красильная
<b>С</b>		
Сабр ёки сабир, алоэ	Сабир	Сабур, алоэ
Санавбар	Санавбар	Пиния
<b>Т</b>		
Танакор, бурак	Бурак	Сода природной
Тирноктүл, озартун	Озартун	Нетотки
Төгжамбыл	Хембо	Тимьян
<b>Ү</b>		
Үл	Үл	Алюное дерево
Үшар	Ушар	Аскеленнала
<b>Ф</b>		
Фильтхара	Ликний – фильтхраж	Ликний
	Ч	
Чаёнүүт, филагүш (фиц күлок)	Луф	Аронник
<b>Ш</b>		
Шамбала, сарык	Хүзба	Пажитник лекарственный
Вүрнечка		
Шакудус	Шакудус	Шукудис
Шохтара	Шохтараж	Дымника
<b>Э</b>		
Эрман	Асфантин	Полынь горькая
Эрон канраты	Сакбигаж	Сарапен
Эшак колуси	Абу халсо	Воловик красильный
Эшакмия	Минглевона	
<b>Ю</b>		
Юлгун, тубулту	Тарро	Тамарикс, гребенщик
<b>Я</b>		
Ясмин	Есамин	Жасмин
Яемик	Алас	Чечевица
<b>Ү</b>		
Үсма, дил үсемлиги	Васма	Вайда и индиго
Үт	Марора	Жельч
<b>Қ</b>		
Қалампиримичок	Каранфуз	Гвоздичное дерево
Қирик		Смола
Қичиткүйт, газана	Анкура	Крапива
<b>Ғ</b>		
Ғофит	Ғофит	Поскоиник канодициновидный
<b>Х</b>		
Хабб уз – залам	Хабб уз – залам	Хуфа
Хабб чыл – мұлук	Хабб ус	Салотин
Хабб ус – салотин	Хабб уз – мұлук – данда	Кротон
Хабб, хаблори	Хабб	Пиллюля, лекарство
Халина	Халинаж	Миробалана
Хип	Кокина	Кардамон

17. Мұхаммад С. Юрек – бир умр керак. –Т.: Юрист-Медиа маркази, 2011.
18. Мухторов М. Шифобахш ўсимликлар билан даволаш. – Қарши: Насаф, 2009.
19. Набиев М. Шифобахш гиёҳлар. –Т.: Фан, 1980.
20. Набиев М., Шальнев В., Иброҳимов А. Шифобахш неъматлар. –Т.: Мехнат, 1959.
21. Нуриллаев Ю. Лекарственные растения. – Душанбе: Маориф, 1989.
22. Пратов Ў., Тўхтаев А., Азимова Ф. Ботаника. 5-синф. –Т.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2011.
23. Поль Б. Юрек. Дорисиз даволаш усули. –Т.: Зиё, 2009.
24. Рахманкулов У. и др. Псоралея костянковая лекарственное растение. –Т.: Фан, 1948.
25. Саҳобиддинов С. С. Ўсимликлар систематикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1966.
26. Тўрақулов Ё. Ҳ., Фофуров А. Т., Ҳамидов Ж. А. ва бошқалар. Умумий биология. 10–11-син非常明显. –Т.: "Шарқ" НМК, 1995.
27. Кьюсев П. А. Польский справочник лекарственных растений, –М.: ЭКСМО, 2004.
28. Холматов Х.Х., Хабибов З.Х. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. –Т.: Медицина, 1976.
29. Хертцка Г., Стрелов В. Современная энциклопедия народной медицины. 10000 рецептов и советов. Природные лекарственные средства. –М.: Аквариум, 1990.
30. Холматов Х. Х. и др. Основные лекарственные растения Средней Азии. –Т.: Медицина, 1984.
31. Ходжаев К., Холматов Х. Х. Культура лекарственных растений в Узбекистане. –Т.: Фан, 1965.
32. Ходжиметов М. Дикорастущие лекарственные растения Таджикистана. – Душанбе, 1988.
33. Ўзбекистон миллый энциклопедияси. I жилд. –Т.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2000.
34. Ўзбекистон миллый энциклопедияси. II жилд. –Т.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2001.

35. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. III жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
36. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. IV жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
37. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. V жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.
38. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. VI жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.
39. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. VII жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
40. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. VIII жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
41. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. IX жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
42. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. X жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
43. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. XI жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
44. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. XII жилд. –Т.:  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.

## МУНДАРИЖА

1. Кириш .....	3
2. Маслаҳат ва тавсиялар .....	6
3. Соғлиқнинг ўн сири .....	82
4. Ўлчов бирликлари .....	82
5. Сирли рақамлар .....	83
6. Туғилган кун рақами .....	84
7. Туғилган ой рақами .....	89
8. Туғилган йил рақами .....	92
9. Кимё ўзга фанлар хизматида .....	100
10. Дориларнинг ўзбекча-арабча-русча номланиши .....	273
11. Фойдаланилган адабиётлар .....	276



F. МАХМУДОВ

## ТАБОБАТДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ

(қизикарлы савол-жавоблар ва маълумотлар)

**Масъул мұҳар.:** Шукур Жабборов  
**Мұҳаррір:** Алишер Нарзуллаев  
**Тех. мұҳар:** Наргиза Содиқова  
**Дизайнер:** Расул Ташматов  
**Оператор:** Нигора Мухитдинова

Теришга берилди 09.09.2013. Босишига рухсат этилди 28.10.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ гарнитураси. Шартли босма табоги 17,5. Нашр босма табоги 17,5. Адади 2 000 нусха. Буюртма №135.

Нашриёт лицензияси: АІ №183. 08.12.10.

«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.  
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.  
Тел.: 280-58-01, факс: 255-34-28. Dizaynpress@mail.ru

7000



ISBN 978-9943-20-135-4

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-20-135-4.

9 7 8 9 9 4 3 2 0 1 3 5 4  
**«DIZAYN - PRESS»**